

ОЧИҚ Тоҳир  
Шермурод  
ОСМОН  
ОСТИДА

Шоир Муҳаммад Исмоил ижоди:  
тасниф ва тавсиф

**574(575.1)(072)**

**20.1**

**Ш 18**

**Ш 18**

Сўз санъатининг азиз китобхони!

Ушбу рисола тафаккурингизни замонавий ўзбек шеърляти, насри, журналистикасининг ҳикматсевар адиби Муҳаммад Исмоил ижод оламининг сайрига таклиф этади. Сиз ўзига хос поэтик услуб жилолари ва жозибасини камолот йўлидаги кечинмалар, заҳмат, қувонч, тазарру ва изтиробларни бунда ўз ҳаётининг асослари, тартиботи билан сифатлаб, баҳолаб кузатасиз. Инсоний мавжудлик ҳамда фаолликнинг барча жаҳаларида бўлгани сингари ҳикматлилиқ адабий ижод ва унинг илмларида ҳам олий мақом, юксак шарафдир. У гоъвий-бадийий ниёт, адабий орзуларнинг ҳам энг собити, садоқатлиси, саодатга элтгувчисидир.

Услубида ранго-ранг жанрий хусусиятлар тажассуми уйғун Муҳаммад Исмоил ижоди, айни чоқда, истиқлол даврида ўзининг қадим ҳақ ўзани – ҳидоят йўлига тушган ва унда собитқадам бугунги адабиётимизнинг ёрқин бир кўриниши ҳамдир. Улуғ адиб Шукр Холмирзаев эътироф этганидек, Муҳаммад Исмоилнинг хилма-хил жанрлардаги асарлари китобхонни ўйлатиб қўймоғи, мароқли мушоҳадалар сари бошламоғи шубҳасиз.

**ISBN 978-9910-9608-8-8**

© Муҳаммад ИСМОИЛ, 2024.  
© "Ijod NASHR" нашриёти, 2024.



## ТАЗАРРУ САОДАТИ

Шеърлар

Тошкент – 1991 йил, “Камалак” нашриёти

15000 нусха

Шоирнинг илк китоби. Китобдан 30 та шеър ўрин олган. Барча шеърлар бармоқ вазидадир. Аксарияти нажиб туйғулар тўлқини, янгича тафаккур парвозининг қуйма, мўъжаз талқинларидир. Китобнинг номиёқ ўқувчи қалбида инжа маънавий ҳиссиёт уйғотади. Муайян даражада даврнинг янгиланаётган – мустабидликдан халос бўлган, ўз истиқлолига эришган, эътиқодий эркинликка эришган, хурриятнинг садолари янграётган, тазарруни саодат билган шуқуҳини бу ном ўзида мужассам этгандек туюлади. Шеърлар билан танишган ўқувчи ўз хаёлий тахминидида хато кетмаганини, лирик қахрамоннинг дарду кечинмалари, хаёлот

олами, орзу-интилишлари ўз маънавий ҳаёти билан жуда ҳамоҳанг эканлигини идрок қилади, завқ олади.

Баъзи шеърларнинг мураккаблиги ҳам давр адабий жа-  
раёнида кечаётган поэтик изланишлар, тамойилларнинг  
натижасидир. Шеърят ҳеч замонда мураккаб ифодавий-  
ликни ман этмайди. Маъно рангинлиги адабий ижодда ҳа-  
миша талаб, эҳтиёж бўлган. Унга муяссарлик ҳамиша санъ-  
аткорлик ҳисобланган. Шеърхонни фикрлатадиган, қайта  
ўқиб кўришга чорлайдиган, ниҳоят, яширин маъно ёки таг-  
маъноларни шеърхоннинг ўзига кашф этдирадиган асар-  
ларнинг завқи, таассуроти янада мароқли кечади.

Мустақилликнинг илк даври шеърятдаги ёш ижодкор-  
лар вакили Муҳаммад Исмоилнинг ҳам шундай услубий изла-  
нишлар қилганини “Тазарру саодати”даги бир қатор шеърлар  
тасдиқлайди. Дастлабки икки шеърчани келтирамиз:

*Муҳаббатим оғир ботиб,  
Совутди у мени ўзимдан.  
Гўё  
етишай деб югураётимб,  
тушиб кетдим заминдан.*

\* \* \*

*Севгидан ҳаволаниб,  
гуруҳ-гуруҳ гуноҳларим тусгани,  
сангитмоқ афсусларни.  
Сен кетасан хислатга сингмаган муҳаббатим.  
Менга қайтар тавбаю тазарру саодати.*

“Тазарру саодати”нинг сўзбошиси муаллифи, адабиёт-  
шунос Иброҳим Гафуров шоир шеърларининг бу хусусия-  
ти ҳақида шундай ёзади:

“...Унинг шеърларини осон ўқиб кетолмайсиз. Қийна-либ-қийналиб ўқийсиз. Лекин қийналиб ўқигач, шоир хаёлига фикрингиз етгач, дилингиз бирдан ёришиб кетади. Ҳамфикр бўлишга унсиз ундаган бу шеърларни дўст тутгингиз келади”.

Бирданига ёки зўрга анланган фикрнинг, маънонинг ортида бошқа жозиб маънолар борлигини илғаш ўқувчини хаёлий изланиш жараёнига йўллайди. Ўқиш укувга йўл очади. Ўқиш бамисоли ижодий ҳолат кўринишини олади. Мутоалаа ўқувчида унинг ўзи ижод қилганидек кечиши бор. Ва бу руҳан кўтаринкиликни пайдо қилади. Шеър хоҳ муайян даражада мураккаб бўлсин, хоҳ содда, равон, халқона ифода бўлсин, маъно ва тағмаъно ўқувчи қалбига яқин бўлса, умумдахлдорлик миқёси катта бўлса, шеър мухлисини тафаккур қилдиради.

Шоирнинг биринчи китоби ҳар шеъридан қатра-қатра таассурот йиғилади, улар беихтиёр умумлашади. Шоирдаги барча туйғуларнинг халқи, Ватани манфаати билан боғлиқлигини, ўз-ўзини тафтиш ҳам, одамийликнинг шубҳасиз тўғри ўзанларини қидириши ҳам улуғ мақсадлар туфайли эканини англайсиз. Иброҳим Ғафуров умидли ёш шоир истеъдодининг бу қиррасини алоҳида таъкидлаган:

“Муҳаммад Исмоил яшаш ва одам бўлишнинг маъноси, ҳақиқатини қидиради. Одамнинг бугунги аҳволини у Ватан ва халқнинг аҳволи билан бир бутунликда англайди, шундай яхлит тасаввур қилади. Тасаввур ва англашнинг бир бутунлиги унинг дилидаги оғриқларни асло камайтирмайди. Қайтанга, балки оғриқлар кучайганлиги ва барча шеърлари сатрларига залворли юк бўлиб тушганлигини кўради. Муҳаммад Исмоилни таназзулга учраган маънавият ўртайди. У маънавиятда таназзул билан яшаб бўлмайди, деб билади. Таназзулдан чиқиш устида бош қотиради”.

Илоҳий ўйларнинг  
даҳо ўзаги  
чиқмай юзага, –  
юраги чўкади.

Ичин кемиради  
мустамлака ўлканинг  
қаро кўлкаси, –  
юраги чўкади.

Ачинарли  
ҳислар қуйқаси,  
малҳам сутин  
қорайтиради, –  
юраги чўкади.

**(“Таназзул”)**

Бундай усулда ишорат санъати голиб келади. Ишорат шоир қалбидаги армон, изтироб, умид туғёнларини кескин ташбеҳларга ўраб ташқарига олиб чиқади. Ишоратлар моҳиятан залворли, миллат кайфиятига, холи ва интилишига ҳамоҳанг бўлгани учун мантиқда таъсирчанликнинг қуввати юқорилашиб боради. Ғафлат, унинг аянчли оқибати, асоратлари, уйғониш, унинг шарафи, ҳаётбахшлиги идрокда муҳрлана бошлайди. Чинакамига уйғониш истаги кучланади. Тақрибан бундай: “Тун элитар. Эс олар кўланкаси. Тўлганиб туйғулари кўнгилга тун тўлади”. “Рухнинг тепиб тебранувчи оғушига, Қуйилмоқни истагувчи нолишига Тутилгандик, қутилмадик”. Мосуво бўлишнинг давоми бундай кечади:

Сўнг, қармоғига олди қалтироқ,  
Сўнг, хиёнат келди тап тортмай.  
Сўнг, ойдин тун тўхтади таққа:  
Олайиб боқарди у.

Мустабидлик – жафоларнинг манбаи. Жафонинг шакли-шамойили беҳисоб. Зулмлар оғир кечади, асоратлар қолдиради. Соғлом қалб халқи, миллатининг эркисизлигига, озорларига лоқайд қараб тура олмайди. Эл-юртни бирлашишга, маънавият ислоҳига чақиради. Шон-шавкати минг йиллардан буён бор элнинг албатта тантана қилажагига, шонли исломий эътиқод туғининг яна ҳилпирашига шубҳа қилмайди. Олмос каби сафланиб иймонда кучланишга, улуғланиб, ғолиб бўлишга чақиради.

*Гарчанд зафар бизга аён,  
ғолибликдир – ҳаққимиз.  
Ганчанд бу кун тўкилиб қон,  
Қирилмоқда халқимиз...*

*Гарчанд бугун қўллар бўшдир,  
тўла сабр косаси.  
Курашга шай, сўнмас ўчдир  
ҳар кимнинг арз-ноласи...*

*Танимизда аммо ҳали  
худди душман сингари –  
бор даҳрийлик касали  
ва давр иллатлари...*

**(“Софликка даъват”)**

Инсоният тарихи улуғлар шарафи, мероси, саодатли давр ва ҳаётбахш тажрибаларга қанчалар бой бўлса, нотинчлик, жоҳилият, разолатга ҳам шунчалар бой. Она заминнинг турли гўшаларида низо, нифоқ, урушлар содир бўлиб туради. Тинчликсеварлар барча халқларнинг аҳил, иттифоқ, фаровон яшашларини орзу қилади. Олижаноб яхшиликларнинг бутун Ер шари узра таралишини хоҳлайди. Дунёнинг қайси бир бурчагида содир бўлаётганидан

қатъи назар, ёмонлик яхши қалб соҳибини безовта қилади. У оромини йўкотади, келгуси авлодлар тақдиридан хавотирда яшайди. Инсоният оламида залолат, ёвузлик, табақаланиш, низолар ҳукм суришини қоралайди. Бани башар илоҳий мақсадлар билан яратилган, бежиз азиз ва мукаррам қилинмаган. У дунёни обод қилиш учун, бутун қобилиятини яхшилиқ йўлига сарф қилиш ва мангу саодатга мушарраф бўлиш учун келади. Ҳақ йўлнинг ҳамма йўл-йўриқлари эса инсониятга кўрсатилган. Дунёни қайгурувчан тафаккур соҳиблари, аҳли донишлар ҳамма замонларда ҳам одамзотни хушёрликка чақириб келади. “Дунё ҳам қариди...” шеърисида ёш шоир бу ҳақдаги мушоҳадаларини танқидий руҳда акс эттирган:

*Дунё ҳам қариди. Ҳуши ариди,  
Йўл-йўригига бўлмас тушуниб.  
Қуръонни ўқимас, айтиб дардини  
Ўзига қайтара олмас ҳушини.*

*Одамзот қариди. Йўқдир меҳвари,  
Айниган, савдойи одамлар жони.  
Келса гар чўкмоққа лойиқдир бари  
Нуҳ алайҳиссалом даври тўфони.*

*Одамзот қариди. Бўлари бўлди,  
Борар даргоҳи йўқ Худодан бошқа.  
Одамзот қариди. Бўлари бўлди,  
Борар даргоҳ излар Худодан бошқа.*

Мураккаб ифода, модерн талқин тўпламдаги барча шеърларга хос деб бўлмайди. Маънолари равшан, гап бўлаклари тартибининг поэтик ўзгаришлари содда бўлган бир қатор шеърлар ҳам бор. Муҳими, шоир ҳар бир шеърисида ўқувчига янги гап, яъни маъно, илганмаётган ҳақиқатни тақдим этишга ҳаракат қилади. “Тушкунлик” шеърисида

рухиятда кечган маҳзун аҳволни равон, халқона поэтик образлар воситасида ифодалашга эришади. У “Қуним, бизга бошқа кун йўқ, сўнггиси сен” деб бошланади. Журъат ҳам ҳозиргача мунчасини эпладим деб, “ортиқ умид беролмай кўз ёшлаб” эгасини тарк этади. Чангак қалб вужудни минг бўклайди. Инсон ҳаёт ўрамидан ташқарида қолади. Теграсида зув-зув тошлар учади: “Бу ҳаётда наҳотки мен ортиқчаман?!”

Бизнингча, тушкун сийрат манзараси моҳирона чизилган. Айни чоқда, эстетик ниятда тушкунликни “юқтириш” ҳам йўқ. У шунчаки ҳолнинг тақрибан шу тарзда ғамгин кечиши – тасвири. Ёки “Очлик” шеърини олайлик. Бундаги очлик ҳодисасининг қайси тоифа инсонлар нисбатига қаралаётгани ва ундан қайси масалада ўкинч қилинаётгани шеърга қувват бағишлаган:

*Пўлат пичоқ тўғрар нонни  
тигида нур ялтираб.  
Кўзинг ўйнар, ўйнар жонинг  
қараркансан қалтираб.*

*Ғилтиллайди кекирдагинг,  
пичоқ тилса розисан.  
Сен – хўрликнинг югурдаги  
ўлмас бўлдинг очликдан.*

*Меҳр эмас, йўқ, атиги  
тўйдинг бир парча нонга.  
Яна қулга айландинг-да,  
айланмадинг исёнга!*

“Тазарру саодати” шеърларини ўқир экансиз, Иброҳим Ғафуров “Сўзбоши”да бу шеърятдаги яна бир хусусият ҳақида айтган фикрлар жуда тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Олим шундай ёзади:

“У (Муҳаммад Исмоил – Т.Ш) қидириб, қидириб маънавиятнинг асл сарчашмасини – иршод ва ҳидоятни кўкдан топади. Яратганни севиш ва иймон келтириш, севги ва иймонда саботли бўлишни маънавиятнинг асл мағзи деб тушунади. Унинг барча шеърлари асосида шу тушунча – эътиқод ётади. Тўғрироғи, бу метин эътиқод у шеърларга ўзгача бир иқлим – пок бир нафас бағишлайди”.

Шоирнинг ушбу илк китобида бир неча воқеабанд шеърлар (“Айбим кўп...”, “Ҳомилали аёл ҳақида ҳикоя”, “Аҳли аёлим”, “Қўлсиз аскар”, “Пахтада тун бўйи”) ҳам, бир неча севги-муҳаббат мавзусидаги шеърлар (“Ишқми у...”, “Сен – қалбаки бахт”, “Димиққан садолар”, “Тиниқ кўзларингда...”, “Гўзаллигинг сингари”) ҳам бор.

“Тазарру саодати” замонавий ўзбек шеърлятидаги янги бир истеъдоднинг даракчиси бўлди. У ёш шоирдан катта умидворликни барпо қилди. Шеърый ижодга хос муҳим адабий-назарий тақозоларга риоят ва поэтик масъулият ҳиссини илк китоб тиниқ намоён қилди. Шоир услубидаги икки хусусият – бир қадар мураккаблик, бир туркум шеърларидаги оддийлик, содда ифодавийлик услубнинг келажак ривожига ҳавола бўлиб қолди. Шу ўринда аввалдан бўлса ҳам айтиб қўйиш мумкинки, ижодкорнинг кейинги изланишларида – ҳам шеърлятида, ҳам насрида иккинчи йўл баралла ғолиб келди. Бу ғолибият ажабтовур табиий, ҳаётий содир бўлди. Ғоят қизиқарли бу танловни Муҳаммад Исмоилнинг ўзи ҳикоялаб берганки, мавриди келганда кузатамиз, иншааллох. Ва яна унинг услуби янги-янги ифода усуллари билан бойиб борди. Ижод масъулиятининг чуқурлашувини ва услуб тадрижи, сайқаллашувини кузатишда давом этамиз.



## ТАСАВВУР ЧИЗИҚЛАРИ

Шеърлар.

Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1998.

3000 нусха

Китоб билан нашрий таништирув: “Инсон ўз тақдири-ни ўз қўли билан яратолмагани каби истеъдодни ҳам қўл билан яратолмайди. Истеъдод туфайли қалб ўзининг олий даражасига эришади. Қалб илми эса шоир камолотга етказиши лозим бўлган фан. Инсон кечинмаларининг янги сайёрасини кашф этган шоиргина ҳақиқий шоирдир.

Ушбу китобда Муҳаммад Исмоил ўз истеъдодининг “тасаввур чизиқлари” орқали бизни ҳали ҳеч ким из ташламаган сайёрага таклиф қилади, деган умиддамиз”.

Сийратга безовта, аммо соғлом тафаккур ила разм солиш, уни доимо назоратда тутиш, муҳокамали маҳкамага

тортиш инсоннинг ўз-ўзини тафтишидир. Бу жараёнда бардавом сийрат тобора шаффофлашади, инсон қалби фазлларга бойиб боради. Ўзни тафтиш натижалари амални сайқал топтиради. Зоҳир ила ботиннинг тавозунли ислоҳи ислоҳий умр соҳибини гўзал сифатлар билан зийнатлайди, оқил қилади. Ижодкор шахсда жараён унинг ижод лабораториясига сингиб кетади, асарларида нафис ифодасини топади. Шоир ҳар нарса моҳиятнинг тубигача етиб бормоқни, моҳиятни янада юксак мақомда тараннум этмоқни кўзлайди.

*Илҳом ҳам илоҳий бир неъмат эмиш,  
Тун бўйи қон бўлиб уюшар юрак.  
Дилга мос на сўз, на хиргойи келмиш,  
Жоним каби мўъжизавий шеър керак.  
Рухми у, у туйғу, у келса, енгса,  
Лойиқ этса элга, шеърга сўзимни.  
Рух келмас, сел этмас, азобдан эса  
Ўлдир олмайман ўзим-ўзимни.*

Сийратга сайр йўли текис ва равон эмас. У мунтазам турли тадорик ва тадбирларни ҳам талаб этади. Йўл машаққатидан кўрқилса, заҳматлардан қочилса, ислоҳ тўхтайдди. Илоҳий кўрсатмалардан чекинилган бўлади. Шахсият азизлик, мукаррамликдан мосуво қолади. Ғафлатдан, ғофилликдан кўрқиш, ўзни беаёв тергаш маънавий жудоликлар хавфи, таҳдидини яқинлаштирмаслик учундир:

*Курбинг қурғур ўлармон,  
Ҳар туйғуси серуйқу.  
Кўзгар на шиқ, на армон,  
на кулгую на қайғу.*

Сўнгсиз иштиёқ учун  
Шиддат қайда, қайдасан?  
Хаёт очса қулочин,  
сен совуққон қарайсан...

Сен само меҳварида  
Зеро, мангу ўлмайсан.  
Икки дунё бағрида  
Сенинг билан йўқдайман...

**(“Юракка эътирозим”)**

Бандага ҳар қандай тушкун кайфиятни ҳар қандай шароитда қувиш, маҳв этиш амр этилган. Тамом тушкунликка таслимлик – гуноҳ, ширк. Қалбга қандайдир васваса келса, шайтондандир ва у одатда иймони борга йўлдан оздириш учун келади. “Васваса айни иймондир” деб огоҳлантиради ҳадиси шариф. Тушкунликнинг ўзидан эмас, унинг оқибатидан кўрқмоқ жоиз бўлади. Буни лирик қаҳрамон шундай атайди:

Иложсизман дея яшайди тушкун,  
Ўзга чорам йўқ деб, юпанар, холос.  
Билади, бу юпанч тобутдир бугун,  
Ўлгач, азоб учун бўлади асос.

Сийрат муҳокамасида тафаккур бутун манзарани кузатади. Кибрдан покланади. Гуноҳлари уни ўртайди. Улардан истиғфор ила тийилади. Илоҳий ишқи ўзгача қувватланади. Зотан, хато қилмоқ инсон хоссасидир. Ва тавба эшиклари мудом очиқ қилинган. Бу – инсониятнинг бахти. Таскинлик берувчи ҳақиқатлар кўп. Чунончи, бир шеърда лирик қаҳрамон ўзидаги шу янглиғ кечинмаларни туш нақли, усули воситасида баён қилади: айби кўп, айбининг

азоблари уни ҳоритади. Шу даражадаки, ўзни айблашга баъзан қурби-да етмайди. Ўшал айбларда қайта-қайта яшаётгандек бўлади. Терскай тушлар кўради. Эмишки, халойиқ уни ўраб, қуршовга олган. Айби ўзи билан кетсин, у қатлга лойиқ деб, тошбўрон қилмоқчи. Холиқдан бир ҳукм келади: ким Яратган ҳузурида пок ва бегуноҳ бўлса, аввал у тош отсин! Оламон тош отмай, бирин-кетин тарқалади (ҳодиса мантиғида тош отишдан воз кечган халойиқнинг эътиқоди ҳам васфга лойиқ). Айбдор қаҳрамон жазогоҳда ёлғиз қолади. Хулосада айбларни – ўз айбдорлигини оқлаш, ўзига сохта таскин топиш, аввалги аҳволда бардавом бўлиш мотиви йўқ. Аксинча, Яратганга муҳаббатда кучланиш бор:

*...Ўзимни айблашдан чарчасам гоҳо  
Шу бўшлиқ жазоси келар қўйилиб.  
Ожиз бўлиб элнинг ожизлигидан  
Тангрини излайман тўкиб кўз ёшлар.  
Қанчалик ёлборсам ҳақ илинжида,  
Бошимга шунча кўп ёғилар тошлар...*  
**(“Айбим кўп...”)**

Ислоҳда шижоатли инсон ўзининг жамийки амалларини сарҳисоб қилиб яшайди. Қай жабҳадан надомати бор бўлса, улар унга аччиқ сабоқлар бўлиб хотираси, хаёлотида туради. Гарчи амалга айланмаган, илоҳан сўроққа тutilмайдиган, кўнгилдагина кечган ножоиз ўйлар бўлса ҳам, уларни ботиндан бадарға қилиш истагида ёнади. “Кўнглимдаги гуноҳлар – мен йиқилгувчи чоҳлар, Билинтирмай турар яшаб, аммо чоҳга юрар бошлаб”, дейди лирик қаҳрамон. Улардан қутилиш қийин кечади. Қалб бу ҳолдан қийналади. Қалб ҳолига қанча ўртаниб куйганинг сари ғам тўпланиб келаверади. Хатарнинг олдини олмоқ истайди, бироқ чоҳлар тобора кўпайиб бораётгандек туюлаверади.

Гуноҳлар хаёлидан ҳам тийилиш жоизлигига оид қатор саволларни ўртага ташлайди:

*Не гамга дуч этса ҳаёт,  
ўзимдандир бари наҳот?  
Ҳамма қилган ҳамма гуноҳ  
мен учун ҳам бўлгайми чоҳ?  
Минг гуноҳ тортса қаърига  
Етарми жоним барига?*

**(“Кўнглимдаги гуноҳлар”)**

Кўнглимдаги ҳар бири бир чоҳдек туюлаётган гуноҳлар ўзгалар содир қилаётган, қалбга етиб келаётган гуноҳларнинг ҳам оғриқларидир. Қаҳрамон бошқалардаги аҳволотни ҳам бефарқ кузата олмайди. Гуноҳларга оммавий жазолар келишидан қўрқади. Дунёнинг чоҳлар дунёсига айланишини ким ҳам истайди? Бугунги инсониятнинг қандам олиши, бу дунёга, ўз моҳиятига муносабати қандай? У нажот масдарини биладими? Лирик қаҳрамонни шу каби ўйлар ҳам тинимсиз безовта қилади.

Дунё бекаму-кўст яралган эди. “Одамлар ҳаётга, бахтга тўйишди”. Ҳаёти дунё инсонни муштипар онадек ардоқлар эди. “Аммо дунёни ҳам севмай қўйишди”. Катта қисм инсониятнинг ботил йўлда бўлиши дунё ҳаётини издан чиқаради. Дунёда инсон ҳақлари поймол бўлади, адолатсизлик авж олади. Ўзаро ишонч руҳи сўнади. Ҳамма даврларда залолат дунё ҳаётини нотинч қилган, катта урушларга сабаб бўлган. Лирик қаҳрамон инсоният кайфияти ва тарихини умум мушоҳада қилар экан, огоҳликка, нажот истагига чақиради:

*Кимдир эга бўлди, кимдир бош бўлди,  
Дунёни гоҳо тенг, нотенг бўлишди.  
Юракка керакдан ортиги тўлди,  
Сўнг ўз-ўзларини ҳам севмай қўйишди.*

*Замин эса бақо даргоҳи аро  
Зарралигин билмай юзар бахтиёр.  
Аллоҳ марҳамати буюкдир, зеро,  
Унинг меҳригина ёлғиз халоскор.*

**(“Нажоткор”)**

“Юлдузлар...” деб бошлангувчи тўрт бандли шеър мавзу жиҳатига кўра юқоридаги шеърга ҳамоҳанг. Унда инсониятдаги ҳақдан воқиғлик ва гофиллик аҳволи чиройли ўхшатиш, ташбеҳлар билан талқин этилади. Инсониятни кўп махлуқот, мавжудот, наботот, жамодот ҳамма асрларда ва маконларда ҳайратга чўндириб келади. Ҳамма хилқат ва яратикларда Аллоҳнинг тасдиғи ва ҳикматлари бор. Барчаси инсон манфаати учун яратилган. Қалб кўзлари кўрларгина бу илоҳийлик тажассумини идрок этолмайди. Иймонга келиш ҳам Унинг иродаси, марҳамати билан бўлади. Инкорчиларга мўъжизалар ҳам, Аллоҳ элчилари – пайғамбарларнинг ўзларига замондош бўлишлари ҳам қор қилмаслиғи мумкин. Пайғамбар алайҳиссалом осмонда ададсиз юлдузлар чарақлаб турган онда айтадилар: “Шундай юлдузларни яратиб қўйган Аллоҳга не учун ишонмас инсон!”

*Бугун ҳам самода юлдузлар ёнар,  
Кўнгил тунларининг юлдузлари йўқ.  
Улар – ўқ. Ўқинчдан йилт-йилт тўлғонар,  
Улар ўқинтириб ўлдиргали ўқ.*

Ҳамон юлдузлар, коинот жисмлари, қаҳқашон манзараси одамзотни ҳайратга солиб туради. Тафаккур уларга боқиб лол ва ҳайратда. Самода кўк ёниб, офтоб тўлғониб, олам ёруғ бўлиб, бариси илоҳий интизомларида собит. Бироқ, “Дилнинг минг таъзимли нуфузлари йўқ... иймон кундузлари йўқ”. Шеър ниҳояси гўзал ҳақиқат:

*Гофилга берилган ҳар лаҳза, ҳар он  
Самон йўлларидай узун муҳлатдир.  
Юлдузлар эгасин билмаган инсон –  
Бу ёруғ дунёда юрган зулматдир!*

Яшаб турганимиз дунё фоний, ёлғончи, ўткинчи, синовли каби ўнлаб сифатлар билан сифатланади. Эътиқодан шундай. У инсоният учун бамисоли бир меҳмонхонадир. У ҳам ҳар томонлама ўлчовли қилинган. Адашмаслик йўллари ислом билан кўрсатилган ва ҳеч қандай важларга асос қолдирилмаган. Чунки азиз қилинган инсонни жаннат ва унда абадий кечадиган ҳаёт кутади. Эътиқод кишиси шу олий мақом учун ҳамма нарсага, фидойиликка тайёр. Лирик қаҳрамон ҳам шундай ажиб кечинмалар эгаси:

*Бир сония ичра тўсатдан  
эвазига ўлимнинг агар  
Жаннат ваъда бўлса, ўлмасдан  
юрмас эдим гофил, дарбадар...*

Биладики, жаннат орзуси – инсондаги энг буюк, энг олий, энг табиий ва батамом ҳақиқат орзу. Исломи инсонни бошқа кўплаб узун орзулардан қайтаради. Негаки, улар инсон умрини алдаб, адаштириб, етиштирмай зое қилиб қўйиши мумкин. Аммо ҳақ дин алақачон тайёр жаннат соҳиблари бўлишга чорлайди ҳаммани. Унга эришмоқнинг барча имкони ва вақтини Аллоҳ ушбу синов дунёсида қилиб қўйган. Шу боис лирик қаҳрамон ўзига хос хулосага келади:

*Олий бахтга интилсанг жондан,  
Ҳар сония йиллардай узун.  
Йиллар керак экан бир онда  
Сўнгсиз бахтга етишмоқ учун.*

**(“Бир сония ичра тўсатдан...”)**

У дунё ила бу дунё ўртасида инсон учун муайян тафовутлар бор. Инсон рухияти, ботиний олами эса, ўзи фоний дунёда бўлса ҳам, кўринмас ирода билан узлуксиз боғланган. Лирик боғловчи поэтик восита бир шеърда юракдир:

*Ўзга сайёрадан келган бу юрак,  
Ўзга оламлардан келгандир бу жон...  
Ўзга оламларда бўлса ватанинг,  
Ўзга оламларда бўлса муҳаббат.*

Лирик қаҳрамонни ўша ўзга оламга бўлган ўз масъулияти безовта қилмоқда. Юрак ўз кадри, аъмолига кўра нечоғлик муносиб ва тайёр?

*Кўкка кетмоқликни истайсан, аммо  
Сен шаҳид эмассан, сенсан насли хор.  
Зеро, сен ўлдирсанг арзир бу дунё,  
Зеро, ўлдирмоққа у доим тайёр.*

**(“Юрак”)**

Инсоният тарихининг саодат асрига муҳаббат, улуг инсонларга ҳавасмандлик, иймонда саҳобалар сингари бўлмоқни орзулаш мумтоз шеъриятимизнинг севимли мотивларидан бўлганини китобхонлар яхши билишади. “Тасаввур чизиқлари” лирик қаҳрамонининг ҳам шу йўсин туйғулари жуда тошқин, ҳаяжонли. Бу жўшқинлик айниқса “Орзу”, “Шукурки”, “Рухим не истайсан, нени тилайсан?” каби шеърларда яққол эътиборни тортади. “Саҳоба бўлсайдим дейман доимо”, дейди у. Пайгамбар алайҳиссалом билан бир даврда яшаш ўзини билган ҳар инсонга чексиз бахтиёрлик бўлгани маълум ва машҳур. Оқу қорани, яхшию ёмонни ажратиш, ҳақ йўлни топиш ақли бор инсонга осон

кечган. Йўлдан тоймаслик имкони кўп бўлган. Носоғлом муҳитларда инсонни адаштирувчи гоёлар, мафкуралар кўп бўлади. Лирик қахрамоннинг ўз ўтмишидан койиниши бежиз эмас ва мушоҳадаси умумаҳвол ифодасидир:

*Инсонларнинг шахсий фикрати аро  
Ҳақни танигунча шом бўлди умрим.  
Мен иймон ҳукмини устадим, аммо  
Бирни жоҳил, бирни гафлатда кўрдим.*

Шунинг учун ҳам у:

*Пайгамбар даврида туғилган бўлсам,  
Улуғ суронларга умримни бериб,  
Бутун борлигим-ла шиддатга тўлсам  
Шуурим, қувватим, қурбимни бериб.*

дея армон қилади. Шунинг учун ҳам уни ўз азиз жонининг қадри ўртайди, азиз жонини ўша йилларга лойиқ биллади. Ўша ўтмишларга қайтгиси келади. Унинг келажакдан умидворлиги моҳиятан умуминсонийдир:

*Китобларда қолган улуғ даъватни  
Ҳаётда кўролмай ўтарман ғариб.  
Тангрим, бизга раҳму шафқатни  
Рўзи маҳшар кунни этсайдинг насиб.*

**(“Орзу”)**

“Шукурки...” шеърисида у Яратган парвардигори оламнинг ҳақ ваъдалари борлигига ўз шукроналарини изҳор қилади. Аллоҳ аҳлига, ҳақ йўлда собитлар ва фидойиларга муқаррар зафар ёрлигини таъкидлайди. Қай Ватаннингки,

исломи зиёда бўлса, ул диёрни ислом учун севмоқ ҳам иймондандир. Тавҳид бориб етмаган, такбир янграмаётган ҳеч бир гўша қолмади. Бу Заминнинг бахтидир. Ер юзининг барча халқ, миллатлари, бошқа динларга эътиқод қилувчилар ҳам ҳозирги даврда Аллоҳни бир, ягона Илоҳ деб билади. Зеро, бутун ер шари Унинг мулкидир. Замин – бандаман деган ҳар қайси инсоннинг Ватани. Ер юзи узра ислому Қуръоннинг жорий бўлиши уни гуллатади. Исломий хислатлар дунёни яшнатади. Лирик қахрамон учун қайдаки азон баланд янграб турса, у жой Ватандир. У “Ўзбекистон деган юртнинг оғуши”дадир. У шу юртнинг измида, хизматида. Қай юртнингки ҳукми фосиқлар матлаби ила бўлса, у ўзида исён сезади, зулмга қарши отланади. У дейди:

*Тугилган юртимда аммо разолат –  
Ғолиб бўлса, ҳукми менга ўтгайдир.  
Тупроқ учун эмас, сарҳад учун эмас,  
Дин учун курашмоқ бурчим бўлгайдир.*

Қуйидаги бандда исломий биродарлик туйғулари ўзифодасини топган ва бу Ер юзининг нотинч ўлкаларидаги аҳли исломга ҳамдардлик изҳоридир:

*Мўминликдан бошқа миллатим ҳам йўқ,  
Исломдан ўзгача йўқ хислатим ҳам.  
Ислом деб қайда жон берса бир ғозий,  
У менинг акамдир, у менинг опам.*

“Тасаввур чизиқлари”даги қатор тўртликлар, ҳадисий ҳикматлар, севги мавзуидаги шеърлар ҳам ўқувчиларга ўзига хос завқ улашади.



## КЎНГИЛ МУЛКИГА САФАР

Шеърлар

Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 2001 йил

3000 нусха

Шоирнинг мухлислари қизгин кутиб олган тўпламларидан бири, “Илтижо” номли шеър билан бошланувчи ва “Тасаввур чизиқлари” номли туркум насрий қайдлар билан якунланувчи шеърый китоби.

“Илтижо” – хурриятдан чексиз шод, шукронаси қалбда тошқин, халқининг порлоқ истиқболи учун қайғураётган ва Яратгандан унинг муҳофазасини ва камолини сўраётган лирик қахрамон нидоларидир. Юртда хуррият шиддати долғали гувлаётир. Қувонч ҳайқириқлари кўкка ўрламоқда. Ҳар юрак зарбида хуррият нидоси. Аллоҳнинг нусратидир бу! Ўзбек халқи Яратгандан ўзгага топинмайди, Уни жонидан

севувчи ва Унга ёлворгувчи халқдир. Илтижо ила қилинган сўровлар шеърнинг ҳар банди сўнгги мисраларида келади:

*Худойим, мангулик, шон бер ўзбекка.  
Худойим, Сен унга қилгин мурувват,  
Бизни энг юксак эт, Тангри таоло!  
Энг аввал ўзбекни сев, Парвардигор!  
Энг буюк, музаффар ҳаёт бер, Худо!*

Истиқлол руҳига хос кўтаринки кайфият “Янги авлод” шеърида ҳам мужассам. Шеър икки банддан иборат ва ҳар банд, “Нурга тўлиб кириб келди янги ҳаёт, Омон бўлсин янги авлод, янги авлод” нақаротига эга. Янги авлод таъриф-фи, орзуси, ундан умидворлик фалсафаси мохирона битилган. Бандларни тўлиқ келтирамиз:

*У қулмаса, баҳор келмас, қушлар учмас,  
Қизармайди адирларнинг лолалари.  
Бу дунё хуш офтобларга тўлиб кетар,  
Кулганида ўзбегимнинг болалари.*

*Қилиқлари губорингни ўлдиради,  
Эртаси у, эркаси у ўз элимнинг.  
Қучоқласанг, қучоқларни тўлдиради,  
Мунча суюк болалари ўзбегимнинг.*

Бир неча шеърларда юрт жамолидан, унинг манзараларидан завқу шавқ туйгулари қаламга олинган (“Қувонч”, “Богда”, “Бир хушбуй, муаттар...”).

*Ичимда ҳаёт барқ урмоқда,  
Исён кўтармоқда шодлик.  
Ёшлик хуш гаитини сурмоқда,  
Ўз бағрига олди озодлик...*

**(“Қувонч”)**

*Хаёт минг бор гўзал мен кўрганимдан,  
Мен қадр қилгандан минг бор қадрдон.  
Меҳр ялов бўлган қудратим билан,  
Қалб, минг бор ўтлироқ, фидойироқ ён!*

*(“Бир хушбуй, муаттар...”)*

Китобдаги шеърлар кўнгил мулкига қилинган бетўхтов сафарлар таассуротининг дақиқ фалсафий, поэтик ҳосиласидир. Кўнгил мамлакатида меҳр, дард, қувонч, висол, фиरोқ, изтироб – рангин туйгуларнинг манзаралари бор. Барчасига муҳаббат, хаёт ишқи ҳукмрон. Кўнгил мулкида у голиб, у соҳибини яхшиликка йўллайди, яратувчанликка, таваллога, ўзгаларга меҳру оқибат улашишга амр қилади. Ҳаққа, ҳақиқатга суянишни буюради. Бундай кўнгил соҳиб ҳар лаҳзада она, она юрт розилигига шошилади. Меҳри қалбида тўлиб тошади, унда минг бир байт қад кўтаради, мадҳларга сўзи етмай қолади, жаҳон она пойига чўкса-да, кам, дейди. Чунки, “Яратганнинг фариштаси”, “Еру кўкнинг жон риштаси” онадир. (“Онажон”). Аёл яратганнинг мўъжизаси, моҳи, шодликлар маликаси, шоҳи, оламнинг бахти, ҳаётнинг сабабкори (“Аллоҳ мўъжизаси...”):

*Сен билан топгаймиз ёруглик, камол,  
Ишқда саждагоҳсан, эй соҳибжамол.  
Яралгансан фақат муҳаббат учун,  
Ҳар қалбга ҳокими мутлоқсан, аёл.*

Кўнгил оламига сайр тафаккурчанлик ила кечар бўлса ва бардавом бўлса, инсонда ислоҳ иштиёқи тобора кучлана боради. Сийрат ислоҳи, истиғфор ҳам ибодатдир. Тўпламнинг қатор шеърлари шундай пафослари билан ёқимли, шеърхонлар руҳиятига яқин ва манзур. “Ўтинч” шеърида

лирик кахрамон бу кайфиятини юракка мурожаат орқали ифода қилган. “Айт, юрагим, қайдасан, қайда юрибди ҳаёт?!” деган сўроқ-ҳаяжон билан бошланади шеър. Бу қандай ҳаёт тарзидирки, руҳ эгасиз, ёввойи, дайди етим кабидир. Инсон ўзлиги ўзига етти ёт каби. Ирода сушт, бўйсунгиси келмайди:

*Қачон соврилдим ахир, ўзагимни ёв урди?  
Қайси санчилган тигдан беҳуд, беҳушман, лоқайд?  
Нега менда қарахтдир Худонинг берган умри?  
Бир кун Худо олдида нима деяжакман, айт?!*

Ҳаётда ислоҳдан муддао ҳам шудир. Ҳеч бир ўзгача ниятдаги ва кўринишдаги ислоҳ-ўзгартиш бу қадар муҳим эмас. Ҳеч бир бошқа ислоҳий яшаш шунчалик гўзал бўла олмайди.

Бу оғир ўй-мушоҳадалардан мурод умрнинг мазмунини, мавжуд ҳолатини “ҳақ кўзи-ла” таҳлил айламоқ, аниқроғи, уни ҳақиқат кўзи билан кўриб баҳоламоқдир. Зотан, яшамок – буюк бурч, масъулият, имтиҳон экан, инсоннинг ўз умридан ўзи беҳабар ўтишидан ёмон кулфат йўқ. Шу йўсин ғоявий-бадий талкин “То туғилдим...” шеърига ҳам хос. Унда ҳам ботиний безовталиқ: туғилибдики, минг бир савол беҳуд қилади, “Ҳаёт нима, умр нима, ўзим нима?” Ҳаёт йўлин ўргатувчи кимлигин билмай, яшамокни билолмасдан узоқ замон танҳо буюк устоз, мураббий – Роббимиз Аллоҳни танишга муваффақ бўлинади. У – “юрақдан аламларни кетказувчи”, “ҳаётнинг ҳам ҳаётлигин” билдирувчи, у бор экан, мағлублик йўқ, офатлар писанд эмас, ҳам йўлингга, ҳам қўнглингга мазмун беради, тақдир, умр, ўлимга голибона боқасан.

Қўп шеърларида шоир яшамокда хушёр бўлмоққа чақиради. Умрнинг улуғ бир айёмлигини уқтиради (“Кўр

йўқотар ҳассасин бир бор..”). Тўғри, самарали яшамоқни ўрганмай, ўргатмай ўтишнинг нақадар ёмонлигини қуйидаги саккизлик хислатади:

*Дунёда яшамоқ илми бор,  
Уни топмай яшаб бўлмайди.  
Мен тополмай ахтардим абгор,  
Ҳар келар кун мени алдайди.*

*У яширин, на ақл етар,  
На юрак ботиний илгайди.  
Ҳамма уни билмасдан кетар,  
Ва дунёга қайтиб келмайди!*

“Кўнгил мулкига сафар”да она, фарзандлар, устоз ва бошқалар шаънига битилган ёрқин шеърлар бор. Шунингдек, рус шоираси Марина Цветаева ижодидан қилинган “Энди мени ўйламайсиз, уйланмайсиз” деган мисра билан бошланувчи бир таржима шеър, муаллифнинг “Нотўғри хулоса”, “Айириб қўйсалар”, “Ривоятдан”, “Замон сенга бокмаса” деган тўртликлари бор. Севги мавзусида шеърлари кўп. Уларда туйгулар самимий, дардчил, безовта, изтиробли, гоҳ шодиёна, гоҳ маҳзун. Ва ҳаётнинг ўзга муҳим масъулиятларидан айрича эмас, уларга уйғун, муштарак.

“Тасаввур чизиқлари”даги қуйма, асар шаклини олманган, ногоҳоний жозиб фикрлар ўқувчини ҳаётнинг турфа томонлари борасида мушоҳадага йўналтиради. Чуқур маънолар, инсон шуурининг ҳақиқатни изловчанлиги йўлидаги бир тўхтамга келган алқиссалари ҳамма вақт ҳам мутлақ ҳикмат, мутлақ ҳақиқат бўлиб чиқмаслиги, шуни даъво қилмаслиги мумкин. Бироқ улар ҳақиқатларнинг таровати томон бошлайди. Муҳаммад Исмоилнинг митти қайд, битик-

чалари ҳам шундай. Улардан баъзиларини тааммул қилиб ўқийлик:

“Агар нариги дунё ҳисоб-китоблари бўлмаганда бу дунё сахнасида шу қадар усталик билан ўйнаш мумкин эдики...” – Дарҳақиқат шундай. Одамзотни мавжуд мувозанатларда тутиб турган бирдан бир куч шу жойдир. Бўлаётган ҳийла, фитнес, ўйин, устмонликлар илоҳий ҳисоб-китоб хабарига ишонмаслик, унга нописандлик натижаларидир.

“Киши ўз-ўзига инсоф тилашида ҳам қанчалик ватанпарварлик борлигини билсангиз эди”. – Тўғри! Ҳамма жамиятни, унинг у томонини, бу томонини ўзгартиришни хоҳлайди, лекин буни ҳамма барабар ҳамда ўз-ўзидан бошлашга киришмайди. Ҳар қандай умумяхшилиқнинг бош тадбири, ватанпарварлик ҳам ўзликлардан бунёд бўлади.

“Энг бахтсиз ёзувчилар ўз асарларини шайтонлар севиб ўқишидан қўрқмайдиган ёзувчилардир”. Ер юзида фақат ёмонлик таратиш билан машғул кучлар, одамлар кўп. Улар ҳамма воситаларни ишга солади. Бадий “асар” шайтоний васвасалар таъсири билан ҳам яратилиши бор гап. Бунда ижодкор одобсизликлардан тийилмаган бўлади. Эътироз билдирилса, реализмни рўкач қилади...

“Бизнинг хатоларимиз ўзимизни бошқалардан кўра кўпроқ севишимиздан келиб чиқади”. – Инсоннинг ўз қадрини билиши, ўзини яхши кўришида ҳам меъёр-мезон бор. Бунинг ҳам одоб, чегарасини ўрганмок керак экан. Акс ҳолда, инсон узлуксиз қадрсизланиб боради, боши хатодан чиқмайди...

“Кўнгил мулкига сафар” китобининг мутоаласи мароқли, таассуротга бой кечади.



## САРОЙИ ГУЛЛАР

Ҳикоя ва қиссалар. Тошкент,  
Абу Али ибн Сино номидаги нашриёт, 2001 йил,  
адади 1000 нусха

Ушбу тўпламдан ўрин олган ҳикоялар, қиссалар аксарият ўқувчиларга таниш. Улар вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган. Айрим асарлар телеэкранда видеофильм ҳолатида намоиш этилган.

Ёзувчи қаҳрамонлари сизу бизга замондош инсонлардир. Улар бугунги кун ўй-хаёллари, ташвишу изтироблари, кўнгил оғриқлари ва кечинмалари билан гаудаланишади. Хатокор, адашган, босган қадамлари оқибатида надоматли даврдошларимизга ҳам, туйғулари ва дунёқарашлари тийрак, самимий ҳамда ҳеч бир нарсага бефарқ қарамайдиган ибратли тимсолларга ҳам дуч келамиз.

Китоб номига асос бўлган “Саҳройи гуллар” ҳикояси қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётидан олинган. Ёзувчи характерларни ёрқин акс этдиради, табиат лавҳа-манзаралари, гиёҳлар, ўт-ўланлар тароватини моҳирона чизади. Қахрамонлар нутқи, улардаги мақол, ибора, шева сўзлари, маъноларигина эмас, саҳро, қумғон, чайла, саратон тафти, устунга илинган қалампир шодалари каби нарсалар тасвири ҳам характерларнинг ўзига хос қирраларини, захматли меҳнат, турмуш даражаси, муаммоларни таъсирчан кўрсатишга хизмат қилади. Саҳройи гуллар тасвири ҳикояда мусаввирона талқин этилади:

“Атамасиз ўсимликлар бахмал баргли, чумчуқнинг кўзича келадиган хўжағат шонали оч кўкиш гуллар, ҳар қанча жазирама бўлса-да, забаржат рангидаги, аранг кўзга ташланадиган майда-майда ғунчаларини асрай олувчи, новдаси йўғон гуллар, танаси ҳам, ранги ҳам олачипор махлуққа ўхшаган, ер бағрига эшилиб узанган ёввойи ўтлар – ҳамма-ҳаммаси саҳрога янги келган кишини бегоналатиб қўяди. Бу саҳройи гуллар ҳам одамнинг кўнглидаги, унинг ўзи ҳам билмайдиган туйғулар каби ҳар йили барқ уриб дунёга келар, ўз бўйини таратар, уруғ сочар, қиш изгиринида янада ўзи билан ўзи андармон бўлиб замин бағрига сингар, кўкламда кўпайишиб, яна ер юзига қайтишиб келарди”.

Тирикчилик машаққатлари, бу машаққатни вужудга келтираётган сабабларни, рўзгорнинг жамийки юки Она зиммасига тушганлигини, фарзандларнинг меъёрдан ортиқ оғир меҳнатга маҳкумлигини, ота фожиасини ўқувчи қалбан ҳар жиҳатдан ҳис қилади. Радиодан “...пахтакорлар шарбат сувини оқизишда юксак ютуқларга эришдилар” деган гапнинг эшитилишида ҳам, илон ва тилла тангаларнинг тушда кўрилиши, ҳикоя сўнггида “узунлиги ярим қулоч қўлвор илон”нинг қулча бўлиб ётиши тасвирлари ҳам

гойвий-бадий мазмунни очишга йўналтирилганки, моҳият ўқувчига осон англашилади, таъсирга жозибадорлик бағишлайди.

“Ой чиқмаган оқшом” (икки қисмли), “Янги ой чиққан кеча”, “Моҳинур” асарлари жанрига кўра киноқиссалардир. Одатда китобхонликда драматик асарлар баъзи тақозо, заруриятлар сабаб мутолаа қилинади. Айниқса сценарийлар бевосита китобхонларни назарда тутган ҳолда ёзилмайди. Улар томошабинликни эътиборга олади. “Саҳройи гуллар” тўпламидаги киноқиссалар қизиқиш билан ўқилади. Сюжет оқими тезкор, қизгин кечади. Зиддиятлар кескин.

“Моҳинур” – қимматбаҳо тош, олмос. Қаҳрамонга отасидан ёдгорлик. Яъни, ўзининг куни яқинлашиб қолган ота ўғли Қаҳрамонга бек бобосидан қолган Моҳинурни ҳадя қилади. Йигит шаҳарда ўқинини тамомлайди. Ёшлигида ният қилинган қариндошининг қизи Гулбаҳорга уйланади. Тошкентда яшашади. Етти йилки, улар фарзандсиз. Қаҳрамон Нигора исмли аёлга илакишади. Унга уйланишни ваъда қилмайди, аммо фарзанд туғиб берсанг, бир кило тилла бераман, дейди, ўз аёлини яхши кўришини айтади. Асарда аёли Гулбаҳорнинг ҳам Қаҳрамонга муҳаббати мустаҳкамлиги, унинг оқиллиги ишонарли очилган. Сабрсизлик ва бошқа сабаблар Қаҳрамонни тўғри йўлдан адаштиради. Зинкорликнинг касри урди. Гап шундаки, Нигора Қаҳрамон билан ўртасида бўлиб ўтган гапни ўзга жазмани Тоҳирга мақтаниб айтиб қўяди. Тоҳир ўта тезкор таҳдид ила Қаҳрамон ваъда қилган нарсани ундириш қасдига тушади. Нигорага Қаҳрамоннинг устидан шикоятлар ёздиради. Хатлар унинг ишхонасига, хотини Гулбаҳорга йўлланади. Гулбаҳор уйдан кетади. Қаҳрамон уни на шаҳардан, на қишлоқдан топади. Қаҳрамоннинг уй-жойини қаллоблар ўзлаштириб олишга эришади.

Гулбахор шифохонага тушган. Унинг ҳомиладорлиги маълум бўлган. У энди Қаҳрамонни кутмоқда. Қаҳрамоннинг мол-мулкига футур етди. Энг ёмони, у бадном бўлди. Воқеалар сабабчиси – ўзи. Нигорага кўп сарф-харажатни ишрати йўлида сарфлаган. Бироқ у бой эмас, тўқликка шўхлик қилиб, кутурган тоифадан эмас, ўзига хос, шайтон измига кириб гуноҳга ботган кишилар тимсоли. Киноқиссада Қаҳрамон қаттиқ надомат чекаётган, аёлидан унинг кечеришини истаётган образ сифатида ҳам қиёфаланади.

Ҳаётда ва адабиётда қандайдир нодир, қимматбаҳо буюмлар, бойликлар одамлар ўртасига раҳна солади. Одамлар орасини бузади, жиноятлар, ҳалокатларга сабаб бўлади. Аслида шундай воқелик кўп учрайди ҳам. “Моҳинур” да бу йўналиш кўзда тутилмаган. Асар бошида боболаридан бойлик қаерлардадир қолганлиги, Моҳинур ҳақидаги гаплар учраса-да, китобхон воқеалар ривожи шу томонга бурилади, деб ўйласа-да, натижанинг ўзгача чиқиши асарнинг янада қизиқарли чиқишини таъмин этади. “Моҳинур” – олмос сифатидаги нодирлиги, шаффофлиги – маъно жилолари билан инсон маънавияти, унинг бўлиши жоиз сифатларига рамзий ишорат қилувчи бадиий деталдир.

“Ой чиқмаган оқшом” сюжети ҳам кескин воқелик тақдим этади. Биринчи қисм воқеалари нисбатан сокин. Ёшларнинг тест синовлари орқали олий ўқув юртига ўқишга кириш жараёни. Фурқат имтиҳондан муваффақиятли ўтади. Яхши ўқиган, бошқаларга ҳам ёрдамлашган Насиба ўтолмай қолади. У қишлоққа қайтади. Самимий муҳаббати сабаб Фурқат ҳам у билан қишлоққа қайтиб келади. Уларнинг ўзаро муносабатлари шубҳасиз ишончли. Аммо улар муҳаббати батамом барбод бўлади. Кейинги йил ўқишга Насиба кириб, Фурқат киролмайди. Энди ўқиётган Насиба у ердаги ўқитувчи Холмуродга турмушга чиқиб кетади.

Фурқат ақлдан озади. Насиба Холмуродни хиёнат устида тутади. Ажралиб, кизчаси билан қишлоққа келади. Болалари бор эркакка тегиб, бу турмушда ҳам балоларга дучор бўла бошлайди. Бу киноқисса адиб Эркин Усмонов билан ҳамкорликда ёзилган.

“Саҳройи гуллар” китобида Эркин Усмоновнинг “Мафтункор қалб мавжлари” номли сўнгсўзи ҳам бор. Унда Муҳаммад Исмоил серқирра ижодий фаолиятининг баъзи хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Чинакам ижодкорга хос ўз-ўзига талабчанлик, ботиний уйғоқликнинг қисса ва ҳикояларига кўчганлиги айтилади. Эркин Усмонов ижодкорни йўл-йўлакай ҳамма эҳтиёжманд ҳамроҳ одамларга ёрдам бериб кетаверадиган йўловчига (сўнгсўзда шу ҳақдаги нақл келтирилади) ўхшатади:

“Ижодкор ҳам худди шу йўловчига ўхшайди. У кимнингдир кўнглини олиш, кимгадир ҳамдард бўлиш, кимгадир шодлик бахш этиш ниятида яшайди. Унинг елкасида доимий равишда инсонийлик масъулияти, яхшилик масъулияти яшайди ва у буни ўз асарларида акс эттириб, ўқувчилардан имдод сўрайди ва барчани мана шу масъулият сари чорлайди”.



## СИЗ ХАМОН ЎШАСИЗ...

“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2003 йил,  
адади 2000 нусха

Туркиянинг “Чолиқуши” фильми дунёга машхур. Феррида ролини Ойдан Шанер хоним ижро этган. “Мен ҳам у каби (Феррида каби – Т.Ш.) кўп қийналдим, – дейди актриса, – Заҳматлар, тухматлар ва охир-оқибат ҳаётимдаги мен чеккан жабру жафолар, оиламдаги келишмовчиликлар... Булар бари Феридани ёдга солиди”.

“Чолиқуши”нинг муҳаббатга зорлиги, бадиаси – Ойдан Шанер хоним билан учрашув ҳикояси. Хонимда Тошкент, Самарқандни кўриш орзуси бор. У дейди: “...мен Феридани яхши кўрган ҳар бир инсонни жуда қадрлайман. Умуман олганда, Ўзбекистон – ота-боболаримиз юрти. Биз ўзбеки-

стонлик қардошларимизни ҳаммамиз севамиз. Уларга саломлар ва таъзимлар”.

“Озодликнинг олис йўллари” (Саёхатнома) Америка ҳаётидан ҳикоя қилади: оила, Вашингтон, америкача муҳаббат, Нью-йорк, Абраам Линкольн, сўнгсўз мавзуларидан иборат.

“Бу ўлканинг тўрт фасли ҳам – ёз!” (Индонезия таассуротлари) саёхатномасида эса дунёдаги энг қадимги мамлакатлардан бири, қадим маданият, фалсафа, урф-одат, санъатга эга, Европадан қолишмайдиган давлатлардан бўлган Индонезия ҳақида қизиқарли тарихий маълумотлар келтирилади. Буларни суҳбатдош Мансурга Муҳаммад Исмоил сўзлаб беради. “Хуллас, Индонезия сир-синаотга, эртак ва ривоятга, афсона ва ақидаларга лиммо-лим ўлка. Айтганларим – мен кўриб ақлимга сиғдирилмаганларим, холос”, дейди Муҳаммад Исмоил.

“Мени кечир, Мукеш!” гарчи журналист-ёзувчининг Ҳиндистон сафаридан хотиралар бўлса-да, бир воқеа ҳикояси ҳам бор. Сайёҳ билан биргаликда Ҳиндистон манзаралари, хусусан, Деҳлини кузатамиз. Дунёнинг яна бир ажойиб ва ғаройиб минтақаси. Ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоблар излайсиз ва топасиз. Ҳинд кинолари ёки турли фан китобларидан бу мамлакат ҳақида муайян билимларингиз аввалдан бор. Муаллиф кўп эпизодларни тасвирга олиб боради. Бир куни меҳмонхона деворига тақаб қурилган қападан бир болакай уни имлаб чақиради. Болакай ўзи эплайдиган турли ўйинлар кўрсатмоқчи. Уни шундай суратга олиши мумкинлигини айтмоқчи. Ҳиндистон кўчаларида бундай томошачилар кўп. Улар қадрдонлашади. Боланинг бир қизга бўлган севгиси рад бўлган. Сайёҳ амаки орқали яна уриниб кўриш истаги ҳам бор. Сайёҳ кинога тушганида Мукеш деган бу бола ҳам тушган экан. Ки-

нодан болакай таъсирланиб йиғлаб чиқади. Тиланчи бола туйғулари кишини мушоҳадаги бошлайди:

“...Мукешнинг кўнгил изҳорларини етказишимни ваъда берардим. Мен ярим яланғоч бу болакайнинг қалби ноҳоятда тозалигига аллақачон иқроф бўлгандим. Авлиё махатма Ганди ҳам ярим яланғоч кийимда қалбининг тозалиги, тафаккурининг буюклиги билан миллиардлаб одамларни ўз ортидан эргаштирмаганмиди? Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Ананд ҳам чемпионлик тожини кийиш учун ФИДЕ минбарига чиққанида оёқяланг эмасмиди? Нобель мукофоти лауреати Робиндранат Тагор ҳам оилада ўн тўртинчи фарзанд бўлиб туғилган ва кейинчалик Шантиникетонда университет ташкил қилганида ярим яланғоч болаларни талаба қилиб олмаганмиди?..”

Ёзувчи қалбига Тожмаҳал ғурур ва ифтихор туйғулари бағишлайди. Ўзбек қалби, муҳаббати, буюклигини Тожмаҳал тимсолида қайта-қайта кўриб, ким ҳам ҳайратга тушмайди.

Қайтар экан, Деҳли аэропорти ойнасини қаттиқ-қаттиқ уриб, ўзини чақираётган Мукешни кўради. Унга ваъда берган сайёҳ нима дейишни ҳам билмай қолади. Мукешнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилади...

Китобдан ёзувчининг “Қалбимдаги қизил атиргул”, “Саҳройи гуллар”, “Изгиридли кунларнинг бири”, “Тасодиф ўйини”, “Оппоқ гулдай ойдин хотира” ҳикоялари ўрин олган.

“Юлдузлар куйган тун”, “Янги ой чиққан кеча” – киноқиссалар. “Баҳорнинг энг сўнги лоласи” – теленовелла. “Аёлларни ардоқлаган юрт”, “Ҳаммага ёқадиган асарлар ёзиш қийин” – Муҳаммад Исмоилдан ёзиб олинган суҳбатлар. “Ён дафтардаги ёзувлар” – янгилари билан бойитилган қайдлар тизмаси.

Ёзувчи барча жанрлардаги асарларида дунёдаги ўзгаришларни, инсоният ютуқлари, муаммоларини, унинг Яратган олдидаги масъулияти, тақозоларини, Ватан шаъни-шавкатини, замондошларимиз орзу-интилишларини, севгиси, хатоси, надомати, севинчини, турфа ўй-кечинмаларини борица акс этдиришга ҳаракат қилади. Барча тасвир ва улардаги таъсирчанлик ёзувчи адабий-назарий масъулиятининг натижалари. Бу бобдаги унинг нуқтаи назарига хос тамойиллар эса суҳбатларида ўз ифодасини топган.

“Тўғри сўз ҳам, – дейди ёзувчи, – чангалзорда юрган гўзал охуга ўхшайди. Осойишта жойда ўзини кўз-кўз қилади, хатар келса, беркинади. Сўз – жоннинг ҳимоячиси... Ҳар бир одам гапиришдан олдин шу нарсани айтсам, менга зиён етмасмикин, деб ўйлайди. Ҳаётда тўғри саволингизга тўғри жавоб берадиган одам кам учрайди... Гўзал оху қанча кўп яшаса, бизга шунча яхши эмасми?” (“Ҳаммага ёқадиган асар ёзиш қийин”).

Суҳбатда яқин тарих эсга олинади. Мустабид мафкура ҳукмронлиги пайтида тенглик шиори остида нотенглик жорий бўлиши бор эди. Адабиётда ҳам сиёсий талабларга кўра ижод қилиш етакчилик қилди. Бир мисол келтиради адиб: камбағаллик мадҳ этилар эди. Бойларга, бойликка нафрат ҳисси тарғиб қилинар эди. Аслида, ҳаёт моҳиятида, маънавиятда, инчинун, адабиёт ва санъатда бу қуйи масалалардан бири. Адиб бойликка нафрат билан қараш эмас, бойлик ҳалол йўллар билан топилиши, ҳалол йўлларга сарфланиши керак, дея тушунтиради. Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Лев Толстой каби ижодкорлар ҳаётини мисол келтиради.

“Шоирнинг ижодий ва ҳаётдаги амалий маданияти борасидаги саволга Муҳаммад Исмоил қуйидагича жавоб қилади:

“Шоирлик – илохий мақом. Уни оёқости қилганларни сўзнинг уволи тутати. Бугун шеърият боғида “зағча”лар шу қадар кўпайиб кетдики, айниқса қўшиқчиликда. Биз – Навоийнинг, Бобурнинг авлодларимиз. Ижодкор ҳолатида эмас, талай қусурлардан холи бўлмаган оддий бир киши ҳолатида ёзаётганлардан шеъриятимизни асрашимиз керак. Ҳамма нарсанинг ўлчови бор: метр, килограмм, градус. Шеъриятда ҳам шундай: вазн, туроқ, қофия сингари унинг ҳам ўз алифбоси бор. Шеърият чамани “ўтлайдиган” жой эмас”.

Ёзувчининг бу қарашлари унинг қайдларидаги: “Ёзувчининг буюклигини ёзишга усталиги эмас, эътиқодининг пухталиги белгилайди” ёки “Агар қирқ йил шоирликни даъво қилиб, бир сатр шеър ёзолмасам, бу ўша сатрни изламаганимдан эмас, тополмаганимдан далолатдир” каби қуйма фикрларига ҳамоҳанг.

“Сиз ҳамон ўшасиз...” китоби ўзбек прозасига турли жанрларда битилган асарлар мажмуаси сифатида кириб келди ва эътибор қозонди.



## СИЗНИ СЕВМАЙ БЎЛАДИМИ...

Қисса, бадиа ва ҳикоялар, шеърлар.  
Тошкент, “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2005 йил,  
5000 нусха

Китоб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Чингиз Лйтматов айтганидек, “кўзи тирик чоғидаёқ миллий қаҳрамон деган қутлуғ шарафга муяссар” бўлган адиб Одил Ёқубовнинг “Ёшлик гуллари” сарлавҳали сўзбошиси билан очилади. Одил Ёқубов “Адабиётнинг энг мушкул, энг нозик талаби – қалб тебранишларини ифода этиш, инсон кечинмаларининг энг нафис туйғуларини китобхонларга юктиришдир”, дейди.

Муҳаммад Исмоилнинг “Саҳройи гуллар” ҳикоясига юксак баҳо беради: “Бутун масъулиятни бўйнимга олиб айта оламанки, ҳикоя нафақат менга, балки уни ўқиган барча китобхонларга ҳам манзур бўлади”.

“Бир фалсафа борга ўхшайди” бадиаси Одил Ёқубовнинг эътиборини тортади. Бадиа Париждан қайтаётган Муҳаммад Исмоилнинг аэропортда Чингиз Айтматовни кўриб қолиши, у билан самолётдаги суҳбатларини акс этдиради. Одил Ёқубов ёзади:

“Камина Чингизни яхши танийман. У билан кўп йиллардан бери дўстона алоқадамиз. Сўнгги беш-олти йилдан буён эса бирга ишлаймиз... Муҳаммаджоннинг бадиасида бу улкан адибнинг мен қузатган кўп хислатларини – камтарлиги, ўзини ҳеч қачон бошқалардан баланд олмаслиги, суҳбатининг ширинлиги ва энг муҳими, гапирган ҳар бир гапида теран фалсафа ва чуқур мазмун аниқ акс этиши бадиада шундоқ кўз-кўз бўлиб турибди. Муаллиф ўзи кўрган, қузатганларини лўнда, чиройли ифода этиш санъатини яхши эгаллай бошлабдики, у шу жанрда кўпроқ ижод этса, мақсадга мувофиқ бўларди”.

Одил Ёқубов сўзбошиси Муҳаммад Исмоил ижоди ва унинг мазкур китоби ҳақидаги куйидаги жумлалар билан яқунланади:

“Сизни севмай бўладими...” китоби ёзувчининг биринчи асари эмас. Муҳаммад Исмоилнинг “Тазарру саодати”, “Сиз ҳамон ўшасиз” каби тўпламлари чиққан, у бир неча киносценарийлар ёзган. Шу маънода “Сизни севмай бўладими...” китобини унинг ижодидаги ҳамда ўзбек адабиётидаги янги бир қадам дейишга ҳақлимиз”.

Тўпламдаги бадиалар: “Бахтли бўлмоқ шарти”, “Тоғжаҳал – муҳаббат каъбаси”, “Зарнигор”, “Муҳаббат дарси”, “Энг аввал ўзбекни сев, Парвардигор”. Ҳикоялар: “Икки сайёра”, “Шоир”. Теленовеллалар: “Атиргул”, “Антиқа дебют”. Қиссалар: “Тараддуд”, “Моҳинур”. Суҳбатлар: “Худони алдаб бўлмайди”, “Нажот – муҳаббатда”. Киноқисса: “Юлдузлари куйган тун”.

Китоб ўртасида “Чиройлисан тенги йўк” шеърлар туркуми берилган. Ёшлик, умр масъулияти, она юртга муҳаббат, севги, висол ва айрилиқ, интизорлик ва соғинч туйғулар акс этган, содда, халқона оҳангларда битилган шеърлар тақдим этилган. “Хиргойи” шеърида лирик “мен”нинг масъулиги ва эл-юртга муҳаббати бундай ифода топган:

*Сокин елнинг эпкини  
Қўзгар маъсум истакни.  
Севдим ёввойи эркини  
Ва қайғусиз қисматни.  
Дунё халъларининг  
Заррасин қолдирмайин  
Дарди йўқ экин бўлсам,  
Элни севсам нурдайин.*

“Турибман бекатда...” шеърида лирик “мен” инсон умрини тафаккур қилади. Бекат ҳам, патта ҳам шеърда рамзий маъно ташиydi. Умр – қимматбаҳо неъмат. Ҳаёт азалдан бамисоли театр. Ҳокими мутлоқ уни ёзиб қўйган. Агар тақдирда сўз айтмоқ битилган бўлсагина инсон айтади. Бўлмаса, йўқ. Ҳою ҳаваслар инсонни хароб айлайди. Умр бердими, уни сарфламоқ тадбири, нажоти ҳам Ўзининг измидадир. Яшамаган одамгина адашмайди.

*Сен умр бердингу  
танга бергандай  
Сарфламоқ ҳам қодир  
ҳукмингда, Эгам.  
Имкон бер, қудрат бер,  
сўзлай, шеър айтай,  
Недир ҳаққоний бахт,*

недир шарҳи ғам...  
 Бисотингдан нур бер  
 қатра бўлса ҳам.  
 Дил қонсин умрни  
 сарфлаган пайтда.  
 Гарчанд кетмоқ учун  
 шаймас ҳар одам,  
 Барибир барчанинг  
 қўлида патта.

Ажойиб шеър. Илтижо умумкайфият ҳосил қилади. Мушоҳада рангин ва ўзни сарҳисоб руҳида. Бу руҳ ҳамма замонлар поэзиясида қадрланади. Ҳамманинг тақдирида кетиш бор. Разил, ярамас, сергуноҳ умр эгалари ҳам буни билади. Умидворлик уларда-да бўлади. Лекин тавбага ва авфга кечикмаслик жоиз. Бунинг учун эса, инсон ўзини доимо ислоҳда тутмоғи, яхшиликларга шошилмоғи лозим бўлади.

Ҳар қандай мавзунинг поэтик мушоҳадаси тақрибан шу йўсин фониди кечса, эътиқодий туйғулар ифодага жозиба тароват бахш этади. “Сен билан” шеърисида шундай мисралар бор:

Кўндан ҳаво эмас, бахт  
 Кўксимга қуюлади.  
 Ҳар битта тош, ҳар дарахт  
 Илоҳий туюлади...  
 Хуш боқсанг, нигоҳингдан  
 Нурга тўлар сайёра.  
 Тунд бўлсанг, қовоғингдан  
 Қор ёғади қоп-қора.

“Икки сайёра” ҳикояси воқеаси Осиёнинг энг пастки қисмида жойлашган, Ҳинд океани ва Ява денгизи ороли-

даги гўзал ошён – Балида бўлиб ўтганлиги айтилади. Воқеа саёхатчи “мен” тилидан сўзланади. У меҳмонхонада афтидан австралияликлар бўлган эр-хотин билан танишади.

Улар ҳар йили шу ерда дам олиб кетишар экан. Улар ичиб ўтиришибди. Эри чўмилишга чиқиб кетишини айтади, сайёҳ-ҳикоячи кўзгалмоқчи бўлганда эса, хотинини зериктирмай ўтиришини тайинлаб, уни тўхтатади. Йигит аёлда ўз эрига хиёнат қилиш шаштига гувоҳ бўлади. Ҳикоядаги иккинчи воқеа ташқарида, денгиз бўйида юз беради: маҳаллий аҳолидан бўлган эр-хотин ўзаро жанжаллашиб қолади, бир-бирини тортқилашганда аёлининг кўйлаги йиртилиб кетади, буни аёл шу қадар уят билиб, энди қандай одамлар юзига қарайман, деб дод солади. Ўттиз метрча баланд кокос дарахтига тирмашиб чиқиб кетади. “Уятсизга ўлим, уятсизга ўлим, алвидо ҳаёт!” деб баланддан ўзини пастга отади. Ҳикоячи унинг гапларини таржимон орқали тушуниб етади, икки воқеани таққослаб фикрлайди. “Мен бир пайтнинг ўзида икки сайёрага тушиб қолгандай эдим”, дейди у.

“Бахтли бўлмоқ шарти – ватанни севмоқ!” бадиаси юрт қадрига доир чуқур мулоҳазалардан иборат. Муаллиф вилоятда яшовчи бир дўстининг оиласидаги воқеа муносабати билан ватан туйғусидан мосуволикни қоралайди. Дўстининг бир қизи, бир ўғли бор. Ўғлига деб мухташам уй ҳам қурган. Ота-она рухсатсиз ишлаш учун Россияга кетган ўғлини ота у ерда бир ой қидириб, абгор холда топиб келади. Муаллиф ўзи бўлган Афғонистондаги, Кореядаги ҳаёт ва ватан тушунчаларидан, тарихдан таъсирчан мисоллар келтириб ватан севгисини улуғлайди: “Ота-онани қон қақшатиб кетмаслик учун нега унда – болада заррача меҳр топилмади?.. Бу ношукрлик эмасми?” “Биз нафақат ота-онамизнинг, балки шу азиз Ватанимизнинг ҳам фарзандимиз...”

“Энг аввал ўзбекни сев, Парвардигор” бадиаси журналистнинг санъаткор Юлдуз Усмонова билан хориж сафарига кетаётганидаги суҳбати асосида ёзилган. “Нажот муҳаббатда!” эса суҳбатдош Нилуфар Мўминованинг Муҳаммад Исмоил билан суҳбатидир. “Хуллас, – дейди суҳбатда ёзувчи, – ижодкор ҳаётда яхши инсон бўлиши лозим. Худо, авваламбор, бизга яхши инсон бўлишни буюрган”. “Худони алдаб бўлмайди!” суҳбатини Дилбаҳор Худойбердиева олиб борган. Ёзувчи унинг ўндан ортиқ қизиқарли саволларига жавоб беради. Адабий ижоднинг табиати ва заҳмати ҳақида Муҳаммад Исмоил шундай дейди суҳбатда:

“Ҳақиқий шоир бўлиш учун бир кунда қирқ саккиз соат шеърятни ўйлашинг, бир дақиқада минг хил ҳис-туйғуларни назм жиловига сола билишинг ва фақат ва фақат дунёга шеърят нуктаи назаридан қарашинг керак. Унга бир дақиқа бўлсин, бошқа кўз билан қарасангиз, тамом, ундан айрилдим деяверинг. Наср ҳам шундай...”

“Сизни севмай бўладими...” китоби турли жанрлардаги намуналари билан ўқувчини олам ва одам моҳиятининг, ҳаёт завқи ва машаққатларининг, умр қадри ва муҳаббат йўналишларининг ҳаётий, фалсафий идрокларини эътиборингизга тақдим этиб, инсон қалби, шуурининг рангин манзараларига сизни ошно этади.



## БАХОРНИНГ ЭНГ СЎНГГИ ЛОЛАСИ

Ҳикоя ва қиссалар.

Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2006 йил

3000 нусха

Ушбу нашр Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг “Барқарор туйгулар алангаси” номли сўзбошиси билан очилади. Шоира Муҳаммад Исмоилнинг сўз санъаткори сифатидаги салоҳияти, ўзбек шеърляти, насри, журналистикасида тутган забардаст ўрни ҳақида мулоҳазалар юритади. Унинг ёшлар ҳаётидаги воқеаларни ёрқин образларда бадиий талқин этаётганлиги, асарларининг китобхонлар қалбидан нечоғлик таассуротли жой олаётгани борасида илиқ фикрлар юритиб, “Баҳорнинг энг сўнгги лоласи” китобини ўқишга тавсия қилади: “Марҳамат ўқинг, завқ олинг, Сизнинг кўлингизда ўзбек адабиётининг янги бир тухфаси, янги бир муаттар гулдастаси!”

Китобдан ёзувчининг ўн учта асари – ҳикоялар (4 та), қиссалар (3 та), киноқиссалар (3 та), теленовеллалар (2 та), бир бадиа жой олган. Асарларнинг кўпи ёзувчининг доимий муҳлисларига таниш бўлиши мумкин. “Сен – қалбимнинг ардоғисан!” қиссаси янги тақдимлардан бири.

Қисса асосий қаҳрамонлардан бири – Шероз томонидан ҳикоя қилиш усулида ёзилмаган. Бу жиҳати аввалги бир қатор ҳикоялар, қиссалардан асарни фарқлаб туради. Ёзувчи Шерознинг кечинмаларига ўқувчини яқиндан ошно қилади. Унинг Фарангизга бўлган муносабати – ишқий ҳис-туйғулари, ҳаётининг қайси палласида бўлмасин, жуда самимий, покиза, жўшқин, ҳаёли, изтиробли. Бу – Шерознинг севгини, ўзи ва қиз ор-номусини ҳамма нарсадан азиз ва латиф неъматлар деб билгани туфайлидир. У ўзи тўғри деб билган йўлга садоқатли, сабр-тоқатли йигит. Ёзувчи унинг – характернинг барча ўзига хос хусусиятларини, қаҳрамондаги беғубор туйғуларни, руҳий жараёнларни ишонарли тасвирлайди.

Дастлабки воқеалар ёшларнинг ўқувчилик даврида бўлиб ўтади. Шероз Фарангизни танир, аммо бир куни янада унга яқин бўлиб, яхши кўриб қоламан, ҳаётимда у билан боғлиқ кескин, ақл бовар қилмас бурилишлар бўлиб кетади деб, ўйламас эди. Қизлар аро ўтказилган конкурсда юз бериши мумкин бўлган ноҳақликнинг олдини олишга Шероз ўз эътирозли аралашуви билан сабабчи бўлади. Қизнинг голиб чиқиши воқеаси улар ўртасида ўзаро дилдошлик ҳосил қилади. Фарангиз куйлашда, Шероз шеърда истеъдодли. Уларнинг орзу-ҳаваслари мўл. Бир тўйда қизга қўшиқ айттиришади. Тўйдан сўнг қизни кузатишни мўлжаллаб турган Шероз билиб қоладики, ўзининг номидан кимдир қизни алдаб мактаб боғи томонга чақиртирган. У югуради.

Икки ёш ҳаёт оқимини тубдан бошқа ўзанга буриб юборган мудҳиш ҳодиса шунда рўй беради. Қизга мактабни бир неча йил аввал битирган, безори ва нашаванд Тоштемир тажовуз қилаётган эди. Унга кучи етмаслигига кўзи етган ва ундан калтак еган Шероз тош билан ҳужум қилади, қизни қутқаради. Тоштемир шифохонада ўлган. Шероз судда жанжалнинг қизга боғлиқлигини ошкор қилмай, олти йилга қамалиб кетади. Қамокдаги ҳаёти оғир кечади. Саидаъло деган ҳамхонаси унга тўғри ўғитлар беради. Унингча, Худога ишонмаганлар албатта ҳалокатга учрайди, сабрли, иродали бўлиша олмайди. Эси оғиб, мувозанатини йўқотиб қўяди.


Асарда Шерознинг қамокдаги ва кейин озодликдаги руҳияти ўз табиий кечинмалар, қарорлар оқимига эга. Шу йилларда унинг Фарангиз билан алоқаси батамом узилмаган бўлса-да, ҳаёт йигитга аввалгидек ёруғ туюлмайди. У энди ўзини бу севгига, Фарангизга номуносиб ҳис қилиб яшайди. Қиз консерваторияда ўқиган, ижод қилган, эстрадада машҳур юлдузлардан бирига айланган. Шероз унинг катта концертига бориб, улкан қилиб дасталанган гулини ҳам бировлар орқали беради. Қизга кўринишни унга хижолатли деб билади.

Воқеалар ривожда ўқувчини Фарангизнинг Шерозга бўлган эндиги муносабатлари қизиқтиради. Унинг қарашлари кўпроқ қиссанинг охири саҳифаларида очила боради. Қиз уни аввалгидан-да яхши кўради, доимо қутган, келмаётганидан ажабланади. Уйланишга беҳафсалик билан қараган Шерознинг тўйи дарагини эшитган Фарангиз машина тухфа қилиб юборса-да, қалби таскин топмайди. Шероз шаҳарга келади. Улар учрашади. Шероз ўзининг Мушарраф билан бўладиган тўйини тўхта-тиб, Фарангизга уйланишини айтади. Қиз эса, кутилма-

ган гап айтади. Бошқага тегишга ваъда берганлигини билдиради...

Сюжетдаги воқеалар ечими бўлиши жоиз ва мақбул кўринган, адолатли деб ҳисобланган бадий ечимдир. Фарангиз кутилмаганда созандалари билан тўйга келади ва кўшиқлар айтади, ёшларни табриклайди. Шероз ҳақидаги ҳақиқатлари ҳаммага ошкор сўзлаб беради. Буни – бошдаги жиноят воқеасининг асл моҳиятини одамлар энди эшитишмоқда. Барча, келин либосидаги Мушарраф ҳам ҳолатни тўғри тушунадиганлар бўлиб чиқади. Тўй Шероз билан Фарангизнинг никоҳ тўйига айланиб кетади.

Ёзувчининг “Баҳорнинг сўнги доласи” китобидаги бошқа асарларда ҳам муҳаббатнинг бадий талқини бу жараёндаги кутилган-кутилмаган синовлари, зиддиятли кечинмалари, ғуссалари, қизиқарли натижалари билан намоён бўлади.



## КЎКСИМНИ КУЙДИРГАН АЛАНГА

Шеърлар. Хикоялар. Бадиалар.  
Тошкент, Гафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008 йил  
5000 нусха

Китобнинг дастлабки саҳифаларини уч хикоя эгалланган: “Яралгандир хуснингиз нурдан...”, “Кўксимни куйдирган аланга”, “Кутилмаган қўнғироқ” (бадиа). Улар ишқ-муҳаббат мавзусида. Замонавий ёшлар ҳаётида муҳаббат туйғулари қандай манзаралари билан кўзга ташланади? Ишқ кўйида улар ҳаётида қандай воқеликлар содир бўляпти? Ўзаро муносабатларда беғуборлик, мақсадлар йўлидаги интилишлар қайси жиҳатларига кўра жозибадор? Ҳаётда уларга қандай тўсиқлар, монеликлар бор?.. Хикояларда шу каби саволларга муайян жавобларнинг бадий талқинига гувоҳ бўласиз.

Уч ҳикоя ҳам уларнинг қаҳрамони – йигитлар тилидан баён этилади. Бу ҳикоячи тимсолларда илк севги кечинмалари самимий, айна дамда, қайноқ, оташин. Шунингдек, қизгин орзулар, фидойиликка шай кайфиятлар билан уйғунлашиб кетган. “Яралгандир ҳуснингиз нурдан” ҳикоясидаги студия раҳбари Фатхулла ўқувчида қаттиқ нафрат уйғотади. У ҳуснда кўзга яқин, ҳали ёш бўлишига қарамай, элга танилаётган, телевидениеда ўзи билан ишлаётган Гулҳаёга шилқимлик қилиб, боз устига қизни айбдорга чиқариб, ишдан ҳам кетишига сабаб бўлади. Воқеа қизнинг оиласида нотинчлик билан давом этади. Уларни-кида ижарада турувчи йигит ғойибона тарзда қизни севади. Қиз ҳаётининг алғов-далғовларига у ҳам энди табиий равишда аралашиб кетади. Гулҳаё уни деб ҳамма нарсадан воз кечади, улар кескин драматик воқеалардан сўнг турмуш қуришади.

“Кўксимни қуйдирган аланга”да Ғолибшер ва Лоларух севгиларининг кушандаси – қизнинг ота-оналари, қизга уйланган терговчи йигит, орага тушган нозик одамлар, шаҳар ҳокими, маҳалла оқсоқоллари, қариндошлар. Ҳикоя кутилмаган жиноятлар билан тугайди. Аммо Ғолибшерга охирги хатини “ўзини ўлимга отмоқчидек” тушкун кайфиятда йўллаган қизнинг ҳузурига йигит тез отланади. У қизни абгор қилганлардан ўч олмоқчи, қизни бу рухий мусибатдан қутқармоқчи. Унинг кўксини муҳаббат алангаси ҳамон қуйдирмоқда...

Китобдан ёзувчининг “Тасодиф ўйини”, “Шоир”, “Қалбимдаги қизил атиргул”, “Сиз ҳамон ўшасиз...” ҳикоялари, “Антиқа дебют” ҳажвий теленовелласи, “Кечиккан мактуб”, “Зарнигор”, “Мени кечир, Мукеш”, “Бошимдаги тожим онам”, “Шаҳодат дафтари”, “Эътироф” бадиалари, катта туркум ён дафтардаги ёзувлари ҳам ўрин олган.

Бадиаларнинг барчаси реал ҳаётини воқеалар асосида ёзилган. Муҳаммад Исмоил ўзи айнан кўрган, гувоҳи бўлган, ўзи ҳам иштирок этган ҳолат-ҳодисаларни тасвирлайди. Қатнашчиларнинг ташқи ва ички қиёфаларини улар қандай мавжуд ҳамда қандай намоён бўлса, бўйб-бежамай, шундайлигича гавдалантиради. Ўзи ҳис-ҳаяжонга тўлиб ҳикоя қилади. Ҳар бадиа мавзусида мазмун-моҳиятни бутунлигича юзага олиб чиқади. Ўқувчи ровийга астойдил ишонч билан эргашади. Унинг воқеа ва шахсларга бўлган муносабатига, баҳосига, мақтовига, танқидига, улар устидан чиқарган бадиий ҳукмларига чиндан хайрихоҳ бўлади. Умуман эса, бадиалари ҳикоядек, қиссадек эстетик таассуротлар қолдиради.

Ҳикоялари, қиссаларида эса эссе, бадиа, журналистикага хос маҳорат қирраларини ҳам сезиб қоласиз. Бу ажиб адабий уйғунлик мутолаани янада қизиқарли қилади.

Адиб асарларининг ўзи белгилаган жанр хусусиятлари алоҳида тадқиқий масала. Ва илмий-назарий ўрганилса, ўзига хос тадқиқот ҳам балки юзага келар. Бу ижодда шунга асослар кўп. Чунончи, “Бошимдаги тожим онам”ни бадиа эмас, каттагина воқеий қисса ҳам дегингиз келади. “Зарнигор”, “Мени кечир, Мукеш!” сингари яна баъзи бадиалар ҳам жанрий жиҳатига кўра назарий баҳслар уйғотади.

Муҳими, “Кўксимни куйдирган аланга” китобидаги китобхонларга таниш ёки янги – энди танишаётгани бадиалар миллий замин, миллий нуктаи назардан туриб, шу негизда моҳиятларни идрок этиб ва кўрсатиб, умуминсоний ғоялар, фазилатларни илгари суради. Зотан, адабиёт ўзи шундай бўлмоғи керак. “Музаффар сарҳисоб” бадиасида адиб бу ҳақда қуйидаги фикрларни айтган:

“Офтоб умумбашарий бўлганидай, адабиёт ҳам миллат сарпосига ўраниб, пешонасига миллат туғроси кўрк сочиб,

кўкрак кериб турмоғи, аммо қалби бутун инсоният учун, Одам Атнинг жамийки болалари учун умумбашарий бўлмоғи лозим.

Шонли адабиётимиз шундагина жаҳон саҳнасига чиқади ва оламшумул муваффақият қозонади. У қайсидир шахс югурдаги, қайсидир фирқа яловбардори, ғайриинсоний кучлар хизматқорига айланса, бу адабиёт ўша давр адабиётчилари ўлмасидан бурун ўлади... Бунга яқин ўтмишдаги тарих гувоҳ”.



## ОСМОН ТЎЛА ОРЗУЛАР

Ҳикоялар

Тошкент, “Sharq” нашриёт-матбаа  
кциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2011 йил,  
500 нусха

Китобнинг “Таҳсин”, “Ҳаёт боғи”, “Сиз бунча яхшисиз” фасллари шеърлардан, “Сўз диёри даргалари” фасли бадиалардан, “Осмон тўла юлдузлар” фасли ҳикоялардан ташкил топган. Китоб сўзбошиси “Кенгликларга талпинар кўнгил” ҳам бадиадир. У ёзувчи Шойим Бўтаев қаламига мансуб.

Адибнинг бир қатор китоблари сингари ушбу тўплами ҳам ҳар хил жанрлардаги шеърлар, насрий асарлар мажмуасидир. Эл-юрт ҳаётидаги эзгуликлар таъсирида битилган қатор шеърларда қасидавий руҳ стакчилик қилади. “Чорлов”, “Шаънингга шеър излайман, Ватан”, “Баркамол авлод

қасидаси”, “Хорижда”, “Тошкент”, “Сирдарёликлар”, “Ўзбек”, “Дўстлик мадҳи” шеърлари шулар жумласидандир. Шоир ишончсиз, баландпарвоз мадҳдан қочади. Ширкий ифодалардан асранади. Аллоҳ марҳаматларини инсонга нисбат бермайди. Имконият қувончларини қуйлайди, ўтмиш билан бугунги ҳаётбахш ўзгаришларни қиёслар экан, яхшилик йўлида шижоат кўрсатишга, ҳидоятда мустаҳкам бўлишга, юксак тараққийга чорлайди:

*Эй, азиз эл, азиз жон қадар,  
Енгдинг зулм тўсиқларини.  
Қуйлайлик, кел, озод, музаффар  
Мустақиллик қўшиқларини.*

*Буюклигинг қайтди қайтадан,  
Мустақиллик иноят бўлди.  
Азиз этди бизни Яратган,  
Танлаганинг ҳидоят бўлди.*

*Муслим эдик Қуръон кўрмаган,  
Уммат эдик исломдан йироқ.  
Қизил девор кўчиб ўртадан,  
Англаб етдик недир яшамоқ!*

**(“Чорлов”)**

Ҳар қандай донишона тафаккур эгасини, маҳорати баланд қаламкашни ожиз қолдурувчан мавзулар борлигини ҳамма билади. Шундай мавзуларда ёзилган ҳамма асарларда ҳам муаллифлар айна мавзу васфига тил ожизлигини, муҳаббатнинг изҳорига поён йўқлигини албатта эътироф этиб ўтади. Шоир Абдулла Орипов “Фақат ожиз қаламим маним” дегани каби. Муҳаммад Исмоил Ватанга

меҳру муҳаббат изҳоридаги умумшеърият “ожизлиги”нинг ҳамоҳанглиги борасида изланиб, бу туйғунинг янги қирраларини юзага чиқаради. Унинг “Шаънингга шеър излайман, Ватан!” шеърини назарда тутмоқдамиз. Лирик қаҳрамон Ватан шаънига ҳар куни минг бир шеър излайди. Уни топиб, ҳар куни ўн бор, юз бор қуйлагиси келади. Ватан – ўзи мадҳдир. Ундаги манзаралар ватанни минг йиллардан бўён таърифлайди. Қанча-қанча одамлар, истеъдод эгаларининг Ватан мадҳидан маҳрум ўтганлиги ҳам, афсуски, бор гап:

*Милён, милён одам  
келди, кетдилар.  
Ёзмоққа тақозо қилмай  
вазият.  
Шу Ватанга меҳр  
изҳор этдилар –  
Кўкларда у маъсуд,  
шеърий васият...  
Темур бобом учун  
ҳикмат берилиб,  
Тирилмогин Худо  
этса ихтиёр,  
Соҳибқирон бугун  
мағрур керилиб,  
Қиларди, эй, Ватан  
сендан ифтихор.*

Ҳамма шоирлардаги васфга ожизлик талқини бу шоирда ўзига хос кечади, дедик. Лирик қаҳрамон мавзу доирасида ўз меҳри, севгисини тааммул қилиб кўради: мана, ниҳоят нур балқиди. Ватан музаффар кайфиятда ўз қаддини кўтарди. Ер шарининг яна бир гўшаси мунаввар, кўркам бўлди.

Мустақиллик тожи минг йилларга етгулик толе қуёшидир.  
Озодлик узоқ йиллар исталган матлаб эди. Шундай экан,  
энди севинмоққа лирик қаҳрамон ҳақлидир:

*Кеча эрксиз эдинг,  
қилдим таъналар,  
Қўшилиб йиғлашни  
ўйламаганман.  
Бугун юртда экан  
тўй-тантаналар,  
Наҳот севинмоқни  
уддаламасман?!*

Улуғвор янгиликни чин севмоқ, унинг қадрини ҳис этмоқ кимларга хос? Албатта, бунинг нималигини билиш машъум ўтмишни билган, ҳис этган ёки эрксизлик таъмини тотган ва икки тарихни таққослай билган фаҳми баландларга хос. Лирик қаҳрамон буни жуда яхши идрок этади. Шунинг учун ҳам у Ватан мадҳини юксак оҳангларда қуйлашни ўзига шиор қилиб, изҳорларини баланд пафосларда яқунлайди.

*Яшар ва курашар  
ҳар ким аҳд билан,  
Бугун бор, эртага  
бўлмасман, аммо  
Энг гўзал у шеърни  
жону жаҳд билан  
Шаънингга айтмасдан  
ўлмасман асло!*

Лирик қаҳрамон қай бир мавзуда фикрламасин, қал-бида элу юртига, миллатнинг ифтихорларига муҳаббати,

Яратганга шукронаси, илтижо ва муножоти жўш уриб туради. Дўстликни улуғлар экан, чин дўстларининг дўсти умрбод Қодир Худо бўлмоғини тилайди (“Дўстлик мадҳи”). Севгисини шеърий изҳор этар экан, бахтни Худодан сўрайди, Унга ёлворади, Ундан ўзга мадаккор йўқ деб билади (“Не бўлди”). Шоирлик не эканини тафаккур қилар экан, илҳомни кўкка доир, илоҳий Зотга доир деб билади (“Сурур”)... “Ҳаёт боғи” шеърида қодир, қудратли Зотдан паноҳ, сабр, тоқат, бахт сўрайди. Аллоҳ инсонга иймон тахтидан жой берса, у ҳеч қачон хазондек пастга узилиб тушмайди. Чунки нажот ришталари қалбдан аршга боғланган:

*Гоҳо чақмоқ урар, гоҳ довул босар,  
Гоҳо қурғоқчилик, гоҳо урар сел.  
Шу боғ каби мангу қутқуда башар,  
Шу боғ каби паноҳ истаб яшар эл.*

*Гоҳо истакларинг ошмай амалга,  
Гоҳ гариб қолсанг, гоҳ қолсанг нотавон,  
Беҳос шак келтириб тақдир азалга,  
Бир-биринг устингдан кулма, эй инсон.*

“Ҳожи ота” шеъри марсия, “Нидо”, “Тангрим!” шеърлари муножотлардир. Уларда ҳам лирик қаҳрамон ҳидоятнинггина заминни мунаввар қилишини, барча залолат, ёмонликлардан тўхташгина инсониятга саодат келтиришини – улуғвор ғояларни қуйлайди. Шеърлар моҳирона ёзилган. Сўзлар садафдек терилган, инверсия мисраларга жозиба, ўзига хос майин оҳанг бағишлаган. Маънолар, улар замиридаги ҳикматлар осон фаҳмланади, фикрлатади:

*Ишончим – хазинам, ожизлик – фаҳрим,  
Қалбимнинг роҳати ибодатдадир.*

Бор шавқим, рағбатим сенгадир, Тангрим,  
 Дардимнинг тоқати итоатдадир.  
 Ер шари Аршингда заррадир, зарра.  
 Меҳрингдан мосуво хазон бўлмасин.  
 Ҳар онда, ҳар қачон, минг бор, минг карра  
 Мадҳинг янграмаган замон бўлмасин!  
 (“Тангрим!”)

“Осмон тўла орзулар” китобининг “Сиз бунча яхшисиз”  
 фасли севги мавзусидаги лирик шеърлардан иборат. Сев-  
 ги умумтасаввур мезонларидан туриб васф қилинади. Ма-  
 жозий севгисини лирик қахрамон илоҳий иродадан айро  
 тасаввур қилмайди. Аксинча, уни қисмат, уни синов ва  
 ғайбий марҳамат деб қарайди. Бу мавзу бадиий талқинига  
 жозиба фуради. “Икки дил достони” шеърида шундай ми-  
 сралар бор:

Само китобиди минг йиллар бурун  
 Тақдир деганлари ёзилса агар,  
 Сенинг ҳам тақдиринг демак мен учун  
 Азалдан жонажон экан муқаррар...

Ер учун Қуёшни яратди Холиқ,  
 Юлдузлар ҳам тунни ёритмиш масрур.  
 Мен учун сен бўлдинг нурафшон борлиқ,  
 Умримни ёритди кўзингдаги нур...

Шеър ўз ниҳоясигача шу руҳда ёзилган. Лирик қахрамон  
 ботил фикрламайди. Инсонларнинг, соф меҳр-муҳаббат эга-  
 ларининг, чин дўсту ёрларининг у дунё жаннатларида ҳам  
 жамулжам яшашларини истайди. Инсоний бу туйғулар ду-  
 нёда оёқ-ости бўлмаслиги, мусаффо асралиши жоиз:

Йўллар тўзонида мен кимман – хасман,  
У кун хас танимдан қолмаса нишон,  
Қайта яшамоқни орзу қилмасман,  
Сени асрамоқни қиларман армон...

Бахтлиман, шу етар, эмасман ҳайрон,  
Кеча келган эдим, эрта кетарман.  
Инсон ўлмас, фақат тарк этади жон,  
Шу боқий жон билан сени севарман.

“Ҳаёт”, “Супур”, “Гоҳ шодман, гоҳида...”, “Шубҳа”, “Кашфиёт”, “Айтинг”, “Фан”, “Не бўлди...”, “Узр”, “Неча кунки...” каби шеърларда ҳам кўнгил кечинмалари, изҳорлари беғубор. Лирик қаҳрамон неча кунки хабар кутади. Жимлик юрагига хавотир солади. Уни йўқламаётир. Телефондан эса бўрон ёки кўчки ҳақида хабарлар келади. Шеърда ажойиб қаршилантиришли таққос, аҳвол билан табиатнинг рамзий қиёси бор:

Дил ёгса, сел келса ё ёмғир ёгса,  
Бу балки баҳорнинг нозу виқори.  
Гоҳ алам, шодликдан тугёни ошса, –  
Табиатнинг Ерга севги изҳори.

Қачондир бизлар ҳам юракда чақин,  
Согинч азобидан етмай бардошлар,  
Учрашар эдик-ку булутлардайн,  
Ёмғирдай ёгарди кўзлардан ёшлар.  
**(“Неча кунки...”)**

Руҳий ҳолат ва табиат ишининг уйғунлиги ифодасида “бўрон”, “кўчки”, “сел” поэтик образлари моҳирона топил-

ган ва қўлланган. Шеър сўнггидаги банд бундаги таъсирчанликни янада кучайтирган:

*Сиздан хабар кутиб жонимда титроқ,  
Куним йўл термулиб ўтар бетоқат.  
Телефондан эса этганча огоҳ,  
Кучки ё сел ҳақда келаверар хат!*

Фаслдаги охирги шеър “Тобора” деб аталади. Сўз тақрорлари маънони янада кучайтира боради. Маънонинг турли қирраларини очади. Ушбу шеър ҳам шоирнинг маҳоратини ҳис этдиради:

*Тобора гуриллаб ёнмоқда олов,  
Тобора каттароқ, тобора кенгроқ,  
Тобора ўзимга билмасман аёв,  
Тобора каттарар кўксимда ингроқ...  
Туйгулар ёнмоқда, идрок ёнмоқда,  
Ёнмоқда шиддатли, тобора асов.  
Бир жонсарак нафас сарсон томоқда,  
Тобора гуриллаб ёнмоқда олов.*

“Сўз диёри даргалари” фасли бадиалардир. “Диёнат дарёси” ўзбек ва кўплаб қардош халқларининг севимли адиби Одил ёқубов ҳақида. Муаллиф холислик ила ҳайрати ошиб ҳикоя қилади. Одил Ёқубов одамийлигининг, дунёқарашининг, ижод лабораториясининг китобхонларга яқиндан таниш бўлмаган ажойиб жиҳатларини кучли эҳтиром билан баён қилади. Буни қуйидаги тавсифлардан бошлаб қизиқиб ўқийсиз:

“..Гаплашганда ниҳоятда зийрак, ниҳоятда хушмуомала, илтифотли эди. Суҳбатни майдалаштирмас, йўқ

нарсалар ҳақида гапириб, вақт сарфламасди. Ҳазил-мутойибалари замирида албатта чуқур ҳикмат ётар, оилавий можаролару сабзи-пиёзнинг ўйнаб турган нархи ҳақида гап-сўз бўлмасди”.

“Одил ака эса саксон ёшда ҳам бир қадам ортга чекинмайдиган, мард, қатъиятли, темир иродали, қўрқмас жангчига ўхшарди. Тафаккури шундай эди. Фикрлаш қобилияти забардаст ва юксак эди”.

“...Одил ака ҳам халқ ва ҳақиқатни бутун умри давомида оловли муҳаббат билан изчил ва фидойи, жону жаҳони бериб севди”. “Одил ака миллатимиз қахрамони эди”.

Бадида Одил Ёқубов сийратига хос улуғлик, олижаноб фазилатлар Муҳаммад Исмоилнинг гувоҳ бўлган воқеалари адибнинг ўзидан эшитганлари асосида баён этилади. Одил Ёқубовнинг “Диёнат”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё” каби романлари, қатор гўзал қисса ва ҳикоялари авлодма-авлод ўқиб келинади. Бадиадан асарларининг юқори мартабалари ана шундай салоҳият натижалари эканлиги яна бир бор идрок этилади. Ёзувчи тилидан отасининг коммунистик шўро тузуми томонидан қатағон қурбони бўлиши, бўлажак адибга бобоси айтган насихатлар ва улардан олинган сабоқлар ҳикоя қилинади. Ёзувчининг ҳаётдаги жасоратлари, ўзига, ижодига бўлган масъулияти, халқпарварлиги бадида теран очиб берилган. Бадианависнинг устоз сўз санъаткоридан олган сабоқлари хусусидаги иқроллари ҳам ўқувчида қизгин таассуротлар қолдиради:

“Одил ака ҳам адабиётимизнинг шайхи эди. Мен у кишининг адабиётдаги ўрнини шу даража юқори қўярдимки, ялтоқлик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, таъмагирлик билан адабиётни ёлгон-яшиққа тўлдириб ташлаётганлардан қизғонардим”.

“Мен Одил аканинг биринчи гапиданоқ ижодимдаги ўзим шу пайтгача кўрмаган, сезмаган камчиликни яққол кўрдим. Шу бир оғиз гапнинг ўзиёқ мен учун бутун умримга татийдиган сабоқ бўлди”.

Бадида муаллиф адибнинг сўз эркинлиги, хурфикрлик, эркин мушоҳада ҳақида айтган қизиқ ўхшатишли гапларини келтиради:

“Биласизларми, ўтовнинг тепасида туйнуги бўлади. Ичкарида ёқилган оловнинг тутуни ўрлаб ўша туйнукдан чиқиб кетади. Агар туйнук ёпилса, тутун ташқарига чиқолмайди, ичкаридагиларни бўғиб ўлдиради. Жамиятда ҳам эркин фикр бўлмаса, тутун ташқарига чиқиб кетмаса, ўтовдагиларнинг аҳволи вой!”

Бадиадан улуғ адибнинг яна бир насиҳатини ўқиймиз:

“Ҳаёт-ғанимат. Ҳамма бир-бирига ғанимат. Яшаб туришнинг ўзи ғанимат. Ҳар бир одам билан кўришишни бахт деб билинг, мукофот деб билинг. Ҳатто энг разил одам бўлса ҳам, Худо уни яратганини, нимадир мақсадда, атайлаб бирор яхшилик учун яратганини унутманг. Бир-бирларинг билан аҳил бўлинглар”.

“Шляпа кийинг, устоз!” бадиаси адиб Абдусаид Кўчимов шахсияти ва фаолиятини таърифлашга бағишланган бўлса-да, Одил Ёқубов ҳақидаги бадианинг мантикий давомидек ўқилади. Муҳаммад Исмоил ўз бадиаси қаҳрамони портретини унинг ўз ижодий фаолиятига таъсирлари мисолида ёрқин, табиий чизади, “ҳаёт муаммоларини ечишда одам хавас қиладиган даражада маҳоратга, доноликка эга инсон Абдусаид Кўчимов билан учрашувимиз ҳаётнинг ўзи нима деган мангу ҳақиқатларни англашимда шу одамнинг ақли-идроки, қалб-қўри, ҳаётга муҳаббати кўп ёрдам беради”, дейди у.

Бадиачи бир қатор ҳаётий, ижодий мулоқотлар, воқеалар баёнида қаҳрамонининг намунали фазилатларини,

журъати, инсонпарварлигини ифодалайди. Бадиа сўнггида шогирдлик эхтироми сифатида “Азиз устоз” шеърини тухфа қилади. Шеърда шундай сатрлар бор:

*Асл ҳаёт доим биздан юксак экан,  
Жаҳд айласанг устоз дарси тиргак экан.  
Тугилмогинг учун ота керак каби,  
Яшамогинг учун устоз керак экан.  
Қаро йўлда ўтди қанча сафарларим,  
Ўз-ўзимча юрсам яна адашардим.  
Ҳаёт битта хато учун кечирмайди,  
Сиз бор, ичилмади қанча заҳарларим...*

“Шеъроят шахзодаси”. Бу бадиа ўзига хос образли васфлар билан бошланади: “Муҳаммад Юсуфни ўйлаганда одам шеър ёзгиси келади. Муҳаммад Юсуф киёфасини фақат шеърый тарзда яратиш мумкиндай. Унинг сатри чархланган қилич каби ярқирарди. Сатрлар шундай жойлашганки, қиличлар жаранги эшитилиб туради...”

Бадиянинг хос хусусияти шундаки, у Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёт, халқ ва юрт севгиси, ижод масъулияти, устоз-шогирдлик, ёш ижодкорлардан умидворлик ҳақидаги қарашларини ёритади. Албатта, муаллиф машҳур шоир билан кадрдон бўлиб, Ватанимизнинг турли гўшаларига сафарлар қилган, унинг ижодини мунтазам кузатган, суҳбатларини олган. Бадианавис Муҳаммад Юсуф феноменини махсус тадқиқ қилиш зарурияти ҳам бор деб билади. Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг услуби, ғоятда халқона бўлган ифода манераси, поэтик тафаккур тарзи, фавқулудда образларга бой ижоди фундаментал тадқиқ қилишга арзирли ижод. Бадидадаги Муҳаммад Юсуфнинг қарашлари мухлисларга янги тақдирот ва улар жуда қизиқарли. Улар шоир

шеърларидаги каби кутилмаган таассуротлар барпо қилади. Муҳаммад Юсуф фикрлари:

“Болалигимда ичим тўла қушга ўхшарди. Нимадир потирлаб, учмоққа шайланарди. Ўйлаб кўрсам, улар шеър экан. Кейинчалик улар юрагимдан отилиб чиқа бошлади. Шоир, истайсизми-истамайсизми, бошқача одам. Лекин атрофдагиларга билдирмаслиги керак. Билдириш кибрга киради”.

“Усмон Носир камоқхона деворларига кўмир билан ўзбекнинг буюк миллат экани ҳақида шеър ёзган. Ҳар куни ёзган. Деворларда бирор бўш жой қолмаган. Олов пуркаб турган девнинг кўзига найза санчмоқчи бўлган. Энди, биз юртимиз кучоғида, одамлар кўз қароғида, юраклари ардоғида шахзода бўлиб юрсагу бир парча қоғозга тўрт қатор шеър ёзолмасак, бу миллатимизга душманлигимиз эмасми?”

Бадиа муаллифининг Муҳаммад Юсуф сиймосига, мулоҳазаларига, адабиёт тарихида тутган мавқеига оид хулосалари, баҳолари ҳам диққатга сазовор.

“Нодираи давронга хос”. Бадиа “туғма истеъдод соҳибаси, қуйма заковат ва фасохат маликаси, шеъриятимизда номи бир лаҳза тилдан тушмайдиган атоқли ва ардоқли шоира – Ҳалима Худойбердиева” ҳақидадир.

Муаллиф шоирлик истеъдодининг мўъжизалар ичра бир мўъжизалиги, бебаҳо неъмат эканлиги, эл назарида бўлмоқнинг катта масъулияти борасида залворли фикр юритади. Унингча, шоирни халқ юраги туғади, одамлар ўз юраклари ихтиёрини шоир шеърларига ишониб топширадилар. Ҳалима опа – “инсонлар ўз юрагини ишониб топширган шоира”.

Бадиянинг ғолиб ва кўркам жиҳати Муҳаммад Исмоилнинг шоирлик ва истеъдодсизлик, чин шеърят ҳамда унга бўлган халқ муҳаббати борасидаги, Ўзбекистон халқ шои-

раси Ҳалима Худойбердиеванинг адабиётимизда тутган юксак мавқеи тўғрисидаги ҳақли, чуқур фикр-мулоҳазаларидадир. У истеъдодсизлик ила шоирлик даъвосини қилувчилар хусусида куйидаги ўринли фикрларни билдиради:

“Истеъдодсиз шоирнинг адабиётда юриши халачўп минган сузувчининг уммонни кесиб ўтишига ўхшайди. Бундай сузувчи, албатта, ҳалокатга маҳқум. Агар шоирда ҳалокатдан қутқарувчи истеъдод бўлмаса, шеърлари ўзидан олдин ўтиб, жони кетиб кўмилмай, судралиб юрган кимсани эслатади. Афсуски, адабиётда ундай кимсалар кўп. Баъзиларининг бўйинларида унволлари ҳам борки, қиёмат куни ҳазрат Навоий бобомиз олдида бу унволлари учун юзлари хижолатдан қизарса ажаб эмас”.

Бундай “даъвогар шоирлик”ни чин шеърият нуфузи билан муқояса қилиб кўради:

“Мен Ҳалима опага эргашган, тақлид қилган, ундан ўрганган, ундан кўчирган, унга етиб оламан, унга тенгман, ундан баландман, деган юзлаб шоиру шоирларни биламан, лекин улар ёзган шеърлар Ҳалима опа шеърияти осмонида кезиб юрган саробдан бошқа нарса эмас. Фақат гўнғиллайди, фақат асабга тегади, холос. Уларда туғма қобилият йўқ, сўз бойлиги бор, холос. Улар изтиробларини куйлашмайди, сўзни ҳаммолдай ишлатишади, мажбурлашади, зўрлашади, холос. Уларнинг ўз-ўзларига ишонмасликлари, ўзгага тақлид қилишга, ҳатто ўзгаларнинг ёмон кўришларига сабаб бўлади, холос”.

Беш бандли шеър билан бадиа яқунланади. Унда шоирнинг юксак салоҳияти ва мақоми васфланган:

*Шоир тугилгаю ўлмагай асло,  
Асрлар бўлолмас йўлига тўсқин.  
Сиз неча йилдирки кутилган садо,  
Тугилган кунингиз муборак бўлсин!*

*Шеърят тахтида қироличасиз,  
Хар сатрингиз замон кўксида тўлқин.  
Хар қалбда ўт ёқмоқ имконидасиз,  
Тугилган кунингиз муборак бўлсин!..*

“Дунёдаги энг юксак чўққи – адабиёт!” Бу – мусоҳаба, Муҳаммад Исмоил билан суҳбат. Суҳбатдош – Наргиза Розикова. Шоирга хилма-хил қизиқарли саволлар берилган: шоирнинг жамиятдаги ўрни, устозлар ҳақида, шеърда туйғулар ва ақлий жараён мутаносиблиги, шеърят дарди, шеърларнинг куйга солиниши, асарларнинг экранлаштирилиши, шеърдан насрга ўтиш тажрибаси, шоирнинг ўз шеърида намоёнлик даражаси, иқтидор ва ижодий меҳнат, жасорат масаласи.. Қисқа, лекин кўп саволлар берилган. Шоир ҳам лўнда, қатъий жавоблар берган. Ўқувчини адибнинг айни масаларга бўлган қарашлари қизиқтиради.

“Мен – дейди адиб, – шеърда фикр, фалсафа устувор бўлиши тарафдориман. Лекин туйғулар вулқонидан пайдо бўлган гўзал шеърлар ҳам бор. Шеърни хиссий ёки фикрий деб тоифага ажратиб бўлмайди. Яхши ёки ёмон ёзилган деб тоифага ажратиш мумкин.

Менга файласуфона, олимона ёзилган шеърлар ёқишининг сабаби – олимлар Пайгамбаримизнинг меросхўрларидир”.

“Бахт, – дейди адиб, – нисбий тушунча. Ичимни алам кемираётган, ғам-ғуссага ботган бўлсам ҳам, ўзимни атрофдагилардан ҳимоя қилиш учун ҳамиша кулиб туришга ҳаркат қиламан ва уларни ҳам ўз ғазабимдан ҳимоя қилиш пайида бўламан. Чунки мен ўз дардларимни ҳатто фарзандларим устига ағдаришга ҳаққим йўқ, буни фақат ўзим энгишим керак, деб ҳисоблайман. Одам ўзини-ўзи руҳан даволай олмаса, дунёдаги бирорта шифокор уни даволай олмайди”.

“Сўз диёри даргалари” фасли охирида “Онамга тўйхат” ва “Шоир монологи” деган иккиси ҳам мўъжаз, ҳикматона тафаккур билан ёзилган бадиалар бор. Уларнинг биринчисига Она қадрини бутун моҳияти қадар ҳис этиш йўлидаги солиҳ фарзанднинг Онага, Оналарга битган насрий қасидаси деб, иккинчисини Яратганга шукронаси жўш урган, барча маъноларда муҳаббатни дунёнинг мисли йўқ неъмат билган, ҳикматлар оламининг ошиғи бўлган шоирнинг муҳаббат васфида айтган насрий монологи деб қараш мумкин. Бадиалар китобхонни ўзига фикран тортади, ҳаяжонли фикрлатади.

Китобнинг сўнги “Еру осмон оралиғида” фаслидан “Сиз мени севасизми (SMS)”, “Қорақурт”, “Актриса”, “Марра”, “Тошбўрон”, “Опа-сингиллар”, “Еру осмон оралиғида”, “Тўрт қатор шеър”, “Осмон тўла орзулар” ҳикоялари, ёзувчи ён дафтарида “Гапнинг қисқаси яхши”, “Ўз-ўзим билан суҳбат” қайдлари ўрин олган.

Ҳикояларнинг ҳеч бири ўқувчини зериктирмайди. Ҳар бири бошданок диққатни ўзига жалб этади. Ўқувчи кўнгли ҳикоя муайян мавзунинг янги кўринишидан дарак бераётганини сезади. “Худонинг ишлари жумбоқ экан” деб бошланади “Қорақурт” ҳикояси. Илоҳиёт инсонга жумбоқ. Ўргатилган, хабари, ҳукми тушган барча-барча ҳақиқатларга қарамасдан, инсон-инсонга жумбоқдек, воқеалар содир бўлади, аниқ иймон ила ишониладики, бунинг тагида ҳикмат бор, лекин – қайси бир ҳикмат? Кўп ҳолларда ҳикмати кейинроқ, баъзан жуда кеч аён бўлади.

Қорақурт – захарли ҳашарот. У молга хашак солаётган бечора Марварид опани чақади, ўлдиради. Бу лавҳа ҳаётдаги моддий бир ҳодиса. Қорақурт хавфига ҳикояда маънавий ишорат ҳам бор. Айни ишорат ҳикоя охирида бироз сездирилгандек бўлади-ю, аммо маъно атайин яширин қол-

дирилади. Бу усул асарнинг таъсирчанлигини янада оширган. Сюжет янгича, асосий қаҳрамон характери ҳам янгича. Марварид шифохонага етмай, жон беради. Қизи Маржоной кўшни қишлоққа узатилиб кетган. Ўша пайтда эри Бекмурод ҳам ишда эди.

Фожиа Марвариднинг ҳаёт йўли, характер хусусиятлари, қорақурт захрини енгиш-енголмаслик тахминлари нуқтаи назаридан ҳам Бекмуроднинг руҳий кечинмаларига боғлиқ таҳлил қилиб кўрилади: аёл “туғилмасиданоқ пешонасига битилган тақдирни ва бу дунёда зиммасига қўйилган барча ишни бекаму кўст ниҳоясига етказди. Қорақуртни кўп уринтирмади. Шундай ширин ҳаётни нега ташлаб кетар эканман деб, қуюшқондан чиқмади”. Ҳолбуки, балки, дейилмоқчи. Балки ўзидан сўнг болаларига бошқа она келишини ҳаёлига келтириш имкони бўлганида “қорақурт захрини енгишга бундан ўн баробар қаттиқроқ уринарди”. Бошқа “балки” билан бошланадиган гаплар эри Бекмурод билан боғлиқ нарсалар, кечмишлардир.

Бекмурод барча маъракаларни ўтказди. Унинг зиммасидаги юк оғирлашади. Азобланишини сизди. Ўзидан кўра болаларини ўйлай бошлайди. Ўғли Бектошни уйлантирмоқчи, лекин музда тойғониб, оёғи синади. Шифохонада қаровсиз ётиб, ўзи уйланиши кераклигини тушунади. Ўғиллари Бектош ҳам, Бекжон ҳам ўз номлари билан ўгил. Ҳовлига ҳам қаров етарли бўлмаяпти. Уйланишга ўзи муҳтожлиги сезилгач, у кўпроқ Гулрухсорни – ёшлик муҳаббатини ҳаёл суради. Бекмурод ҳарбий хизматдан қайтганда Гулрухсорни узатиб юборишган. Маст Бекмурод Гулрухсорнинг эри Исқандар билан қаттиқ жанжал қилади. Гулрухсор Бекмуродга ён босади. Воқеа икки томон ҳаётига ҳам бир умрлик асоратларини қолдиради. Воқеалар ривожда армон, афсус, надомат, виждоний қийналишлар кечади. Кўп

йиллик қийинчиликлардан сўнг Бекмуроднинг қиёфаси, қарашларидаги ўзгариш, янгиланиш, иқрорлар ҳикояда шундай берилади: “ҳовли этаги томон юради, пичанлар ғарамига қарайди, қўлида паншаха, бошқа қорақурт йўқми-кан, деб ўйлайди”.

“Қорақурт ҳаётини алғов-далғов қилиб ташлаган эди... Марваридни эслаб кўзига ёш келди”. Шўрлик яшаб юрса бўлмасмиди? Осойишта ҳаётимнинг, фаровон турмушимнинг эгаси экан, бахтимни ҳам, саодатимни ҳам ўзи билан олиб кетди. Менга азобдан бошқа ҳеч нарса қолдирмабди. Қадрига етмаган эканман... Ҳаммаси остун-устун бўлиб кетди-я...”

“Бекмурод хатми Қуръон ўқиш учун Марварид ётган қабристон томон юрди...”

Ҳикоянинг баҳс уйғотувчи, турфа фикрларга бошловчи талқини Бекмуроднинг ёшлиқдаги журъатсизлиги, севганидан жудо қолиши, Марвариднинг ҳам қадрига кеч етиши воқеаларидир. “Қорақурт”га бошда номувофиқдек кўриниб турган ҳикоя эпиграфи залвори ҳам барча тафсилотдан кейин ойдинлашади:

*Сизни севиб қолиб, бўлдим айбдор,  
Энди шу ишқ учун тўлайин қарзим.  
Токи, жон бергунча бўлай вафодор,  
Токи, жон чиққунча қилайин таъзим.*

Ёзувчининг бундаги ғоявий-эстетик мақсадлари нималардан иборат? Гап қайси бир севги ва унга фидолик ҳақида? Бекмурод бой берган Гулрухсор севгисими ё Марварид ўлими, надоматлар оқибати – Марварид қадрининг фаҳми – севгисими?.. Мақсаднинг тубига етмаса қўймайдиган китобхон учун ҳикояда мароқли тааммулларга шундай асо-

слар бор.

“Марра” ҳикояси ҳам ўқувчини фикрлатмай қўймайди. Ҳикоя қаҳрамони Қодир отанинг аянчли умр йўли яқин тарихнинг бутун жамиятга хос мудҳиш манзараларидан лавҳалардир. У поезд йўли соҳасида оддий ишчи бўлиб ишлаган. Хотини уч ўғил туққан. Икки ўғли қизамиққа чалиниб дунёдан ўтган. Аёли мусибатлардан кейин ичтерлама касалига чалиниб ўлади. Ўғли Норбўтани Қодир ота ўзи парваришлаб катта қилади. Қирқ тўртинчи йили ўн саккизга тўлган Норбўтани урушга олиб кетишади. Кетишдан олдин у отасига: “Ота, шу қулунни парваришлаб боқинг, ҳеч кимга берманг, ҳеч кимни миндирманг, ўзим келиб минаман, кўпкари чопаман, солим оламан, бу қулун меники, ундан Бойчибор чиқади, Бойчибор!” дейди.

Ота Бойчиборни еру кўкка ишонмайди. Унга гард юқтирмади, бегона назар солдирмади. Худди Бойчиборга бир нарса бўлса, ўғли қайтиб келмайдигандек. Қирқ олтинчи йили ўғли узок Хабаровск ўлкасидан сил касалига чалиниб қайтиб келди. Касал, доимо тўшақда. Урушдан кейин ҳуқмат отларни давлатга топшириш ҳақида буйруқ чиқаради.

Қодир отадан отининг зулм билан тортиб олинishi, ўзининг жазоланиши воқеаларида шўро сиёсатининг узлуксиз тажовузкорлиги тарихи ҳис қилинади. Ҳикояда, айниқса, Қодир отанинг отни зўравонлик билан олишга келган район партия кўмитаси биринчи котиби Очилга, унинг уч-тўрт шотирига қарата айтган сўзлари, қарғиши таъсирчан. Бу эпизодда Қодирни дўппослашади, боласининг фронтовиклиги, ногиронлигини ҳам инобатга олишмайди. “...Ҳуқуматинг партиянг, коммунистларинг ҳаммаси зolim, қонхўр! Сен ҳам, Сталининг ҳам шайтоннинг боласисанлар, ҳамманг ўлиб, ер билан яксон бўл!..” дейди Қодир.

Уни қамашади. Уч кундан сўнг ўғли вафот этади. Қо-

дир ўгли жанозасига юборилмайди. У ўн йилга қамалади. Сибирда “қўнғироқдан қўнғироққача” – бутун муддат ўтиради. Қайтиб келиб, бир йилда оёққа туради. Аста-секин бойийди. Олтмиш ёшда бир бевага уйланиб, ўғил фарзанд кўради. Бир ёшли Норбўта ўғлига чупрон тўй қилмоқчи, кўпкари ўтказмоқчи.

У ўн олти йил кутган “ёвуз” мақсадини амалга оширади. Бориб Очилни бўғиб ўлдириб келади. Ҳикоя Қодирнинг Бойчибор отини миниб, кўпкарига қўшилгани, улоқни маррага элтгани – галабаси манзараси тасвири билан қуйидагича тугайди:

“...Очилни лаҳадга қўйишаётган сонияларда, кўпкари томоша қилаётган минглаб одамлар гувиллаб ҳайқирарди:

– Марра, марра! Чавандоз Қодирбой ота улоқни маррага ташлади! Арғумоқ Бойчибор Қодир ота чавандозники! Отасига балли, ҳалол бўлди! Ҳалол!”

Воқеалар ниҳоясига етди. Кўпкарида Қодир отанинг галаба қилишида ҳам, “Марра”, “Ҳалол” деган қичқириқларда ҳам рамзий маънолар бор. Маънолар, ҳикоя ечимига муносабат баҳслироқ йўсинда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган.

Насрга хос шу усулдаги рамзий ишоратлар асарга зеб беради, жозиба бағишлайди. Ёзувчининг “Тошбўрон” ҳикоясида ҳам рамзийлик ғоявий-эстетик мақсадни тиниқлаштириб намоён қилади. Ҳикоя энди кучдан қолган, умри раҳбар бўлиб, одамларга фақат буйруқ беришни ўзига шиор билиб ўтган Норхўрознинг аччиқ, аламли изтироблари, фожиасини акс эттиради. У умрини сарҳисоб қилади. Одамларни ҳеч қачон бир қолипга солиб бўлмаслигини ҳис қилади. У кўзбўямачи эди, одамлар ундан устомон чиқиб қолди. Дунё фақат унинг учунгина яралган эмас экан. Ўйлаб қараса, ўзи истагандай оила қилолмабди. Икки уйланиб, бола кўрмади. Ўйнашидан ўғилли бўлди. Қирқ ёшда

учинчи бор уйланди: бир ўғил, бир қиз кўрди. У “авлиёнинг гапини гапириб, шайтоннинг вазифасини бажарарди” – динда ҳам беамал юрди. Котибасидан бўлган ўғли Арслондан тонди. “Арслон менинг болам эмас, ҳаромзода, унинг отаси кўп,” деди. Арслон эса отаси кимлигини билади, онаси Зулфия доимо унга отаси кимлигини айтиб келган. Эл ҳам жуда яхши билади. У отасидан тонмайди, лекин нафрати кучаяди.

Норхўроз барча ёмон ишлари, палапартиш ҳаёти билан элга ёмонликлар уругини сочган одам. Оқибат шуки, ҳеч бир соҳада ҳеч нарсага эриша олмаган одам, умрни зое қилган нодон бўлиб чиқди. Унинг қисматида охирги жазоси тошбўрон турибди:

“...Ахир учиб келган тошлар юз-кўзи демай, аъзои-бадани демай, ҳамма жойини мўматалоқ қилиб, қонини сачратиб юборди-ку!”

Балки тошбўрон орасида жонҳолатда қичқириб юборган хўроз, хўроз эмас, виждонининг қичқириғидир. Хиёнатга дош беролмаган юракнинг санчиғидир. Уйқуни ўлимнинг бир бўлаги дейдилар. Балки, ўлимидан сўнг у кўрадиган ҳаётнинг бир бўлаги, унинг тушига кириб чиққандир...”

Китобдаги “Опа-сингиллар” ҳикоясида давр ҳаётида катта бир муаммога айланиб кетаётган мавзу қаламга олинган. Унинг воқеалари замирида оила масаласи бадиий муҳокамага тортилади. Ота-она бағрида иноқ ўсган уч опа-сингил бирин-кетин узатилган бўлиб, кенжаси Маҳбуба эрдан бахтим чопмади деб, қайтиб келган. Энди ўртанча сингил Марғуба ҳам уч яшар қизи билан шу кайфиятда. Опа-сингилларнинг ота уйида деярли тонггача бўлган суҳбати шу ҳақда. Ҳикояда қизларнинг каттаси Маъсума қиёфасида оила ҳақидаги эътиқодий қоида-одоблар, тартиб-интизомнинг, тadbирларнинг ифодаси мужассам. У оила моҳияти, масъулиятини яхши билади. Унинг сингилларига насиҳат-

лари ибратли. Вазиятларга баҳо беришда, хулосага келишда, ишнинг тадбирини белгилашда у – оқила. Бу нохушликларнинг ота-оналарига қанчалик оғир келишини Маъсума сингилларига қараганда чуқур идроклайди.

“Ҳеч ойим билан отамни уришиб ёқалашганини кўрганмисизлар. Йўқ. Кўрмайсизлар ҳам. Чунки отам ойим учун ҳамма нарса. Ойимнинг отаси ҳам, ойиси ҳам, акаси, укаси, боласи ҳам – отам. Ҳатто, отамга қараш керак бўлса, ойим йиғлаётган чақалоқни ташлаб бўлса ҳам бориб, хизматини қилганлар...” – дейди Маъсума.

Ҳикоя жиддий ва жуда афсусланарли ҳаётини асосларига эга. Ёшларни турмушга тайёрлаш, улар онгига оила маъсулиятини етарли сингдириш, сабр-бардош, турли қийинчилик қаршисида оқил ва мардона тура олиш каби кўплаб қоидаларни ўргатиш даражаси жамиятларда етарли аҳволда эмас. Шуларнинг баъзи муҳим насиҳатлари Маъсума образида намоён бўлгани учун у китобхонда ёрқин таассурот қолдиради. Унинг ўз турмушида ҳам нохуш ҳоллар бўлган:

“...Бунни юзига солмадим. Худди ҳеч нарса бўлмагандай бамайлихотир юравердим. Ҳозир мана, намозга кирди... мендан кўрқмаса ҳам, Худодан кўрқади. Машоихлар энг катта фитна манбаи аёллар, деган экан. Биз ўзимизни қанча фитнадан, хиёнатдан, манманликдан, кибрдан сақласак, ҳаётимиз шунда яхши бўлади. Катта кетиш, эрини ташлаб кетиш биз мискина аёлларга ярашмайди”.

Китобнинг “Сиз мени севасизми (SMS)” “Актриса”, “Еру осмон оралиғида”, “Тўрт қатор шеър”, “Осмон тўла юлдузлар”, ҳикоялари ҳам мароқ билан ўқилади. “Гапнинг қисқаси яхши (Ёзувчи ён дафтаридан)” даги ҳар бир қайд бирма-бир мушоҳада қилиб кўриладиган жозибатор фикрлардир.

“Ўз-ўзим билан суҳбат” кичик бир битиг, инсоннинг ўз-ўзини таҳлилга тортиши, тергови мухтасар бир суҳбат. У

умр бобида хушёрликка чорлайди. Унда, жумладан, шундай ёрқин фикрлар бор:

– Бўлмаса нега мен ўйланиб ўтирибман?

– Сенинг ўйланиб ўтиришингни улар режалаштириб қўйишган.

– Наҳотки, ўйланиб ўтириш ҳаётимнинг мазмуни бўлса? Мен яшашдан мақсад нима деяпман?

– Сен югурмай туриб манзилга етишни истаяпсан, холос. Хаёлни ҳаётга татбиқ этмасанг, ҳаётинг хаёлга айланади!

“Осмон тўла орзулар” китоби ана шундай ниҳоясига етди. Китоб аввалидаги сўзбошида таниқли ёзувчи Шойим Бўтаевнинг Муҳаммад Исмоил истеъдоди ва асарлари хусусида айтган сўзлари нечоғлик тўғри эканига амин бўласиз:

“Мен ўшанда ҳамроҳимнинг одамшинавандалигидан ташқари миллий адабиётимиз, унинг ўзак масалалари ҳақида бағрикенглик билан қизгин ва самимий фикр юритишга, катта билим эгаси эканлигига гувоҳ бўлдим”.

“...Одам сафарда билинади. Мен ҳам шоирни сафарлар давомида кашф этиб бордим. У илҳом оловчи манбалар қардалигини, юрагидаги чолғулар қачон, қайси ҳолатларда жаранглаб кетишининг гувоҳи бўлдим”.

“Шоирнинг мухлислари ҳайрон қолдирарли даражада кўплиги завқимни келтиради”.

“Мен китоб муқовасига назар ташладим ва боядан буён сиздан сир сақлаб келаётганим Шоирнинг катта-катта ҳарфлар билан ёзилган исмини ўқидим: Муҳаммад Исмоил...”



## ЛУЧЕЗАРНАЯ

Эссе, рассказы, повести, теленовеллы.

Перевод Зулфьиры Хасановой.

Ташкент, “Sharq” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2011.

Тираж 300

Ушбу нашрга ёзувчининг саккизта ҳикояси, тўртта бадиа (эссе)си, иккита теленовелласи, учта повести киритилган.

Китобда нашрий сўзбоши бор. Унинг мазмунида китобдаги асарларнинг катта-кичик барча ўқувчиларга мўлжалланганлиги таъкидланган.

“Лучезарная”да ҳажман йирик асарлар “Юлдузлари куйган тун” (“Небо погасших звёзд”), “Тараддуд” (“Ожидание”), “Янги ой чиққан кеча” (“Ночь новолуния”) қиссалари

ҳамда “Бошимдаги тожим онам” (“Ты солнце моей жизни, мама!..”) бадиасидир.

Таъкидлаш жоизки, Муҳаммад Исмоилнинг “Бошимдаги тожим онам” бадиаси қатор ҳикоялари ва қиссалари сингари реал воқеилик салмоғи катта бўлган асардир. Автобиографик жиҳатига кўра у ёзувчининг ҳаётини негизга, прототипга эга бошқа асарларидан ҳам устунроқ мавқеда туради. Шунингдек, алоҳида-алоҳида ҳикоялар асосига қурилган бу асар мавзуси адибнинг ижодида бардавом. Мухлислари “Бошимдаги тожим онам” бадиасига янги саҳифалар бўлиб қўшиладиган ҳикоялар билан танишиб боришмоқда. Ўйлаймизки, келажакда мазкур асар янада мухташам қиёфа касб этади ва турли тилларга таржима этилади.



## ОСМОНИНГДАН УЗИЛМА, ЭЙ ДИЛ!

Тошкент, "Chashma print", 2014 йил,  
500 нусха

Шеърлар, ҳикоялар, бадихалар, суҳбатлар, адабий ўй-лар. Китоб жанрларига кўра шундай тартибот қилинган. Илк саҳифада шоир шеъриятидан тўртлик берилади:

*Тангрим, бир юрак бер, оташ бер қайноқ,  
Меҳру муҳаббатим билмасин поён.  
Шу элни, шу юртни алқаб беадоқ,  
Севиб яшай ҳар кун, ҳар он, ҳар қачон!*

“Қуёшим онам!” шеъри ўн беш банддан иборат. Жуда халқона. Она сиймосига воқеабанд таъриф берилади. Она сиймоси уни севгувчи қалбда она ризолигини топиш ишқи

билан тўхтовсиз тўлқинланиб турган. Онаси беморлигидан изтиробга тушган, хузурига шошган фарзанд тилидан она Аллоҳга илтижо ила улуғланади. Маънолар ва улар қаъридаги нидоларни оналари ҳаёт бўлганлар ҳам, оналари ҳаётдан кетганлар ҳам бирдек ҳис этмоғи лозим ва лобуддир. Шеър баландпарвоз гап ва мақтовлардан ҳоли. Она қадри, табиати, сурати ила сийратини бутун борлигича кўз олдингизга келтиради. Она меҳри тенги йўқ илоҳий марҳамат, қонуният. Фарзандлар учун эса, у – мислсиз неъмат. Муҳими, шунга доир барча ҳикматларни ҳис этмоқ, шунга қараб яшамок. Миллионлаб фарзандларга хоски, она қадри кеч тушунилади, армонларда қолинади. Шеърда она захматлари тасвирида бағоят табиий эътирофлар бор:

*Қовун экар эдик, кўклам далага,  
 Ҳолдан тояр эдик кун қизиган дам.  
 Ўзимни панага олган паллада,  
 Кетмон урардингиз менинг учун ҳам...  
 Бу ҳол такрорланди гўё бир умр,  
 Гўё соянгизда қолгандайман мен.  
 Сиз азоб чекдингиз, мен кўрдим ҳузур,  
 Сизнинг роҳатни ҳам олгандайман мен...*

Фарзанднинг вояга етиши ҳамиша ҳам унинг ҳаёт йўлларида батамом қад ростлаш бўлавермайди. Шундай бўлган чоғда ҳам, Онага у муҳтож. Фарзанд ҳоли қандайлигидан қатъи назар, Она қалби уни ўз назоратидан бир зум қочирмайди. Масалан, ўқийди, уйланди, шаҳарда яшаб қолди, дейлик. Унинг ташвиш қийинчиликларига қалқон, қайгурувчи яна – Она. “Сизга ташвиш бўлдим, ошу нон олдим, Юбора олмадим ўзим тўртта нон”, дейди кейинчалик фарзанд. Ёки:

*Гоҳо хотинимга урардингиз дўқ,  
Менга гап қайтариб адашганда ҳам.  
Мени ҳақ дердингиз, мендан кўнгли тўқ.  
Хатом учун ишдан ҳайдашганда ҳам.*

Оналар ҳузурида фарзанд қарздорлиги Ислом бўйича улкан вазифадир. Бу бобда ҳеч бир солиҳ фарзанд катта гапирмайди, онамнинг ҳақларини мукамал адо этдим, қарзларимни уздим демайди. Бу чинакам иймоний одоб саналади. Бинобарин, онага муносабатда ёшлик ўз ёшлигини қилиб, хатоликлар содир қилинган бўлса, кечроқ бўлса-да, ўтмиш айбдорлик ҳисси анланган бўлса, ўзни поклаш ҳам Она хизматига камарбаста бўлиш билан бўлади. Айни чоқда, бу идрок ҳам фазлдир:

*Гоҳо хасталик, гоҳ рўзгор деган гор  
Ҳолимни танг қилиб, гамга соларди.  
Малҳам дори каби мунис, ҳокисор  
Нафақа пулингиз келиб қоларди.*

*Сиз учун доим мен эрка арзанда,  
Қаро иш қилсам ҳам, доимо оқман.  
Она, мен дунёда энг разил банда,  
Онанинг кимлигин билмас гумроҳман?!*

Она мақомига васф беадок. У кексайган дамларда ҳам, бир бурда жуссаси ила ҳам мақоми пастлаш билмайдиган зот. Аксинча, дуолари сўзсиз, тўсиқсиз, аршга етувчи инсон. Дуолари ила фарзандлар бошида посбон. Дуолари фарзандларини не-не бало-қазо, мусибатлардан муҳофаза этиб туради. Шунинг учун ҳам такрор-такрор Онани, “Буюк

қахрамонсиз, буюк қахрамон” дейиш мақтовга чоғланган кўнгилга таскин беради.

Оқил фарзандлар ота-оналарига мудом икки дунё саводатини истайди. Дунёдаги ҳамма яхшиликларни тилайди. Улар кексайишлари, хаста бўлишларидан қалбларида оғриқ сезади. Тоблари қочса, дарҳол хузурларига югуради. Оналарининг аввалгидек шошиб, қувониб, чопиб пешвоз чиқа олмасликларини ўйлаб ҳам эзилади. Она дардини ўзига олмоқнинг имкони йўқ. Онасининг олам сахнасида яйраб юрмоғини, бундан ўзининг хотиржам, кўзлари қувониб яшамоғини хоҳлайди. Яратганга ожизона илтижолар қилади:

*Кетяпман, йўлдаман, шошманг Онажон!*

*Ичимдан келади гулдирак овоз:*

*– Онам хаста эмас, онам соғ-омон,*

*Ҳозир у қаршимдан чиқади пешвоз.*

*Йўқ-йўқ бўлмас ҳали қиёмат қойим,*

*Қуёш сўниб кўкни қопламас тўзон.*

*Ой-у юлдузларни каби Худойим,*

*Сен онамни асра, асра Художон!*

Тўпламда ота шаънига битилган “Зиёрат”, “Яна кўклам, Олам беғубор...” (бошланма мисра) номли шеърлар бор. Улар хотира, ёднома руҳида ёзилган. Уларда ҳам фарзанд эҳтироми ва дуолари устувор. Жудоликнинг қалбларни қанчалик ўрташи ҳаммага маълум. Кўп нарсалар бобида армонларнинг фарзанд ботинида гужгон қолиши ларзақор тугёнларни ҳосил қилмоғи мумкин. Аммо ҳақ эътиқод таълими ва тарбияти таскиндир. Унда тушқунлик қораланади. Чунки муқаррар ҳақиқат бошқа томонда ва инсон тушқун руҳият гирдобиди қолса, ҳақдан четланиб қолади, уни ин-

кор этган ҳисобланади. Ёдлов, хотирлаш, зиёратларнинг-да ўз одоблари бор. Ҳидоятли шеърят, насрдаги намуналарда – марсиялар, ёдномаларда бу руҳий кечинмалар маъюслик ва умидворлик уйғунлигида талқин этилиши анъанадир. Юрак дардларини шоир мавжуд манзара воситасида қандай бадийий талқин этганига эътибор қаратамиз:

*Қабр устида шўра  
Дод солиб унган экан.  
Қайғунинг шўр ниҳоли  
Отамдан ёдгормикан?  
Юлай десам, қўлларим,  
Юлмасам дил зирқирар.  
Барг эмасдир, барглари  
Кўз мисоли мўлтирар.  
Ул кўзларнинг қараши  
Қаро ҳамда гуссали.  
Юрагимнинг яраси  
Қорайтирар жуссамни...*

Инсон қиссаси туғилди, яшади, ўлди деган ҳодисалардангина иборат эмас. Ислом моҳияти шу тарз тушунишини қатъиян рад этади. Умрни бўлакларга бўлиб қарамайди. Яъни, туғилди – яшади – ўлди билан инсон қиссаси тугамайди. Умр яхлит, ҳамиша бардавом неъматдир. У – узвий ва узлуксиз. Ва бу илоҳий қонуният, қисматдир. Шу маънода марҳумларга эҳтиром, дуолар, хотирлашлар жоиз ҳисобланади. Фарзандлар зиммасида улар олдидаги масъулиятлар ҳам борлиги шубҳасиз ҳақиқат:

*Бўлмоқ истадим шоир,  
Бўлолмадим шоир ҳам.*

*Билмайман кимман ҳозир,  
Билмам мен қандай одам?!  
Орзуларим ушалмай,  
Армон бўлиб қолмоқда.  
Қанот боғлаб учолмай,  
Соврилмоқда, ёнмоқда.  
Эртага не юз билан  
Сизга боққум отажон.  
Не маъқул юмуш билан  
Сизга боққум, отажон!..*

Бундаги масъулият шунчаки тўқиладиган гаплар ёхуд оний ҳиссиётлар эмас. Иймон тақозосига кўра ҳаётий дунёда қолган фарзандлар ҳолати ўтганларининг дунё ҳаётларидаги мақомларига ҳам таъсирдор. Фарзанд шундан келиб чиқиб фикрламоқда. Бу йўлда фарзандларнинг солиҳ инсонлар бўлмоқлари дунёга яхшиликлар таратиб яшамоқлари, ўтганлар ҳақиқага мудомий дуода бўлмоқлари муҳим; муносиб фарзанд бўлмоқ туйғуси инсонни ҳеч қачон тарк этмаслиги лозим. Акс ҳолатлар эса, икки томонга ҳам яхшилик келтирмайди. Шу боис шеър қаҳрамонини ўтган ота олдидаги қарздорлик туйғуси ўртаб келади. Хавотири сокин, бамайлихотир яшашга қўймайди. Отанинг тинч ётмоғини тилаб, истагандай инсон бўлишга сўз беради. Мунгли дуолар қилади. Қалблари раҳмат нурига тўлишини, руҳи доим шод бўлишини, жойлари беҳиштда бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрайди:

*Иймонингиз саломат,  
Мушуқулар бўлсин осон.  
Тангрим қилсин шафоат,  
Хор этмасин ҳеч қачон.*

*Ҳидоят топганлардан,  
Асралган бандалардан-  
Бўлинг то маҳшиар қадар.  
Омин, Аллоҳу Акбар.  
Омин, Аллоҳу Акбар.*

Ота ҳақидаги кейинги шеър ҳам қабристон зиёрати чоғидаги кечинмаларни ифодалайди. Гарчанд кўклам келиб олам бегубор бўлиб, ер ила осмон яшараётган бўлса-да, зиёратчининг кўнглини ҳеч қачон тарк этмаган ғами бор. Табиат, фасл ўзига хослиги бу шеърда ҳам туйғулар билан муштараклик касб этади:

*Еллар отам каби силар сочимни,  
Руҳимда тебранар етим эркалик.  
Отамнинг қабрини зиёрат этдим,  
Танимни титратди кўрқув ва ҳадик.*

Қабристон бадий таъриф этилади: у – сукунат юрти, сўнги маскан, қайгу уяси ҳамдир. Вужуд шу уйда қолиб, руҳлар кўкка кўтарилади. Қабрлар тоб ташлаб, бағри ўрага айланади. Ҳаммининг ҳам шу сукунат юртига келиши бор. Бунда марҳумлар ҳам сўзлаётгандек:

*Мен ҳам эдим сенингдек,  
Сен ҳам бўларсан мендек.  
Кунларни узун дема, йиллар учади елдек,  
Ҳаётининг ҳар они учун бергайсан жавоб,  
Бу дунёга барчамиз имтиҳон учун келдик.*

Шеър огоҳликка, умрни исроф қилмасликка чақиради. “Табиат энг етук мамлакат”. Унинг ҳар мавжудоти, ҳар ҳодисасида ҳикмат мужассам...

Ҳаётга, она юртга, унинг ҳар бир гўшасига ва жонажон халққа муҳаббат туйғулари Муҳаммад Исмоил шеъриятида кенг ўрин тутади. “Осмонингдан узулма, эй дил” китобида ҳам теран услубда битилган айни мавзуга доир шеърлари бор. Уларда лирик қаҳрамон янада ҳушёр тортади, ўзни Ватан халқ ҳузурида қарздор ҳис этади. Ғафлатдан эҳтиёт бўлишга доимо ҳушёр туради. Инсон умрининг қисқалиги бир зум ёдидан чиқмайди, буни айтиб қўққа ёлворади. Хусусан, “Ҳаёт нима, тонгда турсам, эрмак экан” деб бошланувчи шеър она халқ, меҳридан бахтиёрликнигина эмас, ўша меҳрнинг залвори, ўзининг унга чексиз муҳаббати ҳамда хизматига доимо шайлигини самимий мисраларда тараннум этади. Ҳаёт нималигини мушоҳада қилар экан, лирик қаҳрамон тақдирнинг тўхтамаслигидан, бугуннинг кечагига ўхшамаслигидан, қумсоатда қумлар тугаб бораверишидан тушкун кайфиятга оғишмайди, балки яшамоққа муҳаббати жўш уради. Руҳий кўтаринкиликнинг боисини кейинги мисралар ойдинлаштира олади:

*Нима кўрдим? Нима топдим? Недан шодман?  
Ким учун ва нима учун яшаяпман?  
Она халқим, мен меҳрингни кўрдим не бахт,  
Шу ифтихор кўзларимни ёшлаётган!*

Умр йўли нотекис. Инсон гоҳ йиқилиб, гоҳ суринади. Халқ меҳри инсон қаддини ростлаб, яна олға бошлайди. Бу меҳрдан баҳрамандлик, қувват олиш, кучга тўлиш кунгабоқарнинг доимо қуёшга зор боқиб туриши кабилдир. Халқ меҳрининг тафтини бошинг узра ҳар лаҳзада сезиб турар экансан, унинг дунёга донг таратган алломалари кўрсатган йўллардан борар экансан, бахтиёрсан. Бу бахтни ҳис этган ҳар қандай фарзанд ўзини халқи олдида юксак даражада мажбуриятли ҳис этади:

*Аммо ҳаёт ҳали давом этаётир,  
Яшаиш учун меҳринг қудрат бераётир.  
Даъват қилиб, тиргак бўлиб, таянч бўлиб  
“Буюк ишлар қилмоқ керак” деяётир.*

*Она халқим! Қўлимдан тут, мен тайёрман!  
Олам узра меҳрингни соч, мададжорман!  
Сенинг учун ўлмоқ балки жоиз эмас,  
Сенинг учун яшаганлар ичра борман!*

Шундай туйғулар ифодаси “Ўзбекистон бағридаги дурдона”, “Бахти кулган, саодати шоҳона”, “Худо ризқин бутун берган эл” – Сирдарё мадҳида ҳам келади (“Нолангман мен...”). “Деразам ортида...”, “Менга сўз беринг”, “Нега ҳаёт деган дилбарни севдим” каби шеърларда ҳам Ватан, халқ шаъни улуғланади. Содик фарзанднинг улар олдидаги ухдаси, орзулари баланд пафос билан янграйди.

“Салом”, “Ҳаёт боғи”, “Даҳрийнинг иқрори”, “Нидо”, “Худофурушлар”, “Тангри тарозиси”, “Тангрим...” сингари шеърлари руҳоний тафаккур тарзи билан ёзилган бўлиб, уларда ҳам эзгуликка чорлов, юксак ғоялар йўлида фаоликка даъват, Яратгандан шунга қодир илму амалларни сўраш мотивлари етакчилик қилади. Зотан, инсон сурати ва сийратига насиб қилган ҳамма нарса, у қодир ва салоҳиятли бўлган илму амал ҳам, у муваффақ бўлган шеър, ижод ҳам ризқдир ва ҳар турли ризқнинг ҳисоб-китоби бордир. Буни шоир шундай айтади:

*Ижод саҳни осмон қадарда,  
Ҳар ким ўз ризқини теради.  
Қилмишига қараб маҳшарда  
Ёзганига жавоб беради...*

“Шеърлар” фаслида севги мавзусидаги қатор шеърлар ҳам ўзига хос. Улар мисолида ҳам шоир услубининг инжа қирраларини, ҳисларнинг янги жилваларини илғайсиз.

Китобнинг катта қисмини турли жанрлардаги насрий асарлар эгаллаган. Унга ёзувчининг қуйидаги ҳикоялари киритилган: “Қалтис кўтарилган қўл”, “Дарёдаги алвон гулдаста”, “Бехато отилган ўқ”, “Бўш қути”, “Исканжа”, “Хўжайиннинг хўжайини”.

Бир неча ҳикояларда фаҳш ишлар, уларнинг мудҳиш оқибатлари қораланади. Бу ҳикоялар кескин фош этувчан руҳда ёзилган. “Қалтис кўтарилган қўл”да кичикроқ амалдор Мухторнинг уйига “хушмуомала одам” – Ҳайдар дегани келиб унинг хотинига комплект бриллиант қолдириб кетади. Пора берувчининг дарди ўз ишида қолиш. Бошлиқнинг хотини орқали иш битириш ҳозирги жамиятларда кенг тарқалган порахўрликлардан бири. Шу тунда Мухтор шошилинич селектор чақирилаётгани билан алдаб, ўйнаши ҳузурига кетади. Қизи Розия адасининг телефондаги гаплашувини эшитиб қолган ва онаси Робияни бу хийладан огоҳ қилади. Она ва қизи Мухторни кузатиб манзилга боради. Аёллар Робия ва Зебо ўртасида жанжал бошланади. Зебо қоқ пешонасига теккан капкирдан ерга йиқилади. Зебонинг ҳаёт чироғи сўнади. “Энди ҳаммаси тугади...”

“Исканжа” ҳикоясида бузуқ ахлоққа бўлган нафрат бошқача кўринишда, башқача манзараси билан акс эттирилган. Воқеалар зиёлилар муҳитида бўлиб ўтади. Сюжет табиийлиги билан, ровийнинг ўткир раддияси билан қизиқарли. Ўқувчи ҳикоядаги ҳолатлар ифодаси, маълумот ва деталлардан 90-йиллар ва ундан кесийинги йиллар ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий муҳитни кўз олдига келтиради. Асар марказида газетачи, адиб устоз Илёс ака ва ҳикоячининг ўз тимсоллари туради. Устоз образи ривожда табора

тубанлашиш, ҳикоячи образи ривожда маънавий ўсиш, ахлоқий масалаларда шаффофланиш очик-ойдин ва ботиний идрокланади. “Юксалиш” деган газета очилади, халк эътиборига тушади, гуркираб чиқа бошлайди. Мақсад – жуда долзарб, улкан. Ватан тараққий йўлида. Мустабид тузум монелик қилиб, амалга ошмай келган ишлар кўп, ўтиш даври муаммоларга бой. Умумий аҳволдаги қусурлар ҳикоячи тилидан айтилади:

“Барча мусулмонман дер эди-ю, ислом нима эканлигини билмасди, барча маймундан тарқамаганини биларди-ю, инкор қилолмасди, буюк боболаримиз ўтган дер эди-ю, улуғларнинг номини эшитмаган, китобларини ўқимаган, улар нима мақсадда яшаб, нималарни айтиб кетганини билмасди. Мустамлакачилар қўли остида қолиб кетган халқ динини, тилини, тарихини, бир сўз билан айтганда, миллат эканини унутаёзган, қадди тобора букилиб, гурури синиб, ўзининг ким эканини англолмай, ўрислашаётган пайт эди. Газетанинг бош мақсади шулар ҳақида жар солмоқ ва миллий қадриятимизни тикламоқ эди. Қолаверса, ор-номус, ҳаё, мардлик, ҳалоллик, ҳақиқат, садоқат, муҳаббат, инсон шаъни деган муқаддас тушунчаларимиз бор эдики, асл қиёфасида жамолини кўрсатиши лозим эди”.

Ҳикоячи яширмайди: Владивостокдан келган ҳарбийнинг қизига сеҳрланиб қолади. Ҳатто, жўшиб русча шеърлар ёза бошлайди. Наталяни шу газетага бухгалтер қилиб ишга олади. Қизга мақталган, машхур, мухлиси кўп, буюк ғоялар йўлидаги устоз, раҳбар Илёс ака ҳам ошик бўлиб қолади. Ҳикоячининг рашкли саволига қиз раҳбар ҳақида “Хоҳласанг, тиз чўктираман!, У мени севиб қолган!” дейди. Илёс аканинг Наталя уйида қўлга тушиб, қизнинг отаси томонидан калтакланаётганига рашкчининг ўзи гувоҳ бўлади.

Кейинчалик бир китоб дўконида Илёс акани учратиб қолганини ҳикоя қилади. Илёс ака кўп нарсадан нолийди: одамлар китоб ўқимай қўйган, биров таълим олай, маърифатли бўлай, одоб-ахлоқли бўлай деб, китоб ўқимайди, ҳамма уни катта ёзувчи билади, биттаю битта ўғли ҳам унинг бирор китобини ўқимаган... Илёс аканинг ҳоли анчайин хароблашгани кўриниб турибди. Бироқ, отдан тушса-да, эгардан тушмаган кўринади: ҳикоячи – ижодкор-шогирдни ҳеч нарса ёзмай қўйганликда, ижоди тутаб-тутаб сўнганликда айблаб қойишди. Аммо ҳикоячининг унга ўринли, ҳақли жавоблари борки, у буларни ўқувчиларга айтади. Бу сўзлар ҳикоянинг энг жозибали ечимларидир:

“Ҳафсаламни пир қилган, ижоддан бездирган, китобдан кўнглимни совутган иккиюзламачилигингиз, тилингиз бошқа-ю, дилингиз бошқалиги эмасми, устоз! Ўз ғояларингизга ўзингиз ишонмаслигингиз эмасми, ёлғончи ва мунофиқлигингиз туфайли жигарбандларингиз ёзган китобларингизни ўқимайди. Шогирдларингиз ҳар тарафга тарқалиб, сизга ўхшаганларга қўл силтаб, қўлтиғига тиқиб олганлар. Орзу ва умидлари кулга айланиб, кўкка соврилган! Уларнинг жувонмарг ва увол бўлган буюк мақсадлари учун ким товон тўлайди, сиз эмасми, устоз!”

Ҳикояда жамиятимизда илдиз отган жуда катта бир гуноҳкорлик кўриниши аччиқ фош этилади. Халқнинг устозлик қатламида ҳам шундайлик мавжудлиги кўпчиликка сир эмас. Илмга амалсизлик, риёкорлик, ахлоқан бузуклик, ўзини эзгулик йўлида қилиб кўрсатиб, шахсий ҳаётда бунинг тамоман тескараси бўлишлик улкан фожиа бўлиш баробарида атрофдагиларнинг маънавий ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Эътиқод илмларида мунофиқлик қаттиқ қораланади. Улардан юзага чиққан яхши ишларининг ҳам номайи амалларидан ўчирилиши ва ҳукмлари ўта оғирлиги

айтилади. Ҳикоя шу нуқтаи назарни дадил кўтариб чиқиши билан ғоявий-бадий қимматга молик.

Яна бир ҳикоя “Хўжайиннинг хўжайини” деб аталади. У “Қалтис кўтарилган қўл”даги амалдорга унинг хотини орқали пора воситасида йўл топиш воқеасини эслатади. Бунисидаги воқеани узоқ йиллар туман ҳокими бўлиб ишлаган оқсоқол – собиқ райком секретари сўзлаб беради. Йилда об-ҳаво ноқулай келиб, туманда пахта ва ғалла плани бажарилмай қолади. Туман раҳбарини ишдан олиш масаласи ўртага чиқади. Ҳоким ишдан кетишдан эмас, элу юрт олдида бош кўтариб юришдан қўрқади. У азонлаб вилоят раҳбарининг уйига халтада катта пул – пора билан боради. Раҳбар уни уйдан ҳайдаб солиш қасдида. Раҳбарнинг хотини унинг ёнини олиб, жонига оро киради. Раҳбарнинг ортида ҳам раҳбарлар бўлишининг бир кўриниши шундайдир. Хуллас, катта танқидий мажлисда ишдан бўшатилиш масаласи юмшатилади. Орадан кўп йиллар ўтгач, обкомга ҳоким шундай дейди: “Биласиз, чўлни обод қилишдан кўра одамнинг кўнглини обод қилиш осонроқ. Мен йигирма йилдан ортиқ турмуш ўртоғингизга хизмат қилганман. Заиф томонингиздан фойдаланганман... Юз минглаб одамларни бошқара олган қудратли инсонлар гоҳида уч-тўрт кишидан иборат ўз оиласини бошқара олмайдилар. Одамнинг заиф томони ҳам, буюк томони ҳам – унинг хотини ва бола-чақаларидир!”

Бу ҳикояда, унинг сюжетида далилланган воқеаликдан чиқарилган жуда кучли фалсафий хулоса. Ажойиб хотима. Ғоявий-эстетик мақсаднинг мухтасар ифодаси.

“Дарёдаги алвон гулдаста” ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Икки йиллик ҳарбий хизматдан қайтган Акбарни ота-онаси уйлантирмоқчи. Акбарга қолса, шаҳарга кетиб, ўқимоқчи. Уйланар бўлса, Азизани дейди. Мактаб ҳаётида

бошидан Азиза билан боғлиқ баъзи воқеалар кечган, буни уйидагилар билишади. Ўшанда қизга атаб шеър ёзган. Азизанинг уйига бориб, почта қутисига хат ташлаган кечасида Акбарни уларнинг ити қопган. Бошқа ҳамма қизиқарли ва ҳал этувчан воқеалар шу сабабдан таралади. Характерлар очилади. Акбар Азизанинг ҳатто итига ҳам хиёнат қилолмайдиган қалб эгаси. Итнинг қутирган қутурмаганини текшириш зарурлиги тўғрисидаги қистовларга қарамай, итни “сотмайди.” Шунга қарамай, унинг ихтиёрисиз жумбоқларга ойдинлик киритила боради. У шифохонада экан, қизни севиши фош бўлади. Дўсти Ҳамид сирни овоза қилиш билан машғул. Улар севгисига ҳасадгуй ва Азизада ўзининг кўнгли бор.

Ёзувчи ёшлар ҳаётининг эврилишлари, характер, қирраларини моҳирона тасвирлаган. Ҳикоя бир нафасда завқли ўқилади. Ёшлар ҳаётидаги яхшилик ва ёмонлик тўқнашувининг реал манзараларини ярата олган. Ит тимсолига моҳиятга муносиб рамзийлик, ишорат ҳам юклай олган. Ҳамиднинг ичи қора. Акбарнинг номини бадном этиш йўлидан бориб, Азизага ўзи етишмок пайида бўлади. “Қизни деб эмас, ит феълинг борлиги учун сендан кечдим. Ит қопса, қутулиш мумкин, сендай ўртоқнинг ишини юзта ит қилолмайди,” – дейди унга Акбар.

Совчиликка боришса, Азиза Ҳамидга унаштирилган экан, яқинда тўйи экан. “Энди шаҳарга кетаман. Бу ерда қорамни кўрмагайсизлар. Бир ит шунча ахмок қилди-я...” – дейди Акбар. Ҳикоя ғамгин тугайди. Китобхон ҳаётдаги икки тоифа итни – ҳайвон итни ва одам итни кўз олдига келтиради.

“Бўш қути” ҳикояси хулосани ўқувчининг ўзига қолдиради. Зарифанинг фожиали тақдири чуқур ачиниш ҳиссини уйғотади. Синфдошлар май ойида пахта чопиғига олиб

чиқилганда, ариқдаги сувдан чой қайнатиб ичиб, бутифосдан захарланган. Зарифа шифохонада ҳаётдан умидсиз ётибди. Туман газетасига амалиётга келган Султон уни кўргани келади. Зарифа-Султон севгиси, уларнинг суҳбатлари ҳикоя сюжетининг асосини ташкил этади. Коммунистик совет сиёсати нафрат уйғотади. Ҳикоядаги соат детали маънони янада кучайтиради. У Зарифанинг Султонга совғаси эди. Аслида қизнинг отасиники бўлган. Ойиси уни Султон тақиб юришини истаган. Бу ерга келишдан аввал бузилган ва Султон ҳали тузаттира олмаган. Кейин йўқотиб ҳам қўйди. Соатнинг бўш қутиси эса уйида. Зарифа отасиз ўсган. Ўша газета редактори қизнинг бемехр отаси.

“Бехато отилган ўқ” ҳикоясида баён усули етакчи. Ҳикоянавис воқеликнинг ичига, қаҳрамоннинг ички оламига кириб бормайди. Лекин тафсилот аста-секин ўқувчи диққатини торта бошлайди. Бир-икки саҳифадан сўнг образнинг ҳам, ундаги характернинг, иллатларнинг ҳам, ҳалокатнинг ҳам умумлашмалик касб этгани сезилади. Баён усули бу ҳикояда ана шу ғоявий-бадиий ният талаби бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Ҳикоя қаҳрамони Мусулмонқулнинг ҳаёт йўли изчил баён этилади. У –“Худо ёрлақан бола”, Худо пешонасини ярқиратган талаба, Худо сийлаган бозорқўм... Анчайин ночор, кўп болали оилада ўсиб, улгайиб, яхши ўқиб ва битириб, бойий бошлаш ҳам, тўғри йўлдан эгри йўлларга ўтиб кетишлар ҳам ҳаётда жуда кўп. Мусулмонқул шундай кимсаларнинг тирик тимсоли сифатида тасвирланади. Бозор дўконларини ҳам ижарага бериб ташлайди, қасрмонанд ховлилар қурдиради. Ёлғиз ўғил ота билан туришни истамай, ўша ховлилардан бирига хотини билан кўчиб ўтади. Эрдан ажрашиб келган қизи онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўшандай данғиллама ховлиларнинг бирига чиқиб

кетади. Онаси Малика ёлғиз сиқилиб яшайди. Уй бойликка, пулга тўлиб кета бошлайди. Мусулмонқулга мол-дунё оқими бир лаҳза бўлсин, тўхтамай оқади. Унда саҳоват туйғуси бор эди. Бу туйғу ҳам сўна боради. Халқ саҳоватимга арзимади, ғамхўрлигимнинг қадрига етмайди, булар яхшилигимга нолойиқ одамлар, мендан буйруқ эшитиш уларга бахт, уларга шараф, улар мен учун яшаб, мен учун ўлишлари керак деган фикрлар қалбини забт этади. У ниҳоятда мудҳиш бахтсизлик йўлидан кетаётган эди. Одатда, бунчалик серғуноҳ йўлга кириш ўта хатарли натижага олиб боради. У бойлик тўплашга қаттиқ ружу қўяди.

Ёзувчи бутун тасвир мобайнида характер тадрижини инсониятдаги исломий тасаввурлар, таълимотлар негизидан туриб кузатади. Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам Аллоҳ иродаси билан бўлишини ҳар бир иймон соҳиби яхши билади. Бу нуқтаи назарни китобхон талқиннинг илк саҳифаларидаёқ пайқайди: бот-бот қаҳрамоннинг худо ярлақётганига урғу берилади, шунча гуноҳга, шунча нафсга берилаётган бўлса-да, тек қўйилаётгани таъкидланади, шайтон измидалиги айтилади, батамом адаштирилиб қўйилганлиги шу кабилардан идрокланиб боради. Мусулмонқул мусулмон шахсига хос бирор хислатни ўзида қолдирмайди. Ўзгаларга бутунлай паст назар билан қарайдиган нодонга айланади. Бу ҳолати бадиий баёндаги кулминациядир. Кутилган оқибат рўй беради. Малика уйига ўғри тушгунга қадар ўзлигини йўқотиш даражасига келиб қолган эди. “Энди Малика шайтоннинг измидан чиқмас, ҳар он, ҳар сонияда унинг имо-ишорасига маҳтал турарди. Маликанинг тамом пишиб етилганини, ақлидан, юрагидан, тафаккуридан Мосуво бўлганига тўлиқ ишонч хосил қилгач, бу хонадонга ўрнашиб, кўнглига туккан шум ниятни амалга оширди, ҳар дам, ҳар ишида унга халақит

бераётган иморат пештоқидаги “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” деган ёзувни кўпориб ташлаш кераклигини Маликанинг дилига солди... Ғарб усулида қурилган иморатга шарқ тамғаси ноўрин тургандай эди. Тилла суви юритилган сержило ва гўзал ҳарфлар бирма бир кўпорилиб туша бошлади”.

Уйга ўғри тушган тун Малика жавондаги тилла пистолет томон югуради. Ўғрилардан бирини эмас, ўқдонда ўқ тугагунча басма-бас эрини отиб қўяди. Кимдир қаттиқ зарб билан Маликанинг бошига уради. Ўғрилар қочиб қолади. “Бехато отилган ўқ” албатта икки дунё кулфатидан асранишга, икки дунё бахтсизлигига олиб борувчи йўллардан юрмасликка чақирувчи огоҳлик ҳикоясидир.

Китобдаги бадиалар: “Қуръони Карим таржимаси хусусида”, “Кўнгил мулкига сафар”, “Шеъроят Гамлети”, “Буюк ранглар таронаси”, “Бир рубойи ақоиди”, “Сахрода сайраган соз”, “Биринчи рақамли воиз”, “Самоларда сўйлаганим сенсан, она юрт!”, “Ушалмаган орзулар”, “Ҳали ҳаммаси олдинда”.

“Дўстни кўз эмас, қалб кўзи топади. Ҳеч бир таассурот уйғотмаган кишини эса ўзингиз сезмаган ҳолда унутиб юборасиз. Кўнгил салтанатининг бешафқат қонуни бу!” – дейди адиб “Биринчи рақамли воиз” бадиасида. Унда шоира Турсуной Содикова ҳақида сўз боради. Ижодкорнинг шеърятдаги мартабаси, маърифат таратишидаги беназир ишлари, ҳақгўйлиги, юксак нотиклик маҳоратлари ҳаётий мисоллар билан тасвирланади. Турсуной Содикова таърифидаги сўзлар жуда топиб айтилган. Баъзи мисолларга мурожаат қиламиз:

“Турсуной опа ҳар сўзга зеб бериб, маржондай эркалатиб, ҳар ҳарфини таранглатиб, ўзи эркаланиб, тингловчиларни эркалатиб, баҳри дилни яйратиб гапиради”.

“Сўз опанинг тилига дарёдай мавжланиб, бетўхтов куйилиб келади. Битта воқеага ўн марта изоҳ берса, берган изоҳлари ўн хил гулдастага ўхшайди. Бири-биридан гўзал ва жозибадор, ёқимли ва мафтункор”.

Бадида Турсуной Содиқовани Азиз Қаюмов, Халима Худойбердиева, Саид Аҳмад, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар ҳақидаги фикрлари ҳам воқеий ҳикоя қилинадикки, улар катта қизиқиш билан ўқилади. “Турсуной опанинг ўзларидан эшитганингизда, – дейди Муҳаммад Исмоил, – бундан ўн чандон гўзалроқ, мароқлироқ, файзлироқ қилиб гапириб берган бўлардилар... ёзишдан мақсадим опанинг, бир ўзбек фарзандининг ҳароратли сўзлари ўзимда қолиб кетмасин, халқимизнинг маънавий мулки бўлган бу сўзлар шу пайтгача менда омонат турганди, энди бу омонатни сизга топширмакдаман. Қолаверса, опага бўлган муҳаббатни менинг юрагимга онам ўрнатган. Қолаверса, опа йиллар давомида ўнлаб, юзлаб одамлар синиб кетиши мумкин бўлган машаққатли ҳаёт ва ижод йўлини босиб юрибди...”

Муаллифнинг Турсуной Содиқова ҳақидаги таърифлари, тилаклари жуда ҳаққоний, таъсирчан. Улар ўзбек халқининг катта ижод ва маърифат соҳибасига эътибори, эҳтиромининг изҳорлари сифатида жаранглайди. Бадиа охирида адибнинг ҳаётий воқеа муносабати билан айтган бир лутф-ҳазиллари келтирилади. Катта бир ижодий учрашув олдидан адиба саҳнада ўтирибди. Одам бўйи келадиган гулдаста кўтариб зинадан чиқаётган ҳоким қаддам ташлаб юзтубан йиқилади. Турсуной опа микрофонда: “Бир йигитни оёғим остига йиқитмасам, шоира бўлиб нима қилдим?!” – дейди. Ҳоким ҳам ўнгланиб: “Бир аёлни оёғига йиқилолмасам, йигит бўлиб нима қилдим?!” – дейди. Бадиа муаллифи лутфга рамзийлаштирилган лутфлар билан муносабат билдиради.

“Турсуной опа! Сиз ҳақиқатан ҳам оёгингизга бош қўйиб йиқилса арзигулик бой маънавий хазинага, олмос каби тоза юракка, Ҳазрат Алининг қиличи янглиғ ўткир тафаккурга эга ҳазрати аёлсиз! Сизнинг ёзганларингиз олдида шунинг учун йиқилишга тайёرمизки, сиз кўп йиқилганларни, ҳаёт йўлида қоқилганларни, мункиб кетганларни, туришга мажоли йўқларни, умиди йўқларни оёққа турғиздингиз, равон йўлда юришни ўргатдингиз... Агар улар кўп бўлмаганида минг-мимглаб китобларингиз севиб ўқилармиди, панд-насихатларингизни одамлар ўз ҳаётларига татбиқ этиб, янада гўзалроқ, янада яхшироқ, фазилатлироқ яшаш йўлларини кашф этишармиди!..”

“Шеърят Гамлети” бадиаси шоир Рауф Парфи ҳақида. Муҳаммад Исмоил ўз хотиралари, учрашувлари, суҳбатлари, олган сабоқлари асосида Рауф Парфи оламини ёрқин, теран акс эттиради. Талабалик даврида шоирни илк бор эшитгани ва кўрганига оид лавҳалар жуда қизиқарли. Ушбу лавҳаларнинг ўзи ҳам шоир сиймосини кўз олдингизда гавдалантиради. У “ўрта бўйли, озгин, сочлари бироз оқарган, кўзойнак таққан киши”, “кибру манманликдан, катталикидан мутлақо йироқ, хокисор ва бечораҳол, нажот истагандай заифгина”. “Рауф ака ҳар доим қисқа ва кам гапирарди. Жиддий саволга ҳазиломуз жавоб қайтарар, жавобида албатта бирор ташбех бўлар ва жавоб ҳам ҳеч ким ҳеч қаерда эшитмаган жавоб бўларди”.

Дастлабки лавҳаларни завқли қилган нарса Рауф Парфининг берилган турлича мавзулардаги саволларга “гаройиб” жавобларидир ва ёш Муҳаммаднинг қарашларини остин-устун этган таассуротларидир.

“У айтган гапларни мен ҳаётимда биринчи марта эшитишим, советнинг ғояси дунёдаги энг зўр ғоя ва дунёда бошқа йўқ ғоя, ғам-ғуссага не ҳожат деб юрардим”.

“Шу дафтарчамни олдим-да, дарҳол Чўлпон, Фитрат деган номларни ёзиб қўйдим. Бу номларни биринчи эшитишим ва улар менга жуда сирли, муҳаббатли ва мутлақо бошқа мўъжизакор оламнинг султонларидай туюлаётганди, қутилмаган бахт пешонамга қўнгандай эсанкирдим”.

Бу воқеалар 1981 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтади. Муҳаммад Исмоил улкан шоир билган жуда қўп учрашади. Барча қолган хотираларини ҳам кейин ёзишни ният қилган ҳолда, шоир шахсияти, ижодини, адабиётда қолдирган порлоқ мавқеини васф қилади. Жумладан:

“Манмалик, кибр Рауф акада мутлақо йўқ эди. Рауф ака йиқилганларнинг, хўрланганларнинг, очларнинг, камбағалларнинг, иши юришмаганларнинг, омадсизларнинг, муҳтожларнинг, бечораларнинг, заифларнинг, ожизларнинг дўсти эди. Бойлар, мансабдорлар, гўддайганлар билан гаплашолмас, улардан ўзини узоқ тутар, ҳеч яқинлашмасди”.

“Дунёдаги энг ёмон нарсa маънавий кўрликдир. Рауф Парфи бизнинг маънавий кўзимизни очган, бизга тўғри йўлни кўрсатган шоирдир. Биз ҳали ҳамон ўша йўлдан кетиб бормоқдамиз. Адабиётда нимаики топган бўлсак, Рауф ака кўрсатган йўлдан топганмиз. Нимаики топмаган бўлсак, Рауф ака кўрсатган йўлдан юрмаганимиз учун топмаганмиз...”.

Рауф Парфининг турли масалаларга бўлган қарашлари ёшу катталарни, мухлисларини ҳамини қизиқтирган. У ҳақиқатни баралла айта олиб яшаган ижодкор бўлиб ўтди. У рост сўзни ҳаммадан аввал айтар, маънолар, таг- маънолар билан шеърга солар, ғафлат ичра қолган туйгуларни уйғотишга шижоат билан ҳаракат қилар эди. Ижодининг дастлабки босқичларидаёқ буюк жадидчи алломаларимизнинг ғояларини эъзозлади. Истибодни қоралади, Ватани озод қўрмоқ, туркий дунёни фаровон қўрмоқ истагини

яширамади. Шеърятда мавжуд муайян мунглилик, маъюсликни у ёш мухлисларига шундай изоҳлайди:

“Менинг қайғули ёзишимга сабаб бўлган туйғу бу – Ватанга бўлган муҳаббат туйғусидир. Ватани қулликда азоб чекаётганда шоир қайғули ёзишга мажбур. Вақти келиб, бор ҳақиқатни рўйи-рост англаб етганларингдан кейин сизнинг ҳам ичингиз дарду фарёдга тўлади. Шўх-шодон эмас, мунгли ва маъюс ёза бошлайсиз. Шунда сизларга қараб, изтиробга тўла ғам муборак бўлсин, бу саодат сизга муборак бўлсин, дейман!”.

Рауф Парфи поэтик қарашларининг бир қатор хусусиятларини яққол ифодаловчи унинг ўз сўзлари ва муаллиф мулоҳазалари шоир ҳаёти ва ижодининг тадқиқотчиларига жуда қўл келиши шубҳасиз.

“Сахрода сайраган соз” ҳозирги замон ўзбек шеърятининг забардаст вакилларида бири, бадида тўғри тариф этилганидек, “халқ оғзаки ижодининг энг улкан энг сўнгги намоёнчаси, давомчиси Тўра Сулаймон хотирасига бағишланади. Дастлаб шоир билан бевосита танишув ва суҳбат ёд этилади. Ёзувчи Одил Ёқубов ёш ходим бўлган Муҳаммад Исмоилни “Тўра Сулаймонга учраш, газета учун суҳбат қил, вилоятдаги муҳитни ўрган” деб, Сирдарёга йўллайди. Муаллиф уни болалиқдан талай қўшиқларнинг шоири сифатида билади. Шоир сиймоси унинг ҳаёлида муҳаббат салтанатининг паҳлавониға ўхшаб шакланган. Учрашгач, шундай ёзади:

“Тўра ака ҳеч қанақа муҳаббат салтанатининг паҳлавони эмас, аксинча, ориқ, оддий ва ниҳоятда камтарона ҳаёт кечирувчи, камтар ва камгап одам... Тўра Сулаймон ижодда, оппоқ қоғоз устида, асар ёзгандагина паҳлавонга айланаркан. Адабиётдан, шеърятдан бошқа ўйлайдиган ўйи, гапирадиган гапи, оғриқли дарди йўқ экан”.

Шоирнинг адабий-назарий қарашлари, ўз услуби, ижод лабораториясига оид сўзлари ажойиб бир мактабдир. Ҳар бир шоирда бу тажриба одатда ўзига хос кечади. Тўра Сулаймон дардли шеърнигина яхши шеър ҳисоблайди, аммо, унингча, ҳамма дардни ҳам қоғозга туширавермаслик керак. Чунки қоғозга тушдими, у қисматга айланади. Шоир ўз ҳаётини ҳам, шеърнинг ҳаёти ва ихлосмандларининг ҳаётини ҳам авайлаши даркор. “Худо мени илҳом билан сийлаганда қувонаман, – дейди у, – шукроналар айтаман. Агар илҳом берса, қўни-қўшнига ҳайру эҳсон қилиб юбораман, бева-бечораларга садақа улашаман”.

Тўра Сулаймон ўзбек халқ оғзаки ижодининг тенги йўқ хазина эканлиги, “Алпомиш”нинг дунёда мисли йўқ дostonлиги, халқ меросининг нақадар нодирлиги, ўз ижодининг Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош дostonларидан, умуман, халқ оғзаки ижодидан қанчалар озиқланиб келаётгани тўғрисида сўз юритади. Шоирнинг айни иқрори, муҳаббати халқнинг мавжуд реал ҳаётига нисбатан ҳам худди шундайлигини бошқа мавзудаги суҳбатидан билиб оламиз. У дейди: “Бу халқнинг матонати, сабру тоқати, қурашчанлиги ҳақида, қани эди “Шохнома”дай асар ёзилса... одамлар эса ишлаяпти тер тўкяпти, чўлни обод қиляпти, бийдай дала-дашт гулистонга айланяпти”.

Бадида Тўра Сулаймон шеъриятидан баъзи намуналар мушоҳада учун келтирилади. Шоирнинг адабиётимизда тутган хос ва яшовчан мақомига ўринли баҳо берилади.

“Буюк ранглар таронаси” машҳур рассом Чингиз Аҳмаровнинг ҳаёт ва ижод машаққатларидан ҳикоя қилади. Чингиз Аҳмаровнинг тасвирий санъати ўзбек рассомчилик тарихида ўчмас из қолдирганди. Айниқса, унинг услубий ўзига хослиги ва ғоятда шарқоналигини, ўзбек мумтоз адабиёти асарларига чизган суратларининг донг таратга-

нини ҳамма билади. Унинг ранглар олами, тасвирий санъат идроки, ўз ижоди тажрибалари тўғрисидаги мулоҳазалари бадида қизиқиш билан мутолаа қилинади. “Мен, – дейди мусаввир, – кўпгина қаҳрамонларимнинг қиёфасини Навоий асарларни ўқиб топганман. Навоий сўз билан тасвирлаган инсонларни, Навоий қандай тасаввур қилган бўлса, шундай чизишга интилганман. Менда совет реализими йўқ. Совет кашф этган қаҳрамонларни ҳеч қачон чизмаганман”.

Бади муаллифи аччиқ кечинмалар гирдобиди касалхонада ётар экан, деразадан боқиб, Аллоҳнинг яратиклари, қудрати, мусаввирлиги ҳақида хаёл сурар экан, ўзининг Чингиз Аҳмаров тўғрисидаги хотиралари бирма-бир уйғонади. У рангларнинг кўп ҳикматларини шу улуг мўйқалам соҳибидан ўрганган. Рассом соҳасининг чинакам устаси ва фидойиси эди. Унда “ҳаётнинг ҳар бир дақиқаси – ижоднинг ҳар бир дақиқасига” айланган. Унда ижодга тааллуқли бўлмаган ўй-хаёл ҳам, гап-сўз ҳам йўқ. Хонадони – ижод устахонаси. Бутун ҳаётини эзгуликка йўналтирган. Сиртдан қараганда, ювош, беозор, итоатгўй кўринса-да, “қалбан ўз даврининг энг улуг исёнкори, инқилобчиси”:

“У киши 300 миллион киши бўйсуниб турган совет мафкура-сигина эмас, миллионлаб ижодкорлар бўйсуниб турган реалистик санъат оқимиға ҳам бўйсунган эмас... Совет деган қудратли сиёсатнинг ногорасига минглаб улкан истеъдодлар рақс тушган, уни мадҳ этиб, авж пардаларда қуйлаган, у чизган чизиқдан чиқмай жон асраганлар. Чингиз оға вужудан итоатгўй, хокисор ҳолда яшади, лекин қалб ҳайбати, довию-раклиги билан ҳаммадан ғолиб чиқди. На совет берадиган мансабига, на мукофотига, на бойлигига учди. Моддий қашшоқликда, маънавий бадавлатликда умр кечирди”.

Шундай хотиралар, мозий ибратлари бўладики, улар инсон хаёлотида жонланса, чарчоқ тафаккур ногоҳ фавку-

лодда кучга тўлади, тушкун кайфият тумандек тарқалиб, инсон руҳан тетиклашади. Ҳаётнинг дуч келган, энгил-елпи йўлларида эмас, балки унинг энг тўғри ўзанида яшаб, қойилмақом намуна бўлиб қолганлар хотираси ўзгаларни қийинчиликларни энгиб, олға томон шижоатли одимлашга руҳлантиради. Бу ибратлар, айни чоқда, Аллоҳ қудрати, марҳамати, муҳофазаси, розилигини ҳам тафаккур қилдиради. У “бандасини машаққатлар аро юргизиб, роҳатга етказди, жисмонан тутқунликда тутиб, руҳан озод қилиб қўяди...”

Чингиз Аҳмаров ҳақидаги кўпчилик билмаган бадидаги лавҳалар ва чизгилар шифохонада кечмоқда. Улар муаллифга тетиклик, кўтаринкилик бахш этаётгани каби китобхонларга ҳам катта завқ, маънавий ёруғлик бағишлайди.

Шоир Муҳаммад Юсуф ҳаётида кўрилган воқеалардан, муаллифнинг устози ҳақидаги қизгин эътирофлари, кечинмаларидан сўзловчи “Ҳали ҳаммаси олдинда!” бадиасининг пафоси ҳам мунглу-гуссали. Ҳам завқли, ҳам фахр-ифтихорга тўла. Ундан Муҳаммад Юсуфнинг ҳикматлар билан йўғрилган фикрларидан бир неча намуналар келтирамиз:

“Мен қўшиқчи шоир эмасман, шоирман. Шеър қўшиқдан баланд туради. Шеърнинг ўзи – санъат. Биронта шоир қўшиқчининг остонасида ётиб олмаслиги керак. Қўшиқчи билан дўст бўлса, ҳамкор бўлса бошқа гап, лекин шеърнинг, шоирнинг обрўсини тушириб, хонандаларнинг орқасидан югуриб юрган шоирлар сўз заргари эмас, сўз савдогаридир. Ундай кимсалардан шеъриятни асраш керак”.

“Яхши шеър ёзиш учун одам ўзини муттаҳамликдан, ёлғон гапиришдан, таъмадан, миннатдан, порахўрликдан, мансабпарастликдан ва ҳоказо иллатлардан асраш керак. Баъзи шоирлар, ёмон ишлар қилавераман, лекин яхши шеърлар ёзавераман, деб ўйлайди. Асло ундай эмас. Ёмон одам яхши шеър ёзолмайди”.

“Шоир бургут бўладиган бўлса, халқ мана шу бургут учадиган тоғлар, қоялардир. Шунинг учун шоир бутун умр бу халқ олдида бош эгиб яшаши керак”.

“Шеър ёзиш яшашдан кўра яхшироқдир. Чунки одам яшаса, 50-60 йил яшайди, шеърятга муҳрланган ҳаёт эса асрлар давомида яшаши мумкин”.

Ўқувчида “Ушалмаган орзулар” номли бадиа бошқача таассурот қолдиради. Эҳтимол, уни бадиа эмас, ҳикоя, монологик ҳикоя деб аташ мақбул бўлар. Унинг қаҳрамони – Ёзувчи. Барча кечинмалар, иқрор- мулоҳазалар уники, ўзининг тилидан сўзланади ва ровий баёни орқали ўтади. Асарда анча вақтдан буён Дўрмондаги ижод уйига келиб асарини ижод қилишни режалаштирган ёзувчининг шу ерга келиб иш бошлаганидаги ўйлари, изтироблари, юзага чиқмаётган орзуларининг армонлари акс этган. Ҳикоясининг биринчи қаторини ёзиши учун бир кун вақти кетади. Ўзга ўйлар-да уни ўз домига тортади. Ёзиш нимаю, ёздадим нима қабалидаги хаёллар ҳам кечади ундан. Шу билан адабиёт бойиб қоладими? Элга унинг бирор фойдаси тегадими? Жамиятда қандайдир ўзгариш ясайдими? Шунини биров кутяпдими?.. Худди ўрага тушиб қолган одамга ўхшайди. Югурасан, югурасан натижа йўқ. Йиллар мобайнида шу аҳвол ва бу қачонгача давом этади?..

Шу тариқа бошланган кечинмалар изчил, мазмундор давом этади. Қолаверса, китобхон учун бу оригинал бир мавзу – ижод изтироби, азоби, заҳмати, ботин лабораторияси манзаралари. Ўйлайди: “Бундан кўра ёзмаганинг яхши эмасми? Янги китобингни умид билан кўлига олганларнинг ҳафсаласини пир қилиб нима қиласан? Умид билан кўз тикиб турган танқидчиларнинг, одам бўлиб кетар дея сабр билан, қаттиқ гапиришдан ўзини тийиб турган, йўли очилиб кетсайди, дея хайрихоҳлик билан ён босиб турган устозларнингнинг ишончини қачон оқлайсан?..”

Шугина эмас, масаланинг қамрови янада катта. Яқинларнинг умидворлиги олдидаги масъулиятлар-чи? Булар ҳам бор. Шу саҳифалардан бошлаб асардаги ёзувчи билан муаллиф – ижодчи кечинмалари зич муштараклик касб эта боради ва бу туйғулар барча ижод аҳлига хослиги билан характерлана боради: “Мендан ранжиган, қўлларини қўлтиққа урган ўқувчиларимга берган ваъдаларим, ўлим остонасида туриб, мендан сўз сўраб, сўзимни боқий дунёга олиб кетган хаста отамга айтганларим, мен учун қаро терга ботиб, хору хазондай мадорини йўқотган онамга берган далдаларим, ой ёруғида ўзимча шеър ўқиб, ўз-ўзимга ичган қасамларим қани? Ҳаммаси унутилдими? Бошқа одамга айландимми?..”

Асарда виждонга мансуб сўроқлар исёни ғолиб келади. Уларнинг ҳар бири оғир, залворли. Бутун ғоялар, моҳият улардан таралади. Жавоблар ички тергов саволларнинг ўзида бор. Тафтиш жараёни кучайган сари виждон азоби ортади. Бешафқат ҳисоб-китоб, имтиҳон. Ижод натижаларига кўрагина эмас, бор ё йўқ мавқе-мартабадан ҳаётда ортиқча фойдаланиш, адабиёт шаънини суистеъмол қилиш ҳусусида ҳам гап бормоқда .

“Бурун осмонда. Оёқлар керилган. Адабиётга қулдай хизмат қилиши керак бўлган одам қулнинг вазифаси нима эканини унутиб қўйган. Такаббурликнинг ҳамма расм-русумини жойига қўяди. Ҳой, мунча осмонга қарайсан, сен қилган ишларни йиғиб келса, нархи бир қоп сомоннинг нархидан пастроққа тушиб кетади-ку... кўз олдинда юз бераётган адолатсизликлар, шахсга сиғинишлар, мадҳиябозликлар, лаганбардорликлар, “пахта” кўтариб чопишлар, оёққа тепиб чалишлар, макру ҳийлаларнинг урчиб кетишлари, одамлар қоронғида йўл тополмай бошини деворга ураверишлари, оғзи-бурни қон бўлиб йиқилишлари – бу

ҳаммаси сўроқ эмасми? Мана шу саволлар ёқангдан олиб, жавоб бер демайдими?..”

Дунёдаги энг ёмон қабоҳат ёлғондир. У илоҳан лаънатланган. Алдовнинг шакли-шамоили шу қадар беададки, қайси макон ва замондан туриб тафаккур қилинса ҳам, улар ақл эгаларини ҳайрон қолдиради, хушёр торттиради. Улардан муҳофазаланиб яшаш эса камдан-кам одамларга насиб қилади. Ҳар қадам, ҳар лаҳзада ва бутун умр ҳар кимни, ҳар қаерда алдаб яшамоқ ҳам, афсуски, бор. Инсоннинг ўз-ўзини бир умр алдаб умргузаронлик қилиши ҳам, билиб-билмай алданиб яшаб, умрни зое этишлар ҳам, афсуски бор. Алдоқларнинг ҳамма нави жамиятларга фақат зарар таркатади, эгасини эса мангу кечадиган ҳалокат чоҳига улоқтиради. Инсон учун бу бобда улкан синов-имтиҳон, улкан ҳисоб-китоб бор.

“Дунёдаги энг катта алдоқчилик, – дейилади асарда, – одам ўз-ўзини алдашидир. Афсуски, бу дунёда энг кўп тарқалган нарса алдоқчиликдир. Одам ўзини ўзи ҳар қадамда алдайди. Агар одам бошқаларни бир кунда бир марта алдаса, ўзини ўзи бир кунда юз марта алдайди. Болалигида кичкина алдоқчига айланади ва ўзини ўзи катта ёлғонлар билан алдайди.

...Умрини бошқатдан бошлолмаслигини, қайтадан туғилмаслигини, куч-қуввати қайтмаслигини билиб турса-да, қайсарлик билан тан олмайди. Тан олса, юрагига азоб беришини билади”.

Буларнинг бари тааммул қилинган сари ақли бор одамни маънан изтироблар қийнайди, қалби ларзага келади, ҳар оннинг қадри бутун салобати билан ҳисланади ва барча жабҳасида илоҳий нажотга ҳар дақиқа муҳтожлигини чуқур фаҳмлаб, Яратганга ёлворади: “Эй Ҳудойим, мени мана шу ҳолга туширмагин. Разолат сари, жаҳолат сари, хиёнат

сари, ноҳақликлар сари кетаётган йўлимдан қайтар. Менга куч бер, қудрат бер! Аввало, ўзимни поклай, менга иймон қуёшини бер! Мени тўхтат! Мени ўз тарбиянгга ол! Ихти-ёрим сеники! Қалбимни ҳидоят йўлингга бошла!..”

Асар билан тўлиқ танишинг. Балки Сиз асарни “Қоп ичида турган ёзувчи” деб номларсиз? Асар ечими Сизга шундай асос ҳам беради. Поэтик ҳукм, хулосалар ҳаммага, ҳамма қалбларга тегишли бўлиб чиқишига ўз-ўзидан ишонч ҳосил қиласиз. Сўнгги саҳифадан баъзи парчалар: “Ёлгончилар, алдоқчилар, хиёнаткорлар битта одамни эмас, минг одамни алдаганлар қанча одамни алдаган бўлса, шунча кўп жазо олгувчилар, булар ёлгонни ёзувчилар, ёлгонни кўпайтирувчилар, тўғри йўл туриб эгри йўлга бошловчилар, ўз ордидан ўзгаларни эргаштирувчилардир...”

“...Ёзувчи унга тикилиб қолди. Қўлини чўзди. Сиймо гойиб бўлди.

Ёзувчи уйғониб кетди.

У суд қаршисида турган маҳкумдай қалтирарди.

Ва бу суд ҳеч қачон тугамаслигини яққол англади”.

“Осмонингдан узилма, эй дил!” – Қуръони Карим маъноларининг ўзбекчага илк таржимони, мутафаккир Шайх Алоуддин Мансур билан мулоқот (1991 йил).

“Фалсафа – фанларнинг подшоси!” – Беҳзод Қобуловнинг шоир Муҳаммад Исмоил билан суҳбати.

“Руҳият – дунёқараш илдизи” – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори, машҳур адиб Темур Пўлатов билан билан Муҳаммад Исмоилнинг суҳбати.

“Оила йўқ жойда Ватан йўқ!” – Шоир Муҳаммад Исмоил ва журналист Абу Муслим мусохабаси.

“Ёзувчи ён дафтарида” қайдлар, мўъжаз мулоҳазалар, хотирачалар, лутфлар, хикматли, қуйма фикрлардир.

“Инсоннинг зиммасида ақлидан кўра қалбининг ҳаққи

кўпроқдир. Инсоннинг тириклигини билдириб турадиган нарса ҳам унинг қалбидир. Зеро, сиз дам олганингизда миянгиз ҳам дам олади... Аммо бу беором қалб дунёга келганингиздан кетгунингизгача, билсангиз-билмасангиз, истасангиз-истамасангиз, тинмасдан уриб-ишлаб туради. Демак, инсон деган оламнинг маркази-пойтахти қалб бўлиб, уни пок эътиқод билан обод қилмоқ бурчдир. Ажабки, эътиқод нопок дилларга сиғмайди – худди шўр ерда гул унмагандек!” (Шайх Алоуддин Мансур).

“Адабиёт инсонни меҳрибон онадай парваришлаши, севгилиси каби кўнглини овлаши ва эркалаб, севиб, ғамхўрлик қилиб, тўғри йўлга бошлаши керак... Адабиёт бизга муҳтож эмас, биз адабиётга муҳтожмиз. Адабиётнинг ўз салтанати, низоми, қонун-қоидаси – фалсафаса бор” (Муҳаммад Исмоил).

“Тарбияланмаган руҳ айқаш-уйқашлиги билан фаолиятсиз кишини тезда ҳалок қилади. Катта руҳга эга кишиларнинг хосияти шундан иборатки, у бутун инсониятнинг ҳаёт тарзини ўз ичига қамраб олади. Ва буни доҳиёна дунёқараш асосида кўрсатади. Жамият эса бу даҳонинг керакли фазилатларидан ўз манфаати йўлида фойдаланади” (Темур Пўлатов).

“Осмонингдан узилма, эй дил” китобининг сўнгги ушбу фасллари нафис, дилбар мажлислардир. Ўқиб, қалблар роҳат олади, тафаккурлар юксакликлар томон парвоз этади.



## ТО СЎНГГИ НАФАСГАЧА

Ҳикоялар ва қиссалар.

Тошкент, “Adabiyot uchqunlari”, 2015 йил

500 нусха

Китобга ёзувчининг тўрт қиссаси киритилган. Улар “Юлдузлари куйган тун”, “Забаржад”, “То сўнгги нафасгача”, “Янги ой чиққан кеча”. Ҳикоялар эса ўнтадир. Улар – “Агар сени алдаса ҳаёт”, “Актриса”, “Қалбимдаги қизил атиргул”, “Қалтис кўтарилган қўл”, “Опа-сингиллар”, “Сиз мени севасизми?(SMS)”, “Хўжайиннинг хўжайини”, “Муҳаббат дарси”, “Сиз ҳамон ўшасиз”, “Оппоқ гулдай ойдин хотира”.

Китоб охирида адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг “Ижодкорга нима афзал” сарлавҳали мақоласи илова қилинган. Унда Муҳаммад Исмоилнинг ҳам шоир, ҳам про-

заик сифатида шаклланиш хосликлари, ижодининг айрича қирралари, мавзуларга ёндашиш усуллари ва адабий маҳорати ҳақида фикр юритилади. Иброҳим Ғафуров – шоирнинг “Тазарру саодати” деб номланган илк китобига жуда қисқа, аммо таърифи ҳамда умидбахшлиги ҳаққоний айтилган сўзбоши битган устоз-олим. Мақола бошидаги олим мулоҳазалари ҳам ўша китоб арафасидаги ёш шоир ҳолатларига ишоратдир. Олим Муҳаммад Исмоилнинг илк “Миниатюр шеърлари” билан танишган кезларини эслар экан, шундай ёзади:

“Чамаси, у қийин фикрлар, бадий адабиётдек мавҳум, мубҳам дунёда қийинчилик билан сўз топарди: шеърлари ҳам фикрлаш, ҳиссиётларини аниқ ифодалаш қийинчиликларини енгиб ўтаётганлигини кўрсатиб турар, булутлар орасида шўнғиб юрган беш кунлик ойдаё баъзан сўзлари, оригинал тешбеҳлари ярақлаб кетарди”.

Мақолада Муҳаммад Исмоилнинг бутун дунёда бўлаётган воқеаларни кузатиб, ўрганиб ҳаётий долзарб мақола-лар ёзганлиги, журналистика унинг тафаккур уфқларини кенгайтирганлиги, таассуротлари бойиб, ижодга қарашлари янгиланганлиги таъкидланади. Иброҳим Ғафуровнинг айна ижодкор ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовор:

“...Унинг қаламида ҳаёт лирик туйгулар ва кечинмаларнинг уюрмаларига ўрана, чулғана, кимгадир ёки кимларгадир баён этилиши керак бўлган эҳтиросли рубобий шодаларга айлана бошлади. Бадиалари, ҳикоялари, қиссалари ва ҳатто шеърлари, ҳаётда етишган қайдлари, ҳикматлари ҳам мактуб тусини олди, бадий мактуб унинг дил изҳорларини, кўнгил сирларини очиш, ўқувчига етказиш, у билан ғойибона мулоқатга кириш учун энг қулай шакл бўла олишини ўзи учун кашф этди. У ўзи учун бадий ифода усулини топди”. Муҳаммад Исмоилнинг мазкур китоби унинг ҳар хил

адабий тур ва жанрлардан ташкил топган кўпгина китобларидан фарқли ўлароқ, фақат насрий асарларидан (ҳикоялар, қиссалардан) жамланган тўпламдир. Ёзувчи асосан биз яшаб турган даврнинг воқелигини, унинг ижтимоий-маиший, ахлоқий-маънавий муаммо ва масалаларини қаламга олади. Ҳаётнинг аччиқ ҳикматларини, замондошларимизнинг дард-ҳасратлари, шодлик-изтиробларини, турмуш тарзларидаги хилма-хил манзараларни ўқувчи эътиборига ҳавола этади. Аксарият асарлар ҳаёт сўқмоқларидаги адашувларни, бу адашувнинг туб сабабларини реалистик фош этади. Улар устидан муайян ҳукм ва хулосалар чиқариш кўп ҳолларда китобхоннинг ўзига қолдирилади. Ёки ёзувчи кутилмаган адабий усуллар воситасида китобхонни сюжет ечимини топиш йўлида фикрлашга йўллаб қўяди.

“Агар сени алдаса ҳаёт...” ҳикояси муҳитдаги икки хил разолатни – қотиллик жиноятини ва адолатсизлик жиноятини аёвсиз фош қилади. Унинг қаҳрамонлари эндигина турмуш қурган Жавҳарбек ва Лоларуҳ. Жавҳарбек мактабни битириб ўқишга киролмаган. Уйда ёлғиз ўғил. Отасининг пул билан ўқишга жойлайман деган таклифини рад этган. У “порахўрлик жамиятни қурт каби емирувчи иллат” деб билади. У Лоларуҳ билан бахтиёр. Балиқ стиштириландиган кўлга назоратчи бўлиб ишга кирган. Ойлик таътили тугаб, хўжайини қисталанг қилавергач, яна хизмат вазифасини бажаришга киришган. Кўлни хизмат мотоцикилида айланар экан, гулҳан ёқиб, атрофида ўтирган уч киши ва аёл олдига боради. Танишади. Улар Мирзо, Уйғун, Дарёдил, Гулруҳсор деганлар экан. Жавҳар ичиб, балиқхўрлик қилиб ўтирганларни яхшилик билан кетказишга ҳаракат қилади. Улар назоратчини заррача писанд қилишмайди. Вазият тобора ёмон тус олиб, улар Жавҳарни боғлаб ташлаб, оғзидан ароқ қуйиб азоблашади. Қотиллик юз беради.

Қотиллар судни қўлга олишган. Унда фақат ўша аёл – Гулрухсор жабрланувчи сифатида кўрсатма беради. Воқеа ривожи батамом бошқа томонга бурилиб кетган. Гўё Жавҳар тўйи бўлишдан олдин Гулрухсордан 1000 доллар қарз олган. Қўярда-қўймай аёлни қўл бўйига олиб чиққан, зўрлаган, ўлдирмоқчи бўлган, аёл бехосдан ароқ бутилкаси билан урган. Ҳалиги кишиларни бориб чақириб келиб, жасадни тез ёрдам билан биргаликда уйига олиб боришган. Гулрухсорнинг ўзи ҳомиладор ва ҳоказо. Суд ҳайъати шулар томонида.

Мархум оиласининг мусибати устига бу тухмат, бу ноҳақлик ҳам қўшилади. Жавҳарнинг онасини ҳам йиқитади. Оиланинг дардини ёки суд устидан шикоятни ким эшитади. Лоларуҳ тухматларнинг ҳеч бирига асло ишонмайди. Кеча-кундуз мотам азобларини тортади. Хаёлан Жавҳар билан гаплашади. Гўё унинг руҳи Гулрухсорнинг ёнидан жилмайди, бирга юриб, бирга туради. Гўё Жавҳарбек ҳаммасини гапириб бермоқда, ортиқ ҳам чекмасликка, эзилмасликка, ибодатга чақирмоқда. Лоларуҳ бу оилага муҳаббат қўйди, унда қолмоқни, бўйида Жавҳардан ёдгор фарзанди бўлмоғини истайди. Ниҳоя шу хаёлий мулоқотларга сингдирилган.

“...Уларни ҳеч қачон енголмайсан. Токи, уларнинг қалбида иймон нури порламас экан, токи Аллоҳ таолонинг ўзи уларни тўғри йўлга бошлаб, юракларида адолат тарозусини ўрнатмас экан, сен ҳеч қачон адолат ўрнатолмайсан. Нафақат сен, балки бирор қонун ҳам, фармон ҳам уларнинг бадкор, наҳс босган қалбларини тозалай олмайди. Худонинг каломи аралашмаган ҳар қандай қомус, ҳар қандай ахлоқ мажмуаси одамзотнинг ёвуз ва бадкор хулқи олдида ожиз. Сен Худо билан бўлсанг, ҳеч нарсадан кўркма, ўзингни ёлғиз сезма. Сен қудратлисан. Сен буюксан. Мен ҳам

ҳамиша сенинг ёнингдаман. Сенинг жонингдаман. Сенинг қонингдаман. Мен яқинда сенинг юрагинг остида, мурғак жон бўлиб, ўғлим қиёфасида, фарзандинг қиёфасида дунёга келаман ва сенинг умидларинг, сенинг муҳаббатинг тимсоли бўлиб туғиламан..”

“Қалбимдаги қизил атиргул” илк севги, бу йўлдаги, беғубор, шошқин интилиш ва армон тўғрисида ҳикоя. Воқеалар “мен” тилидан ҳикоя қилинади. Университетнинг сўнгги курсида ўқиётган Аҳмад куйи курсда ўқиётган Зиёданинг эшигига доимо атиргул қистириб кетади. Бир гал эшик очилиб, қизнинг ўзи чиқиб қолади. Аҳмад бу гулларнинг фақат унга эканлигини айтади. Қиз унинг кўзига ожиз, ўксик, чорасиз кўринади. Ёзги таътилда Зиёданинг олис қишлоқда бўлган уйига боради. Уч-тўрт қишлоқ боласи билан унинг ўртасида жанжал содир бўлади. Зиёданинг шу йигитлардан бирига унаштирилгани маълум бўлади. Аҳмад уйланганда Зиёда дугонаси билан келиб, қоғозга ўралган “Ўткан кунлар” китобини, қовжираган бир дона атиргулни қоғозга ўралган ҳолда ва бир даста гулни совға қилиб ташлаб кетади. Зиёда ўғлининг исмини Аҳмад, Аҳмад эса қизининг исмини Зиёда қўйган. Орадан йиллар ўтади. Аҳмадни севги армони тарк этмаган. У юрак хасталиги билан шифохонада. Зиёда ўғилчаси Аҳмад билан уни кўргани келади. Кетар чоғи сумкасидан яна бир дона қуриб қолган атиргулни олиб, Аҳмадга узатади.

Ҳикоядаги қаҳрамонларнинг туйғулари, муносабатлари ортиқча гап-сўзларсиз, тавсифларсиз очилади. Айниқса, Зиёданинг Аҳмадга эҳтироми, меҳр-оқибати унинг унсиз, ушалмай қолган севгисидан далолат бериб туради. Ҳикоя сўнггидаги уларнинг мулоқотида Аҳмад Зиёдага ҳазиломуз, чиройли лутф қилади. Бир вақтлар ўзи совға қилган, ҳозиргача Зиёда қуриган ҳолда бўлсада, сақлаб келаётган гуллар-

ни охиригача келтириб улгурармикансиз, дейди. Сухбат давоми шундай кечади:

– Мен улгурмасам, ўғлим Аҳмаджон қизингизга совға қилиб улгурар, – деди у.

– Айтиб қўйинг, мабодо бошқага унаштириб қўйсам, кечикиб юрмасин, – дедим мен ҳам.

– Йўқ, уни сиздан кўра уддабуронроқ қилиб тарбия-ляябман. Сиз билан ҳозирдан таништириб қўяётганим ҳам бежиз эмас, – деди у”.

Ушбу диалогда ҳикоянинг воқелиги, қаҳрамонлар руҳия-тининг асосий жиҳатлари тўлиғича муҷассам.

Атиргул характер хосликларини бадиий талкин этишда муҳим рамзий восита сифатида ҳикоя мазмунини бойитган.

Яна бир ҳикоя “Актриса” деб аталади. Унда муҳаббат ҳисларининг ўзгача кўринишига гувоҳ бўласиз. Шунинг-дек, қаҳрамонларнинг ҳаёти, идрок тарзлари ҳам бошқача. Ёзувчи уларни ўз дунёқараши, касб-кори, орзу-интилишларига мос сўзлашув тарзларини, ички кечинмаларини тўғри белгилай олган. Асардаги Мурод йигирма саккиз ёшда. Нашриётда ишлайди. Ҳамон уйланмаган. Уйланишни бундан ортиқ кечиктирмоқчи эмас. Шаҳризодани у мактаб давридан билади. Ҳозирда Шаҳризода анчайин танилган, ўндан ортиқ кинода рол ижро этган актриса. Шаҳризода йигитнинг ҳаётида фавқулудда мазмун уйғотади. Мурод дейди: “...Аммо актёрлик қип-қизил меҳнат экан. Шаҳризода бутун бошли китобларни ёд биларди. Минглаб шеърларни беҳато айтиб берарди. Шунча нарсани қачон ўрганганига, қачон ёд олганига ҳайрон қолардим. Унга ҳамсухбат бўлиш қийин эди. Гоҳ Навоийдан, гоҳ Шекспирдан байт келтирар, мен эса гапни олиб қочардим...”

Муроднинг муҳаббати қизнинг бир бемаъни орзуси – чет элга кетиш орзуси билан тўқнаш келади. Муроднинг

фикрича, қиз хорижга кетиш ниятидан қайтадиган кўринмайди. Уларнинг учрашувларида ҳар доим шу мавзу ўртага тушади. Мурод қизнинг бундай йўлни танлашига астойдил қарши. Унинг ўз истеъдодини каттароқ юзага чиқаришни орзулаб хорижга кетишини маъқул йўл деб билмайди. Шунинг учун қизга масалани ҳар томонлама тушунтиришга, ўзининг фикрларини эса қатъий далиллаб, исботлаб беришга ҳаракат қилади.

Актриса Шахризода фикрича, санъат чегара билмайди. У ҳамма жойда ва ҳар вақт барчага бирдек хизмат қилаверади. Лондонга бориб уч йил ўқиса, ўша ерда ишда қолса катта муваффақиятлар қозонади. “Лондон сизни бошига урмайди. Сиз ўзбек киноси учун кераксиз. Инглиз киносини юксакка кўтариб, оламга ёйиш инглизларнинг иши. Ўзбек киносини кўтариб, инсониятнинг мулкига айлантириш бизнинг вазифамиз”, – дейди унга Мурод.

Сюжет йўналишида айнан шу баҳсли мавзу муҳим. Ҳикоядан адабий-эстетик мақсад ҳам шунда. Мурод ҳам севгиси, ҳам эл-юрт олдидаги маъсулияти билан ибратли образ. Ундаги Ватан равнақиға бўлган иштиёқ ақли ёшларимиздаги табиий анъанадир. Воқеалар мобайнида у актрисага тўғри қарашларни ҳар томондан уқтиришга ҳаракат қилади:

“Ватан, – дейди Мурод, – сиз билан менга ўхшаган одамлардан ташкил топган... Мени мана шу Ватандан улуғроқ Каъбам йўқ. Бошқа сиғинадиган даргоҳим йўқ. Ота-онамни қанча улуғласам, Ватанимни ҳам шунча улуғлайман, хизматини қиламан. Болаларимни қанча яхши кўрсам, шу юрт истеъдодларини шунча яхши кўраман. Чунки улар Ватанимни улуғлайди, Ватанимни дунёга танитади. Улар миллатнинг олтин гули ҳисобланади”.

Шахризода дастлаб бундай гапларни баландпарвоз сўзлар деб ҳисоблайди. Ўзича ёрқин уфқларни очиш йўли

хорижда ўқиш ва ишлашда деб билади. Мурод эса фикрида тобора дадил туради. Нуқул Ватандан гапираётган Муродга “ўзингиз шу ватан учун нима қилиб қўйдингиз ёки нима қилмоқчисиз?” дейишгача боради Шаҳризода.

Муроднинг қарашлари шунчаки юзаки тушунчалар, бўлиши керак бўлган ишлар эмас. Унинг жавобларида амалий ҳаракатларнинг баъзи натижалари ифодасини топади. У нашриётида ўзбек адибларининг энг яхши асарларини чоп этмоқда. Рус, турк, инглиз тилларига таржима қилиб интернет орқали дунёга тарқатмоқда. Қадимий меросларга доир минглаб китоблар халққа тақдим қилинмоқда. Бу – ўзликни танишнинг жуда катта мактаби эмасми?.. Муроднинг қатъияти аста-секин қизда фикрий ўзгариш содир қилаётгани ҳикояда ишонарли тасвирланади. Уни четга кетишга қизиқтирган яна бир сабаб аён бўлади: ота-онаси уни тезроқ узатишмоқчи экан.


Ҳикояда Муроднинг қарашлари барча асослари билан ғолиб чиқади. Ёзувчи икки ёш севгиси фонида инсон ҳаёт тарзининг мақсадга мувофиқ шаклланишида янада катта аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳам қаламга олган.

“Оппоқ гулдай ойдин хотира” ҳам муҳаббат мавзусида. Хотирасида жозибали муҳрланиб қолган воқеани қаҳрамон ёши анча улғайган кезларида ҳикоя қилиб беради. Хотиралари умрининг бу яқин оралигидан ҳеч нарса тополмай, уни узоқ ёшликка, ортидаги олисликларга етаклайди. “Бу воқеа, – дейди, – миямга шу қадар муҳрланиб қолганки, агар шу кетишда борса, вақти келиб дорилбақога сайр қиладиган бўлсам, бундай ўтмиш билан Парвардигор олдида нима деб жавоб бераман экан-а, дея ўйланиб қоламан. Лекин нима қилайлик, ёшликнинг кўзи кўр, дейишади, олдинда бизни нималар қутаётгани етти ухлаб тушимизга кирмасди”. Ушбу парча ҳикояда китобхонни ўша севги хотирасининг тафсилоти томон йўллайди.

Китобдаги “Муҳаббат дарси” ҳикоя эмас, бадиадир. Унда муҳаббат туйғуси васф этилади. Аёллар муҳаббатига, улар садоқатига тимсол йўк. Уларнинг буюклиги ҳам муҳаббатигадир. Шу нарса оламни безайди, оламни гулга тўлдиради. “Аёл муҳаббати борлиги учун ҳамма яшайди. Ҳамма бахтиёр бўлади...” Бадиада муҳаббатнинг қуйидагича улуғловлари ҳам бор:

*У менинг юрагимнинг ардоғида,  
У менинг кўзларимнинг қароғида,  
У менинг жонимнинг титроғида.  
Мен уни севаман!  
У ҳам мени севармикан?!*

“То сўнги нафасгача” тўплами қиссалари ва ҳикоялари ранг-баранг ҳаётӣй, маънавий мавзу-масалаларни акс этдиради. Уларнинг барчасида замонавий воқелик ифодаси. Ҳаётимиздаги турфа иллатлар, нафс, шаҳват етовида юриб, ўз равон турмушини барбод этишлар, чин муҳаббат ва унинг ахлоқини билмай, бетайин, хиёнаткорона яшашлар, бу йўлдаги хатокорликлар, адашишлар ва пушмонлик-надоматларнинг, ўнгланишларнинг хилма-хил манзаралари Муҳаммад Исмоил насрида ўзига хос услуб, усулларда кўз олдингизда намоён бўлади. Қисса ва ҳикоялари ўқувчини ўйлантиради, ҳаёт нотекисликларини чуқур ҳис қилдиради, қатор жоҳиллик, ҳалокат, ёмон оқибат манзилларидан огоҳ этади. Яхшилик, садоқат, меҳр-оқибат ва камол йўллари, тадбирлари томон чорлайди. “То сўнги нафасгача” китоби Муҳаммад Исмоилнинг эпик адабий турда ҳам ижоди янада сайқал топиб бораётгани тасдиқланган нашрлардан бири бўлди.



## ГАПНИНГ ҚИСҚАСИ ЯХШИ

Ёзувчи ўйлари, қузатувлари, кечинмалари,  
Тошкент, “Noshirlik yogʻdusi”, 2015 йил  
2000 нусха

Бу китоб ёзувчи ўйлари, қузатув, кечинмаларидан туғилган қайдларни энг кўп ҳолда қамраб олган нашрдир. Рисоламизда улар ҳақида муайян фикрлар билдирган эдик. Қайдларга китобхонлар бефарқ қарашмайди. Улар зехнли, заковатли ўқувчиларни мулоҳаза қилиб кўришга чорлайди. Қуйма фикрлар ногоҳон келган инжа илҳом, фалсафий хулосадек туюлса-да, аслида кўп қузатув, фикрлов, мушоҳадалашнинг қайсидир жойда, бекатдаги тўхтамларидир. Улар ҳақиқатан ҳам бирор мавзудаги тушуниш, тушунтиришнинг мухтасар шакли, узундан-узоқ гапларнинг қисқа ифодаларидир. Ижодкорлар ўзларида тўпланиб қолган

бундай мўъжаз фикрлар, қарашларни ўз китобхонларига тақдим этар эканлар, ҳикматни даъво қилишмайди. Чунки уларнинг ҳақиқатга нечоғлик мувофиқлигини вақт кўрсатади, китобхонлар баҳолайди.

Қайдлар халқдан ижодкор эътиборига ўрнашгани боис олиниши, ёзувчи тафаккурида пайдо бўлиши ва қоғозга туширилиб қўйилиши мумкин. Замонавий ўзбек насрида Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китоби машҳур бўлгани, кўлма-кўл ўқилгани, қайта-қайта чоп этилгани маълум. Ўзга адибларда ҳам бу тажриба ривож топмоқда. Қайдлар насрдаги алоҳида жанр сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, анъанавийлик касб этмоқда. Муҳаммад Исмоилни унинг китобхонлари шу нуқтаи назардан ҳам яхши билишади.

Иброҳим Ғафуров “Ижодкорга нима афзал?” мақола-сида Муҳаммад Исмоил ижодининг шаклланиши, унинг бошқаларга ўхшамас ривож йўли ва хусусиятлари тўғрисида аниқ-тиниқ фикрлар баён қилар экан, бу ҳақда ҳам мулоҳазалар билдиради. Унинг ҳикматли иборалар ёзишга, фалсафий мушоҳадаларни лўнда ва аниқ ифодалашга усталлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, олим ўзининг ҳар қандай ҳикматларда ифодаланган фикрларни ўта нисбий деб, улар мутлақ ҳақиқатлар эмас деб, билишини айтади. Бизнингча, бу ўринда Иброҳим Ғафуров умуман ҳикматларни эмас, ижодкорларнинг ҳикматомуз иборалар, гаплар, битиклар, қуйма, ихчам қайдларини назарда тутмоқдадир. Фикрни шундай тушунсак, мақсадга мувофиқдир. Қуйидаги қарашлар ҳам шунинг далолати: “Қайдлар” деб ҳам аталадиган афористик лўнда ҳикматларда, ҳаётга тақлидан тўқилган доноликларда (уларни ким ёзган бўлишидан қатъи назар) нисбийлик ва уйдирма шу қадар бирлашиб, туташиб кетадики, бу иккисидан бино бўлган мева

(агар жиддий эстетик талаб қўймасангиз) жуда табиий ҳам туюлади. Табиий олмос билан сунъий (сохта) олмосни ажратиш қийин. Фақат кўзи, фаросати, билими, тажрибаси кучли кишиларгина бунинг фарқини ажрата олади. Сохта олмос буюк маҳорат ва усталик билан ясалади. Фақат унда табиий олмосдаги табиий жавҳар йўқ. Ҳолбуки, у мустаҳкамликда табиий олмосдан ўзиб кетиши мумкин. Аммо товланиш, жилоланишда табиий олмосга етолмайди. Муҳаммад Исмоилнинг табиий олмос каби жилоланган қайдлари китобда анча ўрин тутади. Баъзи қайдлари эса лирик “мен”нинг ҳақиқат чизгилари, шахсиятга дахлдор қарашларидир. Улар ҳикматга айланиш йўлидаги қайдлар”.

Олим Муҳаммад Исмоилнинг ушбу қайдларига муносабат билдиради: “Энг даҳшатли муҳаббат кекса кишининг кексаймаган муҳаббатидир”. “Агар аёл қалби бўлмаганда... кучлилар ожизлар устидан ҳукмронлик қиларди...” “Қари шоирни кўриш ўлган шоирни эшлашдан аянчлироқ. Гоҳо мингта китоб ўқишдан битта аҳмоқнинг суҳбати яхши”.

Ҳар бир қайднинг алоҳида фикрлашни тақозо қилиши, алоҳида таҳлил, изоҳ, шарҳни тақозо этиши шубҳасиз. Шу боис юқоридаги қайдларни олим алоҳида-алоҳида мулоҳазалайди. Бу китобхонларга мутолаа намуналари ҳамдир. Олим таъкидлаганидек, энди унга муносабат билдиришга, ҳақиқатнинг даражасини аниқлашга тўғри келади, уларни тушуниш, турлича талқинлаш юзага келиши мумкин. “Бу уларда пародоксалликнинг кучлилигидан дарак беради”.

“Ердаги одамни хўрлаш унинг кўкдаги ҳимоячисини инкор қилишдан бошланади”.

Инсон Ер юзиде муваққат истиқомат қилади. У Яратганнинг ердаги, ерга жўнатилган вакили. Бу инсонга буюк мақом, шараф. Бу мақом собит, ўзгармас туради. Бир куни инсондан айни мақом олиб ташланмайди ёки пасайтирил-

майди. Инсон азиз ва муқаррам қилинганми – тамом, шундайлигича баҳоланади. Бу унвон, васфлар, айни пайтда, инсон маъсулияти, бурчи, вазифаларининг мезонлари ҳамдир. Исломига мансублик ва унга муносиб яшаш инсонни шу шаън, мақомда тутиб туради. Исломи эса инсоннинг бир-бирига муносабат қоидалари, одоблари борасидаги ҳамма нарсани ўргатади. Зулм, озор, тажовузлардан қайтаради. Ҳар бир банд билан Аллоҳ оралиғида тўсиқ, воситачи йўқ деб ўргатади. Муайян бир инсонга асосиз қандай бошқа инсон озор бермоғи, зулм бермоғи мумкин? Албатта, Аллоҳдан кўрқмаган, Унга шубҳада бўлган, ишонмаган одам. Бундай одам ўз адолатсизлиги, шавқатсизлигига мисли кўрилмаган, ақл бовар қилмайдиган жазо тайин эканлигини идрок этмайди.

Инсон мақоми шунчалик баланд қўйилганки, ўзи етарли ҳис этолмайди. Инсон бу шаънни ўзига-ўзи белгилаган эмас, бу илоҳан қилинган, тайин этилган даража. Инсон ана шу даражасини ва ўзининг шундай илоҳий ҳимоя билан доимий нурафшон эканлигини бир қадар сезса, ҳидоят топади, чуқур билолса, юксалади. Бутун инсониятга қоида, қонуният шундай. Ер юзида барча инсонлар шу асл ўзлиги, фитрати, қадрини таниб қолса, дунёда заррача муаммо қолмайди, дунё мукамал обод бўлади. Бир қайд шуларни ифода этади: “Инсоннинг ўз қадрини билиши инсоният тараққиётига кафолат бўлади”.

“Тоғнинг тепасидаги дарахт юксақлиги учун ўзиданмас, тоғдан миннатдор бўлиши керак”. Бу дарахт – мажоз, инсон назарда тутилмоқда. Бир инсоннинг вояга етиши учун, ҳаётида кўп нарсаларга эришиши учун озмунча меҳнат, шарт-шароит, маблағ, куюнчаклик, меҳр, мурувват, фидойилик сарф бўладими?! Кўп ҳолларда ожиз, шошқин бандага шайтон васваса олиб келади. Қалбига ҳаммасини ўзининг

ҳаракати, захмати, зўрлиги туфайли қилиб кўрсатади. У кибрга кетади. Ақли кучли бўлса, ўзидан, қалбидан шайтон васвасасини қувади, шахсини кибрдан тозалаб яшашга ўрганади. Халқига, ҳаммага эҳтиромда, шукронаси бисёр ҳолда олға, юксакка интилади.

Бирма-бир мурожаатсиз қайдларни варақлаш ҳеч қандай маънавий манфаат бермайди. Тафаккур ила уларни мутолаа қилмоқ керак бўлади. Ўз маънавий даражангизни улар гўёки имтиҳон қилгандек ҳам таасурот қолдиради. Баҳс мунозарага ҳам тўғри келишингиз мумкин. Чунки улар турли-туман мавзуларда ва кўпчилиги сиз кутмаган, тилингиз учида, айтсамми-айтмасамми деб турилган гаплар ҳамдир. Баъзилари гаройиб туюлади, лекин... ундай ҳам эмас:

“Севаман” дейиш – тож-тахтинг учун зимдан курашаётган одамга шаҳар дарвозаларини битимсиз очиб беришдир”.

“Муҳаббат биз истаган пайтда келса, париқизга, биз истамаган пайтда келса, қариқизга ўхшайди”.

“Шундай севгинки, менга уйланса керак, деб ўйласин...”

“Адабиёт дўстингга ўхшайди. Унга бойлик илинжида, шон-шухрат таъмасида қарасанг, сени ташлаб кетади.

“Одамлар қилган гуноҳлари учун Худо олдида жавоб беришларини билганларида Аршга кўтарилиш тугул самолётга чиқишга қўрққан бўлардилар”.

“Эккан дарахтларимиз ҳосил беришини кутгандай, бойларнинг пайдо бўлишини кутган эдик, лекин улар мева бера бошлаганда дарахтларни кесиб ташладик”

“Хатоларинг сени тугатмасидан олдин сен хатоларингни тугат...”.

“Кумушим эдинг. Сенга уйланганимдан сўнг бора-бора Зайнабга айландинг”.

“Судьяларга одамларнинг айбсиз бўлгани эмас, айбдор бўлгани кўпроқ ёқади”.

“Ҳеч ким ўлган эмас, ҳамма ҳаракатда, ҳамма тирик, ҳатто ўлганлар ҳам.

“Гапнинг қисқаси яхши” “Насиба”, “Отамдан қолган тумор”, “Юракдаги зилзила”, “Йиртиқ туфли” ҳикояларини, хилма-хил мавзудаги бадиаларни, бўлган воқеалар тафсилотларини ҳам ўз ичига олган. Улар мароқли ўқилади. Китоб охирида адибнинг “Ўзим ҳақимда тилхат” номли иқрорномаси бор. Унда ўзи ҳақидаги қизиқарли маълумотлардан ташқари, куйидаги дил изҳорларига ҳам гувоҳ бўласиз:

“Ҳеч қачон ҳеч бир жой менга она Ўзбекистонимиздай азиз ва муқаррам бўлиб кўринмаган. Қайтанга, ўзга юртлар она Ватанимга бўлган муҳаббатни янада оширган”.

“Одам ўзида йўқ нарса учун курашар экан. Мен энди яшаш учун, омон қолиш учун зимдан руҳан кураша бошладим. Авваллари олам деганда оиламни тушунар эдим... Мен оила деганда оиламни тушуна бошладим”.



## МИЛЛАТ ЮРАГИНИНГ ДУРДОНАЛАРИ

Устозларга эҳтиром.

Тошкент, “Noshirlik yog‘dusi” нашриёти, 2016 йил  
2000 нусха

Тўплам ўқувчиларда ўзига хос таассурот уйғотади. Ундаги бадиалар ҳар бир кишига жоиз бурч, одоб, инсонийликнинг ўта муҳим бир жабҳасидан – ўзининг камолига яхшилиги сингган инсонларга эҳтиромдан сўз юритади. Китобхонларнинг ҳам мутолаа жараёнида ўз такомил тарихларини ёдга олиши, ўзларига меҳнати сингганларга миннатдорлиги зиёдалашиши, адо этилмаган эҳтиромлари уйғониши шубҳасиз. Китобнинг ғоявий-бадий қиммати шунда.

Муаллиф дунёда жуда кўп яхшиликлар кўрганлигини, қанчадан-қанча одамлар унга яхшилик қилганлигини таъкидлайди: “Зеро, дунёда йўлига бир умр гул тўшасангиз арзийдиган одамлар бор. Зеро, жону жаҳонингизни аямаслигингизга арзийдиган одамлар бор”.

Аслида ҳар нимада ҳам шундай. Аммо кўп ҳолларда яхшиликларга жавобимиз бизни хижолат қилади. Гоҳ уларни унутиб юборамиз, гоҳ қачондир бир эслаб қўйиш билан чекланамиз. Баъзан ҳаётни айблаймиз. Тўғри, бизга ҳозиргача қилинган барча яхшиликлар эваз – эҳтиром қайтаришимизга ҳаёт ҳам маълум маънода монелик қилади. Ўзимиз қад ростлагунча баъзи яхшилар дунёдан ўтади, кўп нарсаларга ёшлик ақлимиз етмаган бўлади... Аммо ҳамма кечиккан эҳтиромларнинг имкони бор. Муҳими, киши, ҳаёти мобайнида кўрган ҳамма яхшиликларни унутмаслиги, шуқронада бўлиши, яхшилар ҳаққига дуоларда бўлиши жоиз экан. Бу улуг имконият ҳаммада ва ҳар қачон бор. Шунинг учун айни имконият неъматини Муҳаммад Исмоил ҳақли равишда бахт деб атайди:

“Зеро одам одамга қайтара олмаган, қайтаришга қурби етмаган, қайтаришга умри етмаган, тақдир насиб қилмаганидан қайтаришнинг имкони бўлмаган яхшиликнинг ажру савобини ёлғиз Аллоҳгина қайтара олиши мумкин. Бу бахт...

– Илоҳо, тилақларимизни қабул қил, бизни ўз яхшиликлари билан қарздор ва миннатдор этган кишиларнинг иймонини басаломат, ҳаётини фаровон, икки дунёсини саодатли, қиёматда юзини ёруғ қил, марҳаматингни дариф тутма”.

Муаллиф бизга ўзимизга бўлган, зиммамизда доимо юк бўлиб турган, кечикаётган қарзларимизни – қилолмаётганимиз эҳтиром ва яхшиликларни узишнинг энг тўғри, иймоний, мутлақ олий йўлини астойдил баён қилди. Ўзи кўплаб ёшлик айёмидаги ва кейинги устозларини эъзозлаб

хотирлади, ибрат кўрсатди. Кўплаб яхшилик қилгувчилар одатда ўз моддий ва маънавий мададларини беминнат, Аллоҳ йўлида қиладилар ва бундан роҳатланадилар. Улардан яхшилик кўрган ақлли ҳар қандай одам эса буни эсдан чиқармайди. Шундай экан, жавобларнинг энг яхшиси Аллоҳ орқали бўлса, бу янада улугвор имкониятдир.

Ўзбек адабиёти, журналистикасида Муҳаммад Исмоил ўзининг, кўпларнинг, эл-юртнинг устозлари бўлмиш сиймолар шаънига аталган бадиалар, эсселар, мақола ва очеркларни энг кўп ёзган ижодкордир. Унинг бу йўналишдаги асарлари бағоят қизиқарли, улар бадий асарлар сингари жозиба кучига эга ва бадий асарлар каби завқли ўқилади.

Тўпلامда Одил Ёқубов (“Диёнат дарёси”), Шукрулло (“Кўнгил тахтидаги султон”), Чингиз Ахмаров (“Буюк ранглар таронаси”), Эркин Воҳидов (“Гойибона дарс берган устоз”), Ҳалима Худойбердиева (“Нодираи давронга хос”), Рауф Парфи (“Шеърят Гамлети”), Ўткир Ҳошимов (“Романтика сайёрасининг қироли”), Тўра Сулаймон (“Сахрода сайраган соз”), Турсуной Содиқова (“Биринчи рақамли воиз”), Муҳаммад Юсуф (“Ҳали ҳаммаси олдинда”), Абдусаид Кўчимов (“Шляпа кийинг, устоз”) ва бошқа устозлар ҳақида бадиалар бор.

Муҳаммад Исмоил ижодидан бундай асарларнинг яна ўнлабини санаш мумкин. Китобхон беихтиёр ўйлаб қолади. Адибнинг учрашмаган, суҳбатини олмаган ёзувчиси, шоири, санъаткори, машҳур сиймолари қолмагандек ҳам туюлади унга. Бадиаларда Муҳаммад Исмоил уларнинг қиёфа-портретларини аниқ-тиниқ чизиб беради. Умумий фазилатлари кўп бўлган, аммо алоҳида феъл-атвор, қарашлар, овозлар, кийинишлар, заҳматлар соҳибларининг ёрқин, жонли сиймоларини шубҳага асос қолдирмай, инжа хосликларигача талқин қилади. Улар ҳақида китобхон билмайдиган фактлар,

маълумотларни тақдим этади. Китобхон Одил Ёқубовнинг “Ёшлик гуллари” мақоласида Муҳаммад Исмоил қаламига мансуб “Бир фалсафа борга ўхшайди” бадиаси, унда Чингиз Айтматов портрети қандай моҳирона чизилгани ҳақидаги илиқ сўзларни эслайди. Одил Ёқубов ўз қадрдони Чингиз Айтматовни қанчалик билса, бадиада у шундай ёрқин акс этганини айтган, Муҳаммад Исмоилнинг шундай йўналишда кўпроқ ижод қилишини маслаҳат берган эди.

Инсоннинг вояга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, камолга етишига қанчадан-қанча одамларнинг меҳнати сингади. Улар заҳматининг натижаси халқ, миллатга муҳаббатни шакллантиради. Бавосита таълим, тарбия берувчи, инсон дунёқарашини баркамоллик сари бошлагувчи омиллар ҳам бениҳоя кўпдир. Шулардан бири китобга бўлган ошноликдодир. Муҳаммад Исмоил ўз бадиаларида ҳаётда ўзига ғойибона устозлик қилган зотларни ҳам эътибордан қочирмайди.

“Ғойибона дарс берган устоз” бадиаси шунинг ажойиб мисолидир. У шоир Эркин Воҳидов ҳақида. Ёшлигида шоирнинг навбатдаги шеъри – “Бизлар ишляпмиз”ни ўқиб қолади: “...Қўл қадоғи бору иш адоғи йўқ, Бизлар ишляпмиз, бу меҳнат холос” каби мисралар айтилмаётган, яширилаётган қулларча меҳнат тўғрисидаги аччиқ ҳақиқатлар талқини эди. “Шахсан мен, – дейди муаллиф, – Эркин Воҳидов мактабида йиллар давомида ғойибона таълим олиб келдим. Китобларидан дарслик сифатида фойдаландим. Ўқитувчим билан ўттиз йил ўтгач, илк бор юзма-юз кўришдим... Устознинг шеърий китобларининг ўзи қўлланма, ҳақиқий шеърийятнинг намунаси, адабиёт оламига олиб кирувчи дастур. Шеър қандай бўлиш кераклигининг яққол исботи! “Ўзбегим” қасидасини ўқисангиз, ўзбек миллатини қандай севиш кераклигини ўрганасиз, “Рухлар исёни”ни ўқисангиз, умр ва ўлим нима эканлигига жавоб топасиз, “Ёшлик девони”ни

Ўқиб, Навоийни қандай қилиб замонавийлаштириш кераклигига жавоб топасиз...”

Барча эҳтиром бадиаларида муаллиф тавсифлар билан чекланиб қолмайди. Қаҳрамонлари билан ўзининг учрашувлари, суҳбатлари баёнини ҳам беради. Улар фикрини шарҳлайди. Бу ижод, бу сиймонинг тарихимиз, маънавиятимиз, адабиётимиз, динимиз, сиёсатимиздаги мавқе – мартабаларини холис баҳолайди. Бадиалар услубида яна бир улкан фазилат мавжуд. Муаллиф ҳар бир қаҳрамонига кўп-кўп тилаклар билдиради, улар ҳаққига дуолар қилади. Яратгандан уларга икки дунё саодатини сўрайди. Бу ифодалар ҳам минглаб, миллионлаб ўқувчилар қалбидаги дил изҳорлардир. “Ўз қадрингни ўзинг бил” бадиаси охирида Муҳаммад Исмоил дейди:

“...биз ҳам миллат юрагининг дурдоналари бўлмиш улуғ адибларимизни бизни беадоқ муҳаббат билан севгани учун қадрлаймиз, миллатимизни беадоқ фидоийлик билан улуғлагани учун бошимизга кўтарамиз ва уларни ўзгалардан кўра устунроқ, севимлироқ деб биламиз! Чунки биз учун миллатимиздан, халқимиздан, Ватанимиздан азизроқ, улуғроқ миллат йўқ, халқ йўқ, Ватан йўқ!”



## АТРОФИНГДА МЕН САРСОН

Шеърлар.

Тошкент, “Noshirlik yog‘dusi” нашриёти, 2016 йил  
2000 нусха

Шоирнинг ушбу навбатдаги шеърий тўпламига берилган нашрий таърифда шундай сўзлар бор: “Шеър – шоирнинг хужжатиدير... Шеърхон шеър ўқиганда шоирнинг бадий маҳорати, ижодий савияси, инсоний изтироблари, кечинмалари, руҳий дунёқараши билан танишиши, шоирнинг маъновий қиёфасини кўз олдига келтириши мумкин. Шеърхон учун асли шу муҳим. Чунки шеърхон шоир билан эмас, шеър билан ошно бўлишни истайди. Чунки шеърхон шеърда шоирни эмас, ўзини, ўз дардларини, ўз изтиробларини, фикру ўйларини кўришни истайди...

Умид қиламизки, ушбу китобда Муҳаммад Исмоил ўзининггина эмас, сизнинг юрагингизга тегишли шеърларни айта олган. Ахир бежизга, шоирни халқнинг юраги туғади, демайдилар”.

Шеърлар мавзулари ҳамоҳанглигига кўра уч фаслга ажратилган: “Шараф топди сенда инсон, Ўзбекистон”, “Севги бор бўлса агар”, “Иймон шавқи билан тўлдир дилларни”. Сўнги фасл охирида Муҳаммад Исмоил ҳақида мухтасар маълумот берилади.

Фаслларнинг номлариданоқ мавзулар кўламининг кенглиги идрокланади. Одатда, ҳар қандай шоир ижодида қамров шундай кечади. Ижодкорнинг адабий-эстетик нияти ҳам, китобхонларнинг истаклари ҳам ҳар қайси мавзуда янгичаликни, янги жозибали талқинларни, таъсирчан маъноларни кўриш бўлади. Албатта, ҳар қандай янгиланиш, ўзига хослик асрлар мобайнида келаётган адабий анъаналар, диққатга сазовор тажрибалар замирида юзага келади. Адиб Асқад Мухтор айтганидек, “Фанда янгилик кўпинча эски ҳақиқатларни инкор этиб дунёга келса, поэзияда янгилик традицияларнинг тараққиётдаги кўринишидир ёки аниқроғи – традицияларни чуқур билиш мевасидир. Шунинг учун шеърятда янгилик топиш осон кўчмайди ва ҳар қандай изланиш ва экспериментга шу нуқтаи назардан қараш тўғри бўлади”.

Одам зотидаги кўникиш майлининг ҳамма кўринишлари ҳам фойдали, баракали бўлавермайди. Муайян, бардавом кўникувлар инсонни бепарволик, лоқайдлик томон бошлайди. Натижада фикрчанлик саёзлашади, тўхтайтиди. Бўлган, бўлаётган ва бўлажак ҳолат-ҳодисаларга у табиийлик деб қарашга ўрганиб қолади. Ҳамма нарсанинг кўпроқ зоҳирий томонига диққатини қаратади. Чуқур тафаккур сари интилмайди. Маблағ бўлса бўлди, иш битаети, оила қурилса бўлди, фарзанд тугилади қабилада тезкор хулосаларга келади.

Ҳамма-ҳамма нарсада, воқелиқда илоҳий ирода, ҳикмат мужассамлигини мунтазам тафаккур қилиб юрмайди. Эътиқод илмлари эса барча жабҳада оқил ва зийрак-ҳушёр бўлишга, моҳиятга қараб муносабат билдириш, хулоса чиқаришга даъват этади. Зотан, туб-тубида, илдизларида ҳикмати бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Яратган ҳар бир нарсани ҳикмати билан қилади. Ҳикматлар масдари ҳам Унинг Ўзидир.

Қалб нечоғлик шаффоф ва бегубор туйғуларга бой бўлмасин, тафаккур қўлловисиз чинакам моҳиятларни идроклаб бўлмайди. Барча фаолият турларида бўлганидек, ижодчиликда ҳам нафис туйғуларга бой қалб ила уйғоқ-безовта тафаккур муштараклиги ғоятда муҳимдир. Шу муштараклик заминидаги мушоҳада, мулоҳаза, тафаккурчанлик қуввати ҳамда заҳматнинг натижасида ҳикматлилик вужудга келади. Рухиятдаги ана шу уйғунлик тақозоси борасида Абу Наср Фаробий ўзининг “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида” рисоласида шундай деган эди:

“...шоирлар чиндан ҳам туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва уларда ташбиҳ ва тамсилга лаёқат яхши ишлайдиган бўлади. Бу хил шоирлар ё шеър навининг кўп турида, ё бўлмаса бир турида ижод қилишга лаёқатли бўладилар. Лекин бу хил шоирлар шеър санъатидан керак бўлганича хабардор бўлишавермайди, балки, улар туғма қобилиятларининг яхшилиги билангина қаноат ҳосил қилдилар, уларнинг ўзлари мўлжалланган ҳозирликларига кўра иш тутадилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжис – мулоҳазакор шоирлардан саналмайдилар”.

Кўникилиб кетилган, аммо уларга “муносабат”да бе-парволик, бирёқламалик ҳукм сураётган нарса ва ҳодисалардан кўпчиликнинг ақлига келмаган маънолар топишга интилиш шоирона табиатларда доимо бор жараён. Шунингдек, хилма-хил таққослари, зимнидаги маънолари рангин равишда айтилган нарса ва ҳодисаларни янгича ҳайрат,

эҳтирос, тафаккур ила кузатиб, талқинни бошқа яхши томонга ўзгартиш сингари поэтик ҳаракатлар ҳам шеърӣ ижодчиликдаги хос ажойиботдир.

“Атрофингда мен сарсон” китобидаги бир қатор шеърларда шундай изланишларнинг муваффақиятли ғоявий-бадий талқинларига гувоҳ бўласиз. “Йўқотдим қўл телефонимни” номли шеър. Бир қарашда мазмуни тузук бир шеърга туртки бермайдиган хабар. Шу муносабат билан ўқувчига таъсирчан маъни тақдим этиш имкони йўқдек воқеа. Қўл телефонини йўқотиб қўйган лирик қаҳрамоннинг эндиги кечинмалари ўқувчига таниш ва табиӣ. Бундаги қуйиниш, безовталиқ, хавотирлар таснифи ҳар кимнинг ҳам диққатини тортади:

*Қўрқувга тушаман, юракда хатар,  
Хаста эди онам... кексайган онам.  
Наҳот телефонда ахтармоқдалар  
Хабар бермоқ учун тезда менга ҳам.*

Хавотирлар жуда кўп: оила, фарзандлар, ўзгалар ҳаётидан беҳабарлик, телефондаги қанча рақамларнинг йўқ бўлиб кетиши, хатлар, суратлар, лавҳалар, “Сухбатдаги дўстлару ҳамкасб одамлар Бирла кечган умр саҳифалари”дан айрилиб қолиш. Бундай кезлар инсон ўзини қўярга жой тополмайди. Турли гумон ва таҳликалар хаёлни ўз измига солади. Сабр косаси лим-лим тўлмоғи мумкин. Тўғри, бу каби йўқотишни кимлардир қалбига у қадар олмаслиги мумкин:

*Бировнинг ҳаёти бировлар учун  
Сариқ чақачалиқ балки қадри йўқ.  
Ҳатто биров ўлса, бировлар мамнун,  
Баъзан туришади ҳиссиз, кўнгли тўқ.*

Лирик қаҳрамоннинг ўзи ва ўзгаларга меҳру муҳаббат ила вобасталиги ифодадаги туйғуларни ўқувчига манзур қилади. Кечинмалар ифодасидаги муайян таскинлар ортда қолади. Шеърнинг якуний банди фалсафий, умуминсоний моҳиятига кўра янада жозибадор:

*Майли, мен айрилдим темир матоҳдан,  
Мол-дунё топилар жон бўлса амон.  
Аммо ҳаёт билан бизни боғлаган  
Севганларни йўқотмайлик ҳеч қачон!*

Шоирнинг инсон омилига эътиқодий эҳтироми, одамийликнинг ҳар қандай мол-дунёдан афзаллиги ҳақидаги ғояси кўплаб шеърларида тарранум этилади. “Молдошлар ва жондошлар”да молдошлик ва жондошлик кўринишидаги муомала-муносабатлар тафовути бадиий талқин этилган. Унда сохта, манфаат ҳислари тўқнаш келганида бир-бирини аямайдиган “дўстлик” билан асл биродарлик ҳайвонот ва одамзот хулқига оид кескин муқояса йўсинида қаламга олинади:

*Кенг ўтлоқда ўйинлари ярашиб,  
Иргишлаб бир-бирин қучар қучуклар.  
Суяк ташланса гар, ўлжа талашиб,  
Бир-бирин гажшига тушар қучуклар.*

Инсоний муносабатларда ҳам, афеуски, зоҳирий аҳилликлар устувор. Бу жараён бир жиҳатдан одамгарчиликнинг шарти-талаби бўлса, бошқа жиҳатдан синови ўзида бўлган фаолиятдир. Мансаб, мол-мулк, шон-шуҳрат илинжи, ўз манфаатига ружу дўстона муносабатларни чилпарчин қилиши, ҳатто сотқинлик ва хиёнат томон бошлаши мумкин.

Ҳар қалб мисли йўқ дўстликни хоҳлайди, уни излашдан тийилмайди. Бундай мустаҳкам биродарликнинг манбаи эса иймондандир ва Аллоҳ розилиги учун барпо қилинади. Шоир ана шундай жондош дўстликни улуғлар экан, молдошлик йўлидаги сунъий муносабатларнинг у дунёда ўзаро ғанимлик сифатида уйғонишларидан огоҳлантиради. Иймоний асосларга қурилган дўстликни улуғлайди:

*Алдамайди улар, ё сотиб кетмас,  
Ғамни, шодликни тенг кўради баҳам.  
Мендан ё ўзидан қўрққандан эмас,  
Кўриб тургани-чун хабардор Ҳакам!  
Гар ўлжа ташланса баднафс одамга,  
Етмас бу дунёнинг хазиналари.  
Ахир биз ҳайвонмас, инсонмиз ҳамда  
Худонинг Ердаги халифалари!*

Инсон азиз ва мукаррам қилинган. У – Аллоҳнинг Ердаги ўринбосари. У синов дунёсидадир, илоҳий тасарруфот ичидадир. Бутун борлиғи билан инсон Яратганнинг маърифати томон интилади. Маърифатуллоҳ – ўзини ва Аллоҳни танимок, буюрганларини бажармоқ, қайтарганларидан қайтмоқ. Ва лекин инсонга ожизлик, хатокорлик ҳам хосдир. Шу боис иймонли қалб доимо тавбақордир. Таазрру қалбларни поклайди, иймонни сайқаллайди.

Мусулмон диёрлар шеърляти ҳамма асрларда ҳақ таълимот кўрсатмаларига риоятда бўлган. Шу сабабли динда ҳам, дунёда ҳам ҳаддан ошмаган. Шеърлят ўз ўзанидан огишиб кетмаган. Аксинча, мислсиз зафарлар қучган.

Шўро тузумининг тажовузкор мафқураси исломий поэтлик тафаккур тарзини таъқиқлаш, таҳқирлаш йўлидан борди. Инсоннинг энг олий маърифати бўлмиш исломдан,

диний туйғулардан қалбларни жудо қилиш учун жон жаҳди билан курашди. Қанчадан-қанча иймонли истеъдод эгаларини қатағон қилди. Шеъриятда ҳам исломий иймонга хос мотивларга, диний мавзуларга муҳаббатли мурожаат қилишга йўл берилмади. Соф ислом таълимоти ҳамда одамларнинг уларга бўлган иймоний туйғуларини, Яратганга муҳаббатини тараннум этиш ва таратиш имконияти, шунга дахлдор қадим адабий анъаналарни тиклаш шароити халқимиз эришган мустақиллик туфайли вужудга келди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Шукур Қурбон, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек ва бошқа шоирлар ижодида мавзунинг турли йўналишларига оид муваффақиятли асарлар юзага келди.

“Атрофингда мен сарсон” китобининг “Иймон шавқи билан тўлдир дилларни” фасли айни мавзуларда битилган қирқдан ортиқ шеърни ўз ичига олади. Китобдаги бу намуналар шоир Муҳаммад Исмоил ижодида ҳам этиқодий туйғулар ифодасининг муҳим ўрин эгаллаб келаётганидан дарак беради. Шубҳасиз, бу турқум мутоаласи ўқувчида ажиб ҳислар, туйғулар уйғотади. Унга дунё ва инсон моҳиятини, яшаш чигалликларини, банданинг синов дунёсидаги мураккаб маънавий машаққатларини, унинг Яратганга нечоғлик дахлдорлиги ҳамда муҳтожлигини, борлиқдаги ҳамма-ҳамма нарсаю ҳодисот ваҳий боис тирик ва ҳаракатда эканлигини, илоҳий ҳисоб-китоб ва абадий ҳаёт муқаррарлигини идроклатади.

Мазкур турқум шеърларнинг мотивлари хоҳ илтижо, хоҳ тавба-тазарру, хоҳ муножот, илоҳга муҳаббат изҳори йўсинида бўлмасин, барчасида ҳаётий воқеликнинг турткиси, инсоннинг ўз ботиний оламини тафтиш қилиши, ўз феноменига жиҳоди, ислоҳ йўлидаги жаҳди, Аллоҳ розилигига шиддатли интилиши мужассам. Улар ифодаси шодлигу гамда, изтиробу таскинларда, хуллас, ҳар бир безовталиқ

ва дардда ўқувчи ўз руҳиятида кечаётган жараёнларга ҳамоҳангликни ҳис этиб туради.

Илк шеър “Салом!” деб аталади (11-банд). Лирик қаҳрамон атрофга – ўнгдагилар, сўлдагиларга, Қуръони қўлдагилар, исломий йўлдагиларга, фаришталар, масканларга Аллоҳнинг Ўзи қалбларга жо айлаган саломни йўллайди. Шеърнинг руҳидан қаҳрамоннинг иймон аҳлига мансублигидан бахтиёрлиги уфуриб туради. Салом – исломнинг тинчлик дини эканини уқтирувчи улугвор амал, ислом шиорларидан бири. “Иймон йўли гоҳ жар, гоҳо машаққат” бўлса-да, Аллоҳни таниган қалбларда иймоний ифтихор руҳи ҳамиша ғолиб.

“Нидо” (12-банд), “Қанийди” (14-банд), “Кибр” (20-банд), “Жаҳд” (6-банд), “Энг аввало” (12-банд), “Тангри тарозиси” (19-банд), “Муножот” (12-банд) сингари қатор шеърларда ҳам кўтаринки руҳ устувор. Сабаби – йўл аниқ ва бу йўл ҳақ йўл, иймоний йўл. Шунинг учун йўл сўралмайди, балки синовлар машаққатининг тадбирлари сўралади. Замирида синов бўлмаган нарса-ҳодиса, бирор лаҳза эса йўқ. Йўлдан адашмоқ ва тойилмоқ хавфи ҳам кўп бу ҳаётнинг бағрида. Синовлар иймоннинг салобатига қараб берилади. Демакки, инсон ҳар иш, ҳар нафасида Аллоҳга муҳтож. Нажот эса Унда, фақат Ундадир. Зотан:

*Барча одам Яратганнинг бандасидир,  
Ҳақдан ўзга суюнчиқ йўқ, йўқ халоскор.  
Ёлғиз Аллоҳ мангу нажот қалъасидир,  
Ягона дўст, ягона ёр Парвардигор!  
(“Сиз – халифа она замин жанггоҳида”)*

Ислом – бағрикенглик дини. У бутун инсониятга туширилган. Аммо Ер юзи аҳолисининг катта қисми ҳамон ада-

шувда, ғофил. Лирик қаҳрамон Замин ғам-андухларидан доим безовта. Ҳамма диёрларда тинчлик, аҳиллик, фароғат бўлмоғини орзулайди. Барча зулмлар, озорлар маҳв бўлишини, онглар тозаришини, одамлар бирдек бахтиёр яшашини Яратгандан қайта-қайта сўрайди: “Кўксини тозалаб қайтадан бугун, Тарбиялаш керак инсониятни” (“Кибр”) деб ҳам хаёл қилади. Негаки, нотинчлик, ўзаро низолар, исломга асоссиз ғанимлик, Лут қавми қилгани каби тубанликлар авж олди. Негаки, энг қабих, энг ботил ишларга ҳатто баъзи ҳукуматлар расмий ижозат бериб, буни инсон ҳуқуқларининг камоли, тўла эркинлик – демократия дея ниқоблаб, жаҳолат ва разолатни кучайтирмоқдадир. Шунинг учун у бутун инсониятга қарата поэтик бонг уради:

*Эй, рус, япон, испан, англизлар!  
Яратгандан ёғилиб инъом,  
Шояд битса пешонангизга  
Аҳли ислом деган улуг ном!*

*Яралганмиз одам Атодан,  
Ота – бир, она – бир, Худо – бир!  
Битта Ер, бир осмон, бир Ватан,  
Инсон деган қисмат биттадир!*

*Ҳар миллат безар бу оламни,  
Барча элни ҳурмат қиламан.  
Аммо мен мусулмон одамни  
Ҳақиқий инсон деб биламан.*

**(“Қанийди”)**

Муҳаммад Исмоил шеъриятида бир маълум ходиса ёхуд бўлаётган воқеликнинг зимнидан ўзга маънолар уқиш, кел-

тириб чиқариш, бирини бошқасига нисбатан бериш, бир маънони бошқа маънога йўйиш воситасида фалсафий-поэтик хулосаларга бошлаш хусусияти ҳам кўзга ташланади. Бу усул китобхон осон фаҳмлаб турган маънога кўламдорлик бахш этади, рангинлик вужудга келади. “Кибр” шеъри шайтони лаъиннинг ибтидодаги машхур такаббурлигини эслашдан бошланади. Кибри сабаб шайтон Аллоҳ амрини бажармади – Одамга эхтиром саждасини қилмади, инсонни тупроқдан яралган деб менсимади. Ҳолбуки, Одамда ҳатто фаришталарда ҳам йўқ неъматлар, беназир салоҳиятлар намоён эди. Унга борлиқдаги нарсаларнинг номларини Яратганнинг Ўзи бирма-бир ўргатган эди:

*Ҳар нени ўз номи билан атамоқ  
Инсонларнинг буюк шарафи экан.  
Шундан Аллоҳ илми ила яшамоқ  
Шайтонлардан устун тарафи экан.*

Бу воқеа тафсилотини бутун инсоният билади. Шоир ундан яна қандайдир ҳикматлар қидиради, аниқроғи, илк Одам – пайғамбар алайҳиссалом ва биринчи отамизга билдирилган номлар, исмларга бугунги одамзотнинг масъулияти моҳиятан қандайлигини тафаккур қилишга чорлайди. Фикрлашни бу томонга бошлаш шоирнинг топилдигидир ва жуда дақиқ ҳикматлилик. Шеърнинг жозиба қувватини ҳам айнан шу рух, шу йўйиш-ишорат таъминланган: “Унутгандай бўлди номларни одам, Шуурлар сусталашди, кирланди диллар, Иблис адаштириб юрди дамодам”.

Дарҳақиқат, моҳиятига чинакамига кириб борилса, ҳар сўз ҳақиқатнинг тажассуми, ифодасидир. Одамлар доимо ҳақни, ҳақиқатни излашади. Ҳақиқатни тополмай ҳайрон юргувчилар ҳам кўп. Шунингдек:

*Ҳар эл эркинлигу озодлик истар,  
Бугунги кунидан кўнгли тўлмайди.  
Хурриятни ҳар ким ўзича излар,  
Хурриятнинг номи битта бўлсайди...*

Шеър инсониятдаги хатокорликнинг энг тубига эътиборимизни қаратади. Ҳамма яхшиликни яхши деб сифатлайди, аммо яхшиликнинг ўзи нима? Яхшилик деганимиз баъзан нега ёмонлик бўлиб чиқади? Яхшилик тушунчаси биз яхши деб ўйлаган нарсалардангина иборатми? Яхшилик васфи, таърифи, хиллари ҳақидаги мукамал таълимотни қаердан олса бўлади? Ўзимиздаги яхшилик туйғусини муҳофаза қилишни ҳеч ўйлаб кўрганмизми?.. Бундай саволларнинг чегараси йўқ. Кўпчилик улар жавоби борасида етарли тааммул қилмайди. Барча кишилар яхшиликни яхши деб мақтаса-да, яхшилик ҳақиқатини билмайди. Унинг ўта дақиқ маъноларигача етиб боролмайди. Масалан, баъзан яхшилик қилмасликда ҳам яхшилик бўлиши бор. Хўш, яхшилик ҳақиқати тарбияси ва таълими қаерда? Ҳар қанча саволнинг жавоби эса оддий ва биттадир: Аллоҳ одам зотини нималарга буюрган бўлса – яхшилик, нималардан қайтарган бўлса – ёмонликдир. Бу ҳақ жавоб илоҳан нозил бўлган ва у ҳаммани охирги дин, сўнгги комил шариат – исломга бошлайди. “Кибр” шеъри лирик қаҳрамони шу каби жаҳоншумул масалаларни тафаккур қилаётир:

*Ҳар ким ўзиникин билади тўғри,  
Ўз сўзи, фойдаси, ўз гоёси бор.  
Ўз ишин тўғри деб қилади ўғри,  
Тўғрини тўғри деб билмайди зинҳор.*

*Ҳаёт гоҳ инсоний, гоҳ ҳайвоний.  
Одамга қул бўлди эътиқод, иймон.*

*Насронийнинг кўзин ўяр насроний,  
Муслмонга найза санчар муслмон.*

Фикрий жараён бошдан-охир бугунги инсониятнинг эътиқоддан огишуви, манқуртлашуви, умрларнинг зоелашуви, оқибатда эса ўзини жаҳаннамга ҳозирлаётганига оид манзараларга қаратилган. Ибтидода нарсалар номларини на фаришталар, на шайтонлар билди! Улар лол бўлишган эди. Инсон фикрати барчаларидан устун намоён бўлган эди. Бугун эса номларни унутиб, беҳол бўлиб турибди у. Балки бу бошига иблис қисмати тушиб турганининг да-лолатидир? Муқаррам қилинган инсоннинг талъати қайда қолди? Балки унинг ердаги паймонаси тўлгандир? Балки қиёмат соати яқинлашиб, сур чалинмоғига оз қолгандир? Ортга эса қайтиб бўлмайди:

*Кимдир кетиб борар бетаишиш, беғам,  
Кўзига қўнгандир ҳаётнинг шоми.  
Энг сўнги кунлари келган бўлса ҳам,  
Билмас бу дунёнинг нимадир ками?!*

*Қачондир ҳар нени ўз номи билан  
Инсон берган эди бирма-бир айтиб.  
У номлар ўчдими хотирасидан,  
Бўлурми у улуг кунларга қайтиб?!*

Илму фанлар, кашфу ихтиролар шубҳасиз муҳим. Бироқ улар эзгулик йўлида, инсониятнинг эътиқодий манфаатига хизмат қилдирилмаса, дунё ҳаётини остин-устун қилиши, одамларни бир-бирига ёв қилиб қўйиши турган гап. Башарти шундай экан, билимларнинг ўз салтанатини тиклаш жоиз. Билим – инсоният бошидаги тож. Олим-

лик салоҳиятлари ва натижаларини талон-тарож этишга, қайсидир фосиқларнинг илму маърифатни ўзининг қулига айлантиришга, шариат аҳкомларини истаганча талқин қилиб, ўзининг чиркин мақсадлари йўлига буришга ҳеч ким ҳақли эмас. Чигал ва мураккаб бундай тамойиллар кучайган даврда дўст киму душман кимлигини пайқаб олиш ҳам қийин кечади. Нажот қидирилади. Чунки бу борада умуминсоният такрор-такрор синовдан ўтиб келмоқда. Баркамол ва мутлақ ҳақ нажот масдарини жамийки одамзот қачон англаб етади? Қачон унда илму амаллар ҳақ таълимот кўрсатганидек йўлга тушади, муштарақлик касб этади?

*Тангрим караминга чек йўқдир асло,  
Сен мангу меҳрибон, холиқ экансан.  
Ҳар ненинг ўз номин айтмоққа расо  
Бизларга Қуръонни тортиқ этгансан.  
Қуръон бизга ёруғ юлдуз эканда  
Яхшени фарқламоқ учун ёмондан.  
Қуръон – йўлчи юлдуз, ҳеч бўлмаганда  
Афзал бўлмоғимиз учун шайтондан!*

Номлар мушоҳадаси тарихининг ибтидоси ила бугунининг қиёси айни шеърнинг бағоят гўзал ва ҳаётбахш баҳонасидир. Бу жабҳада тоза тафаккур қанча ва қаерларгача парвоз қилмасин, пировардида уни танҳо манзил – ислом маърифати кутиб турган бўлади. Тўғри тафаккурчанликнинг бабаҳо неъматини, бахтиёрлиги ҳам шундадир.

Туркумнинг аксарият шеърларида гофиллик қораланади. Гофиллик, одамларга озор етказиш, жаҳолатнинг жамиятлар ҳаётига нечоғлик таҳдидлиги аён. Гофиллар зулмат кабидирлар:

*Гофилга берилган ҳар лаҳза, ҳар он  
Самон йўлларидай узун муҳлатдир.  
Юлдузлар эгасин билмаган инсон –  
Бу ёруғ дунёда юрган зулматдир.*

**(“Юлдузлар ёнганда мисоли гулхан”)**

Юртларга ҳукмронликдаги сиёсат ва мафкуранинг ўзи гофил, хийлакор, зулмкор, инсон эркини поймол этувчан бўлса, янада улкан кўргиликдир. Бу ҳол мудҳиш оқибатларга олиб келади. Ёлғон гоёлар зўр бериб тарғиб қилинади. Озодлик, хурриятдан сўз очиш жиноят саналиб қолади. Қанча авлодлар алданиб яшаб ўтади. Шўро тузумининг кетма-кет қатагонларига жаҳон тарихи гувоҳ. Истиклол даври шеърлятида яқин бу тарихга муносабатнинг қизгин талқинларини кўриш мумкин. Шоир Муҳаммад Исмоилнинг ҳам қатор шеърлярида ўзбек халқи кечаги тарихининг қора кунлярига поэтик муносабатнинг ёрқин талқинляри кўп. “Энг аввало” шеърляда истибдод, жаҳолат, адолатсизлик ҳукм сурган муҳит ва шоирлик масъулятининг зиддияти қаламга олинади. Зотан, барча замонларда ҳам ҳаёт золимлар чангалида бўлар бўлса, чин шоирлар эл-юрт тақдирига лоқайд қараб тура олмаганлар.

*Қонхўр Сталиннинг даҳшати  
Юртда қиргин этганда содир.  
Энг аввало келиб навбати  
Қурбон бўлди қанчалар шоир.  
Чунки шоир кўксиди ҳар дам  
Қабоҳатга қарши исён бор.  
Ҳеч кимга қўл кўтармаса ҳам,  
Сўзи килар бор сирни ошкор!*

Эркисизлик, инсоний ҳуқуқларнинг топталиши, ботил гоёлар остида яшаш инсонни ҳақ йўлнинг неъматляри-

дан маҳрум қилади. Шоир лирик қаҳрамонининг ўз умри таҳлилида муҳитдаги тўсиқлар билан, одимларидаги адашувлари билан боғлиқ армон ва изтироблари кўп. Ўз-ўзини ислоҳ туйғуси, тавбакорлик жидду жаҳди ила камолга шошаётган инсон у. Унинг ўй-хаёли, иқрорлари, орзулари шу боис теран, табиий ва оқилона: “Орзу” шеърисида шундай мисралар бор:

*Инсонларнинг шахсий фикрати аро  
Ҳақни танигунча шом бўлди умрим.  
Мен иймон ҳукмини истадим, аммо  
Бирни жоҳил, бирни гафлатда кўрдим.*

Инсон ҳаёти, қисмати қай макон ёхуд замонда кечмасин, у ҳақ йўлдан юришга мажбуриятли. Қалб иймонга мойил қилинган. Унга талпинади. Икки дунё саодатига эришмоқ у биландир. Ислоннинг мўъжизакор дастуриламали Қуръондир. У ҳамма макон ва замонга салоҳиятли қилинган ва иймон соҳиблари ҳеч қачон тўймайдиган ягона китобдир. Ҳамма қалблар, тиллар уни васф қилгиси мақтагиси келади. Қуръони Карим эса мақтовга муҳтож эмас, чунки унинг ўзи энг юксак мақтовдир. Инсонга уни истаганча севишга, мадҳ этишга илоҳий ижозат бор. Уни мақтаган у туфайли ўзи мақталган бўлади, яъни ажрларга мушарраф бўлади.

Шоирнинг “Сиз – халифа она замин жангоҳида”, “Қуръони Шариф”, “Иймон сусайганда ўқийлик Қуръон” каби шеърларида ислом, Қуръон мадҳи етакчилик қилади. Жўшқин муҳаббат билан ҳидоят йўлининг ягона нажот йўли эканлиги, ҳамма яхшиликларнинг калити исломдалиги, ўнглиниш ва тараққийнинг усиз бўлмаслиги синга-ри маълум ва машҳур ўғитлар ўзига хос тараннум этилади. Одамзот “Иймон отлиғ буюк арқон атрофида” бирлашмоғи

шарт. У шайтон измида бўлмоқдан эҳтиёт бўлмоғи жоиз. Доимо ислохпарастлик керак, ўзни ислох қилиш мардоналикдир. Буюк жиҳод ва зафар – илм олмоқдир. Исломий хулқ ва одоблар ҳикмат хазинасидир. Инсонда ахлоқ гўзал бўлмаса, олган илми, қилган ибодати жаҳолат ва разолатдан бошқа нарса эмас. Ер шарини жаҳолатнинг ихтиёрига бериб қўймаслик керак. Бу эзгуликлар йўлида бирлашмоқ ва илму иймон йўлларига садоқат билан бўлади:

*Энг аввало, бўлинг Аллоҳ буюргандай,  
Чин мусулмон, ҳақ йўлининг талабаси.  
Бу саодат, бу зафарга тенг келмагай  
Ҳатто жаҳон урушининг галабаси...*

*Зеро, Қуръон оламларнинг калитидир,  
Очилгайдир унинг билан кашфиётлар.  
Қуръон жаъми одамларнинг тақдиридир,  
Ҳукми билан йўл топади махлуқотлар!..*

*Барча одам яратганнинг бандасидир,  
Ҳақдан ўзга суюнчиқ йўқ, йўқ халоскор.  
Ёлғиз Аллоҳ – мангу нажот қалъасидир!  
Ягона дўст, ягона ёр – Парвардигор!*

Қуръон фазлу сифатлари адо бўлмас, ўта пурҳикмат илоҳий каломдир. Ҳар оқил шоир борки, унинг васфини қуйламоқни ихтиёр қилади. Қалби ҳапқиради, ўзида унга бўлган мудомий муҳтожлик сезади. Унинг васфи- мадҳига эса инсон имкониятидаги сўзлар ожизона тизмаланади. Аммо мақтовлар ҳар шоирона истеъдод эгасидан турфа оҳангларда тараладики, китобхонга шу рангинлик мисли йўқ таскин, ибрат, завқ бағишлайди:

Ҳаётнинг ҳар они буюк неъматдир,  
 Омон яшаганда ўқийлик Қуръон.  
 Сохта санамларга бош эггин дея  
 Замон зўрлаганда ўқийлик Қуръон!  
 Ҳар сўзда, ҳар уйда, ҳар иш, мажлисда  
 Ёлгон ўрлаганда ўқийлик Қуръон!  
 Гоҳида йўл топмай, гоҳ чора топмай,  
 Сарсон бўлганларда ўқийлик Қуръон!

Синов дунёсида инсоннинг хилма-хил кайфиятлар, ва-зиятларда бўлиши бор. Имконсиз ҳолатга тушиши, армон-да қолиши, озорлар чекиши, бемор бўлиши, ниятларининг ушалиши бор. Умрнинг барча кечмишида Қуръон ҳамроҳ-лиги даркор. То сўнгги нафасгача ҳар дард, ҳар муаммо-нинг, ҳар қалб, ҳар аҳволнинг шифоси Қуръони Каримдир. Лирик қахрамон инсон қисматига хос бўлишига шубҳа йўқ ҳол-ҳолатларни бирма-бир санаб, теран сўзлар, равон ми-сраларда ўқувчини қуръоний яшашга, эътиқодий тафаккур-га даъват қилади (“Иймон сусайганда ўқийлик Қуръон!”).

“Қуръони шариф” шеърида эса муқаддас каломнинг абадийлик сифатига оид мушоҳадалар кўтаринки бир руҳда улуғланади. Ҳақиқатан ҳам, тарих Аллоҳнинг кало-мига бўлган аҳмоқона душманликларнинг барчасига гувоҳ. “Қуръон нозил бўлган лаҳзадан буён” ислом душманлари-нинг ошкор ёхуд пинҳон хуружлари бўлиб туради. Қуръон эса ҳамиша ғолиб, музаффар. Аллоҳ инсониятнинг бутун тарихи мобайнида ўзи туширган бошқа китоблар ва саҳи-фаларнинг муҳофаза мажбуриятини Ўз зиммасига олмаган эди. У Қуръон муҳофазасини Ўзининг кафолатига олди. Дунё не-не ислом душманларини кўрди ва кўриб келмоқда. Қанча Абу Лаҳаблар келиб кетди бу дунёга. Мушриклар, яхудлар, куфр лашкарлари ўз шайтоний туғёнларини бай-

роқ қилишиб ислом зиддига яшашди. Асрлар мобайнида Қуръондан аввал ҳам, кейин ҳам қанчадан-қанча тубанликка кетган, дунёни булғаган қавмларни ер ютди. Инс-шайтонларнинг жазоси икки дунёда ҳам муқаррар. Осийларнинг ер билан яксон бўлиши тайин. Ахир Аллоҳ билан, унинг каломи билан ўйнашиб бўладими? Бўлган ва бўлаётган бу ишларнинг барчаси иймонсизликдан.

*Бўлурми Қуёшни ўқ билан отиб,  
Осмонни йўқотиб, Ойни йўқотиб?  
Қилич санчган билан ўлурми уммон?  
Дунё ўтқинчидир, мангудир Қуръон!  
Ҳамон тўда-тўда, салтанат бўлиб,  
Қўшма штат бўлиб, мамлакат бўлиб,  
Демократмиз деган байроқ остида  
Фитна кўзгашимоқда Қуръон қасдида.*

Уларнинг қалб кўзлари кўр, батамом муҳрланган. Қуръонга ишонмайдилар. Ислом тараққийсига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатишади. Уларнинг жойлари жаҳаннам эканлиги Қуръонда такрор-такрор айтилади. Улар инсофга, иймонга чақирилади – бефойда, камдан-кам одамларнинг кўзи очилади. Бу дунёнинг ҳирсу ҳавас гирдоби уларни ўз домига тортган. “Уларнинг юраги мисоли хазон, Жаҳаннам ўтида топади макон”, дейди шоир. Қуръонга талпинган қалбнинг ҳаловат топишини, ўзига абадий нажот ҳозирлашини ёрқин сатрларда ифода этади. Якуний васфлар янада жозибали:

*Замон жасад бўлса, жон эрур Қуръон,  
Инсонга шарафу шон эрур Қуръон!  
Юзимиз нурланар Қуръонга қараб,  
Сўзимиз ўнгланар Қуръонга қараб!*

*Ер юзига кириб келгандай баҳор,  
Бахт ҳамда саодат бизга бўлар ёр!..  
Тонг каби дилга нур бермоққа шоша  
Қуръон яшайверар асрлар оша!*

“Қуръони шариф” ҳам китобдаги шу фасл шеърлари, хусусан, “Иймон сусайганда ўқийлик Қуръон” шеъридаги каби даъваткорона руҳда, жарангдор ёзилган. Шоир Қуръон абадияти ёки унга инсон муҳтожлигининг қатор муҳим асосларини талқин қилади. Ўқувчи бу мавзуда васфу тавсифлар чексиз эканлигини, қанча мадҳ этилса-да, озлигини ҳис қилиб туради. Ҳеч бир маъно баландпарвоз туюлмайди. Улар ҳақиқат уммонидан қатралар бўлиб англанади ва шеърхонга ҳузур бағишлайди. Чунки Қуръон – ҳикматлар китоби, ҳидоят сари бошловчи, қиёматгача ўзини билган инсониятнинг сиротул мустақийми – тўғри йўлидир.

“У, Аллоҳ таолонинг тўғри йўлидир, – дейди шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ бу ҳақда, – Ҳар бир банда ҳар бир мақсадга эришиш учун сиротул мустақиймга муҳтождир. Сиротул мустақиймсиз ҳеч ким мақсадга эришолмайди. Сиротул мустақиймда юрмаган одам, нотўғри йўлдан юриб адашади, кўзланган манзилига ета олмай, ҳалокатга учрайди. Сиротул мустақиймда юрмаган одам нотекис йўлдан бориб, қоқилади, йиқилади, бурни қонайди, бўйни синади, кўзланган манзилига ета олмай, сарсон-саргардон бўлиб ҳалок бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир банда ўзи учун сиротул мустақиймни излайди. Сиз билан биз – мусулмонлар нақадар бахтлимизки, Роббимиз Ўзи бизга сиротул мустақиймни бериб қўйибди. Икки дунёда кўзланган саодат манзилига элтадиган сиротул мустақиймни шундоқ хизматимизга тайёр қилиб қўйибди. Биздан бўладигани ўша илоҳий сиротул мустақиймдан юриб кетиш, холос...”

Умрнинг муайян палласида бўлса-да, тўғри йўл излаш аҳдининг инсонда голиб келиши манзур бир ҳолдир. Лиррик қаҳрамоннинг ўз ислоҳи йўлидаги дарду изтироблари гоятда хилма-хил. Тўғри йўл – сиротул мустақиймни изламай ёки унга нописанд ўтадиган одамлар ҳам кўп. Мўъжаз бир шеър шуни идрок эттиради:

*Дунёда яшамоқ илми бор,  
Уни тополмай яшаб бўлмайди.  
Мен тополмай ахтардим абгор,  
Ҳар келар кун мени алдайди.  
У яширин, на ақл етар,  
На юрак ботиний илгайди.  
Ҳамма уни билмасдан кетар  
Ва дунёга қайтиб келмайди!..*

Инсониятнинг тарбиячиси, мураббийи Роббимиздир:

*Яшамоқни билмасдан бўлиб сарсон,  
Ҳаёт йўлин ўргатувчи билмай ким бор,  
Ғамгин бошим урдим сенга ушбу замон,  
Ёлғиз ўзинг устоз экан, Парвардигор!..  
Сен бор энди ҳаётимда қодир Эгам,  
Ҳам йўлимга, ҳам кўнглимга келди мазмун.  
Ҳам умримга, ҳам ўлимга, тақдирга ҳам  
Боқажакман энди голиб, энди мамнун!  
(“То тугилдим..”)*

Инсоннинг барча жабҳа фаолиятини фақат ҳидоятгина мунаввар қила олади. Ҳидоят ҳикматлар аламига кирмоқ, уларга ошуфта яшамоқ, ўз ҳаётига ҳикматларни шиор айламоқ ҳамдир. Исталган ҳидоят топган инсон турмушининг

турли томонига разм солинса, ҳидоятнинг ҳаётни нечоғлик зийнатлашига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳидоят таратувчи мунавварликнинг ранго-ранг манзаралари адабий ижодларни ўрганиш жараёнларида кўп намоён бўлади. Исломи мавзуларнинг ҳар қандай кўринишида, улар талқинининг ҳар қандай усулида шоир илоҳий ҳақиқатларни албатта айтади. Ҳайратини, итоатини, муҳаббатини, уларга эҳтиёж-мандлигини изҳор қилади. Ёки илоҳий ҳақиқатлар шеърӣ йўсинда айтилганда ҳам, шоирнинг ўз гапидан кўра, ўша ҳикмат-ҳақиқатларнинг мақоми ва уларга риоятда бўлиш даъвати асарда устун пафос бўлиб туради. Умуман, шоирнинг қандай жанрий, услубий кўринишида бўлмасин, илоҳий мавзуларга бевосита мурожаат қилиши шеърӣятининг улкан фазлидир. Масаланинг иккинчи томони бор ва бу янада муҳим: диний мавзулар талқинида ҳикмати номоён бўлган шеърӣятда бошқа барча мавзулар талқини ҳам ҳикматлар нури билан ёғдуланиб туради. Бошқача айтганда, шеърдаги муаммо, масала, шуурӣ жумбоқ кабилар счимида ҳикматли жавоб, энг мақбул хулосалар келтирилади ва жозибадор таассурот уйғотади. Шеърӣятнинг асосий шарт-талабларидан бири ҳам аслида шудир.

Демак, ҳар нарса, ҳар воқеликни фикрлаш, мулоҳаза қилишда тафаккурнинг ҳикматли бўлиши ҳамма муҳим нарсалардан-да муҳим экан. Муҳаммад Исмоил шеърӣяти ҳам бу фазлни ҳис эттиради. Ижод масъулияти, шеърӣят тақозолари борасидаги кечинмалари акс этган мисраларига эътибор қаратайлик:

*Сўз олами кенгдир, ёнмасанг беркдир,  
Ҳар бир сўз оловда, жоним гаровда.  
Тангрим, шоирлик бу – исён ва эркдир,  
Иймондир бу умр деган саробда!..*

Шоир шеърин севмай, унинг мол-дунё  
 Ва ўзин севшиса, шоирга алам.  
 Чунки қалбнинг буюк нурларин даҳо  
 Шоир ўз шеърида этгусидир жам.  
 Ҳақиқий шоирнинг ўзидан кўпроқ  
 Шеърларин севшиса – бу олий мақом.  
 Эзгу меваларин бермаса тупроқ,  
 Ер юзида ҳаёт этмасди давом...

**(“Раффиқамга”)**

Тошиқиндай босади тушларимни шеър,  
 О, тушлар, бунчалар моҳир шоирсиз.  
 Ватанингиз эмас бу юмалоқ Ер,  
 Кўкдансиз, илоҳий Зотга доирсиз.

**(“Сунур”)**

Бу кун сиз мағлубсиз, балки голибсиз,  
 Зулм жанги тугаб битмас ҳеч қачон.  
 Аммо ҳақ йўлида доим қолингиз,  
 Ҳақ сўзга келтиринг шараф ҳамда шон!

**(“Менга сўз беринг”)**

Ижод саҳни осмон қадарда,  
 Ҳар ким ўз ризқини тиради.  
 Қилмишига қараб Маҳшарда  
 Ёзганига жавоб беради!..

Шеърларимга эргашиб кимдир  
 Хато қилар балки мен сабаб.  
 Тангрим, Ўзинг ишонганимдир,  
 Истамайман ёзмоқни алдаб...

**(“Дўрмонда”)**

Муҳаммад Исмоил шеъриятида хитобий руҳда ёзилган шеърлар кўп. Хитобан айтиладиган гаплар, табиийки, энг тўғри, энг мақсадга мувофиқ, эътироз ва шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақ гапни айтишни, ҳақ тадбир таклиф қилишни талаб этади. Таклиф, тавсия илоҳий кўрсатмалардан олинмаса, қаердан олинади? Ўзга манбалардан, бирини яқсон қилиб, ўрнига бошқаси келаверадиган турли-туман “изм”лардан, ўша “изм”ларга мансуб кишиларнинг насиҳатлари эса кўпинча мўрт ва омонат. Уларнинг боқийлик даъвоси, яшовчанлиги оқил кишиларда ҳамиша шубҳа уйғотиб келади. Инсониятнинг бутун тарихи шундай кечмоқда. Ҳамма замонларнинг оқиллари ҳақ билан ноҳақни ажрата олиб, нодонлари ҳақиқатга беписанд яшаб ўтмоқдадир.

Ҳар қандай илмда, амалда, касб-кор, ҳунар ва санъатда инсонга ҳикматли бўлишга интилиш буюрилган. Аллоҳ илму амали бир ҳил кечаётган бандаларини, ишларида ҳикмат бор бўлганларни севади. Уларнинг дунёи фонийдаги касблари ўзларининг у дунёсига ҳам манфаат бағишлайди. Илмда бошқачалик, амалда бошқачалик ҳам ҳикматлилик эмас. Аралаш яшашдан Аллоҳ қаҳрланади. Мазкур ислоний ақидадан тойилиш умрни, унинг муайян яхшиликларини ҳам зое қилади. Ҳақ йўлдан адашмаган, ҳидоятда собит инсоннинг ҳатто ҳидоятли орзулари, ўй-кечинмалари ҳам ажр олади. Сўз санъатида бу масъулиятнинг залвори янада ортади. Қуйидаги мисраларда шу масъулият туйғуси талқин этилган кўрилади:

*Чунки мангуликда бермоги-чун сас  
Ҳар сатр шеър учун  
Шарт қўймиш ҳаёт.  
Яхши шеърлар эмас,*

*Зўр шеърлар эмас,  
Доҳиёна шеърлар яшар умрбод!  
("Даъват")*

Кўпинча лоқайд қарайдиганимиз оддий маиший мулоқот, муомала-муносабат, манзара, нарсаларга ҳам хушёр боқиб, уларда-да Аллоҳ ҳикматини ҳис қилиб, эски ҳақиқатни янгича поэтик жилосини топиш – санъаткорликнинг анъанавий аломатларидан бири. Дейлик, кеча инсон ишдан бўшатилади. Қандайдир бир хатоси учун. Бўшатишга эришганлар гўёки ғолиб. Ишдан кетказилган шахс қай даражада мағлуб? Эътиқодий жиҳатдан афсуснинг меъёри қандай бўлмоғи матлуб-мақбул ҳол? Лирик қаҳрамон ҳеч кимсага тик қаролмайди, иродаси синган, юзи шувут, афтода, абгор, тушкун. Ҳолбуки, рақиби зулм қилганида ва юраги огрикқа тўлганида бошлиққа ўзи ҳақлигини айтган, қўрқмаган. Эркинлик истаги кучлироқ келган. Бор воқеа шундан иборат. Шеърхонларни бунда нима қизиқтиради? Ўзларини қандай фикр-хулосалар томон бошлаб бораётган кечинмалар ривож қизиқтиради, албатта. Лирик қаҳрамонда бошқаларга ҳам шундай вазиятларда ибрат бўладиган таскинлар бор:

*Юзим ёруғ элнинг олдида,  
Унга асло отмаганман тош.  
Кеча мағрур эдим пойида,  
Бугун мустар ургандирман бош.*

Аҳвол сохиби ўз кўнглини ўзи қўтариб, бу таскин билан чекланаётгани йўқ. Айни пайтда ўзини тафтиш қилмоқдаки, бу фазлдир. У кеча, элнинг ардоғида бўлса-да, унинг пойида мағрур эди, бугун, ҳамон эл ардоғида ва лекин музтар

кайфиятда. Кечаги мағрурлик омадлар ёрлигининг оқибати эди. Бугунги хорлик ила хокисорлик кечинмаларнинг ўзи ногоҳ илғатган кибрни яксон қилаётир. Ёмонликлар ортида ҳам ҳикмат туради. Таскинларнинг танҳо улугвори кечинмалар сўнгида келади:

*...Энди Аллоҳ корхонасида  
Садоқатли бандаман, ишчан.  
Энди ул Зот раҳнамосида  
Енга олмас бирорта душман.  
Ризқ берувчи, асрагувчи соғ,  
Ҳар онимдан олгувчи хабар.  
Одил ҳакам, энг қудратли шоҳ,  
Кенг оламга энг олий Раҳбар.  
Эй, улуг Зот, бўл менга нажот,  
Қаршингдаман, итоатдаман!  
Корхонангдан жой бер умрбод,  
Амрингдаман, ибодатдаман!*

“Атрофингда мен сарсон” китобида “Драматик ҳазил” деб сарлавҳаланган иккита шеър бор. Биринчи фаслдаги-си ҳар бир оқида онага хос узлуксиз жараёндан бир лавҳа сабаб ёзилган шеър. Онаизорлар кечаю кундуз фарзандлар камолини қайгурадидилар. Уларни фарзандларнинг ёмонлари умрбод ташвишдан бош кўтартирмайди. Оналар қалбидаги бу илоҳий майл, туйғу идрокига фарзандлар старли қодир бўла олмайдилар. Чуқур тафаккур қилинса, бундан хайратланиш адо бўлмас даражада. Шеърда онаизорнинг гаплари гоятда табиий:

*Онам дер койиниб: – Бўлсан, шалтайган,  
Унвон-пунвон олсанг бўлмасми сен ҳам.*

*Қанийди, кўксингга орден қадалган –  
Пайтда телвизорга чиққанинг кўрсам...*

Фарзандга меҳрда, яхшилик тилашда она қалбининг мисли йўқ. Унинг бу борадаги дарди, ўй-хаёллари ҳам дудодир. Онаизорни койиниши мантиғига қанчалик жиддий ёки ножиддий деб қараманг, у ажойиб поэтик фикрларга туртки берган. Куюниш ҳам, унга қилинган жавоблар тизмаси ҳам гарчанд ҳазилдек туюлса-да, замирида драматизм, зил-ҳақиқат бор. Шунингдек, бу ҳақиқат бир чимдим киноя билан айтилади: шон-шуҳрат, унвонлар ортидан қувиш иллатига раддия қилинади.

*Дерман: – Она, бўлманг сира ҳам хафа,  
Гўдак бошим билан эслаб қолганман:  
Тугилган онимда биринчи дафъа  
“Ўгил бола” деган унвон олганман.*

Ўгил бола улғайганда “Эр йигит бўлибди” дейди халқ. Элимиз серҳиммат, унвонлари кўп. “Тўй бўлиб, ўланлар айтилган оқшом” “куёв” деган унвон беришади. Аллоҳнинг марҳаматларига чегара йўқ. Сийловлар устига сийловлар беради. “Ота” деган буюк унвон оласан. Ва ҳоказо:

*Миллий унвонларим жуда кўп, хуллас,  
Минг йилларки, улар келмоқда яшаб.  
Замон ўзгарса ҳам, улар ўзгармас,  
Сохта унвонлару шонларга ўхшаб.*

*Эй, Она, ранжиманг, хизматга шайман,  
Бошимга қўтарай сиздай инсонни!  
Не бўлса буюринг, барин эплайман  
Оқлаб “ўгил” деган улуг унвонни!*

Учинчи фаслдаги “Драматик хазил” ҳам ҳар жиҳатдан шунга ҳамоҳанг шеър:

*Хотин ботиб терга  
Ўшқирар эрга.  
– кимгасиз эрка?  
Ҳайдашди ишдан,  
Ўзингизга ичдан  
Ўзингиз душман.  
Кечаю эрта  
бошни эгиб ерга  
ботгансиз шеърга.  
Кечинг бу юмушдан,  
Чиқолмай қишдан  
Ўлмайлик очдан!*

Шеърят санъатнинг бир тури сифатида ҳар қандай жамиятнинг бир гўзал эҳтиёжидир. Шундай даврлар бўлганки, бутун бир мамлакат ва халқнинг маънавий даражаси унинг шеърга муносабати, маънолар, рамзлар, тағмаёнларни теран идрок қила олиши билан ўлчанган. Илоҳий ҳикматлардан ғофил шеърчилик шеърят ҳисобланмаган. Бу ажойиб мезонлар Шарқ халқлари тарихининг қатор асрларига, хусусан, Алишер Навоий даврига хосдир. Ушбу “Драматик хазил”нинг касби шоирлик бўлган лирик қаҳрамони ҳам шеърятнинг аҳамиятини, унинг беминнат хизматкорлигини, ухдаси, мажбуриятларини тақрибан шундай тасаввур қилади. У дейди:

*Сўз билан яралган олам азалдан,  
Сўздан қайтмаган одам аталган.  
Қайдаки бор бўлса юксалган Ватан,  
Шоирга эҳтиром билан қаралган...*

*Элим айтиб юрса қўшиқларимни,  
Шеърим сурур берса наҳорга ўхшаб.  
Чечакдай гуллаган туйғуларимнинг  
Баҳосин ҳеч қачон бўлмайти ўлчаб.*

*То ўлмай, қирқилмас қулидан ризқ ҳам,  
Дарё беминнатдир, илоҳий ишқ ҳам.  
Шоир иши қай баҳор хизматидан кам,  
Пулим йўқ деб булбул чекибдимиз гам?!*

Кузатаётганимиз тўпладан шоирнинг она халқимизга, Ватанга, Тошкент, Сирдарё, Ховос, Мустақиллик ва авлодларга аталган қатор шеърлар ўрин олган. Бошқа турфа мавзуларда битилган шеърлар ҳам бисёр. Китобхоннинг уларни завқу шавқ билан ўқишига шубҳа йўқ. Муҳаммад Исмоил қайси бир мавзуда қалам тебратмасин, содалик ва халқоналикнинг ҳам, маъно тагига тагмаъно жойлаштиришнинг ҳам, фикру туйғуларни мутаносиб қилишни ҳам, гоёларни парвозлантириш ва зийнатлашнинг санъаткорона меъёр-мезонларини билади. Ҳақ поэтик сўзга интилади. Умумнинг манфаати, қувончи, дарди, изтироби, иқболи, юксалишини кўзлайди. Унинг лирик қаҳрамони ҳеч қачон тамоман умидсизликка тушмайди. Тушкунликнинг Яратганга исён ва ширклигини чуқур идрок этади. Оний қийинчилик, машаққатлардан ҳақ таълимот ўргатганидек мардона ўтишга интилади. Шеър ишида ҳам тақозо холислик, одиллик, ҳикмат, ўзгаларга гўзал маънавий манфаатлар тараптириш бўлгани учун лирик қаҳрамон ўз айби хатоларини, ўз ислоҳи йўлидаги саъй-ҳаракатларини-да яширмай шеърга солади. У шодон онларинию маҳзун кезларини ўзига хос поэтик шижоат, оташин сўзлар билан айтади. Зотан, санъатнинг бирдан-бир ва энг олий мақсади диний онг

камолотига хизмат қилиш эканини у билади. Бу йўл – ҳақ йўлдирки, аини моҳиятни бошқа халқларнинг донишманд сўз санъаткорлари ҳам ўз ижодларининг шиори қилишган.

“Инсоният ҳаёти, – деб ёзган эди Лев Толстой, – фақат диний онгни чуқур ўзлаштириб олиш оқибатидагина мукамаллаштириши мумкин. Диний онг эса одамларни ўзаро мустаҳкам боғлайдиган ягона ибтидодир. Одамларнинг диний онгни ўзлаштириши инсон маънавий фаолиятининг ҳамма жабҳалари томонидан амалга оширилади. Бу фаолиятнинг жабҳаларидан бири санъатдир”.

Муҳаммад Исмоил ўзининг “Устозлар” номли шеърида ёзганидек:

*Муҳими, ёзайлик шаймонли шеърлар,  
Ислому нури кўчсин шеърга, дostonга...  
Муҳими, шу халқдир, муҳими, миллат,  
Муҳими, шу элни кўтармоқ бошга!..  
Муҳими, тоза қалб билан яшамоқ,  
Устозлар йўлидан бормоқдир доим.  
Муҳими, бир куни қилганда сўроқ,  
Мендан рози бўлсин Қодир Худойим!*



## ОЙГА ОСИЛГАН БАЙРОҚ

Ибрatли ҳикоялар, унутилмас суҳбатлар,  
кўнгил кечинмалари.

Тошкент. “Муסיқа” нашриёти, 2018 йил  
5000 нусха

Ўзида Муҳаммад Исмоил ижодининг насрдаги намуналарини жам этган ушбу китоб ўқувчини жуда ҳаётий воқеалар, марокли мулоқотлар, донишона кечинмалар оламига олиб киради. Асарлар ўзаро умумий хусусиятларига кўра, гарчи, “Ёзувчи ўйлари, кечинмалари, мулоқотлари ҳамда, “Замондошларимиз ҳаётидан лавҳалар” дейилган фаслларга ажратилган бўлса-да, аксарияти насрий адабиётнинг ҳар хил жанрларига мансуб. Умуман олганда, мундарижаси рангин бу китобни Муҳаммад Исмоилнинг кичик насрий асарлари мажмуаси дейиш мумкин.

Китоб ҳақидаги нашрий тавсифда шундай мулоҳазалар бор: "...Муҳаммад Исмоилнинг ушбу китобида бугунги куннинг оташ нафаси, ўйлари, оғриклари, кечинмалари ва ўзига хос хулосалари акс этган. Ҳар бир инсон бу дунёга келар экан, албатта унинг бу ҳаёт ҳақида айтар сўзлари бўлади. Ушбу китоб орқали Муҳаммад Исмоил ҳам ўз сўзларини айтмоқда..."

"Бошимдаги тожим онам" асари китобхонга тугалланмаган бадиа сифатида ҳавола этилган. У тўққизта ҳикоячани ўз ичига олган. Бизнингча, улар яхлит ҳолда она мавзуидаги қиссадек таассурот ҳам қолдиради ўқувчида. Адиб мухлислари билишадики, Муҳаммад Исмоил ижодида бу мавзу баракали давом этмоқда. Асар мавзу ва жанр хусусиятларига кўра беихтиёр Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари", Исажон Султоннинг, "Онаизор" қиссаларини ёдга солади. Мазкур қиссаларнинг ҳар бири ўзига хос услубий, ғоявий-бадий жозибасига эга ва диққатга сазовор.

"Бошимдаги тожим онам" ўзбек насрининг айни мавзудаги яна бир муваффақиятли асари десак муболаға бўлмайди. Ундаги ҳикоялар бир қатор талқиний, ҳаётий хусусиятлари билан ўқувчини ўзига ром этади. Аввало, у бадий тўқималари деярли йўқ бўлган бадий асардир. Асарда ёзувчининг тушунтириш манераси батамом содир бўлган воқеликнинг айнан ўзига қаратилган. Ёзувчи ҳатто ижоднинг муболаға, бадий бўёк, бадий тўқима деган имкониятларидан ҳам воз кечиб, улардан асраниб қалам тебратаётгандек кўринади. Санъатда ижозати бор поэтик ёлгонларни ишга солиш, эҳтимол, катта меҳру муҳаббат билан тасвирлаётгани онаси (умрлари янада барокотли бўлсин) сиймосига, барча оналарга хос мўъжизавийликка –кўз олдимиздаги ҳақиқатларга хиёнат мисоли туюлгандир ёзувчига? Ҳар қалай, бу қандайдир бир адабий тажриба бўлиб кўринмайди. Айниқса, шоир Муҳаммад Исмоилнинг шеърляти билан яхши таниш бўлган мухлис носир Муҳам-

мад Исмоил насрининг бу ўзига хослиги қаршисида ажабланмайди. Унда асарни бир нафасда берилиб ўқиладиган қилган, ўқувчида унутилмас таассуротлар қолдирадиган, унинг қалбида завқ уйғотадиган омиллар нималардан иборат? Ҳикоялар матнига ёзувчи услуби, уни воқеликка муносабати нуқтаи назаридан мурожаат қиламиз.

Ёзувчининг мавзу масъулияти ҳақидаги барча мулоҳазалари ўқувчи диққатини ўзига тортади. У, жумладан, шундай дейди:

“Ўйлаб қарасам, онам ҳақида кўп жойда интервью берибману, лекин бирон жўялироқ асар ёзмаган эканман. Кейинчалик, негалигини ўйлаб қарасам, бу жуда қийин иш бўлгани, кичкинагина ҳикоялар ёзиб юрган хаваскордан роман ёзишни, шабададан бўрон бўлишни, мусичадан бургутдай учишни, ариқдаги ой аксидан оламни ёритишни, ниначининг кўзларида ёш кўришни талаб қилишдай гап экан”.

Шуларнинг ўзигина эмас. Фарзанд ҳозиргача дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб, таассуротлари асосида ўнлаб бадиалар ёзган. Америкада бор-йўғи ўн беш кун бўлиб, бу ҳақда китоб ҳам битган. Ўзининг серташвиш, алғов-далғовли, эртанги куни қандайлиги ноаён ҳаёти тўғрисида қатор асарлар ёзгану онасини мадҳ этиб атиги икки қатор шеър ёзмаган! Нега бундай қилдим, нега шундай бўлди, онажонимга эътибор, муносабатда шунчалик адолатсиз яшаб келдимми, деган ички изтироблар қийнай бошлайди фарзандни. Ахир она – фарзанднинг дунёда энг мисли йўқ таянчи, хазинаси эмасми?! Ахир у фарзанднинг ўй-хаёллари, фикрлари, туйғулари тутатиб кетган, жону жаҳони бўлган инсон-ку!..

Ёзувчи ҳақиқатан ҳам ўқувчи тафаккур тарзини у кутмаган, лекин ҳар қандай фарзанд учун бирдек дахлдор бўлган моҳиятга, аччиқ ҳақиқатлар ҳузурига бошлайди. Гўёки инсон аъмоллари адолат тарозусида ўлчанмоқда. Гўёки фарзандлар виждони, инсофи кўзгуга қаратилиб, асл руҳоний манзарага баҳо берилмоқда. Одамзот кўпинча энг

муҳим нарсаларни унутиб, улардан чалғиб, уларни кечиктириб, номуҳим нарсаларга узоқ ўралашиб қолади. Энг олий мажбуриятлардан “чалғиш”нинг, бошқа томонга “ошуфта”-ликнинг қуйидаги мисоли эса алоҳида талқин мавзуси:

“Мени ўлим бўсағасига олиб борган, яна ўзи шафқат қилиб қайтариб келган ва ҳали-ҳанузгача юраги мен учун сирлилигича қолган бир дилафгорни мадҳ этиб юзлаб шеърлар ёзди му мени ҳамиша ҳимоя қилувчи фариштадай бўлган онамни мадҳ этиб икки қатор шеър ёзмабман?!”

Бу инсоннинг ўз-ўзини тафтишдаги, ботиний ислоҳ жараёнидаги ғоятда ажойиб, ғоятда қизиқарли ҳаётий факт. Нафис таққос, гўзал, айни чоқда, аччиқ ҳақиқат.

Бизнингча, ёзувчи-фарзанд ўзининг моҳият қаърига кибриборолган айни кечинмалари ила ўқувчи-фарзандлар қалбини бир зум ларзага солди. Шубҳасизки, китобхон ҳам у билан биргалликда ўз ҳаётий қадамларини, ўз қалбий аҳволи ва ҳаракатларини мулоҳаза қила бошлади. Фарзанднинг ота-онага муҳаббати, уларни рози қилиш бобидаги саъй-ҳаракатлари қанчалик оқилона, тез, баракали бўлмасин, шунчалик оздир. Бу илоҳий жараёндан ғофил қолинса, фарзанд қалби бир умр армонлар ичида ўртанади. Албатта, қобил фарзандларда ўзини маълум даражада овутадиган асосларнинг ҳам бўлмоғи табиий. Асарда бунинг ифодаси қуйидагича:

Ҳарбийга кетаётганда онасининг кўзёшлари тўкилмасин деб вокзалдан қайтмаганмиди? Америкага беш йиллик ишга чақиришганда онасини соғиниб қолишини ўйлаб, буни рад этган эмасмиди? Узоқда ўқигандан кўра онамнинг ёнида бўлиб, дуоларини олиб қолай деб, бир умрлик орзуси бўлган ўқишдан, институт эшигидан ортга қайтган у эмасмиди? Ҳаётда бир марта она сўзини қайтармагани, кўзларига тик қарамагани, ўз қайғу-муаммоларини ундан яширгани, яхши сирларини айтиб, хушнуд қилишга интилганларичи?..

Унда дунё ичра яхшиларнинг яхшиси, яккаю ягона бўлган она ҳақида ёзиш учун ёзувчи нега ўзида куч, қудрат, шижоат

тополмаётир? Қачонгача тополмайди?.. Кечинмаларнинг шу нуқтасида дақиқ бир хол ифодаси бор. Бу – барча ажойиб, яхшилик йўлидаги фарзандлар, онапараст, отапараст инсонларга хос бир туйғу: “...Шу пайтгача буюк одамлар ҳақида буюк асарлар ёзиш керак деган ўйда бу мавзуларга қўл урмаган, четлаб юрган эканман”. Хўш, буюкликнинг васфини унинг ўз мақомича буюк қилиб айта олмаса-чи адиб? Шу истиҳола ортга чекинишга баҳона бўла оладими? Йўқ! Буни носир бир митти, фалсафаси чуқур ҳикоя билан далиллайди:

“Одамлар йўлда кетаётса, бир чумоли қаршисида турган тоғнинг тошларини елкасига ортиб, четга чиқараётган эмиш. Ундан нега бундай қилаётганини сўрашибди.

– тоғнинг нариги ёнида онам бор. Онамнинг олдига бориб келишим учун тоғнинг ўртасини ёриб, ўзимга йўл қилаяпман, – дебди.

Одамлар: – Бу сенинг қўлингдан келмайди-ку, – дейишса: – қўлимдан келмаслик баҳона бўлолмайди, – деган экан”.

“Мен учун ҳам худди шундай. Онам ҳақида буюк асар ёзишга ҳаракат қиламан. Буюк асар ёзолмасам, буюк меҳр-муҳаббат билан ёзишга ҳаракат қиламан. Меҳр-муҳаббатимни бор бўйича изҳор қилолмасам, яхши ёритолмасам ҳам, барибир ёзаман. Яхши ёзолмаслигим энди баҳона бўлолмайди” (“Сўз боши” тугади).

Муҳаммад Исмоилнинг шеъриятида ҳам она сиймоси ва шаъни, она қадри ва фарзандлик бурчи мавзулари ардоқли келаётганини мухлислари яхши билишади. Айни талқинлари унинг она ҳақидаги насрий асарларигагина эмас, шеърятнинг ҳам шу мавзуси сўз бошисидек ёрқин таассурот қолдиради. “Мен учун, – дейди носир, – Ватан онамнинг юрагидан бошланган. Менинг шоирлигим шу юракнинг тарбиясида вояга етди. Шу юрак ҳароратидан тафт олди, шу тафт қўлимга қалам тутқазди”. Шу янглиғ фикр-мулоҳазалар ҳам китобхонни хушёр торттириб боради.

Адиб услубининг энг хос хусусиятларидан бири шуки, бу услубда шахсий ҳаёт воқелигининг деярли барча манзаралари қаламга олинади. Улар оддий, кўпчилик ўзида бефарқ ўтказадиган нарсалар бўлса ҳам, шеър айтишга, ҳикоялашга, ҳикматини топиб ёзишга туртки беради. Яъни. Муҳаммад Исмоилнинг шеърлятида ҳам, насрида ҳам автобиографик руҳ фавқулудда юқори. Услубдаги бу йўсин унинг асарларига янада зийнат бағишлаган. Ҳолбуки, кўп ижодкорлар, бевосита шахсий-маиший ҳаёти манзараларининг ўз битигига кўчишидан хавфсираб ҳам қалам тебратиши сир эмас. Улар айниқса ўз айбу нуқсон, гуноҳларини яширишади. Муҳаммад Исмоил услуби бундан асло чекинмай, ўз ташқи ва ички олами манзараларини дадил поэтик фош қилади.

Ҳатто феъл-атворидаги ўзи билган ёмонликни, хато, гуноҳ, муҳаббатга хиёнатини-да яширмайди. Ўқувчини ўз ижод лабораторияси билан таништиради. Зотан, ҳар инсон таржимаи ҳолига бу каби жиҳатлар бегона эмас. Бу усул муаллиф сиймосини ўқувчи кўз ўнгида аниқ-тиниқ намоён қилиб боради. Ажойиблиги шундаки, натижа яхши чиқади. Яхши бу натижаларнинг сири нимада деган савол туғилади? Сири, бизнингча, адибнинг ўша номуҳимдек, шаънга хавфлидек туюладиган нарса ва лавҳаларга эътиқодга хос иймон кўзи билан қарашида, яна уларга нисбатан чинакам исломий позициядан туриб адабий ҳукм-хулосалар чиқаришидадир. Унинг услуби, усулларига бу хос жиҳат, катта эҳтимол билан айтиш мумкинки, алоҳида адабий-назарий тадқиқ объекти ҳам бўла олади.

Буни “Бошимдаги тожим онам” асаридаги ҳикоялар ҳам тасдиқлай олади деган фикрдамиз. Уларда ҳам адибнинг таржимаи ҳолидаги қатор лавҳаларнинг бевосита гувоҳи бўласиз.

Ҳар бир ҳикояда онаизор қатнашган бир воқеа-лавҳа бор. Ҳар ҳикояда она ўгити-насихати. Ҳар воқеага, насихатга боланинг муносабати, улардан чиқарган сабоқлари.

Ижод тамойилларини ўша ҳақ насиҳатлар мезонида фикрлаб бориш... Бола хотироти саҳифасини варақлар экан, дастлабки сўзларни, унинг ўзига ўргатилиш манзарасини эслайди. Бу сўзлар – “алҳамдулиллаҳи Роббил алабийн”. Баён мобайнида ярим асрдан ҳам анча аввал ўтган ҳаётий муҳит ўқувчи кўз олдига келади. Болачанинг фаришталар ҳақидаги саволига она жавоби ўша муҳит ва шароитни, боланинг ёшига мос тушунтиришни идрок эттиради:

Фаришталар “ҳар бир одамнинг ўнг ва чап елкасида бўлади. Ким уришса, сўкишса, сингилларини туртиб ўтирса – чап елкасидаги фаришта, ким қатталарни кўрганда “салом” берса, молга хашак солса, мактабдан “беш” олиб келса – ўнг елкасидаги фаришта ёзиб ўтиради. Кейин иккови ҳисоблаб чиқади...”

Бола ўзи қизиққан, севган нарсаси, машғулотида бирор талофот кўрса, унга бу жуда оғир ботиши, дунё кўзига батамом қоронғи кўриниб қолиши маълум. Воқеа хотирасида умрбод муҳрланиб қолади. У – каптар ишқибози. Қаттиқ шамол эсади, тўфон кўтарилади. Галалашиб учаётган каптарлар ҳар томонга тўзғиб кетади. Кўчада, не кўз билан кўрсинки, каптарлар тожи саналган ёлдор каптари қонга беланиб ётибди. Кимдир рагатка билан уриб ўлдирганига шубҳа йўқ. Бола неча кун туз тотмайди. Ҳаётда кўргуликлар, ҳасад, тош отишлар, афсуски, болаликдаги қайсидир мусибат билан тугаб қолмайди. Шунга оид она насиҳати:

“Тахтга эришишдан кўра, уни тутиб туриш қийин. Чиройли хотинга уйланишдан кўра, у билан рўзгор қилиб кетиш қийин. Яхши каптарга эгалик қилишдан кўра, асраш қийин. Ҳасад қилувчилар кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бор. Улар эртага ҳам бўладилар. Шунини яхши билгингки, сув қаттиқ жойда туради Олма шохи кўчага чиқиб ҳимоясиз қолдимиз, тамом, унга қўл чўзгувчилар албатта топилади. Агар куёш ҳамманики бўлмай, кимникидир бўлганида, ё куёшни уриб туширган ёки ўша одамни аллақачон ўлдиришган бўларди”.

Фарзанд шеърни каптарга қиёслайди. Гоҳо яхши шеърдан ажраб қолади. Гоҳ шеъри кўпчиликка ёқса, кимлардир бошига тошлар отади. “Тоҳида ёзган асари минглаб одамларга ёққан ёзувчининг ёзган асарига эмас, унга отилган тошларга бардош берганига қойил қоламан”, дейди. Она сўзлари яна ёдига келади...

Ўзбекда бир оила ризқининг қандайдир бир омонат манбага боғланиб қолиши деган маълумот камбағалчилик ва рўзгор юритиш машаққатининг ифодасидир. Навбатдаги ҳикоятда келишича, оила бошлиғи – ота дунёдан ўтган. Оила аъзоларининг баъзилари турли ишларни юритиш билан банд бўлса-да, ишлар катта харажат талаб қилганидан, йўқчилик ҳукмрон. Ҳосиллар пишиғига ҳали анча бор. Биргина сигир рўзгорга асқатиб турибди. Пахтазорга берилган селитра сувидан ичган сигир ўлиб қолади. Заҳарланган. Ҳамма қий-чув, йиғи-сиғи қилади. “Қул ўлмай, ризқи камаймас, – дейди Она, – Ризқимиз шу сигир орқасидан келиб турганди. Энди бошқа ёқдан келса, ажабмас. Худонинг ризқ беришига ишонмаслик – Худога ишонмасликдир”.

Дарҳақиқат, ризқ бошқа тарафдан мўл-кўл бўлиб келади. Чунки онанинг мусибат келгандаги сабри исломда улуғланган чиройли сабр, матонат эди. Вазиятни баҳолаши ислом насиҳатларига амалда жавоб бериш эди. Тафаккурчан фарзанднинг ҳам ушбунни ўз ҳаёти шиорига айлантириши оқиллик саналади. У дейдики: “Яширмайман, бундай “сигирлар” ҳаётимда кўп бора ўлди, кўп бора йиқилдим ва кўп бора қайта ўрнимдан турдим, ўша ишга қараб “сигир ўлди” дедиму ортга қарамай, олдинга бошлаб кетавердим...”

“Бошимдаги тожим онам” асарининг кейинги ҳикоялари қуйидагилар: “Биринчи муҳаббатим”, “Дўстларим”, “Биринчи шеърим”, “Қарз”, “Ичишни ташлаганим”, “Мулоҳаза”, “Олов”, “Дунёнинг ҳамма чироқлари”.

“Биринчи муҳаббатим”да ровий мактабни битираётган пайтларида рўй берган ва ҳамон қалбини тарқ этмаган туй-

ғулар билан таништиради. Дўстлик, мухаббат, ҳамма нарсада қисматнинг голиблиги ҳақида инжа, қизиқ мулоҳаза: "... Биз ҳозиргина ажралишгандай, юрагимда жароҳатлар қони силқиб турибди. Мен уни ҳамон севаман, мен ўзимдан ҳамон нафратланаман. Мен дўстимни деб мухаббатга хиёнат қилгандим. Дўстлигимиздан кучлироқ бўлган мухаббатни оёқ ости қилгандим..." Батафсил ўқиш, азиз китобхон, ўзингизга ҳавола.

"Дўстларим"да онаизор айтган, ҳикмати ғоят таъсирли ривоят келтирилади. Ҳаётда дўстликнинг ўрни, мартабаси нечоғлик улуг? "Ҳаётда дўст орттириш ҳам катта гап. Худо одамга битта ё иккита дўст беради, шуни ушлаб қолса, ушлаб қолди, бўлмаса умри сўппайиб ўтади", дейди Она. Фарзанд ўз ҳаёти мобайнида дўст орттиришга, уларга садоқат кўрсатишга, улардан узилмасликка интилиб келади. Ҳаётда битта-иккита дўсти борми, бу ҳам Она ўғитларига амал натижаси. Батафсил ўқиш, азиз китобхон, ўзингизга ҳавола.

"Биринчи шеърим". "Онамнинг ўша кунги ҳолати менга жуда қаттиқ таъсир қилди ва мен учун энг азиз инсон тушунмаган шеърларнинг ҳеч қандай қадри йўқлигини англаб етдим ва энди фақат тушунарли, оддий ва содда шеърлар ёзаман деб қатъий аҳд қилдим. Онамнинг юзларига балқиб чиққан ифода ижодимни мутлақо ўзга ўзанга буриб юборди".

Поэтик тафаккур тарзининг кескин бошқа томонга бурилиши, баён манерасини, усулларини батамом янгилаш осон кечадиган жараён эмас. Ижодкор-фарзанддаги улуг мухаббатнинг уни шундай бир умрли қатъий қарорга олиб келишига ишониш осон. Гапнинг, воқеа даври, муҳитининг яхши билувчилари ижодкордаги янгича кайфиятни тўғри тушуна олади. Ҳа, у даврда (ўтган аср 80-йилларида) адабий танилиш учун устозлардан бирининг "Оқ йўли" ва бир туркум шеърлар кифоя қилиши бор гап. Бунинг осон кечмагани ҳам, хурсандчилиги ниҳоятда юқори бўлгани ва гарбга тақлидан мураккаб шеъриятга ҳаракат кучайгани ҳам рост.

Фарзанд қувончи она кўнглини шод айлайди: “Шеърлар ўқиб бўлингач, онам кўлига газетани олдилар-да, расмимни уч бора ўпиб қўйдилар ва “Яша, ўғлим” деб алқадилар. Мен онамдан шеър қандай таъсир қилганини, маъноси нималигини сўрай бошладим. Онам шеърларимнинг маъносини айтиб беришга қийналиб қолдилар”. Шоир кечинмалари давомида “модерн” усули, ўзга услубларни инкор этмаган ҳолда, бошқа йўл танлагани ҳақида айтади. Жумладан, шундай дейди:

“Мен эса кўпинча онам учун ёзаман... Онамнинг кўнглини кўтариш, онамга кўпроқ ёқиш, юрагимнинг тўрида мени ҳамиша кўллаб қувватловчи ардоқли инсон бўлгани учун ёзаман ва онамнинг жуда кўп сўзларини “ўғирлаб” асарларимга киритаман ва ҳамиша аёлларни улуғлаб ёзганим учун ҳамма аёллар, авваламбор, онамдан миннатдор бўлишлари керак, деб ўйлайман. Чунки онам аёл улуғлигининг тимсоли сифатида ҳамиша кўз олдимда турадилар”.

Бу нақадар ажойиб адабий-эстетик ниятдир. Ҳаётнинг бир воқелиги ортидан келаётган, ижод тадбирида бўлаётган бетакрор яхшилик. Бу мазмунни кейин содир бўлган бошқа ҳолатнинг сабоқлари бойитади. Бир гал унинг шеърлари жуда қаттиқ танқидга учрайди. Ишдан ҳам бўша-тишади. Вазият бундан ҳам ёмон бўлишини айтиб, таҳдид қилишади. Шоир ярим кечаси қишлоққа келади. Шундай оғир дамда яна она унга меҳрибон, она унга мададкор бўлади. “Сени ҳеч қачон бировга хўрлатиб қўймайман”, дейди у. Қайси кўнгли қора баттол изига тушганини сўрайди, душманга қандай муносабатда бўлмоқ мақсадга мувофиқлигини, тилга эҳтиёткорликни тайинлайди.

Она насиҳатлари сирасида айтилган халқона ривоят йўлнинг ўртасини кесиб ўтаётган бир тўнғизга муносабат ҳақида. Тўнғизга Расулulloҳ йўлдан эсон-омон ўтиб олишни тилайди. Саҳобаи киромлар Худо лаънатлаган маҳлуқни нега алқатганларини ажабланиш ила сўрашади. Жавоб

бундай бўлади: “Уни кўриб тилимга ёмон сўз келмаслиги учун, тилимни асраш учун, тилимни ёмон сўзга ўргатиб қўймаслик учун уни яхши сўз айтиб алқадим, айтганим тўнғизни асраш учун эмас, ўз тилимни бўлмагур сўзлардан асраш учун эди. Сизлар ҳам ҳар ёмон нарсани кўрганда ёмон сўз айтишдан тилингизни тийинг...”

Онаизорнинг бу мавзудаги қоидалари бағоят оқилона: тил ҳамма вақт яхшиликка хизмат қилмоғи керак; ёмонни бир марта ёмон десанг, иккинчи марта яна ёмон дейсан, назаринг фақат ёмон нарсаларга тушадиган бўлиб қолади; ҳаёт бамисоли катта кўча, ундан яхши ҳам, ёмон ҳам ўтаверади; ёмонни яхшисан деб тузатиш осон; шоир одам тилини бўлмагур сўзларга ўргатиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши жоиз...

“Қарз”, “Ичишни ташлаганим” ҳикоялари ҳам ҳаёт инсон қисматида кўрсатадиган воқеалардан олинган аччиқ сабоқлар ҳақидадир. Уларда Она сиймосининг фазилатлари, жонфидолиги янада теранлашиб намоён бўла боради. Она ўғитларига хос азизликнинг манбаи ислом бўлгани боисдан улар ўқувчи қалбига ёқимли ўрнашади. Турли таъсирлар туфайли ёш инсон одатда хатолар содир қилади. Яхшилик билан ёнма-ён юрган ёмонлик хавфини старли идрок этолмайди. Бошига бир мушкуллик тушганида эса кимнинг қай масалада қандайлигини англаб боради. Лекин ўз тақдирига нисбатан ота-онага тенг кела оладиган куюнчак, фидойи инсонларни учрата олмайди. Ота ва онанинг, улар салоҳияти, эътиқодининг гўзаллиги эса фарзандларга ато этилган бебаҳо илоҳий неъмат, нурдир. Бу мантиқ-моҳиятнинг идрокидан ғофиллик, уларга лоқайдлик ёки беписандлик икки дунё саодатидан маҳрумликка, ҳалокатга олиб боради. Айни ҳикояларда Она насиҳатларини қалбига жо қилиб, ўзига дастуриламал қилиб бораётган фарзанд тимсоли ўқувчи ҳаваси ва завқини оширади. Кичик сабаб-воқеа баёни тугаши биланок, ҳали ҳикоя ниҳоясига етмаган бўлса ҳам, ўқувчига

залворли хулосалар тақдим этилиб борилади. “Қарз”да ҳам, “Ичишни ташлаганим”да ҳам шундай. Чунончи:

“Зотан, киши ўз муҳтожлигини бировдан қарз олиш эвазига ёпмаслиги керак экан. Зотан, қарз сўраган одамнинг эшигидан муҳтожлик ҳеч қачон кетмас экан. Бу балки Аллоҳ таолонинг қонунидир. Олувчининг бойлиги ҳеч қачон кўпаймас, бергувчини ҳеч қачон камаймас экан. Онам: – Эшигингга ўлим тақиллатиб келса келсину биров қарзини қистаб тақиллатиб келмасин! – дегандилар...”

“Бошимга тушаверган калтаклар мендан кўра онамга кўпроқ азоб беришини, ўзимни онам учун асрашим кераклигини, бу калтаклар менинг вужудимдан кўра онамнинг жигарига кўпроқ азоб беришини ҳис қиламан...” (“Қарз”).

“...Ҳар бир ёзган асаринг – бу шайтонга қараб отилган тошга ўхшасин. Чунки сен яхшилик ҳақида, одамгарчилик ҳақида ёзасан. Одамлар ёзувчининг асарини ўқиб, шайтоний хирс-ҳавасларга, шайтоний қилмишлар бўлган ёлғон-яшиққа, ҳасадга, кибрга қарши куч топсинлар, нафрат топсинлар. Агар сен ўзинг ичсанг, ўзинг шайтоннинг йўлидан юрсанг, сенинг ёзганларингни ўқиган одамлар бир куни: “Ҳой, нега ўз шеригингга тош отаяпсан?” деб айтмайдиларми?” (“Ичишни ташлаганим”).

“Мулоҳаза” асардаги ҳажман энг катта бадиа. Шоирнинг “Сиз ҳамон ўшасиз...” китоби чоп этилган пайтлардаги онаси билан бўлган суҳбати диққатга сазовор. Она китоб мазмуни, мавзулари билан танишган. Онанинг “Шулар бари рост гапларми?” деган саволига ўғли одамлар ҳозир кўпроқ севги мавзусига қизиқишларини айтиб жавоб беради. Она унинг одамларнинг қийинчилиги, дарду ташвишларини кам ёзаётганидан койинади. Шоир ўғил қийинчиликлар ҳақида ёзиш бошга қийинчиликлар олиб келиши мумкинлигини, тўғри сўз ҳозирда тукқанингга ёқмаслигини айтади ва хиёл сирлари фош бўлишидан ҳам чўчийди. Мулоқотда Она сўз-

лари ҳар нуқтаи назарга кўра – адабий ижоднинг эътиқодий одобларига ва оила муҳофазасига кўра ҳам голиб келгани қизиқарлидир. Она мулоҳазаларидан парчалар келтирамиз:

“Эртага ўғил-қизларинг катта бўлади. Сени севги ҳақида ёзганларингни ўқиб, улар ҳам ўлдим-куйдимга тушмайдим?”

“Ёзсанг, фақат рост нарсаларни ёз. Ростгўйлигинг – одамлар сенга бутун ҳам, эртага ҳам ишонишига кафолат. Сен ўзингнинг ҳаётингда бўлмаган қўп нарсаларни ҳам ёзгансан”.

“Мулоҳаза”нинг давоми ҳам катта қизиқиш билан ўқилади. Ибрат учун Она айтган жажжи ривоят, ҳикоячалар ровий фарзанднинг тадрижий тафаккур тарзи талқини билан чамбарчас уйғунлашиб кетади. Ёзувчи Мирзачўл одамларининг содда, тўпори турмуш тарзини, қалбларининг чўл кенгликларидай кенглигини, болаликдан уларга муҳаббати зиёдалигини самимий сатрларда ҳикоя қилади. Отаси ҳақидаги маҳзун хотиралар мутолаасида Она сиймосининг янги қирраларига гувоҳ бўласиз. Ота вафотидан кейинги оғир кунларда Она сабру матонати, фарзандларни, қанча қийинчиликларга қарамай, ўқитишга бўлган жидду жаҳди, фарзандларга қарата айтган сўзлари юксак фазллардир:

“Отам қабрида тинч ётсин десанглар, яхши ўқинглар, токи биров устиларингдан кулмасин, токи биров отаси ўлиб, булар бебош бўлиб кетди, демасин. Отанинг ор-номуси тирик бўлганда ўз бўйнида эди, энди унинг шаъни ҳам, ор-номуси ҳам, номи ҳам сизларнинг бўйниларида. Дунёда мархумнинг шаънини ҳимоя қилиш ҳам, оқлаб, қўкка кўтариш ҳам жасорат. Тирик одамнинг юзини ерга қаратишдан кўра, ўтган одамнинг юзини ерга қаратиш оғирроқ, аянчлироқ, кечирилиши қийинроқ. Ҳаётда кўз-кўзга тушиб хурсанд бўлишдан кўра, қиёматда бир-бирига ёруғ юз билан қараш қувончлироқ...”

Асарда ҳикоянавис ўзида ижод майлини уйғотган муҳим омилларни таъкидлаб боради. Илк ёзганларининг чиқиши, услубий ўзига хослигининг вужудга келишида Она ўғитла-

рининг сабабкорликлари, ижод моҳияти ва талаблари ҳақидаги ўй-кечинмалари билан ўртоқлашади. “Мулоҳаза” ва бошқа фасллардаги саҳифалар ҳам қизғин ўқилади. Бунда Онанинг ёзувчиликка оид насихатлари китобий ёхуд ёзувчининг ўз қарашлари бўлиб таассурот қолдирмайди. Баён мазмунини шу томонга буришга асло бирор асос топа олмайсиз. Нега шундай? Жавобни насихатларнинг асл масдари бўлган ислом таълимотидан қидирмоқ жоиз бўлади. Исломда инсониятнинг ҳамма жиҳатига оид савол, жумбоқ, муаммонинг жавоблари муҳайёдир. Амали умумий қоидаларни билмоқ, уларга амалда бўлмоқ ҳар қандай мусулмонга фарз. Инсон касб-корда, тилда, ёзувда қайси мавқедан туриб иш юритиши, ўзидан қандай амаллар таратиши жоиз – ҳаммаси ўргатилган. Эътиқодий нуқтаи назардан ўзга касб, ҳунарлардаги одоблар бевосита адабий ижодчиликка ҳам тегишли. Шу маънода сўз санъатига доир ахлоқий ёки эстетик мезонларни исломда бўлган ҳар бир шахс, айниқса, ёши улуг, ҳаёт тажрибаси кўп инсонлар ҳам умумий равишда тушунтириб, ўргатиб бера оладилар. Онанинг бу бобдаги сўзлари иймондан, исломдандир. Ва яна таъкидлаймизки, улар ҳар бир мусулмон биладиган амали умумий қоидалардир. Уларни иймон аҳли ҳар бир ишда ўзларига шиор қилиб оладилар, ҳаётлари мобайнида бу одобларга риоятда бўладилар, садоқат кўрсатадилар. Бевосита фандаги қарашлар билан Она образи тилидан келаётган мулоҳаза-насихатлар ўртасидаги тафовут шундаки, бунда олди-қочди гап, илмийлик йўқ, балки халқоналик, муслимона ҳалоллик, ростгўйлик бор. Шу маънода қуйидаги насихатлар айниқса табиийдир:

“...Сен аввало Худонинг олдидаги вазифаларингни ба-  
жар. Аввало яхши одам бўл. Яхши гап яхши одамдан чиқади.  
Ўзинг ночор – йўлинг ночор бўлса, мингта китоб ёзсанг ҳам,  
ҳаммаси савдойи одамнинг васвасаси бўлиб қолаверади. Ёз-  
санг, ўткинчи нарсалар ҳақида эмас, абадий нарсалар ҳақида

ёз. Шунда ёзганинг ўткинчи эмас, абадий бўлиб қолаверади. Ҳамма китобни ташлаб, битта китоб – Каломуллони ўрган. Мана шу китоб то қиёматгача туради. Ёзганларинг қиёматгача туришини истасанг, шу китоб кўрсатганларини, шу китоб буюрганларини, шу китобга амал қилганларни, шу китобга амал қилиш кераклигини ёз... Ёзганларингда Худонинг зикри бўлмас экан, бўйинг баробар китоб ёзсанг ҳам, ҳаммаси хазондай вақт шамолида совурилиб кетаверади...”

Замирида улкан илоҳий ҳақиқатлар ётган насиҳатлар айтилганда, улар қулоққа эшитилганда, ҳар қандай мусулмон, ҳар қандай тарқоқ аҳли иймон уларга баб-баравар таслим бўлади. Бу исломдаги маълум ва машҳур қоидалардан бири. Насиҳатлар тааммул қилинса, моҳиятан уларга итоат манзаралари ўрганилар бўлса, ҳозирги замон мусулмон дёрлардаги адабий муҳитларда ҳам миллионлаб бадий сўз қаламкашларининг қанчалик ботил йўлларда ўз умрларини исроф қилаётганликларини кўз олдингизга келтирасиз. Ваҳолангки, исломда илоҳан изми ҳам берилган сўз санъати ҳаёт, инсон, яшаш, олам, фано, бақо ҳақиқатларини, масдари ягона Аллоҳ бўлган ҳикматларни поэтик талқинлаш санъатидир. Уни ижодкор беминнат равишда ўзи ва ўзгаларнинг икки дунё саодати йўлида ижодлайди. Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётининг XX асрларгача бўлган тарихи ана шундай поэтик тафаккур асосида ижод қилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (раҳимахуллоҳ) ҳазратлари “Шуаро” сурасининг 224-227-оятлари тафсирида бу тўғрилиқ ҳақида шундай ёзадилар:

“Шеър фақат фисқу фужур, қандайдир казо-казоларнинг мақтови, базму жамшидларнинг васфи, қандайдир машшуканинг мадҳи, оҳ-воҳ ва дийдиёлар эмас. Аксинча, шеър эзгулик, иймон, Ислом хизматчиси бўлиши зарур. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Албатта, шеърдан ҳикматлиси бордир,” деганлар. Шеър орқали ҳикматли, иймо-

ний, исломий ва инсоний тушунчаларни кишиларга етказиш ўзига хос устунликка эгадир. Бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларини мисол қилиб олиш мумкин. Ўша саодат даврида юқоридаги оятда васфлари келган иймонли шоирларнинг биринчи авлоди яшаб ўтган”.

Асардаги асосий қаҳрамонлар Она ва унинг шоир-ёзувчи ўғлидир. Қолган эпизодик тимсоллар барча тасвирга хос бўлганидек, ўғил тилидан ҳикоя қилинади. Сюжет йўналишида бошдан-охир фарзанд камолининг осон кечмас, машаққатли, шарт-шароит ҳамда тадбирларнинг минглабини тақозо этгувчи жараёни етакчилик қилади. Воқеа, лавҳалар, ҳаётий ва ижодий ўсиш таржимаи ҳол тартиботи сингари жойлаштирилган. Улар ўзаро узвий, мазмунан бир-бирларини тўлдириб, бойитиб боради. Фарзанднинг қобил инсон бўлиб шаклланиши, ижод моҳиятини чинакамига тўғри англай бориши, ҳаёт сўқмоқларидаги хавфлардан омон қолиши – ҳаммаси она сиймоси билан боғлиқ кечади. Бутун тасвир Онага муҳаббат, унинг розилигини топиш, унга Яратгандан ҳамма яхшиликларни сўраш руҳи билан зийнатланган. Бу руҳ айниқса “Мулоҳаза”нинг сўнгги саҳифаларида, охириги “Олов”, “Дунёнинг ҳамма чироқлари”да янада жозибадор. Шулардан айрим парчалар келтирамиз:

“Тўғрисини айтсам, мен халқ деганда биринчи ўринда онамни тушунаман. Ўзбек деганда, миллат деганда, ҳатто Ватан деганда ҳам биринчи ўринда онам кўз олдимга келади”.

“Она халқимнинг биринчи вакили бўлган онамга ёқадиган асар ёзмайдиган бўлсам, бутун ижодим мобайнида ҳеч нарса ёзмаган бўламан”.

Сўнгги саҳифаларда Зулайҳо хожи онамизнинг ҳикматларидан яна келтириб, Яратгандан у зот ҳақларига дуолар қилинади. Инсоният мавжудлик ҳақиқатининг баёнида онамиз шундай дейдилар:

“Ҳаммамиз Худонинг хузуридан келдик, Худонинг хузурига кетамиз! Бу дунёга ҳаммамиз меҳмонмиз. Бировнинг уйига меҳмонга борган одам қанчалик одоб билан келиб, одоб билан кетиши керак бўлганидай, биз ҳам бу дунёга Қуръоннинг одоби билан келиб, Қуръоннинг одоби билан кетишимиз керак, ким кимгаки нимаики яхшилик қилган бўлса, ўзига қилган бўлади, ким кимгаки ёмонлик қилган бўлса, ўша ёмонликни ўзига қилган бўлади...”

“Ойга осилган байроқ” китобининг навбатдаги фасли “Ёзувчи ён дафтаридан” деб аталади. Адабий ижодчиликда муайян адибнинг турли-туман мавзуларда пайдо бўлган донишона фикрлари, ҳикматомуз қарашлари унинг ўзи ёки ўзгалар томонидан ўқувчилар эътиборига ҳавола қилиниши бор. Бу жажжи қайдлар ижодкор томонидан махсус бир шеърый, насрий жанрга солинмаган, тафаккур қилиб кўришга арзийдиган фикрлар, мулоҳазалар, хулосалар, ғоялар бўлади. Уларнинг барчаси ҳаётнинг хилма-хил манзаралари тафаккуридан, кузатувчининг ҳаёт тажрибаларидан туғилади. Уларга соҳибининг ўзи ҳам, ўқигувчилар ҳам маълум бир масаладаги тажрибалардан ҳосилалар сифатида қарайдилар. Умуман эса, ҳар бир тафаккурчан инсонда бундай қатъий ҳақиқат бўлган, ҳақиқат маъносини бойитадиган, уни тасдиқлайдиган ибратли қарашлар тўпланади. Ижод аҳлида уларни қайд қилиб қўйиш урфи бор.

Муҳаммад Исмоил қайдларининг аксарияти насрий шаклда бўлиб, айримлари шеър кўринишида. Ҳар бири ўқувчини фикрлатади, мулоҳазага чорлайди. Намуналар келтирамыз:

“Замон сенга муҳтож эканлигини қанчалик англай билсанг, шунчалик истеъдодлисан”.

“Энг катта айёрлик виждон қийноғига сабаб қолдирмасликдир”.

“Ердаги одамни хўрлаш унинг кўкдаги ҳимоячисини инкор қилишдан бошланади”.

“Вақт ўткир қиличдирки, унга қўл силтган одамнинг қўли албатта кесилади...”

“Худони инкор қилиш қуёшни пуфлаб ўчираман дейиш билан баробардир”.

“Агар фарзандларимизга ёшлигидан тарбия бермасак, улар улгайган сари тарбиясизлиги ҳам улгайиб боради”.

“Хавонинг кўзга кўринмаслиги унинг йўқлигини тасдиқламаганидек, динсиз яшаш мумкинлиги Худонинг борлигини инкор қилолмайди”.

“Шайтон ўзи кўзга кўринмайди-ю, лекин у қилган ишларнинг ҳаммаси кўзга кўриниб туради”.

“Адабиёт дўстингга ўхшайди. Унга бойлик илинжида, шон-шухрат таъмасида қарасанг, у сени ташлаб кетади”.

“Сўз санъати” деб номланган битикни публицистик бадиа ҳисоблаш мумкин. Муҳаммад Исмоил унда инсониятга ато этилган сўз неъматининг илоҳий ҳақиқатлари тўғрисида фикр юритади. Сўзнинг оламда мисли йўқ аҳамияти ва қимматини мушоҳада қилади. Улуғларимизнинг сўз, тил, буларнинг одобларига доир ҳикматли иқрорларини эслайди. Ўзининг ҳайратомуз хулосаларини тақдим этади. Қуйидаги васфлари сўз имконияти негизида қанчалар илоҳий синовлар тажассуми борлигини уқтиради:

“...Сўз – мазлумнинг дуоси, золимнинг қаҳри, султоннинг қиличи, шоирнинг ҳикмати, қозининг тарозиси, савдогарнинг оҳанрабоси, олимнинг илми, йиқилганнинг халоскори, югурганнинг байроғи, омадсизнинг чоҳи, бахтиёрнинг порлаган юлдузи бўлади!”

Махлуқот дунёсидан инсонни ажратиб, унинг мақомини олий, мукаррам этган азиз неъмат ҳам сўздир. Инсон учун сўзга хушёрлик, унинг ўргатилган гўзал одобларига риоят ҳаёт-мамот масаласидек муҳим. Адиб моҳиятдан чексиз ҳайратлар туяр экан, “Сўз ҳақидаги фан – дунёдаги

энг катта фандир!” деган хулосага ҳам келади. Сўзни тежаб, асраб-ардоқлаб ишлатмоққа, сўз маданиятини юксак эгаллашга ва унга ҳамиша таъзимда бўлишга даъват қилади.

“Китоб ҳақида хитоб” ҳам шундай руҳда ёзилган. У ҳам тушунчанинг луғавий, истилоҳий жиҳатларидан, илоҳий асосларидан, китобга муносабат, инсоннинг китоб битиш маъсулияти ва намуналаридан баҳс юритади. Адиб эътиборимизни мавзунинг дақиқ томонларига қаратади. Бугунги тараққий ҳолатимиздаги ҳамма янгичаликларнинг онаси аслида китоб эканлигини, маърифатнинг замонавий воситаларидан қанчалик баҳраманд бўлмайлик, улар китоб мутоаласи орқали келадиган манфаатни беролмаётгани, бера олмаслигини чуқур фикрлар, далиллар билан таъкидлайди. “Китоб шундай мўъжиза эканки, у чиққан чўққига, у эгаллаган мақомга, олий рутбага ҳар қандай кашфиёт чиқа олмайди!” “Китобсиз кечган умр бўм-бўш, қуруқ ва бемаънодир!”, дейди у.

Адибнинг китоблардаги жавоҳирлар, дуру гавҳарларга чорлови бежиз эмас. Ҳозирги даврда китобдан узоқлашув оқибатлари нечоғлик мудҳиш кечаётганлиги ҳам сир эмас. Бугунги инсонни бу ҳол ҳамма нарсадан-да кўпроқ ташвишга солиши керак.

“Эътироф” битиги ўзида Мустақиллик шукроналарини ифода этади. Ҳаётимизга ислом кириб келиши билан адабиётда ҳам ҳикматлилик устувор бўла бошлагани ўринли эътироф этилган. Турфа сиёсий мафкуралар тазийқи остида сарсон-саргардон, адашган қалбларнинг Қуръон нурларидан баҳра олганлиги айтилади. Аллоҳ каломига, элу юртга бўлган муҳаббатини ёзувчи жўшқин сатрларда изҳор қилади: “Бу буюк миллат фаҳру ифтихорим менинг, онам сингари суюгим, онам сингари буюгим менинг!”

“Зарнигор” бадиаси узоқ йиллар мобайнида боши урушдан чиқмай келаётган афғон халқи турмушида қўрилган манзаралардан бир лавҳа ҳикоясидир. Чодрасига ўраниб олган

афгон қизи ўзининг бир қўлидан жудо бўлиши ва ўзини ногирон қилган толибондан ўч олиши ҳамда шундан кейинги оқибатлар тўғрисида ҳикоя қилади. “Ер юзида инсон зоти борки, – дейди ёзувчи, – ҳаммаси бахтга, саодатга, яхши яшашга бирдай тенг ҳуқуқли. Ҳеч кимни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ... Ер юзидаги ҳар бир инсон... ҳамisha буюк инсон бўлиб қолаверади. Чунки унинг қалби бор, заковати бор, ор-номуси, шаъни, идроки бор”. Бу каби мулоҳазаларни ислом таълимотигина ёқлайди. Ҳикоядаги ўзини ҳимоячиси санаб, бегуноҳ Зарнигорни бир қўлидан жудо қилган толибон исломга қандай мансуб бўлсин? Исломда энг хору зор, ташландиқ одамнинг ҳам Аллоҳ хузурида ўта қиммат туриши, уни асоссиз топташга инсониятнинг ҳаққи йўқлиги айтилади.

“Қуръони Карим таржимаси хусусида”, “Саодат имлоси”, “Шаҳодат дафтари” (бадиа)да ёзувчининг бир неча мавзулар доирасидаги теран қарашлари ўз ифодасини топган. Аллома Алоуддин Мансур (раҳимахуллоҳ) томонидан амалга оширилган Қуръони Карим маъноларининг ўзбек тилига дастлабки таржимаси эл-юрт ҳаётида нақадар катта аҳамиятга молик бўлганини муаллиф атрофлича талқин қилади. “Саодат имлоси”да Қуръон, ҳадислар имлоси, алифбосининг фазилатлари улуғланади.

“Ойга осилган байроқ” китобидан бир неча мароқли суҳбатлар ўрин олган: Муҳбирнинг шоир Муҳаммад Исмоил билан суҳбати (“Аёлларни ардоқлаган юрт”), адибнинг Қуръон маънолари таржимони Алоуддин Мансур билан мулоқоти (“Осмонингдан узилма, эй дил”), Париждан қайтаётган Муҳаммад Исмоилнинг Чингиз Айтматовни учратиш қилиши ва уларнинг самолётдаги суҳбатлашуви (“Бир фалсафа борга ўхшайди”). Суҳбатлар ўқувчида ажиб, завқли таассуротлар қолдиради.

Китобдаги бадиалардан бири “Умр ўтар экан бир зумда, ҳей” деб аталади. Унинг тагсарлавҳаси – “Ўғлимга

эслатма”. Вақтнинг, умрнинг югуриклиги бутун инсониятга маълум. Ёзувчи дейдики, вақтнинг “шитоб билан ўтишини англагунингча умрнинг поёни кўриниб қолади”, “ҳаёт шафқатсиз, бир бор хато қилиб, ўзингни ўнглагунингча ҳаммаси тугаб бўлади.” Ҳақ гаплар. Узундан-узоқ яшалган даврлар ҳам ўтган. Минг йил яшаганлар бўлган. Ўша даврлик аждодларимиз ҳам вақтнинг тезкорлигини эътироф этишган. Умр масъулияти эса ундан унумли баҳраманд бўлишни тақозо этади. Ёшлик – вақт исрофига мойил, вақт шитобига нописанд фасл. Айниқса ёшлик айёмида янада хушёрлик, оқил катталар назорати, насихати кўп керак бўлади. Бади вақт масаласидаги огоҳликка, меҳнаткашликка, яхшилик йўлидаги машаққатлардан чўчимасликка чақиради. Зотан, синов дунёсида инсон ҳаётининг қийинчиликлари бор. Аллоҳ инсонни ожиз, шошқалоқ, машаққатда яратганини, аммо бандаларига энгилликни хоҳлашини айтади. Энгилик эса Ўзи буюрганидек яшаш ила бўлади. Бундай ҳақиқатларни чуқур билган, уларни тажрибадан ўтказган оталаргина доно маслаҳатлар бера оладилар. Адиб, аввало, ҳаётнинг ҳар доим ҳам шодон кечавермаслигидан огоҳлантиради. Ҳазрат Навоидан шеър келтиради:

*Ким кўрди экан жаҳонда, аё хушлуқ,  
То бир киши айлағай таманно хушлуқ.  
Юз йилда бир бора эрди пайдо хушлуқ,  
Омададурур ёнида юз нохушлуқ.*

Ёзувчи улуғларнинг ҳаётларидан жуда ибратли мисоллар келтиради. Ҳар нафасни яхши ва аниқ мақсадлар сари йўналтириш, катта меҳнат ва заҳматдан бўйин товламаслик, умрни режалаштириш, ишлар тадбирини тўғри белгилаш инсонни омадга, бахтга, буюк манзилларга бошлаб боради. Аксинча бўлса, умр пароканда ўтади, зоеликка юз

тутади. Адибнинг таъсирли, мухтасар насихатлари умуминсоний моҳият касб этади. Негаки, айна ўғитлар чинакам эътиқод, илоҳий ҳақиқатлар нури билан мунаввар, ҳаёт тажрибалари мудом тасдиқлаб келаётган ўғитлар... Ёзувчи уларни жуда самимий, дўстона куюниб, бировлар келажига қайғуриб айта олган. Бадиа сарлавҳасидаги ундов сўз – “ҳей” ҳам ушбу кичик пандномада маъно ташийти: вақтнинг Яратгандан бошқага асло бўйсинмас шиддатли шитобини хислатади, огоҳликка чақиради.

“Бойликка қасида”нинг мавзуси бир қарашда китобхонга ғалатидек кўринади. Ёзувчини мушоҳадалари билан тўлиқ танишилса, сарлавҳа ўзини оқлаб чиқади. Ҳаётимизда, айниқса, бугунги даврда “бойлик” деган тушунчага қараш ва муносабатнинг, унга эришиш ва уни тасарруф этишнинг одоблари қанчалар бузилиб кетганлиги, бойликка ёндашув таълимотини эътиқодий нуқтаи назардан ўзлаштириш қанчалар жоизлигини мақола атрофлича ёритади. Зотан, дунёдаги ҳамма нарса, ҳодиса, урф ва тамойиллар сингари бойлик ҳам инсоният боши узра собит ўрнатилган синов таразисидир. Одамлар хилма-хил ниятларда унга интилувчан яшайдилар. Бировлар уни деб ўзини бутун умр ўтга-чўққа уради. Кимлардир унга қаттиқ ружу қўйиб, уни ҳаётининг бош мақсадига айлантириб олади, ҳамма нарсанинг ечимини, роҳатда яшашнинг манбаини ундадир деб ҳисоблайди. Баъзилар ўзгалар мулки ёки ризқини турли йўллар билан бўлса ҳам ўзлаштиришдан тап тортмайди. Баъзи жамиятлар унга нафратона маънавий қарашлар уйғотишни катта сиёсат даражасига кўтаради... Хуллас, бойлик моҳияти, бойлик тасарруфоти ҳақидаги илоҳий ҳақиқатларни, кўрсатмаларни билмоққа ва амалда қўлламоққа дунё балки ҳозирдагичалик эҳтиёжманд бўлмагандир...

Муаллиф жамиятдаги умумкайфият фонида ўз қарашларидаги баъзи қирраларни таъкидлар экан, дейди:

“Бой бўлиш учун ҳаракат қилишнинг ҳам, бойлик ҳақида ёзишнинг ҳам иккиланадиган жойи қолмаганлигини ҳис қила бошладим”.

Жамиятларнинг кўпида бойликка муносабат ва уни сарфлаш қоидалари бузилади. Оқилона тадбирлардан узоқлашилади. Одамларнинг бу соҳадаги аҳволи ҳамда саъй-ҳаракатларини қайсидир мезонлар воситасида ягона қоидалар измига солишга ҳаракат қилинади. Шўро тузуми бойларни ёппасига жазолаш усулини ўзига шиор қилиб ўтди. Камбағалларнинг шаънини кўтариш йўлини байроқ қилди. Ҳамманинг бу мавзулардаги тасаввур, фикрларини бир қолипга солишга ҳаракат қилади. Натижалар ёмондан ёмон бўлиб чиқди. Кўпларда бойлик тушунчасига нотўғри қараш, уни топиш ва йўналтириш ишларида хатокорлик, гуноҳкорлик авжланди.

Ўта долзарб мавзуда ёзилган “Бойликка қасида”да Муҳаммад Исмоил муаммога исломнинг айна йўналишдаги кўрсатмалари асосида ёндошадики, бирор баҳс ёхуд иккиланишга ҳожат қолдирмайди. Ислом таълими ва тарбиясидаги бу кўрсатмалар бутун инсониятга тегишлидир. Улар йўл-йўриқларнинг аслидир ва ғолибдир. Улардан ғофил ҳар қандай мамлакат таназзулга юз тутуди. Ёзувчи қатор ҳадиси шарифларга мурожаат қилади. Ислом ҳалол меҳнат билан бойишни, бойлик соҳибининг қандай сифатлар билан зийнатланса яхшилигини, бойликни бошқаришнинг қайси кўринишлари Яратган ҳузурида манзурлигини – масаланинг ҳамма жавобларини ўргатади. Мақолада инсонни деб бино қилинган дунёнинг, табиатнинг бойлиги, бу бойликка яна бойликлар қўшила бораётгани, инсоният тасарруфда, тадбирларда, инсофда ва нафсда гуноҳкорлигининг талқини устувор. Ёзувчининг қуйидаги каби чуқур мулоҳазалари эътиборга лойиқдир:

“Одам ўзини юксак баҳолай олмас экан, ҳеч ким уни юксак баҳолай олмайди... Бу ерда одам ўзини кибрли, мағрур,

манман сифатида баҳолаш назарда тутилмаяпти, аксинча, бу хислатлар кишининг баҳосини ерга уради. Одам ўз иқтидо-ри, ўз ақли, ўз жисмоний кучи ҳақида юксак фикрда бўли-ши, ўз-ўзини доимо рағбатлантириши, мен буюк ишларга қодир инсонман, дея, мени Худо юксак фазилатлар соҳиби этиб яратган, инсоният олдидаги мушкулотларни йўқ қи-лишга, инсон номини улуғлашга, юрак билан Худо ўртасида боғланган илоҳий риштани ҳамиша англашга, бу риштадан келиб турувчи куч-қудратни сарфлашга қодир инсонман, дея олиши, тақдирини, қисматини, келажагини, бутун турмуш тарзини мана шу ақида асосида олиб боришга ўзида рағбат, шижоат, матонат топа олиш лозим...”

“Бойликка қасида” ўқувчини тафаккур қилдиради. Ҳар бир инсонга бегона бўлмаган, аксинча ҳаётининг ғоятда қизгин бир жабҳаси бўлган масаладаги қарашларини тар-тибга, йўлини, қаноатини тўғри ўзанга буриб, турфа зало-лат ҳамда тойилишлардан сақланишга чорловчи битикдир. У инсониятнинг бутун тарихида ҳамроҳ келаётган муаммо-га оид бугуннинг янги асаридек ўқилади.

Тўпламдаги “Ибрат”, “Эҳтиёт чораси”, “Анигини оқ-соқол айтди”, “Тақдир”, “Яхшилик”, “Шукрона”, “Пахса девор”, “Фигон” ва “Замондошларимиз ҳаётидан лавҳалар” фаслидаги барча насрий битикларда ҳаётий воқелик етак-чилик қилади. “Насиба”, “Отамдан қолган тумор”, “Юракда-ги зилзила”, “Изғиринли кунларнинг бири”, “Шоир”, “Эрта ёққан қор”, “Марра” асарлари “ҳикоя” ёки “бўлган воқеа”, “воқеий ҳикоя” тарзида берилган. Уларда ҳам айнан содир бўлганлик руҳи устувор. Бу руҳ асарларнинг бадииятига ҳа-лал бермаган, балки воқелигимизнинг ибратга, сабоқ олиш-га арзийдиган томонларига диққатимизни тортади. “Сабр сўнгидаги саодат” (бўлган воқеа), “Тараддуд” (киноқисса), замондошлар ҳаётидан лавҳалар ҳам шундай жиҳатларига кўра қизиқарлидир. Китобхон қатор машҳур кишилар ҳа-

ётида рўй берган, ёзувчи гувоҳи бўлган ёхуд эшитган ўнлаб лавҳалар билан танишади. Алоуддин Мансур хазратлари, Шерали Жўраев, Носир Фозилов, Абдулла Қаххор, Абдулла Орипов, Усмон Носир, Тоҳир Малик, Комилжон Отаниёзов, Ортиқ Отажонов, Шароф Рашидов, Таваккал Қодиров, Шукрулло, Усмон Юсупов, Ислон Каримов, Шавкат Мирзиёев, Гафур Гулом, Азим Суён, Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев сингари машҳур сиймолар ҳаётлари, дунёқарашларининг муайян қирралари, насихатлари, ибратлари ушбу ҳикояларда самимият билан ифодаланган.

“Ойга осилган байроқ” китобининг “Қизимга мактуб”, “Миллат юрагининг дурдоналари”, “Истеъдод – ҳаёт зийнати”, “Истеъдод ва меҳнат”, “Ўз қадрингни ўзинг бил”, “Кўнгиш мулкига сафар” (бадиа) ва бошқа битиклари ҳам завқ билан ўқилади. Улар айниқса ёзувчининг ҳаётий тажрибалари, кузатишлари, поэтик тафаккур тарзларини қамраб олишларига кўра аҳамият касб этади. Ифодадаги бу руҳ кўпчиликка маълум ёки номаълум дақиқ ҳақиқатларни янада чуқур идрок этишимизга ёрдам беради. Ёзувчининг ёшларга насихатлари шунинг учун ҳам қалбдан ҳис этилади. Адиб келажак авлодимизнинг, хусусан, ижодкор ёшларимизнинг олдинги авлод сингари ёлғон мафкураларга алданиб қолмаслиги, қул бўлмаслигини хоҳлайди. Шўро тузумида узоқ кечган ёлғон ҳукмронлигининг адабий ҳаёт, жараёндаги фожиали оқибатларини кескин, аммо жуда ҳолисона тавсифлаб беради. “Ижодкор, – дейди у, – ўз юрагини хиёнатдан асраб юриши керак. Унинг кўнгилидаги салтанат султони уни доимо бу хавфдан огоҳ қилиб туради. Хиёнат қилмасликка доимо чақириб туради”.

Сўз санъати ўзининг барча турларида ранг-баранг услуб, усулларни, бетакрорлик, яъни ўзигагина хосликни тақозо этади. Бунинг замирида ниҳоятда кенг, табиий, адолатли эркинлик бор. Тақлидчиликка қарши кучли ботиний

раддия бор. Бу талаб адабий ижодга ёрқин уфқлар манзилни кўрсатади, унга олиб борадиган ишончли, аммо захмати бисёр йўлнинг тадбирини ўргатади. Услуб – инсон моҳиятидаги энг улкан, Феномен жараён. Ижодкорда у янада юксақ, янада жиддий масъулият касб этадики, услуб ҳар бир ижод натижасининг ҳаёт-мамотини ҳал қилади. Ҳамма ва ҳар қандай ўзига хослик, рангинлик, биринчи навбатда, тўғри эътиқодий адабий-назарий тафаккур билан ёғдуланиши шарт бўлади. Акс ҳолда, бадиий ижодкорликнинг йўлларида кўринар ва кўринмас хавфу хатарлар жуда кўп ва улар ҳаётдаги бир кишининг бошқа бир кишига озори, зулми, зарари каби эмас, балки жавобгарлиги минг чандон катта ёмонликлардир.

Ижод услуб эгасининг ўз икки дунёси ва ўзгалар умрининг бахти учун яралмоғи, халққа мудомий манфаат етказиб тура олмоғи лозим. Бунинг учун асарлар ботилдан, бидъатлар тарғибидан, фаҳш ифода ҳамда ўткинчи ҳаваслар талқинидан холи ва уларга қўрқмас раддиячи бўлмоғи жоиз.

“Ойга осилган байроқ” китоби Муҳаммад Исмоилни моҳир носир сифатида ҳам халққа танитди. Унинг шеъроятдаги ёрқин услубий фазилатлари шу муҳташам китоби орқали насрида ҳам тўла намоён бўлди. Ўзбек замонавий насрида бу тарз услуб муайян янгичалиқдир ва у катта умидворлик ҳам уйғотади. Зотан, услуб – қалбнинг ҳодисасидир. Ҳақ таълимот бўйича, инсондаги ҳамма нарса – илм, амал, гап-сўз, муомала-муносабат, яхшилик, ёмонлик – ҳаммаси бошдан-охир қалбга доирдир. Муҳаммад Исмоил услуби исломий эътиқоднинг ҳамма ҳақиқат, ҳикматларига таслим ва муҳаббатли услублиги билан жозибалидир.



## МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

Шеърлар.

Тошкент “MASHHUR-PRESS” нашриёти, 2020 йил  
адади 2000 нусха

Тўплам ўзидаги шу номли шеър билан аталган. Шоирнинг ўттиз йиллик ижодидан танланма бу китоби “Шараф топди сенда инсон, Ўзбекистон”, “Афғон фожиалари” (туркумдан), “Иймон шавқи билан тўлдир дилларни” деб аталган фаслларга ҳам ажратилган.

Ватан, халқ, уларга муҳаббат, садоқат, уларнинг соғинчи, юксалишини орзулаш, хизматига шайлик туйғулари биринчи фасл шеърларининг мундарижасида салмоқли ўрин топади. Муҳаммад Исмоил эл-юртни ўзгача йўсинда севади. Бу севги ишончсиз, баландпарвоз ифодаларни яқинига йўлатмайди. Муболаға ва беўхшов ташбеҳлардан қочади.

Калбда кандай мавжуд бўлса, шундай юзага чиқади. Бу севгида кимдадир гофиллик бўлса, улар кадрили бой бермасликка чақиради, бепарволик нохуш натижаларга олиб келиши муқаррарлигидан огоҳ этади.

Шоир юртга муҳаббатини рангин маъно, сифатлашлар билан изҳор қилади. Уни “Ёшлик диёри” деб атайди. Бу сифат бошқалар шеъриятида учратилмаган, шоирнинг ўз топилмаси ва гўзал. Болаликда инсон миллий ғурури, ифтихори шаклланади. Қайси тилда фикрлаш – бир умрга кетадиган шуурий фаолиятнинг асоси ҳам болаликда барпо бўлади. Юртга, халқига меҳрнинг муқимлашуви ҳам шу даврга хос. “Ёшлик диёри” шеъри ёшликни ва Ватанни куйлайди. Лирик “мен”, шоир ҳақли бўлган, унинг ҳаётидаги мавжуд кечмишлар, фактлардан келиб чиқиб, ёшлик диёрини мадҳ этади. У мафтункор юртларнинг кўпини кўрган. Оташлар отган вулқонларни, Нилни томоша қилган. Тожмаҳал зиёратига ошиққан. Аммо ҳамиша уни соғинч ўртаган. У қирқ ёшини сарҳисоб қилади. Ногоҳ кўксида бир оғриқ уйғонади.

“Ёшлик – юртинг экан гўзал ва порлоқ” деган хулосага келади. Шулар боис ва соғинч ўртаб юрагига-да, эътироз айтади:

*О, юрак, эрк ҳақда куйлардинг тўлиб,  
Қабрга келгандай, нега жимсан айт!*

Шеърда ёшлик ва юрт тушунчалари нафис уйғунлашиб, дилбар маънолар, ғоялар таратади, завқ ҳосил қилади.

Ватанга муҳаббат бор экан, бу сўнмас туйғу хилма-хил товланади, гоҳ безовта тугён уради, гоҳ армонлар, орзуларни ўйлатади. Забардаст эрлар ўзининг эмас, элининг гами билан яшайди. Юртни муҳофаза қилади, уни равнақ топтиради. Чунки ўзи ва жисмидаги қон шу тупроқдан-

дир. Бу ошён – не-не буюклар ошёни, муқаддас. Йўлларни тўсган юз йиллик тўсиқлар яксон бўлди, уларга нафрат қолди. Энди шон, исён билан ҳайқирмоқ, йўлдаги ғовларни олиб ташламоқ давридир. “Музаффар йўлдаги шу Ватан учун” қўлни қўлга бермоқ, дилни дилга боғламоқ керак. Ортга йўл йўқ.

*Улуғ жанг олдидан янграган такбир,  
Ошиқлар соғинчдан айтгандай алёр,  
Қасамёд ичгандай юракдан ҳайқир.  
Ҳақ қўшин қилгандай ҳужумга қарор  
Бақир енгмоқ учун тўсиқларини  
Айтгил Мустақиллик қўшиқларини.*

**(“Ёшларга айтганларим”)**

Лирик “мен” ҳамиша, ҳамма ишда мардоналикни, доҳиёналикни кўзлайди, ёш авлодлардан умиди ҳам шундай улуғвор. Ҳаётнинг, яшашдан мақсаднинг энг яхшиси доимо шу зайл кечган. Бу талаб, эҳтиёж мудом бор. Ҳамон “бошимизда нажот ахтариб, Ўша талаб билан юрибди ҳаёт” (“Даъват”), дейди. Аммо эрк, озодлик, буюк эзгуликлар йўли осон бўлмаган. Тошни аввал даҳоларга отишади, уларни балоларга кўмишади, сўнгра улар ўзга юртларга қочишади (“Истеъдодлар”):

*Золим зоти доҳолардан доим қўрқар,  
Эрк байроғи яратади даҳоларни.  
Битта даҳо етилгунча кўзи кўрлар,  
Ўлдиришар минглаб ақли расоларни.*

Эзгулик ила ёвузлик – абадий ёв, душман. Токи дунё ва унда ҳаёт бор экан, эзгулик бор ва бардавом. Чунки у боқий саодатга эриштиргувчи йўл. Ватан шаъни, иқболи ҳам шу биландир:

*Чархи фалак айланади, тиним билмас,  
Насл суриб тугилади буюк зотлар.  
Ўзбекистон, асло золим каслар эмас,  
Шарафлайди сени асл истеъдодлар.*

Шоирнинг Ота, Она, Фарзандлар, Устозлар мавзусидаги шеърларида улар қадри, ўзгалар ҳаётидаги юксак эҳтиромга муносиб мавқелари кўтаринки руҳда улуғланади. Она таърифида шоир дейди:

*Бизни боглар ердан Худоба  
Она берган жоннинг риштаси.  
Она лойиқ мангу дуога,  
Она – кўкнинг хур фариштаси.  
("Хавотир")*

Шоир шеърлятида умр мазмуни кенг поэтик талқинини топган. Зотан, инсон умри илоҳий ҳисоб-китоби муқаррар неъматдир. Умр соҳиби ҳақ йўлда бўлмаса, дунёнинг охиратга фойда бермайдиган ва балки зарари бўладиган нарса ва одатларига зийнатланиб қолади. Бунинг ортидан аччиқ пушаймонлик, надомат келади. Умр тўғри йўлда бўлиш билангина безалади, ибратли мазмун касб этади. Лирик кахрамон инсоннинг ўз-ўзини доимий ислоҳлаб боришини маъқуллайди. Ўзини тергайди, босиб ўтган йўллари ва эришган натижаларини сарҳисоб қилади. Ўзи ва ўзгаларнинг вақтини ғанимат билишга чақиради:

*Умр – вақтдан иборат,  
Вақтни сарфлама бекор.  
Ҳар кун, ҳар он, ҳар соат  
Ичида ҳаётинг бор...*

*Бўлмок истасанг хоқон  
Тожу тахтдир ибодат.  
Аллоҳ учун тиккин жон  
Ҳар кун, ҳар он, ҳар соат.*

Инсон хато қилади. Хатосини ўзи билса, айбига ўзи иқрор қилса, яхшиликдир. Бу шеърят лирик каҳрамони ўз босиб ўтган йўллари қайта-қайта поэтик хотирлар экан, иқрор мотиви ҳам янги-янги талқинлари билан намоён бўлиб боради. Чуқур тааммул қилинса, ҳаммаси ҳам ҳаётий, ҳаммаси ҳам ўринли. Масъулиятларнинг барчасида адашув ёки хатокорликнинг у ёки бу даражада содир бўлиши – инсоннинг жамият томонидан чалғитилиши билан ҳам, Ҳақ йўлни ҳали танимаганлиги билан ҳам боғлиқ бўлиб чиқади. Фақат ҳидоят йўлигина барча ўтган ботиллардан қутқариб олмаққа қодир. Бу йўл инсоннинг барча жиҳатини ҳимоя қилади, иқрорлари сабаб тазарруларига ажрлар ато қилади, ойдинликка бошлайди. Китобнинг сўнгги иймон шавқи битилган шеърлар туркуми шу каби мазмун йўналишлари билан янада диққатга сазовор. Муҳаммад Исмоил шеъриятидаги ҳидоят, Ҳақ эътиқод мавзудидаги шеърӣ туркумлар замонавий ўзбек шеърятининг шу йўналишида ўзига хос ўринга эга. Бунӣ “Менга сўз беринг” китобидаги моҳирона ёзилган ўнлаб шеърлари баралла тасдиқлайди.



## МУҲАББАТНИНГ ВАТАНИ

Шеърлар

Тошкент, “Ijod Nashr” нашриёти, 2021 йил

5000 нусха

Шеърый тўплам тўрт фаслдан иборат: “Тасодифга тўла бу дунё”, “Сенга сажда қилмоқ саодат”, “Жоним, аразлама”, “Оҳангларга кўчган сатрлар”.

Китобнинг нашрий сўзида тўпламнинг кейинги йилларда ёзилган шеърлардан жамлангани айтилади. Дарҳақиқат, шундай. Шоир ижодида мавзулар кўлами янада кенгайган, ифода янгича усуллар билан бойиган. Халқ ҳаётида, жамиятда содир бўлган муҳим воқеалар акси-садоси шеъриятига кўчган.

Катта бир шеъри Сардоба сув омборида рўй берган фалокат ҳақида. Жуда жўшқин дард билан ёзилган. Шоир фожиани, унинг оқибатларини, оғир кунлардаги халқ бир-

дамлигини, умидворликни моҳирона ифодалайди. Бугина эмас. Фалокатнинг туб илдизларига разм солади ва халқ нафратини умумлаштириб таъсирчан айтади. “Эл бошига иш тушса...” номли бу шеър 20 банддан иборат. У шундай бошланади.

*Бир хатарни сезиб итлар вовуллади,  
Сувлар сизиб-сизиб қулади тўгон.  
Еру осмон тўлиб овоз шовуллади,  
Омборни ёрган сув увлади ёмон.*

Еру кўк одамлар фарёдига тўлади. Одамлар уй-жойи, мол-мулки сув остида қолади. Уларнинг бир умр йиққанлари бир онда завол топмоқда. Мактаб, масжид, боғча, боғ, қабристонларни босади тошқин. Кимлардир ўзгаларни уй-ғотмоққа, қутқармоққа шошади. Сел шафқатни билмайди, одамлар кўз ёшлари ҳам селдек:

*Қалбда дарз, кўзлардан тўхтамас селни  
Тўхтовсиз оқизиб қўйди Худойим!*

Бу санъаткорона, “ўхшатиш” фонида фожиа манзаралари тасвирланар экан, аҳвол қиёмат даҳшатларига қиёс этилади:

*Балки шундай бўлар қиёмат, маҳшар,  
Оҳу фарёдларга тўлар ҳаммаёқ.  
Ҳамма ҳар тарафга югурар, шошар,  
Зир титраб, ялангбош ва ялангоёқ...*

Фожиада бутун халқни айблаш ўринлими? Уни айбсиз айбдор қилган гапдонлар ҳам бўлганлиги сир эмас. Шоир

ишорат санъати воситасида уларга кескин раддия билдиради. Халқига қарата “оёгингга ўзим қўяй бош”, дейди. Лайбдорларнинг шубҳасиз фош этилажагини айтиб, таскин беради. Бош омон бўлса, дўппи топилади. Мақол халқнинг саховати, бегараз ёрдами тасвирига туртки бўлади. Бундаги манзаралар реал, тарихий воқелик ифодаси. Айрим бандларда бу кўтаринки рух умумлашма маънолар касб этади:

*Буюк куч-қудратин этиб намоён,  
Эл-улус айланди бир тану жонга!  
Аҳиллиги бўлди тилларда достон,  
Ҳиммати ёйилди жумла жаҳонга!*

Бундай меҳри дарё халқ бор экан, сардоба қайта обод бўлишига, гуллаб-яшнашига, эл яна ҳаловат топишига асло шубҳа йўқ. Бироқ лирик қаҳрамон қалби, хаёлини бўлиб ўтган мудҳиш кўргуликларнинг манзаралари осонликча тарк этмайди. Улар унинг кўз олдида қайта-қайта жонланади. Тушларида ҳайкириб оққан сув бостириб келади, яна сув тошгандай бўлаверади. Тўғон, йўл, бинолар қураётиб, давлат маблағларини талон-тарож қиладиган ўғри арбоблар, сув омборини қурган ўша каззоблар унинг устидан қаҳқаҳа отиб кулаверадилар. Тўғон тикланди. Лекин сохта қурилишлар, жиноят, ўғрилик тўхтагани йўқ. Уларга сув тошқини собоқ бўлмади. Ўша муттаҳам зотлар бугун турли соҳаларда жавлон урмоқда. Токи, улар бор экан, Эл бошига янги болалар келиши мумкин.

Лирик қаҳрамон истаги жуда олий ва қизгин. У Ватан, Миллат бахт-саодати учун қайгуради. Улар учун бутун умр хизматда бўлмоқ унинг бош матлаби, ҳаётининг мазмуни. Аммо ҳар қандай разолат, қабихликни тугатиш, жиноятчиларни аямаслик керак:

*Сен ҳам шу омборчага ўхшайсан, Ватан,  
Улар яна бошига бало солмасин.  
То улар бор, хор-зор бўлгайсан, Ватан,  
Уларни бир-бир ос, тирик қолмасин...*

*Юртим, сенга таъзим этурман бажо,  
Абадий саодат, шараф ёр бўлсин!  
Бошингга тож бўлиб турган бебаҳо  
Буюк она халқим доим бор бўлсин!*

Муҳаммад Исмоил машҳур ва мангу мавзуларга мурожат қилар экан, ҳамма вақт юзлаб шоирлар айтган мактовлар, тавсифларни такрорлашдан, сўзлари ишончсиз баландпарвозлик томон кетиб қолишдан асранади. Шу боис бўлса керак, воқеликдаги асослар, нақллар, ҳикматли мулоқот ва лавҳаларда ўша мавзулар моҳиятини кўради. Ватан, халқ, миллат васфига у юқоридаги Сардобага доир шеърида ҳам муваффақиятли эриша олганининг гувоҳи бўлдик. Услубида бунинг мисоллари кўп. “Миллатпарвар дўстларимга” деган шеъри бор: бир юртга душманлар бостириб келаётган эмиш, мард йигитлар ҳимоя учун сафланишади, бир болакай ҳам отга минолмай ҳалак, ҳаммага жавдираб қарайди, болани суяб юборишади, оти кишнайди, бола-ёвқур, жангга шай, отга зўрға минганини айтиб, душманга қандай бас кела олишини айтиб, кимдир пичинг қилади.

*Бола мағрур жавоб қайтарди шу он:  
– Ҳа, тўғри, миндирди мени бир одам.  
Энди душманни ҳеч қўймасман омон,  
Отдан туширолмас минг биттаси ҳам!*

Нақл мантиғига шоир ажойиб тус беради. Миллатпарвар инсонларни жасур, ўшандай ўғлонларга қиёслайди. Чун-

ки миллат шаъни шулар елкасида. Миллион кўзлар шуларга боқиб турибди. Қуроллари – илму ирфон, илмсизлик – қуролсизлик. Улар – миллат шаъни, ори, ифтихори, куч-қуввати. Ўзбекистон – “марди майдонларнинг қадим диёри”:

*Ватан ҳимояси учун отланган  
Сиз ўша боласиз ёвқур, паҳлавон.  
Сизни отга суяб миндирди Ватан,  
Туширмасин ундан ҳеч ким, ҳеч қачон!..*

“Биринчи китоб” шеърисида ҳам олижаноб усул етакчи. Воқеаси реал, ўзида содир бўлган ва ҳикояси “Бошимдаги тожим онам” бадиасида келган. Воқеа шеърда ўзгача тароват таратади. Илк китоби чиққан шоирнинг шодлиги оламга сиғмайди, шеърларни онасига ҳижжалаб ўқиб беради, она китобни кўзларига суради, шоир ўғил қайси шеърим ёқди экан деб она пойида турибди:

*Онам донишманд эди,  
Яширади айбларни.  
– Нега ёзмадинг, – деди  
Ўзбекка хос гапларни?  
Шу сўз етарли бўлди,  
Олдим ҳаққоний баҳо!  
Тақлид эди шеърларим  
Гоҳ гарб, шимолга гоҳо!  
Онам аҳли иймонни  
Измини тутган эди.  
Мендан ҳам шу йўлдаги  
Шеърларни кутган эди.*

Ўша кундан бошлаб шоир ижодининг каъбаси она қалбидир. Шеър онага маъкул келса, ёқса – бахт ва буюк мар-

табадир. Шоир бошқаларни ҳам оналаримизга ёқмайдиган шеърлардан воз кечишга чорлайди. Шундагина буюк миллатларга хос яшашни бошлаган бўламиз.

*Онамга бирор шеърим  
Ёқиб қолса ҳойнаҳой,  
Биламан, элим сенинг  
Кўнглингдан оламан жой.  
Оналарга ёққан шеър  
Шеърлар дурдонасидир!  
Чунки ҳар битта Она  
Миллатнинг Онасидир!*

Шоирнинг насрий битиклари – ҳикоялари, бадиаларида қизиқарли ҳикояланган она сабоқлари унинг бошқа шеърларида ҳам бор. Воқеалар бу шеърларда янги маъно қирралари билан жозибадорликка эга. Масалан, “Қарз”, “Сигир”, “Тарсаки” деган шеърлар шулар жумласидан. Она ўғлини қарз олган деб эшитиб, дашном беради, таёқлайди. У қарз олмаган. Шундай бўлса-да, сабоғи бир умрга татиғулик:

*Мана, ўттиз йилки мен,  
Ўз сўзимда турибман.  
Ҳеч кимдан ва ҳеч қачон  
Қарз олмасдан юрибман.  
Бош ёрган таёқ учун  
Она, Сизга минг раҳмат.  
Сизнинг сабоғингиздан  
Яхшилик топдим фақат!..*

Она – мактабда фаррош. Етимлик, тириклик тошдан қаттиқ. Йигит бўлиб қолган ўғилнинг она касбидан орияти келади: “Меҳнатнинг ҳеч айби йўқ, ўғирлик айб, ғарлик айб,

Сен меҳнатдан ор қилсанг, Менга ўғиллигинг хайф!” дейди Она. Тарсаки еган ўғил ҳам, шаполоқ туширган Она ҳам йиғлайди. Хулоса:

*Аммо ўша тарсаки  
Бир умр сабоқ бўлди.  
Йиллар ўтди, тўғри йўл  
Кўрсатган маёқ бўлди.*

*Не топсам, ҳалол топдим,  
Топдим ҳурмат ва ардоқ.  
Чунки юзимда ҳар кун  
Турад ўша шаполоқ.*

“Сигир” воқеасининг ҳам сабоғи баракали. Ота қазо қилган. Қўп кунлар оч-наҳор ўтади. Оила бир сигир ортидан кун кўради. Болалар унга ўт беради, сигирни она соғади. “Битта сигир бутун бир оилани боқарди”. Фалокат юз бериб, сигир ўлиб қолади. Ҳамма зор-зор йиғлайди. Она ризқ Аллоҳдан эканлигини тушунтиради:

*Онамнинг бу сўзлари  
Бутун умр бўлди ёр.  
“Инсонга сигир эмас,  
Ризқ бергай – Парвардигор!..”  
Ҳаётимда кейин ҳам  
Бундайин ҳол кўп бўлди!..  
Ишим юришмаган чоғ  
Дегайман: – Сигир ўлди!..  
Ризқингиз келиб турган  
Йўллар бекилса бехос,  
Дўстлар, асло гам чекманг,  
Сигир ўлгандир, холос!..*

Бу шеърларнинг барчаси ҳар жиҳатдан завқли ва яхшиликка чақирувчан. Улар пафосида, тағмаъноларида она мадҳи ҳукмрон. Шу нуқтаи назардан шоирнинг “Куёшим – онам!” шеъри машҳур. У онага қасидадир. Шеър таҳлилига бошқа ўринда батафсил эътиб қаратамиз.

“Муҳаббатнинг Ватани” тўпламида эл-юрт, миллат, Ватан ва Аллоҳга муҳаббатни тараннум этувчи, ёшларни уларга садоқатли бўлишга чақирувчи қатор шеърлар бор. “Она тилим-ифтихорим”, “Менга сўз беринг”, “Она юрт соғинчи”, “Ижод мактабимиз ўқувчиларига”, “Ижод мактаби болаларига”, “Тонг олди”, “Буюр, Ватан”, “Ижод мактаби мадҳияси” шеърларида айни мавзулар авж пардаларда куйланади.

Китобнинг “Сенга сажда қилмоқ – саодат” фасли кичик насрий дебоча билан бошланади. Бу фаслдаги мавзулар ва улар моҳиятига ишора ҳамдир. Замонавий ўзбек шеъриятида исломий мавзулар алоҳида мавқега эгалигини ўқувчилар яхши билади. Истиклол арафасида тикланган ва мустақиллик даврида мустаҳкам, муваффақиятли анъанага айланган бу йўналишда шоир Муҳаммад Исмоилнинг ҳам алоҳида ўрни борлиги ҳам муҳлисларга маълум.

Фасл дебочасида буюк бобокалонимиз, муҳаддислар султони Имом Бухорийга мухтасар таъриф берилади. У зот олтмиш мингдан ортиқ ҳадис тўплаганларида эндигина 16 ёшдан ошган эдилар. 60000 ҳадисни ёд билганлар. Ҳар йили Рамазон ойида Қуръонни ўттиз марта хатм қилар эдилар. Шоир Яратганга илтижо қилиб, диёримиздан яна шундай улуғ зотлар чиқаришни сўрайди. Шу тариқа фасл шеърияти “Бухорий” номли беш бандли шеър билан бошланади. Шеърдан бир банд:

*Ҳар ўзбекнинг юрагида  
Бухорийнинг қони бор,*

*Қалбимизга шиддат берган  
Исёнкорим – Бухорий.  
Сарвари коинотнинг  
Ортидан эргаширган,  
Мангу машъала ёққан  
Даъваткорим – Бухорий!*

“Муножот” шеъри мазмунан бошдан-охир Аллоҳга шукрона ифодасидир. Инсон ўзига ато этилган неъматларни санайман деса, умр бўйи санаб ҳам, уларнинг адоғига ета олмайди. Дунё мўъжизалари, неъматлари, ризқлари беадад ва ҳеч ким уларнинг сон-соноғини билмаган. Ожиз инсон буларга ҳайрат ила муносабатда бўлади, шукроналик ила яшайди. Қанча шукр қилинса, шунча оз. Ва дунёда инсон учун энг ёмон залолат – бу илоҳий марҳаматларни тафаккур қилмаслик, уларга лоқайд қараш, шукронасини адо этмаслик. Шукроналик туйғуси Аллоҳ мадҳига чорлайди:

*Сенинг шаънингга сўз тугамас асло,  
Сени мадҳ этмоқдан асло толмасман.  
Мен нафас олмасам, олмасман, аммо  
Сени мадҳ этмоқдан асло қолмасман.*

“Танграм, бахт бер ўғил, қизимга” шеърида ота лирик қаҳрамон. Яратганни Унинг ўз сифатлари ила васф этар экан, дилдаги дардларини айтади, ўз хатоларига тазарру қилади. Ўғил-қизларнинг эса ўзи сингари адашмасликлари учун нажот сўрайди. Албатта, бахтнинг ва бахтиёрликнинг юксак мақоми ислом йўлида бўлмоқдир:

*Тўғри йўлга бошла, бер тўғри адаб,  
Қалбларига Қуръон нурларини сол.*

*Паноҳингга олгин асраб-авайлаб,  
Хазинангдан ризқ бер покиза, ҳалол.*

Бахтнинг иймондан ўзга йўли йўқ. Иймонгина ҳамма яхшиликлар кафолатидир. Иймон соҳиби яхшига ёндашиб яшайди, аҳли ислом хизматида бўлади. Ота фарзандларига шу ахлоқни ва фароғатни истайди. Ўғил, қизларнинг ўз ортида яйраб қолишларини, турфа балолардан омон бўлмоғини хоҳлайди. Бунинг учун ўзи қалқон бўлишга, зарбаларни ўзи олишга ҳам тайёр. Бахтни ўзи бера олмаётганидан ўкинади. Шеър ота қалбининг фарзандлари ҳаққига дуоларидир.

“Салом аҳли Ўзбекистондан”, “Бизни этгин халос, моҳи рамазон”, “Васият”, “Омон яшаганда”, “Қадр кечаси”, “Тўн-каманглар”, “Тавалло”, “Қуръони шариф”, “Муҳаббат”, “Мен хазина ўғирловчиман”, “Отам учун”, “Сенга сажда қилмоқ-саодат!”, “Сен – халифа она замин жангоҳида”, “Сизни севганлар кўп”, “Ҳожи” ва бошқа шеърлар ҳам шу фаслдан жой олган. Қуйидаги мисралар мазкур туркумнинг гоյавий-эстетик йўналишини ифода этади:

*Менинг ёлғиз истагим шу: кўпни ўйланг,  
Содиқ қолинг илму иймон йўлларига!  
Севинг, асранг ва ардоқланг, бериб қўйманг  
Ер шарини жаҳолатнинг қўлларига!  
Барча одам Яратганнинг бандасидир,  
Ҳақдан ўзга суюнчиқ йўқ, йўқ холоскор.  
Ёлғиз Аллоҳ мангу нажот қалъасидир,  
Ягона дўст, ягона ёр – Парвардигор!*



## ТАРАДДУД

Ҳикоялар ва қиссалар.

Тошкент, “Ijod Nashr” нашриёти, 2021

3000 нусха

Китобда ўн олти катта-кичик ҳикоя ва тўрт қисса мавжуд. Асарларнинг айримлари вақтли матбуот ва адиб китобларининг бошқа нашрлари орқали таниш. Ҳикоялари ва қиссаларининг кўпчилигида ёзувчининг бевосита ҳаётда бўлиб ўтган ҳолат-ҳодисаларга таяниши ҳам ўқувчиларига сир эмас. Буни – услубий хосликни нисбатан каттароқ жанр бўлган қиссаларида ёки қатор ўртача ҳажмдаги ҳикояларидагина эмас, жуда кичик ҳикоячаларида ҳам кузатиш мумкин.

“Башорат”, “Сирли дунё” номли ҳикоячаларда ҳамма-ҳамма нарсаларнинг шунчаки эмаслиги, воқеалар, қадам олишлар, ўзаро муомала-муносабатлар руҳида ҳам қандай-

дир илоҳий ҳикматлар ётишининг идроки талқин қилинади. Ғоявий-бадий бу нуқтаи назар ҳақ эътиқод бўйича ҳеч қандай раддия, эътирозни қабул қилмайди. Чунки бу маълум ва машҳур ҳақиқатдир. Аллоҳнинг ҳар бир иши, ҳамма иши ҳикматли, ҳикмати билан келади. Инсон ўта кўп нарсалар ва ишларга ўта кўп кўникиб қолганлиги боис барчасини табиий, одатий деб қабул қилади.

“Башорат”да катта энанинг ўлим тўшагида ётганлиги, унинг узук-юлук, пойинтар-сойинтар сўзлар айтиб алаҳсираганлари эсланади. Эна алаҳлаб деган сўзлар ичида “...вертолёт портлаб кетди, садақаси уч минг сўм” деганга ўхшаш гаплар ҳам бўлган. Фариштадай хокисор ва меҳрибон эна дунёдан кўз юмади. Орадан йиллар ўтади. Амакиларининг ўглини армияга Афғонистонга кетадиган қилиб чақиривади. Военком уни бошқа томонга юборишнинг йўли сифатида 3000 минг сўм сўрайди. Оиланинг қўли калталиқ қилади. Эналари айтган сўзлар ҳеч кимнинг ёдига келмайди. “Бу ғофиллик, бу парвосизлик, бу қулоқсизлигимиз ниҳоятда қимматга тушди. Акамнинг ўгли афғон тупроғидаги жанглarda вертолётда портлаб кетди”, дейилади баёнда. Ҳикояча шундай иқрорлар билан тугайди:

“Инсон – илоҳий зот. Унинг қалби ҳам, у кўрган тушлар ҳам, у айтган сўзлар ҳам, унинг тасаввури ҳам илоҳий. Бунга энди менда заррача шубҳа қолмаган”.

“Сирли дунё” тафсилоти бундай: ҳаж зиёратига борувчилардан имтиҳон олинар эди. Ножоиз одати ҳам бор бир кишининг ҳажга юборилиши шубҳа остида қолади. У ўлсам, ўша жойда ўлай, бормасам, бўлмайди, деб ялинади. “Айтилган сўз – отилган ўқ экан”, дейди ҳикоянавис. Киши бир амаллаб имтиҳондан ўтиб олади. Боргач, ўзи жойлашган меҳмонхона балконида ўз этагига қоқилиб, саккизинчи қаватдан пастга тушиб кетади. Бу ўлимнинг ҳикмати Ярат-

ганнинг Ўзигагина аён ҳақиқатлигича, номаълум сир-синоатлар масканидан жой эгаллади”.

“Қарз” – иймоний улуғвор фазилатни тараннум этувчи жозибали ҳикоя. Жаноза намозидан олдин мархумнинг зиммасида қарзи бор-йўқлиги сўралади. Олти кишидан у қарз ҳолда дунёдан ўтган. Мархумнинг савлат тўкиб турган бой амакиси бу катта қарзни ўз бўйнига олгиси йўқ. Мархумнинг ўғли – ўн ёшлардан ошган болакай. У қарзни узишини билдиради.

“Шу одам, – дейди қарз берганлардан бири, – бизнинг қарзимизни тўлолмай оламдан ўтди, қарз ўрнига жонини берди, мен берган қарзимдан кечдим, шу одам гўрида тинч ётсин, қиёматда мен учун, ярим танаси куйган ҳолда тирилмасин, танаси бутун бўлиб тирилсин, Аллоҳ йўлига бағишладим”. Бошқа қарз берганлар ҳам шундай қарор қабул қилишади.

Китобда ҳажман ва сюжетига кўра катта қисса “Жолутга аталган тош”дир. У муайян жиҳатларига қараганда автобиографик характерга эга. Бош қаҳрамони Сулаймон – журналист. Ёшлигидан турмуш машаққатларини, ҳаётнинг паст-баландини, сиёсатдаги ноодиллик, алдамчиликни, мафкура шотирларининг тухмат-хийлаларини кўради. Чириб бораётган шўро сиёсатини у кўр-кўрона қабул қилмайди. Нимаданки нафратланса ва уни ботил билса, оловланади. Албатта, ёшлик қанчалик ғайратли, қурашчан бўлмасин, ишлар тадбирида кўп хатолар содир қилмоғи мумкин. Қиссадаги Она образи шу маънода алоҳида аҳамият касб этади. Одамларнинг қиссада ҳар хил характерли образлари, эпизодик персонажлари бор. Келажакка шижоатли интилаётган, илмга, ижодга, ўсишга муҳаббатли ёшларни синдириш аслида улкан жиноятлардан. Шундай ҳолларда унинг ёнида ва атрофида руҳлантирадиган, йўл кўрсатадиганлар бўлмаса, у йўлдан адашиши, тушкунликка тушиши, хато устига хато

содир қилиши мумкин. Она сабрға, душманга ҳам оқилона муомала қилишга, олға қадам босишни сусайтирмасликка чақиради. Сулаймоннинг ҳаёт йўли, тухмат ва қаршилиқларни енгиб, қад кўтариши осон кечмайди.

Сулаймон ўзига ортиқча баҳо бермайди, тўғриликини кўзлайди, воқеалардан ўзига керакли хулосаларни ҳам тўғри топади. Образнинг энг ибратли томони шунда. Қиссада тасвир равон ва мароқли, қизиқарли ўқилади. Асар хотимасига Она ўғитлари, унинг тош мисолидаги тушунтиришлари алоҳида, қутилмаган жозиба бағишлаган: сабр тоши инсон қисматига жаннатда берилган; бутун-бутун қадим қавмлар йўлидан озганларида ер ютган, устларига тош ёғдирилган; Лут қавми тубанликка шўнғиди – устидан тош ёғди; бу тош – “иймонли одамларнинг сабру тоқати эди”; Довуд алайҳиссалом шу тошнинг биттаси билан аёвсиз, бесаноқ қўшини бор, куч-қуввати мислсиз, қахру газабга тўла Жолут қавмини йўқ қилди, тошни кўриб “Сен жангга чиққанмисан, ё ит овига чиқдингми?” деб масхаралаб қулган Жолутнинг бошини шу тош қоқ иккига бўлди.

Бу тош тилга кириб Довуд алайҳиссаломга ўзининг абадул-абад борлигини айтган. Ўша замонлардан буён бу тош сабр-тоқат, ҳикмат тимсоли бўлиб, мусулмонлар қалбидан жой олган. Она дейдики:

“Сабр-тоқат кўп ёвузликларни енгди. Сабр – иймоннинг, шошиш – шайтоннинг мулки бўлиб қолди. Сабр – эртанги бахтли кунга олиб борувчи йўлдир. Сабр – сени бугунги танг аҳволингдан қутқариб қолувчи нажот фариштасидир. Ахир ҳозир сабр қилмасанг, шайтон васвасасига учиб, бир фалокатга йўлиқасан. Тун тонгни кутгандай, Худонинг ёруғ кунларини кут, тун ярмида тонгни талаб қилма, Худонинг йўлга солиб қўйган ишини Худонинг ўзидан бошқа ҳеч ким ўзгартиролмайди”.

“Тараддуд”даги бир қатор ҳикоялардаги қаҳрамонлар бугунги кун ёшларидир. Уларнинг тимсолларида давр, ҳаёт тарзи, ёшларнинг савияси, ахлоқи, маънавияти, жуда кўп масалалардаги қарашлари ўз бадиий талқинини топган. Китобхон самимий, нафис туйғуларга ҳам, ўйламай босилган қадамларнинг турфа оқибатларига ҳам, севги хиёнатлари, изтиробларига-ю мудҳиш жиноятларга ҳам гувоҳ бўлади. Мазкур ҳикоялар, уларда сюжетларнинг ечим-хулосалари қандай бўлишидан қатъи назар, ўқувчиларда кўп мулоҳазаларни вужудга келтиради. Муҳими, маънавий сабоқлар, ибратлар олишга ундайди.



## АҚЛ ЭГАЛАРИ УЧУН МЎЪЖИЗАЛАР БОР

Тошкент, “Factor Press” нашриёти, 2022 йил  
3000 нусха

Китобнинг ровийси ва бош қаҳрамони адибнинг ўзидир. Мавзулар миқёси, қамрови жуда кенг, ранг-баранг. Ҳозирги дунё ҳамда ундаги инсон авлодига дахлдор ўткир муаммолар, долзарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалар алоҳида-алоҳида қаламга олинади. Хотиралар, суҳбатлар, саёҳат таассуротларида ҳам мазкур муҳим нуқтаи назар асарлар марказида туради. Ёзувчи ҳар бир мавзунини маромига етказиб баёнлаш йўлида ўзи гувоҳ ҳеч бир эпизод, детал, гап-сўзни эътибордан соқит қилмасликка, ўзининг-да, ожизона ҳол-ҳолатларини яширмасликка ҳаракат

қилади. Асарларнинг ҳар қайсида қизгин публицистик, поэтик руҳ бор. Улар бадиий асарлардек ўқилади. Китобхонга кўплаб янгиликлар, янгича маълумотлар, ўзи билган машҳур сиймоларнинг портретларига янги чизгилар тақдим этади. Китобхонга сержило маънавий манфаатлар бериш мақсади бир неча битикларда ҳикматли усулларда айтилади ҳам. “Зи-ёрат” мақоласида муаллифнинг миллатимизнинг ҳар бир вакилига қарата айтган шундай тилаги бор:

“...Илоё, сизнинг ҳам ҳаётингизда улуғ инсонлар, миллатимиз донишмандлари билан ҳаётингизга мазмун берувчи, умр йўлингизни ёритиб турувчи учрашувлар кўп бўлсин ва сиз ҳам улар ҳақида ҳамиша мароқ билан дўстларингизга, жонажон ёру биродарларингизга сўзлаб беринг! Аллоҳ бундай марҳаматини ҳеч биримиздан дариг тутмасин!”

Бу тилак ва чорлов ислом таълимотларида ҳам кўп таъкидланади. Донишлар суҳбатларида бўлиш, улар тажрибалари, дарслари, амалларидан ибратлар олиш эътиқодий фазл саналади. Муҳаммад Исмоил ижодида шундай хотиралар, суҳбатлар, таништирувлар, васфлар, энг яхши намуналарнинг тарғиби салмоқдор, жуда катта таърифий йўналишдир. Бу борада ўзбек журналистикаси ва адабий ҳаётида у етакчи ўринда туради. Мазкур, сарлавҳаси Қуръони Карим оятининг маъно таржимасидан олинган “Ақл эгалари учун мўъжизалар бор” деган ҳақ-ҳақиқат гап Муҳаммад Исмоилнинг ана шу йўналишдаги бутун асарларининг адабий-эстетик мақсадини ифода этади. Сиймолар, улар таърифланган бадиалар, мақолалар бу ижодда жуда кўп: Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир, Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймон, Шайх Алоуддин Мансур, Чингиз Аҳмаров, Шукурулло, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шавкат Мирзиёев, Анвар қори Турсунов, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф...

Китобнинг номига асос бўлган дастлабки битигида ёзувчи бугунда инсониятнинг илм-фан воситасида эришадиган ютуқларидан сўз бошлайди. Ислому таълимнинг илмга чақириқларини эслатади. Шунингдек, илм-фан, технология кашфиётларини гегемонлик мақсадида қўллаш ғояларини, буюрилган илм йўлидаги ҳаракатда қолоқлик, нописандликларни қаттиқ қоралайди. Халқаро статистикадан фактлар, маълумотлар келтириб, мавжуд муаммоларни, аҳволни баҳолайди. Муайян жаҳон бойларининг ўз маблағини йўналтириш тажрибаларини ҳикоя қилади. Эврилиш, ўзгаришларнинг эса хайрли-хайрсиз тамойиллари ниҳоятда кўп. Бир мақола доирасида уларнинг ҳаммасини қамраб олиб бўлмайди. Муҳими, кўзни очиш, инсониятга яхши умумманфаатларни кўзлаш, нотўғри ҳаракатларнинг олдини олиш керак. “Ҳозир буюк давлатлар ўзининг ақлий салоҳиятини ошириш учун, бошқалардан қудратлироқ бўлиш учун бутун дунёдан ўзига иқтидорли ёшларни жалб этиш билан банд” ёки “Қачонгача балаларимизни мардикорлик қилиши учун ёт ўлкаларга юборишни ўзимизга бахт деб биламиз?.. Қолаверса, бугунги кунда киши билан кучидан кўра, илм кучи билан, ақлу тафаккур қудрати билан кўпроқ пул топиши мумкинлигини англаб етишимиз керак. Дунёни ақл кучи бошқараётганини ҳам тан олишимиз керак...” дея бонг уради ёзувчи.

“Буюк йўловчи” бадиаси Анвар қори Турсунов билан боғлиқ хотиралар, у зотнинг фазилатлари, юксак ахлоқлари, ҳаётий ибратли, эътиқодий олами ҳақида ҳикоя қилади. Китобхон Анвар Қорининг ўзи билмаган ибратлари билан танишади. Муаллиф у зотни буюк йўловчи сифатида васфлайди. Қаҳрамонининг инсоний ҳаёт йўлида ўзи кўрган, гувоҳ бўлган, хулосасини чиқарган шарафли амалларини катта эҳтиром ила сўзлаб беради.

“...Кўп диний уламо араб тилини билар эдилару ўзбек тилида икки жумлани қовуштириб ёзолмас эдилар. Анвар ака ана шундай атоқли даъвогарларнинг ҳаммасини битта-ма-битта илму маърифат қуроли билан мағлуб этиб, Қуръони Каримни таржима қилишга ҳақдор инсон Шайх Алоуддин Мансур эканлигини исботлаб бердилар, жангда ғолиб чиқдилар. Бу энг одил, энг адолатли, энг ҳаққоний танлов эди...” дейди бир ўринда у.

Ёзувчининг қуйидаги таърифоти бадиа қаҳрамонининг ёрқин сиймосини ўқувчи кўз олдида гавдалантиради:

“Анвар ака ҳалол, покиза, тўғрисўз ва ҳамшиша, ҳамма вақт ҳаммага яхшилик қилиш пайида яшайдиган, кечаю кундуз элимизни, миллатимизни дуо қилиб чарчамайдиган, илму урфон тарқатишни ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган, ҳаётнинг бош мақсади ислом аҳкомларини кенг ёйиш, кишиларни Қуръон ва Ҳадис нурлари билан зиёлантириш, Қуръон асосида яшашни олий мартаба деб билган ва Ер юзида бугун истиқомат қилаётган энг улкан уламолардан биттаси эди...”

“Зиёрат” бадиаси – сафар таассуротлари. Бутун Ер юзи шоирларининг султони бўлган мавлоно Жалолиддин Румий ҳикматлари замонлар оша овозадир, ҳайратга солувчан маърифатдир. Ёзувчи заминда ҳеч қачон чироғи сўнмаган, баракаси камаймаган ягона шаҳар Кўнёга сафар қилади. Бу ерга дунёнинг беш қитъасидан келадиган зиёратчилар оқими тўхтамайди. Шаҳарда икки миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Қуръон тиловат қилинар экан, турли олис-олис юртлардан келган олиму фузалолар, шоиру ижодкорлар бир нуқтада бирлашишади.

Муаллиф алломанинг аждодлари, ислом оламидаги шон-шухрати, зиёратгоҳнинг ажиб таровати, ўзи иштирок этган, ўн мингга яқин одам қатнашган Шабъи Арус оқшо-

ми, унга ташриф буюрган Туркия Президенти Ражаб Той-иб Эрдўгон нутқининг мазмуни ва бошқа таассуротларини мароқли баён қилади. Румий ҳазратлари бугунги авлодларидан бирининг хонадонида меҳмон бўлади. Бутун сафари мобайнида Румий маънавий оламини тафаккур қилади. Ўнлаб ўғит-ҳикматларни ёд этади. Жумладан:

*Саховатда, ҳимматда  
Оқар дарё каби бўл.  
Шафқат ва марҳаматда  
Ёруғ қуёш каби бўл.  
Ўзгалар айбини ёп,  
Қоронғу тун сингари.  
Жаҳлу газабинг келса,  
Бўлгин ўлик сингари.  
Камтар, камсуқумликда  
Майин тупроқ каби бўл.  
Меҳр ва муҳаббатда  
Чексиз денгиз каби бўл.  
Аслинг сингари кўрин,  
Ё кўринганинг каби бўл.*

Таъкидлаш жоизки, Жалолиддин Румий даҳосига ёзувчи васфларининг ўзиёқ буюк мутафаккир меросига ўқувчини жиддий қизиқтириб юборади. Мавлоно меросидан баҳраманд бўлиш иштиёқини кучайтиради. Румийнинг қуйидаги байтларидаги рангин маънолар идроки унга янада завқ бағишлайди:

*Яна кел, кел...  
Ким бўлсанг – ўша бўл.  
Хоҳ кофир, хоҳ маъжусий,*

Хоҳи бутпараст.  
 Майли, юз карра тавба қилган бўл,  
 Майли, юз карра бузган бўл тавбани.  
 Умидсизлик даргоҳи эмас бу даргоҳ,  
 Қандай бўлсанг – шундайича келавер.

“Илмимни зиёда қил, Парвардигорим” мақоласи жамиятдаги мудҳиш муаммолардан бирига – инсоннинг ўз жонига қасд қилиши фожиаси талқинига қаратилган. Аллоҳ инсонни ўз-ўзини ўлдиришдангина эмас, ўзига тан жароҳати етказишдан, қўлни кесиш, юзни тимдалаш, ўзини атай турли балоларга гирифтор қилишлардан ҳам қайтаради. Ҳаёт машаққатларида сабрсизлик қилиш, тушкунликка тушиш, ўз жонига жабрни кўзлаш исломий эътиқод бўйича Аллоҳга ширк келтириш, оғир гуноҳ ҳисобланади. Бундай ҳоллар диний илмлардан ғофиллик, уларга амалсизлик натижалари ҳамдир. Ёзувчи ўз ўқувчиларини Қуръони Каримнинг мавзуга алоқадор кўплаб оятлари тафаккурига бошлайди. Умидворликка, илоҳий ваъдалар берилган оятларнинг тафсирига эътибор қаратади. Бўлиб ўтган, матбуотда ёритилган фожиалар илдизларини таҳлил этар экан, эътиқодий кўрсатмаларни далил сифатида келтиради. “Албатта, – дейилади мақолада, – ҳаёт қийинчиликларга, хафагарчиликларга, машаққатларга тўла. Аммо уларнинг ҳаммасини йиғиб, хирмон қилиб уйсангиз, уйган хирмонингиз қабр дўнгалагича бўлса, бу дунёнинг яхши ва гўзал жиҳатларини тўпласангиз, баландлиги Ҳимолай тоғидан баландроқ ва салобатлироқ бўлиб кетади. Чунки “Аллоҳ ўз бандаларига Мехрибондир!” (Шўро сураси, 19-оят).

“Кўз қароғимдасан, Ватан”, “Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга салодур...” мақолалари куюнчаклик билан ёзил-

ган. “Қаранг, юз йиллар олдинги муаммо бугун ҳам шундайлигича турибди”, дейди муаллиф.

Китобхонликнинг пасайиб кетиши, дабдабали, хилма-хил ирим-чиримли, катта сарф-харажат талаб қиладиган тўйларга ружу қўйиш мазкур мақолаларда ўринли танқид остига олинади. Ҳақиқатан, ўтган аср бошларида бу иллатларга қарши барча жаҳид алломаларимиз бонг уришган. Чўлпон, Қодирий, Бехбудий, Авлоний ижодларида тўйчилик, азачиликдаги ҳамма нотўғри, ботил урф-одатлар қораланади. Халқимизнинг бу бобдаги аҳволини улар касаллик деб баҳолайди. Маҳмудхўжа Бехбудий “Бизни кемиргувчи иллатлар” мақоласида бу касалликни вабо, тиф, силдан ҳам ёмон, халқнинг оёғидаги тушов деб талқин қилади. Тўй ва азамизни тузатмасак, уларни Аллоҳ қандай буюрган бўлса, шундай қилмасак, гуноҳлигини, уларни тузатмай, равнақ топиш – кўқариш йўқлигини айтади. Мақоласида Муҳаммад Исмоил Чўлпондан шу ҳақдаги шеърини парчани келтириб, юз йилларки ўзгаришсиз қолаётганимизни тўғри таъкидламоқда. Муаллиф лоқайдлик, боқибегамлик, дабдабозлик, билимга беписандлик сингари авж олаётган жаҳолат кўринишларига ҳаётини мисоллар келтириб, бошқа мамлакатлар тараққиётига мавжуд аҳволни солиштириб фикр юритади. Қанчалик аччиқ бўлмасин, барча ҳақиқатни айтади ва яхшиликка даъват қилади:

“...Мана шу нафс балоси туфайли биз даҳоларимиз билан ғурурланмаймиз, миллатимизнинг байроқлари билан ғурурланмаймиз, биз овқатларимиз билан, базмларимиз билан, тўйларимиз билан ғурурланамиз. Овқатларимизни кўз-кўз қилишни истаймиз. Чунки бизга илмимиз ҳукмрон эмас, нафсимиз ҳукмрон. Бизга одобимиз, тарбиямиз, иймонимиз ҳукмрон эмас, нафсимиз ҳукмрон. Нафсимиз қаёққа етакласа, ўша ёққа кетамиз...”

“...Энди бу оят мен учун илоҳий ҳалоскор сўздир. Бу оят бугунги кунда нафақат менинг, балки, минглаб кишиларнинг руҳий иқрорига айланиб бормоқда...” “Ҳаёт мазмуни”да ёзувчи васф этаётган ояти Карима ушбудир: “Сенгагина ибодат қиламиз ва сендангина мадад сўраймиз”.

Инсоният ўз таназулини, унинг хавфини ёки у томон кетаётганлигини ўз вақтида пайқашга улгирмоғи керак. Ҳар не гуноҳ ишларга шўнғиб, қачонки, ўлим вақти келганда, тавба қилишлик Яратган ҳузурида қабул бўлмай қолади. Булар ва динсиз ҳолда ўлиб кетадиганларга аламли азоблар тайёрлаб қўйилган. Шу мазмундаги барча қуръоний қалималар инсонни доимо хушёр яшашга чақиради.

Ёзувчи Аллоҳ насиҳатлари – илоҳий насиҳатларни бирма-бир тааммул қилиб, мулоҳазаларини ўз ўқувчиларига тақдим этган. Чунки у ҳаммага, башариятга яхшилик бўлишлигининг тарафдоридир. Яхшилик – Аллоҳ нимани буюрган ва нималарга қизиқтирган бўлса, шуларгина яхшилик. Ёмонлик – Аллоҳ нималардан қайтарган бўлса ва улардан келадиган ҳалокатлар билан қўрқитган бўлса, шулар ёмонлик. Ёзувчи бу борадаги ҳолларимизни таҳлил этиш йўлидан боради. Масалан, шундай ёзади:

“...Иймон келтира туриб, шу иймонга амал қилиш осонми? Ҳатто жуда қашшоқ яшаб туриб ҳам, ҳатто қиёмат азобидан қўрқиб туриб ҳам, яшаб турган дунёимизнинг алдовларига, саробларига учмаслик мумкинми? Мумкин. Бироқ бунинг учун Аллоҳ таоло томонидан ваъда қилинган ва бу дунёнинг жаъми лаззатларидан лаззатлироқ, роҳатбахшроқ жаннатнинг борлигига шубҳа қилмаслик керак бўлади. Ва жаъми куч-қудратни аввало Аллоҳнинг розилигига, сўнгра Унинг жаннатига эришиш учун йўналтирмак керак бўлади...”

Муаллиф қарашлари Сизни сергаклантиради. Истангиз-истамангиз, моҳиятларни тафаккур қилдиради. Негаки,

маънолар, ҳикматлар уники эмас, умуминсониятники. Улар инсоният ўз тажрибаси билан орттирган билимлар эмас, балки илоҳдан туширилган кўрсатмалар, ҳукмлар, амрлардир. Ёзувчи яхшилик таратиш илинжида уларни сизу биз билан ўртоқлашмоқда, холос. Унингча, иймоний одоб, амалларда собитлик “катта заковатни ва иродани талаб қилади” – тўғри. Унингча, “Аллоҳнинг номи зикр этилиб қилинмаган нарса залолатдир” – тўғри. Ислому ҳамма замон ва маконга салоҳиятли қилинган. У – ҳаётий, амалий дин. У фақат тўғри йўлга бошлаган, бошлайди, адаштирмайди, муҳофаза қилади, икки дунё саодатига мушарраф қилади. Буюк йўл дастуриламалидаги қатор илоҳий насихатларни ёзувчи далиллари ила таъсирчан талқин этади.

Китобдаги “Зиёрат” бадиаси завқу шавқ билан ўқилади. Унда ёзувчининг Ташкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсунов, Ислому университети ўқитувчиси Зойидхон қори, Мирҳосил акалар билан ҳаж сафаридан қайтган Алоуддин Мансурни кўришга борганлари ҳикоя қилинади. Улар дастлаб Марғилонга боришиб, Алоуддин домланинг устозлари Ҳакимжон қори хузурида бўлишади. У зотнинг дурдона суҳбатлари, дуоларидан баҳраманд бўлиб, ҳаётий сабот, матонатлари, тақводаги мақомларига эҳтиром кўрсатадилар. Мароқли суҳбатлар Алоуддин Мансур домланинг уйларида узоқ давом этади. “Инсон учун дунёга нега келиб, нега кетаётганини билмасликдан ортиқроқ фожеа борми!?” дейди адиб. Ўқувчисининг ҳам ҳамиша ҳикматлар оламида яшашини, улуғ, донишманд илму аҳли давраларида бўлишини, уларнинг гўзал ҳаёт, дунёқараш тарзларидан ибратланиб фаолият олиб боришини истайди. Қўйидаги сўзлар исломга, устозлар, олимлар – йўлчи юлдузларга эҳтиром изҳоридир:

“Сиз туфайли ҳаётим, умрим, орзу ва умидларим мазмун топди. Бугун ислому йўлидан ўзга ёруғроқ йўл йўқ экан-

лигини тобора чуқурроқ англаб етмоқдаман. Тобора кўпроқ иқрор бўлмоқдаман! Бу йўл мен учун тобора сеvimли, тобора қудратли, тобора жозибали бўлиб бормоқда! Илоё, бу йўлдан бизни ҳеч ким адаштирмасин!”

“Ақл эгалари учун мўъжизалар бор” сиз билган кўплаб машҳур кишиларни – илм, санъат, адабиёт, маърифат аҳлини сиз билмаган ажиб фикрлари, лутфлари, фазилатлари билан қизиқарли таништиради. Ундаги ўндан ортиқ битиклар ҳам бевосита ҳаётий ҳикоялардир. Барчаси ўқувчида жонли таассурот қолдиради. Шунингдек, сўз масъулияти, адабий ижоднинг сир-саноати, етук адибларнинг ижод тажрибаларига доир лавҳалар ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Шоир Муҳаммад Исмоилни моҳир публицист, журналист, носир сифатида ҳам ҳис этасиз. Халқона, равон, ташбеҳлари янгича, ўз кечинма ва ожизона ўзгаришлари тадрижини ҳам китобхонидан яширин сақламайдиган бу услуб сизга манзур бўлади. Китобнинг “Нимани хор қилсанг...” битигида шундай сатрлар бор:

“...Шеър ёзиш, ҳикоя ёзиш, роман ёзишнинг ҳам энг биринчи шарти, энг биринчи талаби – ҳар бир сўзни ҳурмат қилишдир. Сўзни ҳурмат қиламан дея қасам ичмаган ёзувчи сўз салтанатининг буюк қитъасига қадам ташламагани маъқул. Чунки ҳар бир шаҳарнинг, ҳар бир инсоннинг, ҳар бир миноранинг, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир тоғу боғ-роғларнинг тарихи бўлгани каби ҳар бир сўзнинг ўз тарихи бор. Уни увол қилишдан асрайлик...”



## ВОСПОМИНАНИЕ, ПОХОЖЕЕ НА БЕЛЫЙ ЦВЕТОК

Рассказы, повести, эссе.

Перевод Зулфиры Хасановой.

Ташкент, Издательство ООО “Qatar media”, 2022

Тираж: 1000

Адибнинг рус тилида нашр этилган ушбу китобини Зулфира Ҳасанова таржима қилган. Нашрий сўз Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева қаламига мансуб. Китобда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг “Шоирнинг насри” (“Проза поэта”) номли сўзбошиси бор. Шукур Холмирзаев “Изғиринли кунларнинг бири” деган “ихчамгина асари мени қойил қолдирди”, “Ажойиб яхши ҳикоя, яъни, соф – тўлақонли ҳикоя дейиш мумкин,” деб ёзади.

Сўзбошида Муҳаммад Исмоил асарлари, серқирра ижоди ва мазкур китоби тўғрисидаги яна қуйидаги фикрлар билдирилган:

“Аммо бошқа жанрлардаги асарларида, чунончи, са-ёҳатномаларида Муҳаммад Исмоил наинки қаламга олган объектини яхши ўргангани, наинки кузатишларидан теран ва ҳаётий хулосалар чиқаргани баралла кўриниб туради, балки бу йўриқда ажиб бир насрнавис бўлиб, тўғрироғи, ёзувчи даражасидаги журналист бўлиб кўзга ташланади”.

“Энди, сўнги гапим: юқорида айтганларимдан қатъи назар, ушбу тўплам – ўқимишли, “ақлли”, эҳтиросли ва самимий – содда китоб бўлибдики, бу билан Шоир – адиб инимизни қутлаб, қўлини қисаман”.

Тўпламга ёзувчининг ўзбек китобхонларига аввалдан таниш 23 та асари киритилган. Жумладан, “Сиз ҳамон ўшасиз...”, “Бошимдаги тожим онам”, “Зарнигор”, “Қизил атиргул”, “Муҳаббат дарси”, “Шеърят Гамлети”, “Осмонингдан узилма, эй дил”, “Сиз мени севасизми?”, “Марра” ва бошқалар.

Тўплам охирида шоир Баҳром Рўзимухаммаднинг “Шеър – шоирнинг ҳужжати” (“Стихи – документ поэта” мақоласи илова этилган). Унда шундай сўзлар бор:

“...Муҳаммаднинг шеърларини ўқиб, ижодини мунтазам кузатиб келаман. Унинг шиддатини, шахдини, ижодидаги ўсишни кўриб, миллий шеърятимизда ҳаққўй Муҳаммадлар сони биттага кўпайганига тобора ишонмоқдаман. Бу ажиб саодатдир. Ўша қутлуғ исмни шоир ўтли сўзлари билан, ёрқин истеъдод билан оқламоқда...”



## ЛАБЛАРИНГ ИСМИМНИ АЙТСИН

Хикоялар, шеърлар.

Тошкент. “Ijod Nashr” нашриёти, 2022 йил

10000 нусха

Китобнинг биринчи боби – “Инсон буюк мўъжиза!” (насрий асарлар), иккинчи боби – “Нигоҳингни узмагин мендан!” (шеърий асарлар).

Диққатга сазовор ҳаётини воқеа ёки қайсидир сиймолар ҳаётидан лавҳалар таассуротларини алоҳида-алоҳида хикоялаш орқали мазмуни кенгроқ, мавзуси каттароқ асарларга кириб борилади. Жумладан, Мустафо мерганнинг оилавий ҳаёти қандай кечди? Эллик беш ёшдалигида хотини ўлди. Ўттиз ёшдан ошиб, қирққа етмаган бир бевага уйланди. Кап-катта болалари “хай-хай”лади, қарши бўлишди. Ота ҳаёти эса жонланди. Катта қизи отаси йўқлигида келиб,

роса жанжал кўтарди. Бу ҳол кўп такрорланади. “Қизим, мен бахтли эканимдан сен хурсанд эмасмисан?” Қизи бошқа кун укалари билан келиб, ўғай онани то қорнидаги боласи тушгунча тепкилашди. Аёл бир йилга яқин яшайди. Мустафо мерган ҳам узоқ яшамайди. Орадан йиллар ўтади. Катта қизи ўн беш йил фалаж бўлиб ётади. Икки уканинг хотинлари дунёдан ўтиб, ўн беш йил уларга ҳеч ким қиз бермайди (“Ота”). Кўп мулоҳаза ва хулосалар китобхоннинг ўзига қолдирилади: Улар – жоҳил фарзандлар эди, ислом эътиқоди, одобларидан гофиллар эди. Ота ёки она қадрини ундайлар билишмайди. Ота-она розилигида қандай илоҳий ҳикматлар тажассуми борлигини ҳис қилишмайди. Илм-сизлик ва амалсизликлар шундай ҳалокатли кўргуликларга олиб келади.

Тунда уйга ўғри тушади. Аёл “дод” солиб бақиради, эр ўғрини қувлайди. Қоронгуда чуқурга йиқилиб, оёғи синади. Қишлоқ синчиси даволайди. Сўнг туман шифохонаси. Гангрена бошланади. Вилоят марказида оёғини кесиб ташлашади. Эрининг шифоси йўлида аёли ҳеч нарсадан чекинмайди. Қанча молини, машинани сотади. Ойлаб оч-наҳор қолиб кетаётган болалари ҳам отамиз тузалса, бўлди, деган фикрда. Ҳовлиларини ҳам сотишмоқчи. Хаста ота йўл қўймайди. Отанинг оиласига шунча ташвиш келтирганидан хўрлиги чидаб бўлмас даражада. Аёлидан рози-ризолик сўрайди. “Тунда онанинг фарёди бутун шифохонани оёққа турғизди” (“Ўзбекнинг аёли”). Ҳикоя, истанг-истаманг, мушоҳада эшикларини очади. Хулосалар азиз китобхонлардан.

Ховоснинг юқори қисмида Чаканд деган қишлоқ бор. “Одамлари ўқимишлилиги билан машхур”. Ва яна ҳақгўйликлари, устозлар, муаллимлар қадрини ниҳоятда баланд тутишлари билан машхур. Фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялашади. Иккинчи жаҳон уриши йиллари. Одамлар-

дан отларини давлат ҳисобига олиш воқеалари. Ёш ўқитувчи бу буйруқни ҳазм қилолмайди. Комиссар ва солдатлар уни дўппослаб, қўл-оёғига кишан солиб, дарахтга боғлаб ташлашади. Ўқитувчининг шундаги гапи шов-шув бўлиб кетган. Айтишларича, уни Сибирга сургун қилишган, гап Сталиннинг қулоғигача етган. Ва яна айтишларича, Сталин ғазаб билан Чакандга бомбардимон қилиш учун ҳарбий самолётлар жўнатган, лекин самолётлар бу кишлокни тополмай қайтиб кетишган. Жасоратли ёш муаллимнинг гапи нима эди?

– “Агар ўқитувчини шундай хор қиладиган бўлса, партиясининг ҳам падарига лаънат, давлатининг ҳам падарига лаънат, Сталиннинг ҳам падарига лаънат!” (“Ўқитувчи”).

Муҳаммад Исмоил Чакандни, воқеани тўқимади. Бу гаплар олдиндан ўзбек диёрида анча кенг тарқалган тарихий гаплар эди. Китобхон тарихимизнинг ўша давр саҳифаларини ҳам, ўқитувчи нуфузи жамиятда қандай бўлса, мақсадга мувофиқлигини ҳам, шунда нечоғлик тараққий топтоғимиз мумкинлигини ҳам тафаккур этмоғи жоиз.

“Менинг жоним кўшиқларимда” (Бобомурод Ҳамдамов), “Йўқолган кўйлак” (адиб Шукрулло), “Қани, замон кўтарса...” (Ортиқ Отажонов), “Ўзбекнинг чироғи” (адиб Шукрулло), “Далда” (кашфиётчи-миллиардер Стив Жобс), “Инсон Худонинг мўъжизаси” (Шайх Абдулазиз Мансур), “Уйланиш” (режиссёр Шухрат Аббосов), “Одамми ё Марсдан келганми?” (шаҳрихонлик Эшон бобо – Раҳматхўжа Алихўжаев), “Суякка қадалган ханжар” (ёзувчи Собир Ўнар), “Ўзбекнинг ўри” (машҳур тадбиркор Аҳмадjon Одилов) ва бошқа мўъжаз ҳикоялар ҳам китобхонда олам-олам таассурот уйғотади.

Китобнинг иккинчи боби шоирнинг қирқдан ортиқ шеърини ўз ичига олган. Мавзулари ранг-баранг: она тили-

нинг, ёшлик ва умрнинг, Ватан ва миллатнинг шаъни, қадри... Севги туйғуларининг тараннуми, Яратганга илтижолар, бошқаларга тилак-истаклар, бир қанча ҳазил шеърлар.

“Лабларинг исмимни айтсин”, “Нигоҳингни узмагин мендан”, “Сен худди оловсан”, “Сен фақат меникисан”, “Сен ҳам мени севасанми?!”, “Менинг учун Оишабегим бўласанми?”, “Мени кечир” бадиаларининг барчасини яхлитликда бир муҳаббат соҳиби – ошиқнинг умр моҳияти, қувончлари, изтироб, армонлари ҳақидаги насрий монологи бўлган туркум дейиш мумкин. Унинг хотимасида шундай мушоҳадалар бор:

“Аммо яна шуни англадикки, бу дунёда бир умрлик абадий муҳаббатга лойиқ зот фақатгина Аллоҳ экан. Уни қанча севсанг, унинг сенга бўлган муҳаббати шунча ортар экан. Уни қанча азоб билан севсанг, шунча роҳат топар экансан. Унга қанча интилсанг, шунча бахт топар экансан. Умрингнинг охиригача севсанг, у сени нариги дунёда шунча муҳаббат билан кутиб олар экан. Уни севсанг, у сени ҳаммага севимли қилиб қўяр экан. Аммо, афсуски, биз буни ҳам жуда кеч анладик. Энди сенинг якка ва абадий севгинг ягона Аллоҳ бўлишини истайман!..”

# МУНДАРИЖА

